

Impact Factor: 5.479

ISSN 2181-9505

Doi Journal 10.26739/2181-9505

Philosophy and Life

FALSAFA VA HAYOT • ФИЛОСОФИЯ И ЖИЗНЬ

Special
Issue 2

2020



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
HUZURIDAGI IMOM BUXORIY XALQARO
ILMIY-TADQIQOT MARKAZI
O'ZBEKISTON FALSAFA JAMIYATI

Международный научно-исследовательский центр Имам Бухари
при Кабинете Министров Республики Узбекистан
Философское общество Узбекистана

Imam Bukhari International Research Center under the Cabinet
of Ministers of the Republic of Uzbekistan
Philosophical Society of Uzbekistan

FALSAFA VA HAYOT XALQARO JURNAL

ФИЛОСОФИЯ И ЖИЗНЬ
МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ

PHILOSOPHY AND LIFE
INTERNATIONAL JOURNAL

Jurnal bir yilda 4
marta nashr qilinadi.



Журнал выходит
4 раза в год.



The journal is published
4 times in a year.



ISSN: 2181-9505
DOI: 10.26739/2181-9505



N^o 2
2020

FALSAFA VA HAYOT XALQARO JURNAL

№SI-2 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9505-2020-SI-2>

Tahrir kengashi:

Abdildina, R.J. — Qozog'iston FA akademigi, f.f.d., professor

Askarov, T.A. — Qirg'iziston FA akademigi, f.f.d., professor

Bazarbayev, J. — O'zbekiston FA akademigi, f.f.d., professor

Bashimov, V.V. — Turkmaniston milliy ta'lim instituti direktori

Werner Bush — dunyo professorlari uyushmasi exs prezidenti DSc, professor (Germaniya)

Mamedzade, I.R. — Azarbayjon FA Falsafa va sotsiologiya instituti direktori, f.f.d., professor

Morevedge, P. — AQSH dunyo olimlari departamenti raisi, DSc, professor

Nisanbayev, A.N. — Qozog'iston FA akademigi, f.f.d., professor

Skarantino, L.M. — Jahon falsafa jamiyatlari federatsiyasi prezidenti, DSc, professor, (Italiya)

Smirnov, A.V. — Rossiya FA akademigi, Rossiya FA "Falsafa" instituti direktori, Rossiya Falsafa Jamiyati prezidenti, f.f.d., professor (Rossiya)

Tursunov, A. — Tojikiston FA akademigi, f.f.d., professor (Tojikiston)

Tsuy Veyxan — Xitoy ijtimoiy fanlar Akademiyasi vitse-prezidenti, DSc, professor, (Xitoy)

Chumakov, A.N. — Rossiya FA Falsafa instituti professori, f.f.d., (Rossiya)

Muassislar:

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Imom al Buxoriy xalqaro ilmiy — tadqiqot markazi

O'zbekiston falsafa jamiyati

OOO tadqiqot.uz

Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy attestatsiyasi komissiyasi rayosatining qarori bilan maxsus jurnallar ro'yxatiga kiritildi. 2018-yil 29-dekabrda 260/7 sonli bayonnoma

Ro'yxatga olinganligi haqidagi 1175 sonli guvohnoma O'zbekiston matbuot va axborot agentligi tomonidan 20.02.2018 yilda berilgan.

Bosh muharrir:

Shermuhamedova, N.A., — f.f.d., professor (O'zbekiston)

Bosh muharrir o'rinbosari:

Muhamedova, Z.M., — f.f.d., professor (O'zbekiston)

Mas'ul muharrir:

Safayeva, S.X., — f.f.n., dotsent (O'zbekiston)

Tahrir hay'ati:

Allahyarova, T. — f.f.d., professor (Azarbayjon)

Andirjanova, G.A., — s.f.d., professor (Qozog'iston)

Abasov, A. S. — f.f.d., professor (Azarbayjon)

Ahamer, G. — PhD, professor (Avstriya)

B.K. Santosh Kukreja, — DSc, professor (Hindiston)

Bodio Todeush, — s.f.d., professor (Polsha)

Bilalov, M. I., — f.f.d., professor (Rossiya)

Berna, A., — PhD. professor (Turkiya)

Vefa Tashdelen, — f.f.d., professor (Turkiya)

Gabitov, T. X. — f.f.d., professor (Qozog'iston)

Guseynov, S. — f.f.d., professor (Azarbayjon)

Gezalov, A.A., — f.f.n., professor (Rossiya)

Ivatova, L.M., — s.f.d., professor (Qozog'iston)

Kurmangaliyeva, G.K., — f.f.d., professor (Qozog'iston)

Lazarevich, A.A., — f.f.n., professor (Belorussiya)

Muzaffarov, M. — f.f.d., professor (Tojikiston)

Morevedge, R. — DSc, professor (AQSH)

Naushanbayeva, A., Hakimogli, — PhD filos., professor (Turkiya)

Olatunji Felix. O. — DSc., professor (Nigeriya)

Paxruddinov, Sh. I., — s.f.d., professor (O'zbekiston)

Sadikova, N.N., — f.f.d., professor (Tojikiston)

Saifnazarov, I.S., — f.f.d., professor (O'zbekiston)

Sergeyev, M.Y., — PhD, professor (AQSH)

Telebayev, G.T., — f.f.d. professor (Qozog'iston)

To'rayev, B. O., — f.f.d., professor (O'zbekiston)

Urmanbetova, J.K., — f.f.d., professor (Qirg'iziston)

Chjan Baychun, — f.f.d., professor (Xitoy)

Shadmonov, Q.B., — f.f.d., professor (O'zbekiston)

Fishier, A. — f.f.d., professor (Fransiya)

Yaxshilikov, J. — f.f.d., professor (O'zbekiston)

Yaskevich, Y.S., — f.f.d., professor (Belorusiya)

Ilmiy kotib:

Mahkamov, U. (O'zbekiston)

Musahhihlar:

Xidirov, M.T., (O'zbekiston)

Hamdamova, S. (O'zbekiston)

Madiyorova, V. (O'zbekiston)

Saurov, R.R., (O'zbekiston)

ФИЛОСОФИЯ И ЖИЗНЬ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ

№2 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9505-2020-SI-2>

Редакционный совет:

Абдильдина, Р. Ж. - академик НАН Казахстана, д.ф.н., профессор

Аскарров, Т. А. - академик АН

Киргизистана, д.ф.н., профессор

Базарбаев, Ж. - академик АН Узбекистана, д.ф.н., профессор

Башимов, В. В. - директор национального института образования Туркменистана

Вернер Буш. - экз президент всемирной ассоциации профессоров, доктор философских наук, профессор, (Германия)

Мамедзаде, И. Р. - д.ф.н., профессор, директор института “Философии и социологии” АН Азербайджана

Мореведж, П. - DSc. профессор, руководитель GSP США

Нысанбаев, А.Н. - академик АН Казахстана, д.ф.н., профессор

Скарантино, Л. М. - президент всемирной федерации философских обществ д.ф.н., профессор (Италия)

Смирнов, А. В. - академик АН России, директор института Философии АН России, президент РФО, д.ф.н., профессор (Россия)

Турсунов, А. - академик АН Таджикистана, д.ф.н., профессор

Цуй Вэйхан - Вице-президент Института философии КАОН, д.ф.н., профессор (Китай)

Чумаков, А. Н. - проф. РАН, д.ф.н., (Россия)

Учредители:

Международный научно-исследовательский Центр Имама аль Бухари при Кабинете Министров Республики Узбекистан
Философское общество Узбекистана,
ООО tadqiqot.uz

Решением Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан введен в список специальных журналов. 2018 год 29 декабрь протокол №260/7

Регистрационное свидетельство №1175 выдано 27.02.2018 агенством по печати и информации Узбекистана

Главный редактор:

Шермухамедова, Н. А. - д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Заместитель редактора:

Мухамедова, З. М. - д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Ответственный редактор:

Сафаева, С. Х. - к.ф.н., доцент (Узбекистан)

Редакционная коллегия:

Аллахярова, Т. - д.ф.н., профессор (Азербайджан)

Андиржанова, Г. А. - д.п.н., профессор (Казахстан)

Абасов, А. - д.ф.н., профессор (Азербайджан)

Ахаммер, Г. - PhD, профессор (Австрия)

В.К.Сантош Кукреджа. - PhD, профессор (Индия)

Бодио Тодеш. - д.п.н., профессор (Польша)

Билалов, М. И. - д.ф.н., профессор (Россия)

Берна, А. - PhD- профессор (Турция)

Вефа Ташделен - д.ф.н., профессор (Турция)

Габитов, Т. Х. - д.ф.н., профессор (Казахстан)

Гусейнов, С. -д.ф.н., профессор (Азербайджан)

Гезалов, А.А. - к.ф.н., профессор (Россия)

Иватова, Л. М. - д.п.н., профессор, (Казахстан)

Курмангалиева, Г. К. - д.ф.н., профессор (Казахстан)

Лазаревич, А А - к.ф.н., профессор (Беларусия)

Музаффаров, М. - д.ф.н., профессор (Таджикистан)

Мореведж, Р. — DSc, профессор (США)

Наушабаева, А., Хекимоглы - PhD, профессор (Туркия)

Олатунжи Феликс О. — DSc, профессор (Нигерия)

Пахруddинов, Ш.И. - д.п.н., профессор (Узбекистан)

Садикова, Н. Н. - д.ф.н., профессор (Таджикистан)

Саифназаров, И.С. - д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Сергеев, М. Ю. - PhD, профессор (США)

Телебаев, Г.Т. - д.ф.н., профессор (Казахстан)

Тураев, Б.О. - д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Урманбетова, Ж. К. - д.ф.н., профессор (Киргизистан)

Чжан Байчун - д.ф.н., профессор (Китай)

Шадманов, К.Б. - д.ф.н. профессор (Узбекистан)

Фишлер, А. - д.ф.н., профессор (Франция)

Яхшиликов, Ж. - д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Яскевич, Я.С. - д.ф.н., профессор (Беларуссия)

Ученый секретарь:

Махкамов, У. (Узбекистан)

Корректоры:

Хидиров, М.Т. (Узбекистан)

Хамдамова, С. (Узбекистан)

Мадиярова, В. (Узбекистан)

Сауров, Р.Р. (Узбекистан)

PHILOSOPHY AND LIFE INTERNATIONAL JOURNAL

№2 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9505-2020-SI-2>

Editorial Council:

Abdildina, R.J. - academician AS of Kazakhstan, doctor of philos. sciences, professor

Askarov, T.A. - academician AS of Kyrgyzstan, doctor of philos. sciences, professor;

Bazarbaev, J. - academician AS of Uzbekistan, doctor of philos. sciences, professor

Bashimov B.B. - director of national Institute of education of Turkmenistan

Werner Bush - President of the World Association of Professors, DSc, professor (Germany)

Mamedzade, I.R. - director of Institute "Philosophy and sociology" AS of Azerbaijan doctor of philosophical sciences, professor

Morewedge, P. - Editor-in-Chief; IGDE, DSc, professor USA

Nysanbaev, A.N. - academician AS of Kazakhstan, doctor of philos. sciences, professor

Scarantino, L.M. - President of International Federation of Philosophical societies, professor of philosophy and politics of culture, (Italy)

Smirnov, A.V. - Academician of the Academy of Sciences of Russia, Director of the Institute of Philosophy of the Academy of Sciences of Russia, President RFS, doctor of philos. sciences, professor (Russia)

Tursunov, A. - academician of the ASc of Tajikistan, doctor of philos. sciences, professor

Tsui Weihan - vice-President of the Institute of Philosophy CAAS, doctor of philos. sciences, professor (China)

Chumakov, A.N. - professor RAN doctor of philos. sciences (Russia)

Founders:

Imam al Bukhari International Research Center under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan Philosophical Society of Uzbekistan
OOO tadqiqot.uz

By the decision of the Higher Attestation Commission under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan entered into the list of special journals. 2018 December 29 Protocol №260 / 7

The registration certificate № 1175 was issued on February 27, 2018 by the Uzbek Agency for Press and Information

Editor-in-Chief

Shermukhamedova, N.A. - doctor of philos. sciences, professor (Uzbekistan)

Deputy Editor:

Mukhamedova, Z.M. - doctor of philos. sciences, professor (Uzbekistan)

Managing editor:

Safaeva, S.Kh. - Ph.D. philos., (Uzbekistan)

Editorial team:

Allahyarova, T. - doctor of philos. sciences, professor (Azerbaijan)

Andirjanova, G.A. - doctor of political sciences, professor (Kazakhstan)

Abasob, A. S. - doctor of philos. sciences, professor (Azerbaijan)

Ahamer G. - PhD, professor (Austria)

B.K. Santosh Kukredja - PhD., professor (India)

Bodio Todeus. - doctor of political sciences, professor (Poland)

Bilalov, M.I. - doctor of philos. sciences, professor (Russiya)

Berna, A. - PhD., professor (Turkey)

Vefa Tashdelen. - doctor of philos. sciences, professor (Turkey)

Gabitov, T.H. - doctor of philos. sciences, professor (Kazakhstan)

Guseynov, S. - doctor of philos. sciences, professor (Azerbaijan)

Gezalov, A.A. - PhD. of philos., associate professor (Russia)

Ivatova, L.M. - doctor of political sciences., professor (Kazakhstan)

Kurmangaliyeva, G.K. - doctor of philos., professor (Kazakhstan)

Lazarevich, A. A. - PhD philos., professor (Belarus)

Morewedge, R. - doctor of philology, professor (USA)

Muzaffarov, M. - doctor of philos sciences, professor (Tajikistan)

Naushanbaeva, A., Hakimogli. - PhD. philos., professor (Turkey)

Olatunji, Felix.O. - DSc, professor (Nigeriya)

Pakhrudinov, Sh.I. - doctor of political sciences, professor (Uzbekistan)

Sadikova, N.N. - doctor of philos. sciences, professor (Tajikistan)

Saifnazarov, I.S. - doctor of philos. sciences, professor (Uzbekistan)

Sergeev, M.Yu. — PhD, philos., professor (USA)

Telebaev, G.T. - doctor of philos. sciences, professor (Kazakhstan)

Turaev, B.O. - doctor of philos. sciences, professor (Uzbekistan)

Urmanbetova, J.K. - doctor of philos. sciences, professor (Kyrgyzstan)

Zhang Baichun - doctor of philos. sciences, professor (China)

Shadmanov, Q. - doctor of philos. sciences, professor (Uzbekistan)

Fischler, A. - doctor of philos. sciences, professor (France)

Yaxshlikov, J. - doctor of philos. sciences, professor (Uzbekistan)

Yaskevich, Ya.S. - doctor of philos. sciences, professor (Belarus)

Scientific Secretary:

Mahkhamov, U. (Uzbekistan)

Correctors:

Khidirov, M.T. (Uzbekistan)

Hamdamova, S. (Uzbekistan)

Madiyorova, V. (Uzbekistan)

Saurov, R.R. (Uzbekistan)

1. Алимов Сардор МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНИ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ.....	8
2. Абдивоҳидов Сунатилло ЖАДИДЛАРНИНГ ҲАРАКАТ ДАСТУРИДА МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТ ҒОЯСИ МАСАЛАЛАРИ ВА УНИНГ ФАЛСАФИЙ-ТАРИХИЙ АҲАМИЯТИ.....	19
3. Абдуллаев Сардор ИНСОН МАЪНАВИЙ БОРЛИҒИНИ ЮКСАЛИШИДА ГЎЗАЛЛИКНИНГ ЎРНИ.....	30
4. Абдумажидова Ҳамида ЦИВИЛИЗАЦИЯ, ТАРАҚҚИЁТ, МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ЎЗАРО АЛОҚАДОРЛИГИ.....	39
5. Ахророва Шахло ИНСОН ҚАДРИЯТИДА МИЛЛИЙ ХУСУСИЯТЛАРНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИ.....	47
6. Ahrorova Madina XVII-XVIII ASRLAR XONLIKLAR DAVRI SIYOSIY HAYOTINING O'ZBEK MUMTOZ SHOIRALARI IJODI TALQINIDA.....	58
7. Ғаниев Баходиржон ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДА ТАДБИРКОРЛИК МАДАНИЯТИНИНГ ЎРНИ ВА УНИНГ ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ ТАЛҚИНИ.....	66
8. Джуракулов Хусан ШАХСДА ЭКОМАДАНИЯТ ҲИССИНИ ОШИРИШНИНГ ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ МАСАЛАЛАРИ.....	79
9. Каримов Сойимназар ШАРҚ ТАФАККУРИ ТИЗИМИДА ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ ВА ФАНЛАР КАЛАССИФИКАЦИЯСИ.....	87
10. Межевникова Ольга ТРАНСФОРМАЦИЯ СОЦИАЛЬНЫХ ОТНОШЕНИЙ В РЕЗУЛЬТАТЕ ВИРТУАЛИЗАЦИИ ОБЩЕСТВА.....	100
11. Меликова Мартаба КОНЦЕПЦИЯ БЫТИЯ В ДУХОВНОМ НАСЛЕДИИ АЛИШЕРА НАВОИ.....	111
12. Самадов Ақтамкул ШАХС ЭСТЕТИК ИДЕАЛИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ИДЕАЛ БИЛАН ЎЗАРО ТАЪСИРЛАШУВИ.....	124
13. Саматов Хуршид ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ ҚИЛИШНИНГ ТАСАВВУФИЙ-ФАЛСАФИЙ АСОСЛАРИ (АБУ ХОМИД ҒАЗЗОЛИЙ ТАЪЛИМОТИ АСОСИДА).....	137
14. Туробов Бекпулот АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИДА БОРЛИҚ МУАММОЛАРИ.....	146

15. Усмонов Фаррух ФАН ЭТИКАСИ ВА БИОЭТИКАНИНГ ИЖТИМОИЙ МУАММОЛАРИ.....	154
16. Ҳаққулов Набижон СИДДИҚИЙ-АЖЗИЙНИНГ ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИ.....	162
17. Худайкулов Дилёр ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ МАКОНИДА ЁШЛАР МУТОЛАА МАДАНИЯТИНИНГ ҚАДРИЯТЛИ-МЕТОДОЛОГИК ЎЗГАРИШЛАРИ.....	171
18. Чўлиева Василя БАҲОВУДДИН ВАЛАД ВА ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙНИНГ ФАЛСАФИЙ- АНТРОПОЛОГИК ҚАРАШЛАРИДА ИНСОН МУАММОСИ.....	180
19. Яздонов Улуғбек, Таникулов Жанибек ИЖТИМОИЙ ОНГ ШАКЛЛАРИНИНГ ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ИНТЕГРАЦИОН ХУСУСИЯТИ.....	189
20. Мардонов Равшан ОСОБЕННОСТИ СОВРЕМЕННОЙ ЗАПАДНОЙ ФИЛОСОФИИ ОБРАЗОВАНИЯ.....	200



УДК 101.8+325.1

Алимов Сардор Комил ўгли

Ўзбекистон Миллий университети

Этика ва эстетика кафедраси таянч докторанти

E-mail:sardoralimov2507@mail.ru

(Ўзбекистон, Тошкент)

МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНИ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9505-2020-SI-2-1>

АННОТАЦИЯ

Аҳоли миграцияси – узлуксиз ривожланиб боровчи, инсоният тараққиёти билан доимий ҳамроҳ бўлган жараён. Турли тарихий даврларда турлича аҳамиятга эга бўлган ушбу феномен замонавий дунёнинг ҳам ажралмас бўлагига айланиб улгурди. Аҳоли миграциясининг таъсирини мамлакатларнинг, халқларнинг, ҳатто ҳар бир инсоннинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ахлоқий, ҳуқуқий ҳаётида кузатишимиз мумкин. Миграциянинг глобаллашуви нолегал миграция ҳажмининг, мажбурий миграция улушининг ортиши, мигрантлар таркибининг сифат ўзгариши, иммигрантларнинг нуфузи ошиши, давлатларнинг миграцион сиёсатидаги тафовутлар билан характерланади. Мақолада миграция жараёнининг замонавий тенденциялари, уларнинг ўзига хос жиҳатлари, турли минтақаларда намоён бўлиш хусусиятлари ёритиб берилган. Муаллиф аҳоли миграциясининг глобаллашиб бораётганлигига, унинг нафақат демографик, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ҳаётга таъсири, балки ахлоқий муҳитга ҳам таъсири кучайиб бораётганлигига эътибор қаратган. Аҳоли миграциясининг фалсафий таҳлилини амалга оширишда анализ, синтез, контент анализ, умумийлаштириш каби фалсафий тадқиқот методларидан фойдаланилган.

Калит сўзлар: аҳоли миграцияси, мигрант, иммигрант, нолегал миграция, халқаро миграция, миграцион сиёсат, географик кластер ва этник анклавлар.

Алимов Сардор Комил угли

(Ўзбекистон, Ташкент)

ФИЛОСОФСКИЙ АНАЛИЗ СОВРЕМЕННЫХ ТЕНДЕНЦИЙ МИГРАЦИОННОГО ПРОЦЕССА

АННОТАЦИЯ

Миграция населения – это непрерывно развивающийся процесс, который постоянно сопровождается человеческим развитием. Это явление, имевшее разное значение в разные исторические периоды, также стало неотъемлемой частью современного мира. Влияние миграции населения можно наблюдать в социальной, экономической, политической, моральной, правовой жизни стран, народов и даже каждого человека. Глобализация миграции

характеризуется увеличением объемов нелегальной миграции, доли вынужденной миграции, качественными изменениями в составе мигрантов, повышением престижа иммигрантов, различиями в миграционной политике государств. В статье исследуются современные тенденции миграционного процесса, их особенности, формы проявления в различных регионах. Автор обращает внимание на глобализацию миграции населения, ее влияние не только на демографическую, экономическую, политическую, социальную жизнь, но и на нравственную среду. В статье используются такие философские методы исследования, как анализ, синтез, контент-анализ, обобщение при проведении философского анализа миграции населения.

Ключевые слова: миграция населения, мигрант, иммигрант, нелегальная миграция, международная миграция, миграционная политика, географические кластеры и этнические анклавы.

Alimov Sardor Komil o'g'li
(Uzbekistan, Tashkent)

THE PHILOSOPHICAL ANALYSIS OF MODERN TRENDS OF THE MIGRATION PROCESS

ABSTRACT

Human migration is a continuously evolving process that is constantly accompanied by human development. This phenomenon, which had different meanings in different historical periods, has also become an integral part of the modern world. The impact of population migration can be observed in the social, economic, political, moral, legal life of countries, peoples and even every person. The globalization of migration is characterized by an increase in the volume of illegal migration, the share of forced migration, qualitative changes in the composition of migrants, an increase in the prestige of immigrants, and differences in the migration policies of states. The article examines modern trends of the migration process, their features and forms of manifestation in different regions. The author noted in the article that the migration of the population is globalizing, its impact not only on the demographic, economic, political, social life, but also on the moral environment. In the article it is used such philosophical research methods as analysis, synthesis, content analysis, generalization when conducting a philosophical analysis of human migration.

Key words: human migration, migrant, immigrant, illegal migration, international migration, migration policy, geographical clusters and ethnic enclaves.

КИРИШ

Миграция – инсоният тараққийоти билан чамбарчас боғлиқ бўлган феномен. Унинг мавжудлигига ижтимоий ҳаёт ривожининг асосий шартларидан бири сифатида қаралган, аҳоли кўчиши эволюциянинг энг асосий ресурсларидан бири бўлиб келган. Баъзида эса, аксинча, миграция таназзулнинг асосий омили, ижтимоий муаммоларнинг сабаби сифатида талқин этилади. Миграция жараёни шунчалик мураккаб ички тузилишга эга бўлган ҳодиса ҳисобланадики, уни яхлит ҳолатда фақатгина маълум бир фан ёки фан тармоғи учун ўрганиш объекти сифатида баҳолашнинг имкони йўқ. Ўз тадқиқот предмети, ўз илмий йўналишлари доирасида ушбу универсал феномен география, демография, иқтисодиёт, тарих, этнография, социология, психология, тилшунослик, маданиятшунослик, диншунослик, фалсафа, этика каби фанлар учун тадқиқот мавзуси ҳисобланади. Ушбу катта қўламга эга бўлган феноменга фалсафа фани нуқтаи назаридан қараш, унинг энг умумий қонуниятларини, энг асосий тенденцияларини ўрганиш бугунги кунда фалсафанинг қайси оқим, йўналиш ёки мактаби вакили бўлишидан қатъий назар кўпчилик файласуфларнинг илмий қизиқишлари доирасига кириб бораётганлиги шубҳасиз. Айниқса, глобаллашув таъсирида барча ижтимоий жараёнлар қаторида глобал моҳият касб этиб бораётган, жадаллашаётган аҳоли миграцияси ижтимоий фалсафа, этика, социология, маданиятшунослик фанлари билан машғул бўлган тадқиқотчилар ўрганиши учун кўплаб илмий муаммоларни, мунозара учун мавзуларни ўртага ташламоқда.

Замонавий миграция – глобаллашган дунёнинг ажралмас қисми. Унинг таъсирини барча минтақаларнинг, мамлакатларнинг, жамиятларнинг, ҳатто, оддий инсонларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ахлоқий, ҳуқуқий ҳаётида кузатишимиз мумкин. Турли даврларда аҳоли кўчишига табиий, диний, сиёсий, ҳарбий, экологик, миллий, ижтимоий, иқтисодий омиллар сабаб бўлган, бугунги кундаги аҳоли миграциясининг вужудга келишида эса ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий омиллар етакчилик қилмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда “жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва баъзи минтақаларда юзага келган нотинч вазият аҳоли миграцияси кучайишига сабаб бўлмоқда [Мирзиёев Ш.М. 2017: 45 б.]”.

Умуман олиб қараганда замонавий миграциянинг глобал моҳият касб этиб бориши ижтимоий ҳаётнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ҳаётида кўплаб ўзгаришларга, трансформацион жараёнларга, маданий қуралашувга, баъзида эса ижтимоий-психологик конфликтларга, муаммоларга ҳам сабаб бўлмоқдаки, миграциянинг ушбу жиҳатини фалсафий жиҳатдан ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда ушбу жараёнинг энг умумий тенденцияларини таснифлашни зарурият даражасига олиб чиқмоқда.

Шу ўринда кўплаб саволлар пайдо бўлади: Бугунги кундаги миграцион жараёнларнинг фалсафий манзараси қандай кўринишда намоён бўлмоқда? Замонавий дунёда аҳоли миграциясининг қандай глобал тенденциялари мавжуд? Бугунги миграцион жараёнлар яқин келажакда қандай ўзгаришларга учраши мумкин? Ушбу тадқиқотда айнан шу саволга жавоб беришга ҳаракат қилинган.

МАТЕРИАЛЛАР ВА МЕТОДЛАР

Замонавий миграциянинг ўзига хос тенденцияларини ўрганиш муаммоси ўтган асрнинг охириларидан бошлаб Ғарб тадқиқотчилари, хусусан, социологлар, файласуфлар, иқтисодчиларнинг диққат марказида бўлиб келмоқда. Ушбу тадқиқотларда замонавий миграцияга нисбатан турлича ёндашувлар шаклланганлигини кузатишимиз мумкин. Масалан, Оксфорд университетининг профессори Пол Коллиер (Paul Collier) нинг фикрига кўра, ҳар бир миграцион жараён – бу инсон руҳининг озодлиги учун курашдаги ғалабаси, маънавий баркамолликнинг намунаси. Бошқа томондан қараганда эса, миграция бу жамият муаммоларидан қочишга уриниш, худбинликнинг бир кўриниши ҳисобланади. Баъзида эса замонавий аҳоли миграциясини собиқ колонияларнинг ўз метрополитенларидан қасд олишлари сифатида ҳам ёндашиш мумкин. П.Коллиер миграция жараёнининг, аввало иқтисодий соҳа эканлигини таъкидлайди, лекин унинг ўзи ушбу феноменга сиёсий, ижтимоий тадқиқотлар нуқтаи назари билан ёндашади [Collier P. 2013. p. 318.].

Яна бир машҳур Ғарб тадқиқотчиси профессор Халид Косер (Khalid Koser) замонавий миграция жараёнини тадқиқ этишда унга уч йўналишда, яъни мигрантнинг ўзи, мигрантни жўнатувчи ва мигрантни қабул қилувчи жамиятлар нуқтаи назаридан ёндашиш кераклигига эътибор қаратади, мигрантлар келиб чиққан давлатларнинг тараққиётда ортда қолаётганлини ҳам миграция билан боғлаб тушунтиришга ҳаракат қилади [Khalid K. 2007. p. 153.].

Замонавий миграциянинг вужудга келувчи омилларини тадқиқ этган олимлар ушбу факторларни икки гуруҳга бўлишини кузатишимиз мумкин:

- Қулай иқтисодий, сиёсий, ахлоқий, ижтимоий, табиий шароит ҳамда улар билан боғлиқ бўлган кўчишга ундовчи омиллар;

- Ноқулай иқтисодий, табиий, сиёсий вазият туфайли вужудга келган, инсонлар яшашига ҳалақит қилиб, уларни бу ҳудуддан чиқиб кетишига олиб келувчи омиллар.

Миграциянинг омилларини бу тарзда таснифлашни Ғарб манбалари [Caves R.W. 2005. p. 371] билан бир қаторда рус тадқиқотчиларининг илмий ишларида ҳам кўришимиз мумкин [Kaitmazova K.R., Caberti A.N. 2016. С. 1-4.]. Умуман олиб қараганда, замонавий аҳоли миграциясини тадқиқ этиш муаммоси унга турли соҳаларнинг тадқиқот йўналишлари доирасида ёндашувчи кўплаб муаллифлар томонидан ўрганилган.

Аҳоли миграцияси – кўп тармоқли феномен бўлиб, унинг бугунги кунга қадар иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, социологик, демографик моделлари ҳамда тадқиқот методлари ишлаб чиқилган. Биз ушбу тадқиқотимизда аҳоли миграцияси жараёнини фалсафий нуқтаи назардан тадқиқ этганимиз учун мақолада ижтимоий-гуманитар фанларнинг тадқиқот

методларидан фойдаландик. Хусусан, тадқиқотда кузатиш, контент анализ, маълумотларни таҳлил қилиш, умумлаштириш, абстрактлаштириш каби фалсафий методлардан фойдаланилди. Қолаверса, мавзу доирасидаги илмий тадқиқот ишлари, мақолалар, хорижий манбаларга ҳам мурожаат қилинди.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Миграцион жараёнлар глобаллашиб, умумсайёравий моҳият касб этиб бориши ХХ асрнинг ўрталаридан, Иккинчи жаҳон урушидан кейин кучайган. Урушлар ёки фалокатларнинг оқибатларини бартараф этиш эҳтиёжи одатда жамиятнинг кейинги кескин тараққиёти учун мотиватор вазифасини ҳам бажаради. Иккинчи жаҳон уруши туфайли жаҳон сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий ҳаётида юзага келган ҳалокатли ҳолатдан тезроқ чиқиб кетиш учун турли факторлар қаторида фаол ишчи кучи миграциясига глобал эҳтиёж пайдо бўлди. Глобал миграцион жараёнларни тартибга солиш, мигрантларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш каби муаммолар ушбу соҳа глобал бошқарув ташкилотини тузишни талаб қилди. Натижада, 1951 йилда Иккинчи жаҳон урушидан кейин Европада вужудга келган кўплаб миграцион йўналишларни тартибга солиш учун Европадаги миграция бўйича ҳукуматлараро қўмита ташкил этилди. Кейинчалик ушбу ташкилот Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг таркибидаги барча томонлар манфаатлари инobatга олинган ҳолда миграцияни бошқариш, мигрантларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, одам савдосига қарши кураш вазифалари билан шуғулланувчи Халқаро миграция ташкилотига айлантирилди [Bradley M. 2017. p. 97] ҳамда миграция соҳасидаги 170 дан ортиқ давлатни бирлаштирган глобал бошқарув органи айланди.

Айнан Халқаро миграция ташкилоти (ХМТ) нинг берган маълумотга кўра, 1970 йилдан 2019 йилгача мигрантлар сони сайёра аҳолисининг 2,3 фоизидан 3,5 фоизгача ошиб, 84 млн.дан 272 млн. кишига етган. Барча мигрантларнинг 52 фоизини эркеклар, 48 фоизини эса аёллар ташкил этмоқда. Иммигрантларнинг 74 фоизини меҳнат яроқли аҳоли ташкил этади (яъни 20 ёшдан 64 ёшгача). Бу эса аҳоли миграциянинг тобора ишчи кучи миграцияси тушунчаси билан айнанлашиб бораётганлидан, иммигрантларнинг асосан иқтисодий мотивлар туфайли кўчишга қарор қилаётганлигидан далолат беради. Буни халқаро пул ўтказмаларининг миқдори ошаётганлигидан ҳам билиб олишимиз мумкин. 2018 йилда халқаро пул ўтказмаларинининг миқдори 689 миллион АҚШ долларига етди [“World Migration Report 2020” International Organization for Migration. p. 21-22]. Бу рақамлар ва маълумотлар аҳоли миграциясининг янада глобаллашиб бораётганлигидан далолат бериб турибди. 1990 йилда Ер юзидаги ҳар 35 кишидан биттаси муҳожир бўлган бўлса, бугун бу кўрсаткич 29 нафарга бир мигрантга тўғри келмоқда. Агарда бутун дунёдаги мигрантларни бир ҳудудга йиғиб, ягона давлатга бирлаштириш имконияти бўлганида эди, ушбу давлат 2019 йил якунига кўра аҳоли сони бўйича дунёда Хитой, Ҳиндистон, АҚШ, Индонезиядан кейин тўртинчи ўринни эгаллаган бўларди [Allahyarova T. 2018. 13 б.]. Ҳаттоки мигрантлар ҳаёлий давлати аҳолисининг сони бўйича тез орада Индонезиядан ўтиб кетишини ҳам тахмин қилиш мумкин бўлар эди. Кўламнинг кескин ортиб бориши эса миграциянинг замонавий тенденциялари шаклланиши олиб келмоқда.

Глобаллашган дунёда аҳоли миграцияси қуйидаги замонавий тенденцияларни ўзида акс эттирмоқда:

- Нолегал миграция оқимининг ортиб бориши. Юқорида замонавий миграциянинг кўламини акс этириш учун келтириб ўтилган рақамлар фақатгина расмий қайд этилган, қонуний тартибда бошқа мамлакатга кўчиб борган муҳожирларнинг сонидан келиб чиқарилган. Лекин замонавий миграциянинг фақатгина қонуний эмас, балки ноқонуний кўриниши ҳам бугунги кунда ортиб бораётганлигини қайд этиш лозим. Ноқонуний миграциянинг ҳақиқий миқдорини билиш деярли имконсиз. Биргина АҚШнинг ўзида 2017 йилда тахминан 10,5 миллион ёки бутун аҳолининг 3,2 фоизи миқдоридан ноқонуний, рўйхатдан ўтмаган мигрантлар борлиги тахмин қилинган [Krogstad J.M., Passel J.S., Cohn D. 2019.]. Нолегал миграция деганда муҳожирларнинг ўзлари кўчиб келган давлатларнинг иммиграцион қонунлари, тартибларини бузиб, қонуний асосда бу мамлакатда яшаш учун

рухсати бўлмаган ҳолатда яшаши тушунилади. Одатда нолегал миграция муҳожирнинг ҳибсга олиниши, ўзи кўчиб келган мамлакатга депортация қилиниши ёки унга нисбатан бошқа кўринишдаги санкциялар қўлланилишига сабаб бўлади [Briggs V.M. 2009. p. 178]. Давлатлар томонидан миграция соҳасини тартибга солиш учун ўрнатилган мавжуд қонунларни бузиш ҳолати ортиб бориши замонавий миграциянинг характерли хусусиятларидан бирига айланиб бормоқда. Бунга энг асосий сабаблар сифатида мамлакатлар, минтақалар орасидаги турмуш даражаси орасидаги тафовутнинг ортиб бориши, давлатлар миграцион сиёсатнинг қатъийлашувини ёки иммигрант давлат ва эмигрант давлатнинг миграцияни тартибга солиш бўйича турлича йўналишдан бораётганлигини кўрсатиб ўтиш мумкин.

- Мажбурий миграция улушининг ошиб бориши. Бу жараён, айниқса, ўтган асрнинг сўнгги чорагида ниҳоятда кучайиб кетди. Инсонларнинг ўз жойидан кўчишга мажбур бўлишининг дунё бўйича ортиб кетишига сиёсий кескинликлар, урушлар, этник можаролар, экологик офатлар сабаб бўлмоқда. Бу ҳолат сўнгги ўн йилликларда Яқин ва Ўрта Шарқдаги қатор мамлакатларда ҳукм сураётган сиёсий беқарорлик туфайли янада кучаймоқда [Суворова В.А. 2018. pp. 176-179.]. Статистик маълумотлар бу фикрларни яна бир маротаба тасдиқлайди. 2018 йилда дунё бўйича 25,9 миллион қочоқлар ҳисобга олинган. Уларнинг 20,4 миллиони БМТнинг қочоқлар иши бўйича олий комиссари бошқармаси мандати бўлса, 5,5 миллион қочоқ фаластинлик бўлган. Қочоқларнинг умумий 52 фоизини 18 ёшдан кичик болалар ташкил этади. Зўравонлик, сиёсий можаролар туфайли мамлакат ичида мажбурий кўчирилганларнинг сони 41,3 миллионга етган бўлиб, энг катта кўрсаткичлар Сурия (6,1 миллион), Колумбия (5,8 миллион) ва Конго Демократик Республикаси (3,1 миллион) да қайд этилган. 2018 йилда апатридлар (фуқаролиги бўлмаган шахслар) нинг ҳам сони ортиб, 3,9 миллион нафарга етган. Энг кўп апатридлар Бангладеш (906 минг нафар), Кот-д'Ивуар (692 минг нафар) ҳамда Мьянма (620 минг нафар) ҳиссасига тўғри келган [“World Migration Report 2020” International Organization for Migration. p. 22]. Умумий олиб қараганда БМТ маълумоти бўйича, 2018 йилда барча кўринишдаги қочоқлар ва яшаш жойини тарк этганлар 70,8 миллион кишига етган. Лекин бу рақамлар ҳам нисбий бўлиб, ўз яшаш жойларини мажбурий ўзгартирганларнинг аниқ сони бундан анча кўп бўлиши ҳам мумкин.

- Халқаро миграция демографик аҳамиятининг кучайиб кетиши. Халқаро миграция жаҳон демографиясини янги ўзанга буриб юборди. Мамлакатларнинг демографик сиёсати айнан миграцион йўналиш асосига қурилиши бунга мисол бўла олади. Масалан, Марказий Осиёдаги ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий, ижтимоий тараққиётида ҳам халқаро миграция тўлкини етакчи роллардан бирини ўйнайди. Россия Федерациясида эса бу янада кўпроқ кўзга ташланмоқда [Волох В.А. 2016. pp. 158-163.]. Минтақавий аҳоли миграция Экваториал Гвинея каби баъзи Африка мамлакатларида аҳоли демографик ўзгаришининг муҳим омилига айланди. Ёки Осиёда шиддат билан ривожланаётган Форс кўрφαзи ҳамкорлик Кенгаши (GCC) га аъзо бўлган Баҳрайн, Қувайт, Уммон, Қатар, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари (БАА) давлатрида ишчи кучи миграцияси аҳолининг муҳим демографик ўзгаришларига олиб келди. Уммон ва Саудия Арабистонидан бошқа ушбу ташкилотга аъзо барча мамлакатларда мигрантларнинг сони умумий аҳолининг сонига нисбатан кўпчиликни ташкил этмоқда [“World Migration Report 2020” International Organization for Migration. p. 23].

- Бутун дунё бўйича миграцион оқимларнинг глобаллашуви. Бугунги кунда бутун жаҳон миграцион жараёнларида иштирок этмайдиган мамлакатнинг ўзи йўқ. Бу глобаллашувнинг асосий талабларидан бири. Қайсидир мамлакатларда бу жараёнда иммиграциянинг, қайсидир давлатларда эса эмиграциянинг устунлиги кўринади. Охирги статистик маълумотларга кўра, фақатгина битта давлат – Россия Федерацияси дунёнинг ҳам иммиграцион (2019 йилда 4 ўрин), ҳам эмиграцион (бу йўналишда ҳам 2019 йилда 4 ўрин) давлатлари рўйхатида юқори ўринлардан бирида қайд этилмоқда [IOM. 'Chapter 2: Migration and migrants: A global overview. World Migration Report 2020.].

Миграция оқимининг глобаллашувида минтақавий хусусият ҳам намоён бўлмоқда. Охирги икки йилдаги энг кўп кузатилган минтақавий миграцион жараёнлар турли сабабларга кўра рўй берган. Масалан:

- 2018 йилда энг кўп қочоқ Суриялик бўлган бўлса (6,7 миллион нафар), қочоқларни энг кўп қабул қилган мамлакат Сурияга қўшни бўлган Туркия бўлди (3,7 миллион);

- 2018 йилда қочоқларнинг асосий қисми Канадага ҳам йўналди, Канада АҚШдан ҳам кўпроқ қочоқларни қабул қилди;

- Табиий офатлар туфайли ўз яшаш жойини ўзгартириш билан боғлиқ бўлган миграцион жараёнлар энг кўп Филиппинда кузатилди (3,8 миллион);

- 2019 йилнинг ўртасигача 4 миллион венесуэлалик ватанини тарк этган. 2018 йилда Венесуэла қочоқлар сони бўйича етакчи ўринлардан бирига чиқиб олди [“World Migration Report 2020” International Organization for Migration. p. 23]. Бу маълумотлардан англашимиз мумкинки, аҳоли миграциясининг глобаллашуви фақатгина инсонларнинг яхши ва фаровон яшаш истаги туфайли амалга ошаётгани йўқ. Баъзи ҳолатларда мигрантларда ўз яшаш жойини ўзгартиришдан бошқа чора қолмаяпти.

- Мигрантлар учун эмигрант, транзит ва иммигрант давлатлар орасида анъанавий фарқлар камайиб бориши. Глобал миграцион жараёнлар шуни кўрсатадики, турли мамлакатлар, минтақаларда маданий, ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий соҳаларнинг ўзаро яқинлашуви ушбу мамлакатлар, минтақалар орасидаги ўзаро муҳожирлар оқимининг ортишига олиб келади. Биргина Ўрта ер денгизи атрофидаги мамлакатлардаги халқаро миграция йўналишларини мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин. Дунёнинг ҳеч қайси қисмида мигрантларни чиқарувчи, транзит ва қабул қилувчи мамлакатлар орасидаги анъанавий чегаралар ушбу минтақадаги каби йўқолиб кетганини кузатиш мумкин эмас. Бундан тахминан ярим аср олдин Ўрта ер денгизи атрофидаги давлатлар – Жанубий Европа ва Шимолий Африка давлатлари эмигрант мамлакатлар сифатида эътироф этилган, Жанубий Европаликлар Шимолий ва Марказий Европага иш излаб боришган. Тахминан 20 йил муқаддам эса Жанубий Европа эмигрант минтақадан иммигрант минтақага айланди. Чунки иқтисодий жиҳатдан ривожланиб бораётган минтақада ишлаш учун Шимолий Африкалик муҳожирлар бу минтақага оқиб кела бошлашди. Бугунги кунга келиб Шимолий Африка давлатлари мигрантлар учун транзит ҳамда қабул қилувчи минтақага айланди. Марказий Африкадан келган муҳожирлар Тунис, Марокаш, Ливияда қўним топишади ёки бу мамлакатлар орқали Европага миграцияни амалга оширишади [Khalid K. 2007. p. 153].

- Мигрантларнинг таркибидаги сифат ўзгариши. Ҳозирги глобал дунёдаги мигрантларнинг қиёфаси билан бир аср олдинги мигрантларнинг қиёфасини солиштирадиган бўлсак, жуда катта фарқни кўришимиз мумкин. Бугунги кунда мигрантлар орасида олий маълумотли ёки махсус соҳалар бўйича билимга эга бўлган мигрантлар улуши ошиб бормоқда. Баъзи Ғарб давлатлари бундай иммигрантларнинг ўз мамлакатларида имкон қадар кўпроқ қолиши учун махсус дастурлардан фойдаланишмоқда (масалан, АҚШ, Канада, Франция, Швеция). Иккинчи томондан, бугунги кундаги мигрантларнинг деярли ярмини аёллар ташкил этишмоқда, улар оилалари билан ёки ўзлари мустақил яшаш жойларини ўзгартиришмоқда. Аёллар миграциясининг ошишига бир қатор омиллар таъсир кўрсатмоқда. Ушбу омиллардан бири, халқаро меҳнат миграциясида, айниқса, ривожланган мамлакатларда аёллар ишлашлари мумкин бўлган хизмат кўрсатиш, соғлиқни сақлаш, кўнгилочар хизматлар каби йўналишларда гендер селекциясига яъни жинсга кўра ишчиларни танлашга катта эътибор берилмоқда. Қолаверса, кўплаб иммигрант мамлакатларда муҳожирларнинг оиласи яъни турмуш ўртоғи ва фарзандлари билан бирлашишини, уларнинг ҳам мамлакатга миграциясини рағбатлантирувчи дастурлар амалга оширилмоқда. Аксарият ҳолатларда, бу турмуш ўртоқлар аёллар бўлиб чиқмоқда. Яна бир омил Осиё минтақаси билан боғлиқ. Ушбу минтақа аёллар миграциясининг ортиб кетишига энг катта таъсир кўрсатганлиги билан эътироф этилади. Осиёдаги аёллар миграцияси, асосан, аёлларнинг уй ишларига жалб этиш, чет элда турмуш куриш нияти ва ноқонуний фоҳишабозлик сабабли ошиб бормоқда [Khalid K. 2007. p. 153]. Юқоридаги ҳолатлар, табиий равишда, миграцион манзарадаги ўзгаришларга сабаб бўлмоқда.

- Давлатларнинг миграцион сиёсатидаги ўзгаришлар. Замонавий дунёда миграцион сиёсатнинг уч хил даражасини фарқлаш мумкин: халқаро, минтақавий ва миллий миграцион сиёсат. Қайси даражада бўлмасин, миграцион сиёсат доимо икки томонламалик хусусиятига эга бўлиб, бу глобал миграцияга хом бўлган тенденция. Икки томонлама миграцион сиёсат халқаро миқёсда халқаро ташкилотлар ва алоҳида мамлакатларнинг ўзаро муносабатлари шаклида намоён бўлади. Минтақавий ёки мамлакатлараро даражада тегишли минтақавий уюшмалари доирасида миграцион сиёсатни либераллаштириш қарама-қарши тенденцияларнинг мавжудлиги ва минтақавий иттифокқа кирмайдиган бошқа мамлакатлар фуқароларига нисбатан миграция сиёсатини кучайтириш кўринишида сифатида кўзга ташланади. Миллий даражада миграцион сиёсатнинг икки томонлама эканлигини бир томондан демографик ва иқтисодий манфаатлар, иккинчи томондан эса сиёсий ва ижтимоий хавфсизлик нуқтаи назарлари ўртасидаги зиддиятларда кузатишимиз мумкин [Алешковский И.А., Ионцев В.А. 2008. ст. 86.].

Давлатларнинг миграция соҳасида амалга ошираётган ишлари ушбу мамлакатдаги демографик муҳит билан боғлиқ. Миграция жараёни давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ривож, мамлакатлар ички сиёсатида ҳам таъсир этиб бормоқда. Миграцион сиёсатни белгилашда эса маълум ахлоқий қарама-қаршиликлар юзага келмоқда. Хусусан, миграция билан боғлиқ бўлган илмий муҳокамаларда ушбу жараённинг ахлоқий жиҳатларига дахлдор бўлган икки хил ёндашувни кузатишимиз мумкин: мамлакатнинг миграция билан боғлиқ бўлган тўлиқ суверенитетини сақлаб қолиш ҳамда ҳар бир инсоннинг административ тўсиқлардан қатъий назар ўз турар жойини ўзгартириш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқининг тўлиқ таъминланиши [Троицкий К.Е. 2018. Ст. 133.]. Бу икки қарама-қарши ахлоқий тамойилнинг кесишган нуқталари мамлакатларнинг миграцион сиёсатининг ахлоқий моҳиятини белгилаб бормоқда.

Замонавий давлатларнинг миграцияга муносабатида турли-туманликлар жуда кўп. Бугун сиёсий харитада миграцион назорат кучли бўлиб, фақатгина миллий фактор ҳисобига тараққий этган Япония каби мамлакатларни ҳам, фақатгина мигрантларнинг мамлакатдаги потенциали ҳисобига ривожланган Бирлашган Араб амирликлари (БАА) каби давлатларни ҳам учратиш мумкин. Ёки Канада, Австралия каби мамлакатларда иммигрантларни давлатга қабул қилишда юқори талаблар ўрнатилган бўлиб, АҚШ ёки Европанинг исталган мамлакатадаги иммиграцион сиёсат Канада ва Австралиядан кўра мигрантлар учун қулайроқ, шартлари енгилроқ ҳисобланади [Collier P. 2013. p. 318]. Баъзи мамлакатлар очик эшиклар сиёсатининг юритилиши давлатнинг иқтисодий ночор мамлакатлар аҳолисига ёрдами сифатида талқин этса, яна баъзи давлатларнинг фикрича иммиграция сиёсатидаги енгилликлар мамлакат аҳолиси ҳамда суверенитети учун жиддий таҳдид ҳисобланади. Иммиграцион сиёсатдаги бу хилма-хиллик мамлакатларнинг ички сиёсий ҳолати, халқаро муносабатлар тизимида тутган ўрни билан боғлиқ.

- Иммигрантларнинг мамлакатлар ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳаётига катта таъсир кўрсата бошлаганлиги. Масалан, 2000 йилларнинг бошида АҚШда мигрантларнинг сони тахминан 30 миллион нафар (шундан камида 5 миллион нафари нолегал мигрант) бўлган. Бу АҚШ аҳолисининг 10,4 фоизини ташкил этган. Иммигрантлар сонининг ортиши географик кластерлар ва этник анклавларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Лотин Америкасидан келган мигрантлар Лос-Анжелес худудида, келиб чиқиши осийлик бўлган иммигрантларнинг Лос-Анжелес, Нью-Йорк, Сан-Францискода, кубаликларни асосан Майамида тўпланиши, Нью-Йорк ҳамда Сан-Францискода Хитой кварталлари (Chinatowns), Майамида эса кубаликларнинг “Кичик Гавана”си каби этник анклавларнинг пайдо бўлиши бунинг ёрқин мисоли дейиш мумкин [Caves R.W. 2005. p. 371]. Иммигрантларнинг бундай тарзда уюлиши улар келган мамлакатдаги маҳаллий бошқарув ва худудий иқтисодиётга баъзида ижобий таъсир этса, баъзида муаммоларга сабаб бўлиб бўлмоқда.

Замонавий миграцион жараёнларни изоҳлашда “итариш” ва “тортиш” моделидан (push-pull model) фойдаланиш мумкин. Ушбу модел нуқтаи назаридан қараганда, инсонлар, оилалар, этник гуруҳлар яшаган, туғилиб ўсган мамлакатларидан чиқиб кетишлари учун кўплаб

“итарувчи” омиллар мавжуд. Масалан, сиёсий низолар, паст турмуш даражаси, иш ўрнининг етишмаслиги, ойлик даромаднинг камлиги каби. Худди шунингдек, уларни ўзига “тортувчи” омиллар кўчиб бораётган давлатлари, ижтимоий муҳитларида кўплаб учрайди [Caves R.W. 2005. p. 461-462]. Бундай омиллар жумласига мамлакатларнинг очик иммиграцион сиёсати, муҳожирлар учун адаптацион ижтимоий муҳит, юқори маош, ривожланган ижтимоий инфратузилмалар киради. Бу омиллар туфайли амалга ошадиган миграцион жараёнлар ҳам мигрантларни жўнатувчи, ҳам уларни қабул қилувчи мамлакатлар, ижтимоий муҳитга ўз таъсирини кўрсатади.

Мигрант томонидан бошқа худудга кўчиш қарорини қабул қилиш – тезликда амалга ошириладиган жараён, осон қабул қилинадиган қарор эмас. Одатда, миграцион қарор қилиш уч босқични қамраб олади. Биринчи босқичда мигрант мавжуд ижтимоий муаммо, босим, қийинчиликка жавобан миграцияга қарор қилади, унда миграцион кайфият шаклланади. Иккинчи босқичда эса кўчиб бориш, ишлаш ва яшашнинг реал имкони мавжуд бўлган мамлакатлар, худудлар ҳақида маълумотлар тўпланади, иш жойи, бошпана изланади. Охирги босқичда имкониятлари жозибадорлиги нуқтаи назаридан конкрет жой танланади. Сўнгги тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, миграцион жараёнлар асосан иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатлар, фаровон жамиятларга йўналмоқда. Бу жараён ғоят табиий ҳолат сифатида қабул қилинади. Бошқа томондан эса мигрантларни тақдим этувчи асосий давлатлар сифатида иқтисодий жиҳатдан қолоқ мамлакатлар эмас, балки ривожланаётган мамлакатлар намоён бўлмоқда.

Миграция жараёни ҳақида сўз кетганда, унинг ижтимоий тараққиётга қўшган ҳиссасига ҳам урғу бериш даркор. Миграция инсоният тарихида жамият ривожига энг катта таъсир кўрсатган феноменлардан бири ҳисобланади. У доимо жаҳон иқтисодиётининг ўсишини, иқтисодий тараққиётни қўллаб-қувватлайди, турли мамлакатлар ва жамиятларнинг тараққиётига ижобий таъсир кўрсатади, маданиятлар ҳамда цивилизацияларнинг бойишига хизмат қилади. Мигрантлар барча жамиятларнинг энг фаол ва ташаббускор вакиллари, улар ўзлари ҳамда фарзандлари янада яхшироқ яшашлари, улар учун янги имкониятларни яратиш учун ўзлари яшаб турган уйлари, ижтимоий муҳитни, давлатни тарк эта оладиган даражада журъатли инсонлар ҳисобланишади.

Замонавий дунёда ҳам халқаро миграция жараёни миллий, минтақавий ҳамда глобал тараққиётда муҳим аҳамият касб этади. Ривожланаётган давлатлардан келган мигрантлар томонидан ўз уйлари, ортларида қолган оилаларига юбораётган пуллари ўзларининг ватанлари учун ривожланган давлатлар, халқаро ташкилотларнинг иқтисодий кўмагидан кўра муҳимроқ даромад манбаи ҳисобланади. Иккинчи томондан эса ривожланган давлатлар иқтисодиёти халқаро миграцияга шунчалик боғланиб қолганки, агарда халқаро мигрантларнинг меҳнатидан фойдаланиш рад этилса, улкан иқтисодий гигантлар, трансмиллий корпорациялар ҳам бир кунда инқироз ҳолатига тушиб қолишади. Замонавий дунёнинг аксарият қисмида мигрантлар фақатгина маҳаллий аҳоли ишлашни истамайдиган, кам даромадли ёки ижтимоий нуфузи паст бўлган соҳаларда ишлашмайди, балки улар маҳаллий аҳоли қобилиятларининг етишмаганлиги туфайли бажара олмайдиган юқори қийматли, кўп даромадли соҳаларда ҳам фаолият олиб боришади.

Мигрантлар фақат иқтисодий тараққиёт учунгина ресурс эмас. Халқаро миграциянинг бугунги кўлами жамиятлар ҳаётнинг ижтимоий ва маданий томонига сезиларли даражада ўз таъсирини кўрсатмоқда. Турли этник бирликларга мансуб бўлган, бир-бирлари тушунмайдиган турли тилларда сўзлашувчи, урф-одатлари, диний эътиқодлари, турмуш тарзлари фарқли бўлган инсонлар оқими цивилизациялар тараққиётига хизмат қилмоқда. Ушбу ривожланган жамиятларнинг ўзи тан оладими ёки йўқми, миграция туфайли вужудга келган маданий, этник хилма-хиллик ушбу жамиятлар тараққиётининг асосий белгисига айланиб қолди.

Бошқа томондан олиб қараганда, миграция фақатгина тараққиёт учун ресурс эмас, балки ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ахлоқий, этник муаммоларни келтириб чиқарувчи омил ҳам ҳисобланади. Халқаро миграция давлатларнинг суверинитети, миллий хавфсизлигига таҳдид

сифатида кўрилиши ёки халқаро терроризм, экстремизмнинг ривожланишига айнан халқаро миграциянинг таъсири катта эканлиги иммигрант давлатлар сиёсий ва илмий доираларида тез-тез тилга олиниб туради.

Бошқа ракурсадан қараганда миграция мигрантларни қабул қилувчи мамлакатлардан ташқари мигрантларнинг ўзи ва эмигрант давлатлар учун ҳам маълум муаммоларга сабаб бўлмоқда. Эмигрант давлатлар ва жамиятлар илмий салоҳиятли, меҳнатга лаёқатли бўлган ёшларининг, ноёб кадрларининг турли сабаблар туфайли меҳнат муҳожирига айланаётганлиги туфайли тараққиётда ортда қолиб кетмоқда. “Илмий капиталнинг оқиши” (бу жараёни изохлаш учун инглиз тилида “brain drain” иборасидан фойдаланилади), айниқса соғлиқни сақлаш, таълим каби зарурий тармоқларда кузатилаётганлиги сабабли ривожланаётган мамлакатлар тиббиёт ва таълим тизими катта йўқотишга учрамоқда. Мигрантлар ҳамда уларнинг оилалари эса баъзи ҳолатларда ксенофобия, стигматизм, расизм, зўравонлик каби иллатларнинг қурбонига айланиб қолмоқда.

Миграция – кўп қиррали жараён. Ушбу феноменнинг иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий қирралари билан бир қаторда ахлоқий жиҳати ҳам мавжуд. Миграция жараёнининг иштирокчилари ҳисобланувчи инсонлар ўзлари яшаб келган ижтимоий ахлоқий муҳитнинг вакиллари ҳамда ахлоқий кадриятлар, нормалар, принципларнинг ташувчиси ҳам ҳисобланади. Мигрантларни қабул қилувчи жамиятдаги ахлоқий муҳит ушбу феномен таъсирида трансформацияга учраши, мигрантлар томонидан олиб келинган янги ахлоқий кадриятлар билан туб аҳолига тегишли бўлган ахлоқий нормаларнинг ўзаро таъсирлашуви жараёни миграциянинг ижтимоий ахлоқий муҳитга таъсир этишини кўрсатувчи ижтимоий индикатор вазифасини бажаради. Иккинчи томондан, миграция туфайли мигрантлар тарк этган жамиятларидаги ахлоқий муҳит ҳам маълум ўзгаришларга учрайди. Чунки асосий миграция тўлқини ижтимоий жиҳатдан энг фаол бўлган, меҳнатга лаёқатли ёшлардан ташкил топади. Одатда уларнинг бошқа мамлакатга кетиши ортидан эмигрант мамлакатда тўлиқсиз оилалар сони ортади, мигрантларнинг ортга қайтиши эса эмигрант мамлакатда ҳам ахлоқий кадриятларнинг қуралашуви сабаб бўлади. Бу жараён, албатта, ҳар бир жамиятдаги ахлоқий муҳитнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб амалга ошади.

ХУЛОСА

Аҳоли миграцияси муаммоси хорижлик тадқиқотчилар томонидан жуда кенг ўрганилган бўлиб, мавзу турлича назариялар, концепциялар, ёндашувлар, йўналишларга асосланган ҳолда тадқиқ қилинган. Аҳоли миграциясининг глобаллашув давридаги энг фаол феноменлардан бири эканлиги, унинг юқорида санаб ўтилган замонавий тенденциялари жаҳоннинг турли минтақалари ва мамлакатларида турлича кўринишда намоён бўлиши миграция жараёнини ўрганишда ҳали тадқиқотчиларнинг олдида вазифалар бисёр эканлигини белгилаб беради. Мавзу юзасидан амалга оширилаётган кейинги тадқиқотлар ҳам айнан аҳоли миграциясининг турли минтақалардаги ахлоқий муҳитга таъсирини, замонавий миграциянинг муҳожирлар ҳамда эмигрант ва иммигрант давлатлар, жамиятларнинг ҳаётига кўрсатадиган таъсирини ўрганишга йўналиши, шубҳасиз, мақсадга мувофиқдир.

Библиография

- МИРЗИЁЕВ Ш.М. (2017). Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ. – 45 бет.
- COLLIER P. (2013). Exodus: How migration is changing our world. USA, New York.: Oxford University Press Inc., . Page 318.
- KHALID K. (2007). INTERNATIONAL MIGRATION: A Very Short Introduction. The USA: New York. Oxford University Press Inc., Page 153.
- CAVES R.W. (2005). Encyclopedia of the City – London.: Routledge, – 371 page.
- KAITMAZOVA K. R., CABERTI A. N. (2016). Types of modern migration //Научный альманах стран Причерноморья. – №. 1. – С. 1-4.

"World Migration Report 2020" (https://publications.iom.int/system/files/pdf/final-wmr_2020-ru.pdf) (PDF). International Organization for Migration. p. 21-23. Retrieved 26 November 2020.

ALLAHYAROVA T. (2018). "The decline of liberal political philosophy as one of the reasons of crisis of migration and multiculturalism in the western society". *Philosophy and life* / № 1/2 (1) 2018.

BRADLEY M. (2017). "The International Organization for Migration (IOM): Gaining Power in the Forced Migration Regime". *Refuge: Canada's Journal on Refugees*. 33 (1): 97.

KROGSTAD J.M., PASSEL J.S., COHN D. (2019). '5 facts about illegal immigration in the U.S.' (<https://www.pewresearch.org/fact-tank/2019/06/12/5-facts-about-illegal-immigration-in-the-u-s/>)

BRIGGS, V. M. (2009). "The State of U.S. Immigration Policy: The Quandary of Economic Methodology and the Relevance of Economic Research to Know". *Journal of Law, Economics and Policy*. 5 (1): 177–193

СУВОРОВА В.А. (2018). "Миграционный кризис в Европе: проблемы вынужденной миграции" *Власть*, no. 1, pp. 176-179.

ВОЛОХ В.А. (2016) "Вынужденная миграция в Европе: состояние, проблемы, пути оптимизации управления и миграционного законодательства в России" *Власть*, no. 1, pp. 158-163.

IOM. 'Chapter 2: Migration and migrants: A global overview. World Migration Report 2020. <https://www.iom.int/wmr/2020/chapter/02>

АЛЕШКОВСКИЙ И.А., ИОНЦЕВ В.А. (2008) Тенденции международной миграции в глобализирующемся мире // *Век глобализации*. – №. 2. ст. 77-87.

ТРОИЦКИЙ К.Е. (2018). В поисках этики миграции. Дискуссия о государственных границах: основные теоретические позиции и аргументы // *Этическая мысль*. Т. 18. №1. Ст. 133.

Transliteration

MIRZIYOEV SH.M. (2017). We will resolutely continue our path of national development and raise it to a new level. - Т.: "Uzbekistan". - 45 pages.

COLLIER P. (2013). *Exodus: How migration is changing our world*. USA, New York.: Oxford University Press Inc., Page 318.

KHALID K. (2007). *INTERNATIONAL MIGRATION: A Very Short Introduction*. The USA: New York. Oxford University Press Inc., Page 153.

CAVES R.W. (2005). *Encyclopedia of the City* - London.: Routledge, - 371 page.

KAITMAZOVA K. R., CABERTI A. N. (2016). Types of modern migration // *Nauchnyy almanax stran Prichernomorya*. - №. 1. - С. 1-4.

"World Migration Report 2020" (https://publications.iom.int/system/files/pdf/final-wmr_2020-ru.pdf) (PDF). International Organization for Migration. p. 21-23. Retrieved 26 November 2020.

ALLAHYAROVA T. (2018). "The decline of liberal political philosophy as one of the reasons of crisis of migration and multiculturalism in the western society". *Philosophy and life* / № 1/2 (1) 2018.

KROGSTAD J.M., PASSEL J.S., COHN D. (2019). '5 facts about illegal immigration in the U.S.' (<https://www.pewresearch.org/fact-tank/2019/06/12/5-facts-about-illegal-immigration-in-the-u-s/>)

BRIGGS, V. M. (2009). "The State of U.S. Immigration Policy: The Quandary of Economic Methodology and the Relevance of Economic Research to Know". *Journal of Law, Economics and Policy*. 5 (1): 177–193

BRADLEY M. (2017). "The International Organization for Migration (IOM): Gaining Power in the Forced Migration Regime". *Refuge: Canada's Journal on Refugees*. 33 (1): 97.

- SUVOROVA V.A. (2018). "Migration Crisis in Europe: Problems of External Migration" Vlast, no. 1, pp. 176-179.
- VOLOX V.A. (2016) "Vynujdannaya migration in Europe: sostoyanie, problemy, puti optimizatsii upravleniya i migratsionnogo zakonodatelstva v Rossii" Vlast, no. 1, pp. 158-163.
- IOM. 'Chapter 2: Migration and migrants: A global overview. World Migration Report 2020. <https://www.iom.int/wmr/2020/chapter/02>
- ALESHKOVSKY I.A., IONCEV V.A. (2008) Trends in international migration in a globalizing world // Vek globalizatsii. - No. 2. pages 77-87.
- TROITSKIY K.E. (2018). In search of ethical migration. Discussion of state borders: basic theoretical positions and arguments // Ethical thought. T. 18. №1. St. 133.



УДК: 1 (09):297

Абдивоҳидов Сунатилло Абдинабиевич
 Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
 ўқитувчиси фалсафа доктори (PhD), фалсафа ф.б
 E-mail: abdivohidov80@mail.ru

ЖАДИДЛАРНИНГ ҲАРАКАТ ДАСТУРИДА МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТ ҒОЯСИ МАСАЛАЛАРИ ВА УНИНГ ФАЛСАФИЙ-ТАРИХИЙ АҲАМИЯТИ

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9505-2020-SI-2-2>

АННОТАЦИЯ

Мақолада жадидлар ўз ғояларини амалга ошириш учун, энг аввало, ижтимоий ҳаракатлар, ташкилотлар, сиёсий партиялар тузганлиги ва уларнинг дастурий ҳужжатларининг фалсафий-ғоявий аҳамияти ёритиб берилган. Ташкилотлар ислохотларини конституция ва фикҳга асосланган ҳолда инсон манфаатларини биринчи ўринга қўйиб, дин ва дунёвий маърифий давлатни тузушни назарда тутганлар. Барча фуқаролар, уларнинг диний эътиқодидан қатъи назар, қонун олдидаги тенглиги, виждон эркинлиги ва барча динларнинг бир хил мақомга эга эканлигини эълон қилганлар. Шу билан бирга тор маърифатчилик доирасида фаолият бошлаган жадидчилар ўз олдига сиёсий вазифаларни, яъни жамият ва уни бошқаришни қайта қуришдек улкан вазифаларни қўйдилар. Туркистонда янги жамиятни шакллантириш учун ҳаракат бошланиб, Туркистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида ўлка мухторияти масаласи асосий масала бўлиб қолди. Туркистонга мухторият мақомини бериш ғояси нафақат демократик зиёлилар орасида, ҳатто оддий одамлар ўртасида ҳам анча оммалашган эди. Жадидларнинг дастурий ҳужжатларида диққат-эътибор миллий-худудий мухториятнинг асосий тамойилларини амалга ошириш механизмлари-Туркистон Федератив Республикаси имкониятларига тааллуқли бўлган масалалар бўйича, қонунлар чиқаришни амалга ошириш учун қақчилган мустақил ваколатли ўлка ҳокимиятининг олий органлари, бошқаруви ва суди механизмларини ишлаб чиқиш, ўз давлат тузилишини барпо этишга қаратилган воқеалар тарихий-фалсафий жиҳатдан баён этилган.

Калит сўзлар: сиёсий вазифа, жамият, ғоявий қарашлар, ҳаракат дастури, ижтимоий ҳаракатлар, ташкилотлар, сиёсий партиялар, муамлакачилик, мухторият, парламент.

Абдивоҳидов Сунатилло Абдинабиевич
 (Ўзбекистон, Самарқанд)

ЗАДАЧИ НАЦИОНАЛЬНОЙ ИДЕИ И РАЗВИТИЯ В ПРОГРАММЕ ДВИЖЕНИЯ ДЖАДИДОВ И ЕЕ ФИЛОСОФСКО-ИСТОРИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ

АННОТАЦИЯ

В статье подчеркивается тот факт, что джадиды создавали общественные движения, организации, политические партии, а также философское и идеологическое значение их программных документов для реализации своих идей. Реформы организаций были основаны на конституции и юриспруденции, которые были сосредоточены на интересах народа и создании государства религии и светского просвещения. Все граждане, независимо от их религиозных убеждений, провозгласили равенство перед законом, свободу совести и равный статус всех религий. В то же время джадиды, начавшие работать в рамках узкого Просвещения, ставили перед собой огромные политические задачи, такие как реконструкция общества и управление им. В Туркестане началось движение за формирование нового общества, и вопрос региональной автономии стал ключевым в общественно-политической жизни Туркестана. Идея предоставления Туркестану статуса автономии была очень популярна не только среди демократической интеллигенции, но и среди простых людей. Программные документы джадидов акцентируют внимание на механизмах реализации основных принципов национально-территориальной автономии - развитие механизмов высших органов государственной власти, управления и судов независимого компетентного государства призывало к исполнению законов по вопросам, связанным с возможностями Федеративной Республики Туркестан; исторически и философски описанные события.

Ключевые слова: политическая задача, общество, идеологические взгляды, программа движения, общественные движения, организации, политические партии, колониализм, автономия, парламент.

Abdivoxidov Sunatillo Abdinabievich
(Uzbekistan, Samarkand)

QUESTIONS OF THE IDEA OF NATIONAL DEVELOPMENT IN THE PROGRAM OF THE JADID MOVEMENT AND ITS PHILOSOPHICAL AND HISTORICAL SIGNIFICANCE

ANNOTATION

The article highlights the fact that the Jadids formed social movements, organizations, political parties, and the philosophical and ideological significance of their program documents, in order to implement their ideas. The reforms of the organizations were based on the constitution and jurisprudence, with the establishment of a state of religion and secular enlightenment, putting the interests of the people first. All citizens, regardless of their religious beliefs, declared equality before the law, freedom of conscience, and the equal status of all religions. At the same time, the Jadids, who began to work within the narrow Enlightenment, set themselves huge political tasks, such as the reconstruction of society and its management. The movement for the formation of a new society began in Turkestan, and the issue of regional autonomy became a key issue in the socio-political life of Turkestan. The idea of giving Turkestan autonomy was very popular not only among democratic intellectuals, but also among ordinary people. The program documents of the Jadids focus on the mechanisms of implementation of the basic principles of national-territorial autonomy - the development of mechanisms of the supreme bodies of government, administration and courts of the independent competent state called for the implementation of laws on issues related to the capabilities of the Federal Republic of Turkestan; historically and philosophically described events.

Key words: political task, society, ideological views, program of action, social actions, organizations, political parties, colonialism, autonomy, Parliament.

КИРИШ

Тор маърифатчилик доирасида фаолият бошлаган жадидчилар кейин ўз олдида сиёсий вазифаларни, яъни жамият ва уни бошқаришни қайта қуришдек улкан вазифаларни қўйдилар. Улар ўзларининг ғоявий қарашларини, ҳаракат дастурларини шакллантириб, сиёсий партиялар туздилар. Жумладан, Татаристонда “Мусулмон иттифоқи”, Туркистонда “Шўрои

исломия”, Бухорода “Ёш бухороликлар”, Хивада “Ёш хиваликлар” каби инқилобчи партиялар юзага келди. Жадидчиларнинг ташкилий тузилмалари асосан 1910 йилдан кейин шаклланган ва уларнинг дастурида марказий ўринни, Ф.Хўжаев таъбири билан айтганда, “жадидларнинг энг илғор қисмининг программа максимумида асосий ўрин тутган. Яъни ғарб намунасидаги капитализм ва демократияни ривожлантириш [Алимова Д.А. 1999: б.100]. У 1926 йилда чоп этган асарида шу ғояга таяниб, демократия ва капитализм биргаликда тасаввур этиш ғоясини илгари суради.

МАТЕРИАЛЛАР ВА МЕТОДЛАР

Жадидларнинг фалсафий қарашлари юзасидан Қ.Хоназаров “Мулоқот” журналида эълон қилган “Ўзбек фалсафаси борми?” деган саволига Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг бу борадаги хизматларини таъкидлаб ўтади: “... Миллий заминимизда, “Авесто”дан бошлаб Зардушт томонидан бир бутун тизим ҳолига келтирилиб, Моний ва Маздаклар томонидан давом этадиган, Форобий, Ибн Сино асарларида ўзининг юксак чўққиларидан бирига кўтарилган Навоий, Бобур, Машраб, Аҳмад Донишлар орқали Беҳбудий ва Фитратларга етиб келган ўзбек миллий фалсафасининг бир бутун силсиласини юзага келтиришимиз зарур. Бу бизнинг миллат олдида ва умуман жаҳон фалсафаси олдидаги муқаддас бурчимиздир” [Хоназаров Қ. 2001: б. 3].

Жадидчилар фаолиятининг фақатгина маърифатпарварлик жиҳатини олиб қараганимизда ҳам уларда доимо бадийликдан кўра ғоявийлик устун бўлганлигини гувоҳи бўламиз. Улар прогрессив–демократик адабиётнинг шаклланиши ва ривожланишига улкан ҳисса қўшдилар. У.Турсунов ва Б.Ўринбоевлар: “Уларнинг кўпчилиги адабий ҳаётда ҳам қалам тебратиб, прогрессив-демократик адабиётнинг моҳиятини ва ғоявий асосини халқчиллик, ватанпарварлик, маърифатпарварлик ғоялари ташкил қилади” [Турсунов У., Ўринбоев Б.1995: б.145] деб ёзади.

Жадидлар ҳаракат дастурининг кучайиб бориши ва сиёсий тус олиши сабаблари ҳақида Д.Алимова шундай ёзади: “...бунинг сабаби иккита эди: биринчидан, 1914-1915 йилларда жадидчилик бошидан кечирган инқироз-газеталар ва янги усул мактабларининг беркитилиш ҳоллари, ҳокимият жадидларнинг билимсизлик ва ғафлатга қарши кураш ғоясининг кенгайтиришига йўл бермаслиги, шунингдек, бусиз жамиятда ҳеч қандай ўзгаришларга эришиб бўлмаслигини кўрсатди. Иккинчидан, жадидчилик ҳаракатига хорижда ўқиб, чет элдаги миллий тараққийпарвар ҳаракатлар тажрибасини ўрганиб қайтган, ёш куч оқими келиб қўшилди. Улар маданиялаштириш доирасида чекланиб қолмай, аниқ сиёсий вазифалар қўйишни талаб қилдилар. Солиқларни камайтириш, амалдорлар зулмини чеклаш, деҳқонлар ҳаётини енгилаштириш-шу талаблар жумласидан эди [Алимова Д.А. 1999: б.100].

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Жадидлар ўз ғояларини амалга ошириш учун, энг аввало, ижтимоий ҳаракатлар, ташкилотлар, сиёсий партиялар туза бошлашган ва уларнинг сиёсий партиялари фаолиятлари орқали намоён бўлган.

Туркистонда янги жамият куртакларини шакллантириш учун ҳаракат бошланиб кетган эди. Туркистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида ўлка мухторияти масаласи асосий масала бўлиб қолди. Туркистонга мухторият мақомини бериш ғояси нафақат демократик зиёлилар орасида, ҳатто оддий одамлар ўртасида ҳам анча оммалашган эди.

Шу вақтдан жадидлар учун мустақиллик ва мухторият ё ҳаёт, ё мамот муаммосига айланди ва жадал сиёсий жанглار бошланди. Улар ҳукуматнинг мустамлакачилик сиёсатини каттиқ танқид остига олдилар ва Туркистоннинг Россия Демократик Федератив Республикаси таркибида миллий-худудий мухторият олиш учун астойдил ҳаракат қилишга киришдилар. Жадидларнинг дастурий ҳужжатларида диққат-эътибор миллий-худудий мухториятнинг асосий тамойилларини амалга ошириш механизмлари-Туркистон Федератив Республикаси имкониятларига тааллуқли бўлган масалалар бўйича, қонунлар чиқаришни амалга ошириш учун чақирилган мустақил ваколатли ўлка ҳокимиятининг олий органлари, бошқаруви ва суди механизмларини ишлаб чиқиш, ўз давлат тузилишини барпо этишга қаратилди.

Лекин Туркистондаги Октябрь воқеалари ва большевикларнинг ҳокимиятни эгаллаши уларга ўз мақсадларини охиригача амалга оширишларига имкон бермади. Шунга қарамай, улар большевиклар ҳокимиятининг “Миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши тўғрисида”ги декларациясида кўрсатилган ҳуқуқлардан фойдаланиб, маркази Қўқон бўлган, “Туркистон мухторияти” деб аталган мустақил мухтор республика эълон қилдилар. Уч ойгина яшаган бу мухтор республика тарихи, унинг оқибатида жадидларнинг танқидга учраши ва амалда 1937-1938 йилларда бутунлай қириб ташланиши, тарихнинг қонли саҳифаларидир.

1917 йил 17-26 апрель кунлари “Шўрои исломия” (Ислом Кенгаши) Туркистоннинг келгусидаги тақдирини муҳокама қилиш учун Туркистон мусулмонларининг биринчи қурултойини ўтказди. Қурултойнинг қарорида Туркистонни бошқариш услуби халқ республикаси бўлиши ҳақида қарор қабул қилинади.

Ташкилот Низомида “Шўрои Исломия”нинг мақсад ва вазифалари қуйидагича келтирилади: Туркистон мусулмонлари орасида замонавий руҳдаги илмий ва ижтимоий ислохотчилик ғояларини тарқатиш; ғоялар ва мақсадлар бирлиги асосида Туркистон мусулмонларини жипслаштириш бўйича ишларни кучайтириш; хорижий юртлардаги давлат ҳокимияти тизими ҳақида ахборот йиғиш ва Таъсис мажлисига тайёргарлик кўриш; тарғибот масалаларида шаҳар, қишлоқ ва овулларда намоёнларни муттасил ўтказиш; эски маъмуриятни истеъфога чиқариш ва янгисини тайинлаш заруриятини тушунтириш; ўлкадаги турли миллий қўмиталар ва партиялар билан алоқаларни йўлга қўйиш; мусулмон аҳолисининг эҳтиёжлари ҳақида ўз вакиллари орқали маълумотлар етказиш ва зарурият туғилганда улардан ёрдам сўраш ва ҳоказолар эди [“Нажот”, 1917, 9 апрель].

“Шўрои Исломия”нинг ташаббуси билан 1917 йил 16-21 апрелда I Умумтуркистон мусулмонлари съезди ўтказилди. Мазкур сиёсий йиғинда ўша даврнинг асосий сиёсий масалалари бўлган урушга, Муваққат ҳукуматга муносабат, Таъсис мажлисига тайёргарлик, Россия ва ўлкада бошқаришнинг бўлғуси шакллари, озиқ-овқат тақчиллигидан қутулиш ва бошқа масалалар кўриб чиқилди [Аъзамхўжаев С. 2000: б.38-39]. Кўриниб турибдики, “Шўрои Исломия”нинг ташкил этилиши маҳаллий аҳолининг ғоявий-сиёсий ва ташкилий жипслигини яратишнинг асоси бўлиб хизмат қилди. Бу ҳақда Мустафо Чўқаев ўз хотираларида қуйидагича эслайди. “Замоннинг зайли билан “Шўрои Исломия” туркистонликлар учун бегона бўлган босқинчилик натижасида юзага келган, ҳаёт шароитларини ислоҳ қилиш режаси билан сиёсат майдонига чиқди. Шўрои Исломчиларнинг ислохотлари Туркия, Афғонистон, Миср, Эрон ва араб мамлакатлари сингари мусулмон давлатларининг ижтимоий ривожланиш тажрибаларига таянди [Мустафо Чўқай ўғли. 1993].

Тошкентдаги “Шўрои Исломия”нинг ташкил этилиши натижасида маҳаллий жадидлар ташаббуси билан Туркистоннинг кўпгина шаҳарларида худди шундай сиёсий ва оммавий ижтимоий ташкилотлар тузила бошланди. Самарқандда, “Мирваж-ул ислом” ташкилоти, Каттақўрғонда “Равнақ-ул ислом”, Андижонда “Озод халқ”, “Сана-ул ислом”, Қўқонда “Мусулмон меҳнаткашлари Иттифоқи”, Хўжандда “Муайин ат-толибин”, каби ташкилотлар тузилди [“Кенгаш”, 1917, 19 июль].

Яъни “идора услубининг янги тури-республика, яъни халқ республикаси бўлади”, деб қарор қабул қилинади. Октябрь инқилоби кунларида уламолар шу билан биргаликда Туркистондаги барча халқларнинг тенг ҳуқуқлилигини қамраб олувчи демократик ва федерал конституция тузиш талаблари ҳам илгари сурилди [Файзи Х. 1929: б. 14-15].

Ўз навбатида “Уламои жамийяти” партияси ҳам Туркистоннинг келажаги ҳақида ўз қарашларини баён қилди, “Туркестанский курьер” газетасининг 1917 йил 11 ноябрдаги сониди тақлифлар билан чиқди. Уларнинг тақлифига мувофиқ, “Туркистон Федератив Республикаси ўз парламентиغا эга. Парламентнинг қонун чиқарувчи фаолияти Россия конституцияси ва шариатга мувофиқ амалга оширилади. Бундан ташқари, Тошкентда шайхул ислом томонидан бошқариладиган қонун чиқарувчи орган “Маҳкама-йи шар-ийа” (Шариат суди) тузилади; унинг аъзолари халқ томонидан беш йиллик муддатга сайланади [Содиқов Х. 1991: б.10].

Бундан кўриниб турибдики, “Уламои жамийяти” партияси раҳбарлари конституция ва фикҳга асосланган федератив давлат тузишни тақлиф қилган.

“Шўрои исломия” партияси тарафдорлари Туркистонда автоном республика тузиш ғоясини ёқлаб чиқса, “Уламои жамийати” аъзолари фақат шариат аҳкомларига асосланган автономия тузиш мумкинлигини тан олади.

Мамлакатда вужудга келган сиёсий вазиятни ривожланиши турли сиёсий ҳаракатларни мурсага келишга чақирар эди. Шунга асосан, 1917 йил ноябрь ойида Қўқонда бўлиб ўтган Туркистон мусулмонларининг IV ғавқулдда қурултойида Туркистондаги сиёсий кучлар иттифоқи тузилганлиги эълон қилинди. Бу партиялар асосан Тошкент шўросига қарши чиқиб, Қўқонда мустақил мусулмон ҳукумати тузишга қаратилган эди.

Большевиклар инқилобидан кейинги дастлабки йилларда Туркистондаги асосий сиёсий партиялардан бири “Турк одами марказийат партияси” бўлган. Бу партиянинг дин ва дунёвий маърифий давлат ҳақидаги қарашлари унинг 1917 йил 11 сентябрда Тошкентда қабул қилинган “Маромнома” дастурида баён қилинган. Мазкур дастурнинг динга бағишланган қисмида қуйидаги моддалар ўз аксини топган:

“Диний ишларни назорат қилиш учун марказий “Маҳкамаи шаръия”, унинг вилоят бўлимлари, шунингдек, ҳар бир шаҳар ва қишлоқда қозилик идоралари таъсис этилади.

Русия мусулмонларининг, уларнинг миллати ва мазҳабидан қатъи назар, диний масалаларни ҳал қилиш учун барча мусулмон жамоалари ва халқлари вакилларида иборат шайхулислом раҳбарлигида “Ҳайъати диния” (Диний ҳайъат) таъсис этилади. Ушбу Ҳайъат таркибига туркий бўлмаган халқлар вакиллари ҳам киритилиши мумкин [Турк адами марказият (федералист) фирқасининг маромномаси. 1990, №7].

Сайланадиган депутатлар сони ҳар бир ҳудудий-маъмурий бирликдаги мусулмон аҳоли сонига мутаносиб равишда белгиланади. Партия дастурида “Турк одами марказийат партияси” аъзоларининг Россияда туркий ва исломий бирликка эришишга қаратилган умидлар ўз аксини топган эди. Миллий ва маданий ишлар бўйича умумрусия турк кенгаши ва шайхулислом раҳбарлигидаги умумрусия мусулмон диний идорасини тузиш қўзда тутилган эди.

“Маромнома”да барча фуқаролар, уларнинг диний эътиқодидан қатъи назар, қонун олдидаги тенглиги, виждон эркинлиги ва барча динларнинг бир хил мақомга эга эканлиги эълон қилинди. Шу билан биргаликда дастурда шариат аҳкомлари билан боғлиқ зиддиятли моддалар ҳам бор эди. Унда судлар ҳам дунёвий қонунлар, ҳам шариатга тенг равишда бўйсунити лозим, деб таъкидланган эди.

Шариатни ҳуқуқий манбаларнинг бири сифатида қўллаш мумкинлиги имкониятини назарда тутган ҳолда, “Маромнома” Туркистонда демократик ва дунёвий давлат тузишни таклиф этади.

Жадидлар бир-бирига зид бўлган икки оқимга яъни эскича фикрлайдиган консерватив ва Фитрат бошчилигидаги ёшларга ажралди.

Ўнлар консерватив феодал-диний мафкура вакиллари сифатида майдонга чиқишган. Улар маҳаллий маъмуриятда мансабга эга бўлган ва тегишли имтиёзлардан фойдаланган амалдорлар, феодаллар ва руҳонийлар манфаатларини ифода этар эди. Сўллар эса, ижтимоий тузумнинг тубдан ўзгаришидан, мустамлака-феодал сиёсий ва иқтисодий институтларни тугатишдан ўта манфаатдор бўлган ижтимоий гуруҳ ва қатламлар манфаатларини ўзида акс эттирган эди. Ўнлар чор ҳокимияти йилларида мустамлакачилик маъмурияти ва самодержавия сиёсатини тўла-тўқис қувватлаб келишган. Сўллар эса, сиёсий жиҳатдан анча етук ва табақалашган эди. Улар чоризмнинг босқинчилик ва мустамлакачилик сиёсатидан норозилигини очиқ айтадиган феодал-диний қатламлар вакиллари ўз ичига олган. Улар қуролли қўзғолон йўли билан озодлик ва мамлакат мустақиллигига эришиш, хон ҳокимияти ва шариат қонунлари, заминдорлар ва мусулмон руҳонийларининг йўқотган имтиёзларини тиклаш, ўлка халқ оммасини европача маданият ва ахлоқ таъсиридан сақлаш ғояларини илгари суришди. Февраль воқеаларидан кейин уларнинг бир қисми демократия томон қадам ташлаб ҳаракат қилди. Лекин, бир қатор масалаларда айниқса дин ва шариат масалаларида ўз қарашларида қолишди. Уларнинг бу қисми “Шўрои Уламо” сиёсий ташкилотига бирлашдилар [Аъзамхўжаев С. 2000: 6.31-32].

Сўлларнинг радикал кайфиятдаги оқими ҳам мавжуд бўлиб, улар февралгача чор самодержавиясига қарши куrolли чиқишда фаол иштирок этишди. Чор ҳукумати ағдарилгандан сўнг уларнинг бир қисми ҳокимиятни зўрлик билан эгаллашни мақсад қилиб қўйди ва большевиклашган советларнинг ғоявий таъсирида бўлди. Кўпчилиги эса Муваққат ҳукумати, сўнгра совет ҳокимияти сиёсатидан қаттиқ норози бўлган ҳолда мустақиллик учун курашган оммавий ҳаракат “истиқлолчилик ҳаракатининг” асосини ташкил этди [Аъзамхўжаев С. 2000: 6.32].

Ўнлар ва сўллар ўртасини ва ислохотнинг маданий йўлини таклиф этган марказчилар пайдо бўлди. Улар, асосан, миллий зиёлиларнинг манфаатини ифода этади. Сиёсий жиҳатдан эса улар жаидлар, тараққийчилар ва бошқа ислохотчилар оқимларини ҳимоя этдилар. Февраль инқилобидан сўнг “Шўрои Исломия”, “Турк адами марказият” фирқаси, “Алаш ўрда” ва бошқа мусулмон марказчиларнинг энг кўзга кўринган сиёсий ташкилотлари эди [Аъзамхўжаев С. 2000: 6.32].

Бу ҳолат жаидлар орасида биргаликдаги ҳаракат ҳолатларига салбий таъсир кўрсатди ва ҳаракатларда келишмовчиликларни келтириб чиқарди. Бу эса жаидларни йўқ қилиш пайига тушган мустамлакачиларга қўл келди. Шулардан бири амир манифестини қўллаш учун ўтказилган тинч намоёиш қувғин қилиниб, жаидларга қарши қатағонлар бошланди.

Жаидларнинг Ёш бухороликлар махфий жамияти 1909 йилда Бухорода радикал кайфиятдаги мусулмон зиёлилар томонидан тузилган. Унинг баъзи раҳномалари Истамбулда таҳсил олганлар. Ташкилотнинг раҳбарлари орасида Абдурауф Фитрат, Абдулқодир Муҳиддинов, Файзулла Хўжаев ва бошқалар бор эди. Ёш бухороликларнинг сиёсий дастури ва мафкураси охиригача аниқ–тиниқ шаклланмаган. Ҳар ҳолда, бу кўпроқ татар ислохотчилиги ва радикал инқилобий йўналишдаги ёш турклар мафкурасининг ўзига хос шаҳобчасидан иборат пантуркистик ташкилот бўлган.

1917 йил Ёш бухорликлар ўзларининг дастурини эълон қилдилар. Дастурда ёзилишича, “Ёш бухороликлар” исломни расмий дин, шариатни эса-ҳуқуқий манбалардан бири деб ҳисоблаганлар. Дастурда, жумладан, шундай дейди: “Шариат аҳкоми ва шарқ билимларини чуқур эгаллаган инсон Бухоро қозикалони этиб тайинланади. У адлия вазири вазифасини ўтайди. Вазир ишларни мустақил равишда ўзи ҳал қилиши мумкин эмас. Бухоро икки ёки уч юридик субъектга бўлинади. Адлия вазири қўрғон, элбеклик ва туман қозиларини тайинлайди. Қози ўзининг икки ёрдамчиси муфтийлар билан биргаликда аҳоли ўртасида содир бўлиши мумкин бўлган жанжал ва низоларни ҳал қилувчи судни тузади. Шунингдек, истиноф-олий суд органи ҳам таъсис этилади. Улар кўпгина ҳуқуқий масалаларни ҳал қилишда анъанавий мусулмон судлари (қозиликлар)нинг устуворлигини эътироф этганлар.

1920 йилда Ёш бухороликлар Бухорода Бухоро Халқ Совет Республикасининг биринчи ҳукуматини туздилар ва ҳукуматнинг конституцияси қабул қилинди ҳамда унда ислом тамойилларига содиқлик эълон этилди. Масалан, ушбу конституциянинг 26-моддасида таъкидланишича, “республиканинг бирорта қонуни исломнинг фундаментал тамойилларга зид бўлиши мумкин эмас”. 1923 йилда “Ёш бухороликларнинг” кўпчилиги компартия сафига кирдилар.

Ислом билан давлат ўртасидаги муносабатларга оид масалаларни ҳал қилиш бўйича туркистонлик жаидчиларга ташқи омил катта таъсир кўрсатганлигини қайд этиш лозим. Жаидчилар мафкурасининг шаклланишига ҳам россиялик мусулмонлар (волга бўйиликлар, крим татарлар, ва озарбайжонлар), мусулмон оламининг бошқа халқлари жиддий таъсир кўрсатган. Маҳаллий расмий руҳонийлар дунёвий-маърифий ва диний давлатнинг яхлитлиги ҳақидаги ғояни илгари сурганлар. Аҳоли анъанавий мусулмон давлати жамоат ва фуқаролик ишларида шариат устуворлигини сақлашга ҳамда барча мусулмонлар риоя қиладиган турмуш тарзи ва жамоат тартиби посбони бўлишга хизмат қилади деб ўйлаган эди. Ваҳоланки, амалда дунёвий, (султон ҳокимияти) ва руҳоний (расмий диний мансабдор шахслар ва аёнлар) ҳокимият ўртасида ажралиш содир бўлди.

1910 йилдан бошлаб, жаидларнинг сиёсий мақсадлар сари ҳаракат бошлаши миллий инқилобни бошлаб берди. Бу ҳақда Ф.Хўжаев 1910-1917 йилларда олиб борилган оғир меҳнат,

сабот-матонат қатъийлик натижасида жадидлар миллий инқилобни бошқаришга қодир бўлган ёш бухороликларнинг сиёсий партиясига айланди. Бухоро жадидчиларининг раҳбарлари бўлган Ф.Хўжаев ва А.Фитратлар амирни ағдариш ва инқилобни амалга оширишда “Совет Тошкенти” ёрдамидан фойдаланишга ишонар эди. Қизиғи шундаки, бу масалада асосий ўринни РКП (б) тутганлигини ва Бухоро амирини ағдаришда ёш бухороликлардан восита сифатида фойдаланганлигини Ф.Хўжаев ва А.Фитратлар анча кеч тушундилар. Чунки, Туркистон АССР ХКС раиси Колесовнинг Бухорога 1918 йил мартада қилган юриши мағлубиятга учради. Натижада 1500 та жадидлар ва уларга хайрихоҳлар кириб ташланди. Бундай фожианинг содир бўлишида ўзини айбдор ҳисоблаган Ф.Хўжаев ўзининг китобида шунда ёзади: Мен эндиликда, тушунишимда камтарона ютуқларимизга берилиб кетиб, қуролли қўзғолон муваффақиятга умид қилганман” [Хўжаев Ф. 1926: 6.51].

XX асрнинг 20-йиллари ўрталарига келганда Ф.Хўжаев Ўрта Осиёни большевиклаштиришга халақит берган иккита марказ ҳақида ўзининг китобида тўхталиб ўтади. Бу икки марказнинг бири Туркистон мухторияти ва Бухоро амирлиги бўлган. Бунда Ф.Хўжаев ўзининг китобида Туркистонда 1918 йил февралда бўлиб ўтган воқеалардан сўнг совет ҳокимияти учун асосий душман Бухоро амирлиги бўлганлигини таъкидлаш билан ҳамда бу даврга келиб, Фарғона мухтор ҳокимияти тугатилган эди, деб изоҳлайди.

Ф.Хўжаев ўз асарларида жадидларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўрни ҳақида гапирар экан, бу ҳаракатни “Ўрта Осиёда миллий инқилобий ҳаракатга бошчилик қила оладиган кадрларни тайёрлаш жадидчилик асосий негиз бўлганлигини бир неча бор таъкидлаб ўтади [Хўжаев Ф. 1926: 6.45].

1917 йилдан бошлаб Ф.Хўжаев ва А.Фитрат партиянинг сўл қанотига бошчилик қилиб, Бухорода аввал конституцион монархия, сўнгра демократик республика тузиш учун курашдилар. Ёш бухороликлар амир томонидан таъкиб қилинган, Файзулла Хўжаев ва унинг сафдошлари Бухорони тарк этишга мажбур бўлишди, кейинроқ, 1920 йилда Тошкентда тузилган инқилобчи ёш бухороликлар партияси Туркистон Марказий бюроси раиси вазифасини адо этди [Sodiqov H. 2011: 6.224-226].

Ф.Хўжаев «Ёш бухороликлар» гоялари руҳидаги дастурий ҳужжат-маромномани тузди ва нашр этди, бироқ унинг раҳбарлигидаги “Инқилобчи ёш бухороликларнинг Туркистондаги марказий бюроси” ташкилоти нуфузли сиёсий кучларни ўзида ифода эта олмади. Ташкилот Ўрта Осиёни советлар давлати таркибига қўшиб олиш учун большевикларнинг кураш воситасига айланди. Файзулла Хўжаев раҳбарлик қилган Ёш бухороликларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари билан Бухорода тўнтариш тайёрладилар ва амир армиясини пароканда қилиш бўйича фаол ишлар олиб боришди ҳамда маҳаллий аҳоли орасида ташвиқот ишлари юргизишди. “Тонг” журнали ва “Қутулиш” газетасини нашр эта бошладилар [Р.Шамсутдинов, Ш.Каримов. 2016: 6.186].

Ф.Хўжаев бошлиқ Бухоро Халқ Республикаси ҳукумати қўрбошилар билан яширин алоқа ўрнатиб, музокара асосида тинчлик йўли билан мурса қилишга интилди. Афсуски, Ф. Хўжаев бошчилигидаги Бухоро ҳукумати таркибидаги миллий ватанпарвар кучлар (собик Ёш бухоролик жадидлар) билан муҳолифатдаги қуролли гуруҳлар йўлбошчилари ўртасида келишув амалга ошмади. Бу тоталитар режим шароитида амалга ошиши мумкин ҳам эмас эди [Алимова Д.А. 1999: 6.45-47].

“Ёш бухороликлар” партиясининг дастлабки фаолиятига оид тарихий ҳужжатлардан бири Бухорода ўтказилиши зарур бўлган ислоҳот лойиҳасидир. Уни 1917 йилда партия марказий қўмитаси номидан Абдурауф Фитрат ёзган. У “Ёш бухороликлар” партияси Ёш бухороликлар қўмитасининг Бухорода ислоҳот ўтказиш лойиҳаси” деб номланади.

Лойиҳада ер-сув масаласига катта эътибор берилган. Бундан ташқари унда ҳарбий масала, молия ишлари, ички ишлар ва давлат бошқарув органлари каби масалаларга ҳам кенг ўрин берилган.

Ҳаммани экин экишга мажбур қилиш мақсадида барча экилган ва экиш мумкин бўлиб, экилмай қолган ерларга ҳам солиқ солиш назарда тутилган.

Лойиҳада яна давлат ерлари, боғ ва биноларга ишлов бериш учун ҳашар чақириш умуман аҳоли меҳнатидан текин фойдаланиш ҳам ман этилди. Шу билан бирга лойиҳада қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш ва механизациялаш, деҳқонларни судхўрлардан қутқариш учун қишлоқ хўжалик банки тармоқларини ташкил этиш, агрономия билимларини ёйишга катта эътибор берилди [Sodiqov N. 2011: 6.215-216].

Фитрат томонидан амалга оширилган лойиҳани бугунги кун билан қиёсий таҳлил қиладиган бўлсак биринчидан, 2018 йил 10 май куни Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида мажбурий меҳнатга барҳам беришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги 349-сонли қарори қабул қилинди. Бу қарорнинг мақсади фуқароларни мавсумий мажбурий меҳнатга жалб қилмаслиги билан изоҳланади. Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 октябрдаги ПҚ-3318-Қарори билан тасдиқланган Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш, унинг экин майдонларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар Дастурининг 3-бандига мувофиқ яқка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун белгиланган ер участкаларининг томорқа қисмига қишлоқ хўжалиги экинлари экилмаган ёки уни ободонлаштирилмаган ҳолларда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уч баробар миқдорда ер солиғи тўланиши муносабати билан Солиқ кодексининг 291-моддасига қўшимча киритилди.

Фитрат Қуръон талқини асосида мамлакат ривожининг яхлит концепциясини ёритиб берди. Унинг фикрича, тадбиркорлик ва савдонинг ривожини билимлар ва мироатнинг бирлиги, жипслигига асосланиши лозим. Катта даромад учун бир-бири билан рақобатлашиш эмас, фабрика каби корхоналар қуриш, асбоб-ускуналар сотиб олиш учун маблағлари бирлаштириш, саноат ва қишлоқ хўжалиги ривожига қулайлик яратади: “Дини мубийнимиз ислом ҳар хусусида ҳам иттифоқ ва бирликни амр этган. Бунинг асосий шартлари эса, унинг фикрича болаларни тадбиркорлик ва бошқа фанларга ўргатиш лозим. Зеро, Қуръонда айтилгандек, “Билмаганлар билганларга тенглаша олмайдилар” [Фитрат, Абдурауф. 2000: 6.167].

Фитратнинг фикрича, тараққиётдан орқада қолиш авлодлар олдида жавоб беришни талаб қилади ва буни масъулият деб билган. “Агар сиз, бухороликлар...бу худо берган неъматдан фойдаланмасангиз, албатта, хайял ўтмай бегоналар бу бойликларга эга бўлиб, уларнинг ҳар бирларининг устидан фабрика ва машиналар ўрнатадилар. Дунё-дунё пул ишлаб оладилар. Минглаб хизматчилар бу ишга сафарбар қилинадилар. У вақтда сизнинг фарзандларингиз чорасиз қолиб, уларнинг хизматларига бўйин эгишлари муқаррар”, деб ёзади [Фитрат, Абдурауф. 2000: 6.168]. Бу билан Фитрат Туркистоннинг иқтисодий қолоқлиги унинг Россияга иқтисодий ва сиёсий тобелikka олиб келишини айтмоқчи бўлади.

“Ёш хиваликлар” ташкилоти 1917 йилда Хива жадидларининг сўл қанотидан ажралиб чиқди. Унинг ташкилотчилари ва асосчилари Ҳусайинбек Матмуродов, Бобоохун Салимов, Полвонниёз Ҳожи Юсупов, Мулла Жуманиёз Султонмуродов ва бошқалар эдилар.

Улар рус подшоҳи истибдоди билан уйғунлашган мустабид хон зулми, мутаассиблик, хурофот, хилма-хил солиқларнинг кўплигидан азобланаётган халқни эркин ва фаровон турмушга олиб чиқиш, Ватанни иқтисодий ва маданий тараққий эттириш йўлида бош қотирдилар ва демократик ислохотлар ўтказиш, мамлакатда ҳаётни йўлга қўйишда хон ҳокимиятига мухолифатда бўлдилар. Бу мухолифат тараққийпарварлар орасида хонликдаги йирик уламо ва амалдорлар вакиллари ҳам бор эди. Жумладан, Бобоохун Салим ислом ҳомийси шайхулислом, яъни қозикалон мансабида эди. У ўз лавозимидан фойдаланиб, Хива хони Асфандиёрхонни адолатпарвар, халққа меҳр-шафқатли бўлишга чақирди [Р.Шамсутдинов, Ш.Каримов. 2016: 6.153].

“Турон” газетасининг ёзишича, 1917 йилнинг 4 апрелида Хива шаҳридаги рус аскарлари депутатлар совети ва Бобоохун Салимов раҳбарлигида “Ёш хиваликлар” намойиш ўтказадилар.

Бундан чўчиган Асфандиёрхон 5 апрелда “Ёш хиваликлар” қўмитаси томонидан ёзилиб, унга тақдим этилган манифестига имзо чекишга мажбур бўлди. Бу ҳужжат асосида Хива хони

бошчилигида конституциявий монархия тузуми қарор топади, деб эълон қилинади. Сайлов йўли билан депутатлар мажлиси ва нозирлар кенгаши ташкил топди.

8 апрелда бўлган Мажлиснинг биринчи йиғилишида депутатлар-мажлисининг раислигига Бобоохун Салимов, Нозирлар (вазирлар) кенгашининг раислигига эса Хусайинбек Матмуродов сайланади. Ана шундан сўнг мажлис ва ҳукумат бутунлай “Ёш хиваликлар” кўлига ўтади.

Мажлис номидан эълон қилинган Манифестга кўра, хонликда вақф, мулк (хусусий) ва подшолик ерлари дахлсизлигича сақланиб қолди, хазинанинг кирим ва чиқимлари устидан назорат ўрнатилди, шариат судлари давлат таъминотига ўтказилди, янги усулдаги жаҳид мактаблари очилиши белгиланди.

Мажлис депутатлари орасида дастлаб туркман миллатининг вакиллари йўқ эди. Кейинроқ уларнинг ҳам талаблари қондирилди, туркман миллати вакилларида 7 киши мажлис депутатлари таркибига киритилди. Қорақалпоқларнинг вакиллари ҳам Мажлисида ўз ўрнига эга бўлди. Булар албатта, жаҳидлар раҳбарлигида бошланган озодлик ва эрк учун курашнинг дастлабки ютуқлари эди.

Аммо бу ғалаба узокқа бормади. У бор-йўғи 7 ой умр кўрди, холос. Асфандиёрхон Россия муваққат ҳукуматининг Хивадаги вакили генерал Мир Бадаловга суянган ҳолда 1917 йил июнь ойининг бошларида жаҳидлар бошлиқ Мажлисга қарши фитна уюштиради. Бу пайтда Бобоохун Салимов ва “Ёш хиваликлар”нинг намояндалари Тошкентга Совет ҳукуматидан ёрдам сўраш учун келган эдилар. Хон нозирлар кенгашининг раиси Ҳ.Матмуродов бошлиқ жаҳидларнинг 17 вакилини қамоққа олади. Кейинчалик уларнинг жуда оз қисми қамоқхонадан қочишга муваффақ бўлади. Қолганлари эса отиб ташланади. Жаҳидлар “Шариатга хиёнат қилганликда” айбланиб, таъкиб остига олинадилар ва қувғин қилинадилар [Р.Шамсутдинов, Ш.Каримов. 2016: 6.154-155].

Агар жаҳидлар фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, уларнинг сиёсий қарашларидаги умумийлик яъни уларнинг аксарияти ўз ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий қарашларида давлат бошқарувини ислоҳ қилиш масаласини илгари сурган.

Жаҳидчилик тарихчи олимларнинг фикрича, ғавқулдда ҳодиса бўлиб, унинг феномени куйидагилар билан белгиланади: Биринчидан, унинг ноёблиги (феномени), аввало, унда ғоятда юқори даражадаги ақл-идрокли, ҳам Шарқ, ҳам Европа маданиятига хос билимларга эга бўлган зиёлилар жамланганлиги билан белгиланади. Ўтмишга назар солиб, уни ўрганиб, ўз даврини таҳлил қилган жаҳидлар ўз Ватанининг келажаги лойиҳасини туза билдилар, унинг ривожланиш йўллари режалаштирдилар. Уларнинг деярли барчаси олий диний таълим олганлари, Жомий, Навоий, Фузулий шеърляти, қадимги Шарқ мутафаккирларининг фалсафий асарлари руҳида тарбияланганлари ҳолда, ўз билимларин чет эл маданиятини, жумладан, ҳам Шарқ, ҳам Ғарб маданияти билан бойитдилар. (Жаҳидларнинг аксарияти ўз билимларини чет элларда давом эттирдилар. Масалан, Исҳоқхон Ибрат Жидда, Истанбул, София, Афина, Римда яшаб ўқиган. Ҳиндистонда ҳам узок вақт яшаган. У француз, инглиз, урду, форс, иврит, араб ва бошқа яна бир қатор тилларни ўрганган) [Алимова Д.А. 1999: 6.43].

Февраль инқилоби Туркистон аҳолиси учун ўзига хос янгилашни жараянини бошлаб берди. Энди Туркистон аҳолиси ўлкани бошқариш бўйича демократик ўзгаришлар қилиш, етилган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муаммоларни ҳал этиш, мустамлака зулмини тугатиш масалаларини кўтариб чиқди. Бир сўз билан айтганда, ўлкада ижтимоий ғоялар миллий ғоялар билан, мустамлака тобелигини тугатиш муаммоси билан қоришиб кетди.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, жаҳидлар партияларининг ҳаракат дастурларини қиёсий таҳлил қилиш улар ўртасида кўпгина тафовутлар борлиги кўзга ташланади. Лекин улар ягона байроқ остида яъни миллий озодлик байроғи остида жипслашганлар ва курашганлар. Уларнинг дастурларида маърифатчиликдан тортиб Туркистон ўлкасида курашнинг парламент усулини танлаганлигининг гувоҳи бўламиз.

Жаҳидлар ўзларининг келажақдаги давлат тузумини барча миллатларнинг бирлиги асосида тасаввур этардилар. Беҳбудий: “Биз жорий этган қонунлар яҳудийларнинг ҳам,

насронийларнинг ҳам, мусулмонларнинг ҳам ва умуман, барчанинг манфаатларини ҳимоя қилиш керак. Агар биз, Туркистон мусулмонлари, биргаликда ислохотлар ўтказишни истасак, бизнинг зиёлилар, маърифатпарварлар, бойлар, руҳонийлар ва олимлар миллат ва Ватан фаровонлигига хизмат қилишлари керак... Агар бизни мустамлакачилик қонунлари билан бошқараётган эканлар, бунинг сабабчиси, аввало, ўзимизнинг ноиттифоқлигимиздир!” [М.Бехбудий.1917].

Библиография

“КЕНГАШ”, 1917, 19 июль.

“НАЖОТ”, 1917, 9 апрель.

SODIQOV H. (2011). O‘zbekiston tarixi / H.Sodiqov, N.Jo‘raev; tahrir hayati: A.S.Sagdullaev [va boshq.]; mas‘ul muharrir A.Sagdullaev, N.Abduazizova; O‘zR Prezidenti huzuridagi davlat va jamiyat qurilishi akad., O‘zbekistonning yangi tarixi markazi. – T.: “Sharq”, B. 224-226.

АЛИМОВА Д.А. (1999). XIX аср охири-XX аср бошида Бухородаги ижтимоий-сиёсий вазият ва жадидчилик. // Жадидчилик: ислохот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш.-Тошкент: “Университет”. Б.100.

АЛИМОВА Д.А. (1999). Жадидчилик ҳаракатининг ижтимоий-сиёсий моҳияти ва жадидлар тафаккури. Жадидчилик: ислохот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. (Туркистон ва Бухоро жадидчилиги тарихига янги чизгилар). Даврий тўплам. № 1.-Б. 43.

АЛИМОВА Д.А. (1999). Файзулла Хўжаев ва жадидчилик //Файзулла Хўжаев фаолияти ҳақида янги мулоҳазалар. Т.: Фан, Б. 45-47

АЪЗАМХЎЖАЕВ С. (2000). Туркистон мухторияти: Миллий-демократик давлатчилик қурилиши тажрибаси //Маъсул муҳаррир: Д.Алимова//. – Т.: “Маънавият”. Б.38-39.

М.БЕХБУДИЙ. (-1917). Баёни ҳақиқат. // Улуғ Туркистон. 12 июнь.

МУСТАФО ЧЎҚАЙ ўғли. (1993). Истиқлол жаллодлари. (1917 йил хотиралари). Тошкент.

Р.ШАМСУТДИНОВ, Ш.КАРИМОВ. (2016.) Ватан тарихи (Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида). Учинчи китоб. Қайта тайёрланган, тўлдирилган тўртинчи нашри. “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти. Тошкент. Б. 186.

СОДИҚОВ Ҳ. (1991) Хурриятда мухториятгача. // Фан ва турмуш, №3, Б.10.

ТУРК АДАМИ МАРКАЗИЯТ (ФЕДЕРАЛИСТ) ФИРҚАСИНИНГ МАРОМНОМАСИ. (1990). Турк адами марказият фирқасининг низомномаси. // Фан ва турмуш, Тошкент, №7.

ТУРСУНОВ У., ЎРИНБОЕВ Б. (1995). Ўзбек адабий тили тарихи. Дарслик. Тошкент. Ўқитувчи. Б.145.

ФАЙЗИ Ҳ. (1929). // Худосизлар, №10, Б. 14-15.

ФИТРАТ, АБДУРАУФ. (2000). Танланган асарлар // Сўз боши ва изохлар муаллифи: Ҳ. Болтабоев; Таҳрир ҳайъати: О.Шарафиддинов ва бошқ.; Маъсул муҳаррир: Н.Каримов/. – Т.: “Маънавият”. Жилд I. Шеърлар, насрий асарлар, драмалар. Б.167.

ХОНАЗАРОВ Қ. (2001). Ўзбек фалсафаси борми? // “Мулоқот, 3-сон.Б.3.

ХЎЖАЕВ Ф. (1926). Бухоро инқилоби тарихига доир. Тошкент, ЎзГИЗ. Б.51.

Transliteration

A'ZAMXO'JAEV S. (2000). Autonomy of Turkestan: the experience of building a national-democratic statehood // Editor-in-Chief: D.Alimova //. - T.: "Spirituality". B.38-39.

ALIMOVA D.A. (1999). Fayzulla Khodjaev and jadidism // New comments on the activities of Fayzulla Khodjaev. T.: Fan, B. 45-47.

- ALIMOVA D.A. (1999). Socio-political situation and jadidism in Bukhara in the late XIX-early XX centuries. // Jadidism: the struggle for reform, renewal, independence and development.-Tashkent: "University". B.100.
- ALIMOVA D.A. (1999). The socio-political nature of the Jadid movement and the thinking of the Jadids. Jadidism: the struggle for reform, renewal, independence and development. (New lines in the history of Turkestan and Bukhara Jadidism). Periodic collection. № 1.-B. 43.
- FITRAT, ABDURAUUF. (2000). Selected works // Foreword and comments by: H. Boltaboev; Editorial Board: O.Sharafiddinov et al .; Responsible editor: N.Karimov /. - T.: "Spirituality". Volume I. Poems, prose works, dramas. B.167.
- KENGASH, July 19, 1917. FAYZI H. (1929). // Ungodly, №10, B .14-15.
- M.BEHBUDIY. (-1917). The statement is true. // Great Turkestan. June 12.
- MURDER OF THE TURKISH MAN CENTRAL (FEDERALIST) FIRCA. (1990). Charter of the Turkish Centralist Party. // Science and life, Tashkent, №7.
- MUSTAFO CHOKAY son. (1993). Executioners of Independence. (Memories of 1917). Tashkent. NAJOT, 1917, April 9.
- R.ShAMSUTDINOV, Sh.KARIMOV. (2016.) History of the homeland (Uzbekistan during the Soviet colonial period). The third book. Revised, completed fourth edition. Sharq Publishing and Printing Joint-Stock Company General Editorial Office. Tashkent. B. 186.
- SODIQOV H. (1991) From Hürriyet to Autonomy. // Science and life, №3, B.10.
- SODIQOV H. (2011). History of Uzbekistan / H. Sodiqov, N. Juraev; editorial board: ASSagdullaev [et al.]; responsible editor A.Sagdullaev, N.Abduazizova; State and Society Building under the President of the Republic of Uzbekistan, Academician, Center for New History of Uzbekistan. - T.: "Sharq", P. 224-226.
- TURSUNOV U., ORINBOEV B. (1995). History of Uzbek literary language. Textbook. Tashkent. Teacher. B.145.
- XO'JAEV F. (1926). On the history of the Bukhara revolution. Tashkent, UzGIZ. B.51.
- XONAZAROV Q. (2001). Is there an Uzbek philosophy? // "Communication, issue 3.B.3.



Абдуллаев Сардор Туйчиевич
Самарқанд давлат университети
Abdullayevsardor27@gmail.com

ИНСОН МАЪНАВИЙ БОРЛИҒИНИ ЮКСАЛИШИДА ГЎЗАЛЛИКНИНГ ЎРНИ

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9505-2020-SI-2-3>

АННОТАЦИЯ

Инсон маънавий борлигининг юксалиши ва ривожлинишига таъсир этадиган ҳар бир омилларнинг ўрни бекиёсдир. Шу ўринда, биз ушбу мақоламизда инсон маънавий борлигини юксалишида гўзаллик тушунчасининг ўрни ва аҳамиятини асослашга ҳаракат қиламиз. Инсон маънавий оламини хулкий гўзаллик асосида шаклланида табиат, жамият борлигидан эстетик завқ олиш, қониқиш ҳислари ва муносабатлари асосида яшаши ҳам ўзига хос даражада маънавий борлиқни юксалишига ижобий таъсир этишини белгилайди. Шу билан бир қаторда гўзаллик категорияси ҳам объектдаги эстетик шаклни ва инсоннинг унга бўлган муносабатини ушбу шакл ва унинг учун ҳақиқатни ўзлаштириш ўлчовилир. Гўзаллик - гўзаллик ва эзгулик бирлигини ифодаловчи тушунчадир. Гўзаллик айнан эстетик қадриятнинг умуминсоний маъносини ифодалайди. Шу боисдан ҳам инсон, жамиятдаги гўзаллик биринчи навбатда инсон фаолияти, унинг характери ва ҳаракат йўналиши билан боғлиқ ҳисобланади.

Калит сўзлар: инсон маънавий борлиғи, гўзаллик, маънавият, ахлоқ, маданият, субъект, объект.

Калит сўзлар (2): маънавий юксалиш, хулкий гўзаллик, эстетиклик, дунёқараш, қадрият, эстетик муносабат, эстетик завқ.

РОЛЬ КРАСОТЫ В ВОССТАНОВЛЕНИИ ДУХОВНОГО СУЩЕСТВОВАНИЯ ЧЕЛОВЕКА

АННОТАЦИЯ

Несравнимо роль каждого фактора, влияющего на развитие и возвышение духовного совершенства человека. В связи с этим, в данной статье мы старались обосновать место и значение красоты на пути развития духовного совершенства человека. Человек при формировании духовного мира на основе нравственной красоты также определяет, что жить, получая эстетического удовольствия от природного, общественного бытия может положительно повлиять на развитие духовного совершенства. На ряду с этим было рассмотрено, что и категория красоты является измерением освоения действительности в эстетической форме объекта и человеческого отношения в нем. Красота являясь понятием, выражающее еденицу красоты и доброты, также имеет и общечеловеческий смысл эстетической ценности. В связи с этим считается, что человек, красота в обществе в первую очередь связано с деятельностью человека, его характером и направлением характера.

Ключевые слова: духовное совершенство человека, красота, духовность, нравственность, культура, субъект, объект.

Ключевые слова (2): духовное развитие, нравственная красота, эстетичность, мировоззрение, ценность, эстетическое отношение, эстетическое удовольствие.

THE ROLE OF BEAUTY IN THE INCREASE OF HUMAN SPIRITUAL EXISTENCE

ANNOTATION

The role of every factor that affects the rise and development of a person's spiritual existence is incomparable. At this point, in this article, we will try to substantiate the role and importance of the concept of beauty in the ascension of human spiritual existence.

In the formation of the spiritual world of man on the basis of moral beauty, living on the basis of aesthetic enjoyment of nature, the existence of society, feelings of satisfaction and attitudes also determines the positive impact on the growth of spiritual beings.

In addition, the category of beauty was also considered to be a measure of the aesthetic form in an object and a person's attitude towards it, the mastery of this form and the truth for him.

While beauty is a concept that represents the unity of beauty and goodness, beauty represents exactly the universal meaning of aesthetic value.

For this reason, man, the beauty of society is primarily associated with human activity, his character and direction of movement.

Key words: human spiritual perfection, beauty, spirituality, morality, culture, subject, object.

Key words (2): spiritual development, moral beauty, aesthetics, worldview, value, aesthetic attitude, aesthetic pleasure.

КИРИШ

Маънавий борлиқ ходисасининг маданият билан боғлиқ жиҳатларини ўрганиш ҳам бугунги кунда долзарб масалалардан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам баъзи файласуфлар томонидан маданий даврларнинг маънавий доминантлари динамикаси кузатиш, маънавият ва маданиятнинг ўзаро боғлиқликлари ўртасидаги алоқалар муаммоси, маданият ва цивилизациянинг ўзаро муносабатларида маънавиятнинг ўрнини тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бир қаторда фалсафий нуқтаи назаридан маънавият ходисасини инсонни ўзлигини яратиш амалиёти ва ўзига хос билиш усули сифатида таҳлил қилишга зарурат туғилмоқда. Шу билан бирга бугунги кунда инсон ва дунёнинг ўзаро муносабатларининг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу нуқтаи назардан тарихан ўрганишни муҳим эканлигини Ф.Фукуяма алоҳида таъкидлаб ўтади [Ф.Фукуяма, Москва. 2004, с.588]. Унинг фикрича, маънавият доминантаси белгиси остидаги маданий даврлар фақат уларгагина хос бўлган маънавий, интеллектуал, ҳиссий, эстетик ва психик тажриба хислатларини, шунингдек инсон имкониятлари чегараси ҳақидаги фақатгина уларга хос бўлган тасаввурларни мужассамлаштиради.

Маънавий борлиқ субъектив воқелик сифатида макро ва микрокосмларни субъект орқали, ҳар бир феноменнинг ўзига хос хусусиятларини сақлаган ҳолда намоён бўладиган бетакрор ходисалар тизимидир. Шунингдек, субъект томонидан маънавий қадриятларга муносабатининг биполярлигини (икки кутблилигини) англаниши ва ушбу мезонни кундалик ҳаётга тадбиқ қилиниши дунё манзарасини шахснинг маънавий қонунлари билан боғлаш усули ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда инсон ва жамиятнинг келгусидаги ривожланиши учун маънавият муаммосини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Бу масаланинг нақадар долзарблигини Биринчи Президент И.А.Каримов ўзининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида ҳар томонлама асослаб, “...ҳозирги кунда маънавиятимизни асраш учун нима қилиш лозим ва унга таҳдид соладиган хуружларга нимани қарши қўйиш керак, деб сўраса, мен авваламбор шу юртда яшаётган ҳар қайси инсон ўзлигини англаши, қадимий тарихимиз ва бой маданиятимиз, улуғ аجدодларимизнинг меросини чуқурроқ ўзлаштиришни,

бугунги тез ўзгараётган ҳаёт воқелигига онгли қараб, мустақил фикрлаш ва диёримиздаги барча ўзгаришларга дахлдорлик туйғуси билан яшаши зарур» [Каримов И.А, 2008.с.125-126], деб ёзади.

Ҳар бир одамнинг онгида борлиқнинг ҳақиқат, эзгулик ва гўзаллик билан бирлигига азалий ишонч яшайди. Бизнинг борлиғимиз ўз манбаси ва инсон бўлишдан иборат бўлган асосий вазифасига кўра уйғунлик, ҳаётни қувонч билан идрок этиш, адолатга интилади. Шу боис борлиқни «шакл-шамойилсиз космик муайянлик» сифатида эмас, балки инсон руҳида кечадиган алоҳида психологик ҳолат нуқтаи назаридан таҳлил қилиш бугунги муҳим муаммолардан биридир. Борлиқ экзистенциал салмоққа эга бўлган алоҳида категориядир. У мавжудлик ва субстанция масаласининг умумийлигига асосланади. Бунда, бир томондан, нарса ва ҳодисалар мавжудлигининг ранг-баранг кўринишлари, бошқа томондан - уларнинг моҳияти, маъноси ва аҳамияти асосидаги борлиқнинг ўзига хос хусусиятларини вужудга келтиради.

МАТЕРИАЛЛАР ВА МЕТОДЛАР

Ҳозирги даврда инсон маънавий борлиғини илмий ва фалсафий жиҳатдан жиддий ўрганиш долзарб масалалардан ҳисобланади. Қандай ҳулқ-атвор мақсадга мувофиқ бўлишини англаш учун инсоният маънавиятини ривожланишининг энг муҳим даражаларини кўриб чиқиш керак бўлади. Ушбу тадқиқотимизнинг асосий мақсадлари инсон маънавий борлиғини шаклланиши, юксалишида гўзаллик тушунчасининг ўрни ва аҳамиятини илмий таҳлил этишдан иборат бўлиб, бу тадқиқотимизнинг методологик асоси сифатида назарий танқидий, тарихий, мантикий, қиёсий таҳлил ва тизимли таҳлил каби умумий методлардан фойдаланилди. Инсон маънавий борлиғини юксалтиришга оид Шарқ ва Ғарб алломаларининг қарашлари ўрганилди, ушбу мақолада Умар Ҳайём, Ф. Фуқуяма, Абдулла Шер, А.Эркаев, И.Саифназаров, Г.Туленова, О.Ғайбуллаев, Шиллер, Фрейд, Кант ва бошқа олимларнинг қарашлари келтирилган.

МУХОКАМА ВА НИТИЖАЛАР

Инсон маънавияти, унинг маънавий борлиғи масаласи бугунги кунда бевосита онтология муаммолари билан боғлиқ ҳолда намоён бўлмоқда. Яъни инсон маънавиятининг онтологик табиати, унинг макон ва замон билан боғлиқ мезонлари, миллий ва умуминсоний, шахсий ва жамоавий қадриятларнинг ўзаро нисбати масалалари билан боғлиқ бўлиб қолмоқда. Маънавият – бу нафақат инсон ҳаёти билан боғлиқ, балки, давлатнинг мавжудлигини таъминловчи ички кучдир. Чунки айнан “маънавият энг аввало миллатни, миллий маданиятни, миллий турмуш тарзини муҳофаза қилади”[Эркаев А. 2008.с.54]. Фақатгина эркин жамиятгина маънавий тараққиётга эришиши мумкин, чунки бу жамиятда дунёқарашга оид кўрсатмалар мустаҳкамликка текширилиши, танқид қилиниши, яхшироқлари билан алмаштирилиши мумкин. Бу каби фаолиятни фақатгина демократик жамиятдагина тўлақонли амалга оширилиши мумкин.

Фалсафий адабиётда маънавиятни ўрганишга муайян ёндашувлар шаклланиб борган. Бундай тадқиқотларнинг бир қисми меъёрий йўналиши, авваллари тафаккур, инсоннинг ижтимоий фазилатларининг ривожланиш меъёри ва табиати, унинг социумга мослашиш қобилияти бўйича олиб борилган. Файласуф олим И.Саифназаров маънавиятнинг ботиний мазмунига кўпроқ эътибор берган бўлса[Саифназаров И.2001.с.14]., Г.Ж.Туленова эса «Маънавият – ҳар қандай жамиятнинг муҳим унсуридир. Юксак маънавият, мафқурасиз ҳеч қандай жамият ҳам, давлат ҳам тараққий эта олмайди. Маънавияти юксак даражада ривожланган миллат, халқгина келажакка томон изчиллик билан қадам босади» [Г.Ж.Туленова, 2000.с.103] деб ёзади.

Инсон маънавий борлиғини ривожлиниши ва юксалишида гўзалликнинг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, гўзаллик инсон маънавий борлиғининг олий мақсадга мувофиқликка интилишини англатади. Ҳақиқатан ҳам гўзаллик воситасида “олий мақсадлар”га интилиш жамиятнинг соғломлиги кўрсаткичидир. Акс ҳолда инсон ўзининг ижтимоийлик мақомидан мосуво бўларди. Шу сабабли жамиятнинг ривожланиши ва шахснинг ҳар томонлама шаклланиши гўзалликнинг асосий вазифаси бўлиб қолиши лозим.

Инсон дунёга келиб, жисмонан улғайиб борар экан шу билан биргаликда, унинг онги, тафаккурида ҳам ўзгаришлар пайдо бўла бошлайди ва теварак атрофидаги нарса, ҳодиса ҳамда жараёнларга маънавий-эстетик баҳо берабошлайди. Шу асосда муносабатга киришиб, объектив борлиқдаги барча нарса ва ҳодисаларнинг инсон онгида инъикос этиб, ҳушнудлик кайфиятини уйғотувчи, гўзаллик касб этувчи хусусиятларига кўптроқ этиборини қаратади. Шунинг учун ҳам ҳар бир инсон ўзини ўраб турган барча нарса-ҳодисаларнинг гўзал бўлишини, ҳар қадамда нафосатни ҳис этишни истайди. Чунки, ўзининг ташқи кўринишидан тортиб, у ишлатадиган, фойдаланадиган нарсалар ва яшайдиган маскани бўладими барчасидан нафис бир рух уфуриб туришини ички ботиний ҳис этиб яшайди. Гўзалликни ҳис этиб яшаган инсон борлиқнинг барча томонларидан гўзалликни ахтаради ва этиборини гўзалликка қаратади. Ижтимоий ҳаётга кириб келаётган ҳар бир ёш авлодни онги ва тафаккурида эстетик онг, эстетик билим, эстетик муносабат ва эстетик дунёқараш шакилланса у амалий фаолиятида гўзалликка интилиб яшайди, шу асосда маънавий ва эстетик қадриятларни ҳис этиб яшайди.

Инсон маънавий борлиғини ёритадиган, маънавий завқ бахш этадиган, ҳушнудлик кайфиятларини пайдо қиладиган, инсонда ёқимли бир ҳис уйғотадиган жараён бу гўзалликдир. Гўзаллик - жамики лаззат бахш этадиган, ёқимли ҳис уйғотадиган, ҳушнудлик кайфиятларини пайдо қиладиган нарса-ҳодисаларни қамраб олади. Инсонларда гўзалликни идрок қилишни шакиллантириш орқали уларда бошқа кишиларнинг кечинмалари ва туйғуларини ҳис эта билиш, одамларнинг хурсандчилигига шерик бўлиш, қайғусини йенгишда мададкор бўлиш каби хусусиятларни шакиллантиради, шулар асосида инсоннинг маънавий камолоти шакиллана боради. Нафисликка, гўзалликка қалби бой инсонда яратувчанлик, ижодкорлик, бунёдкорлик, фаоллик, яшашга бўлган эҳтиёж шакилланади ва маънавий камолот сари улғайиб боради ва инсоннинг ҳуққий гўзаллиги шакилланиб боради.

Гўзаллик категорияси эстетика илми тарихида марказий тушунча сифатида турли ракурсларда ўрганилиб келинди. Хусусан, инсон гўзаллиги ёки нима гўзал деган саволни ўртага қўйилиши, инсоннинг объект ва субъект муносабатини шаклланишига олиб келган. Инсоннинг табиийликка интилиши, олам ҳақидаги фалсафий қарашлари, унинг сунъий онг, муҳитни яратиши бу тушунчага нисбатан фикрларни ранг-баранглигини ривожлантирган.

Инсонларнинг борлиққа нисбатан эстетик муносабатлари ниҳоятда мураккаб ва кўп қиррали жараёндир. Кишиларнинг ижтимоий ҳаётида содир бўладиган эстетик ҳиссиётлар, кечинмалар фақат сезгиларимиз, онгимизга боғлиқ бўлмай, балки объектив борлиқдаги нарса ва ҳодисалар билан бевосита боғлиқ. Инсон сезгилари, ҳиссиётлари унинг руҳиятига таъсир этиб, борлиқдаги бир-биридан гўзал манзараларини ҳис қилишда катта аҳамиятга эга.

Инсон ўзининг эстетик идрокидаги гўзаллик категориясига энг яқин бўлган чиройлилик тушунчаси яқинроқ бўлиб, буларнинг фарқи гўзалликнинг энг юқори (мутлақ) даражасидир. Миллий ва умуминсоний қадриятларда гўзаллик ташқи ва ички гўзалликка бўлингани, инсоннинг маънавий борлиғини ташкил этган ҳиссиёт, идрок, лаззатланиш, қониқиш сингари априор тушунчалар билан боғланганлиги, шундай экзистенциал бўшлиққа олиб келади. Шу билан бирга, гўзаллик кўпроқ умумий ва кўп қиррали тушунча сифатида чиройлиликдан фарқ қиладди. Инсон маънавий оламида жуфт тушунчалар сабаб мезон, чегара пайдо бўлган ва унинг тескараси, антоними тушунчани ўзлигини билдиради. Гўзаллик категорияси ҳам худди шундай. Унинг антоними ҳунуқлик, беўхшовлиқдир.

Фалсафа энциклопедик луғатида “Гўзаллик табиат ва жамиятдаги нарса ва ҳодисаларнинг, инсон фаолиятининг кишида меҳр-муҳаббат, қувонч, завқ, эркинлик туйғулари ҳосил қилишга қодир бўлган хусусиятларини ифодалайди” [Фалсафа энциклопедик луғат. 2010. с.86], деб таъриф берилган. Яна бир манбада “гўзаллик – бу марказий мезоний тушунча (категория) бўлиб, унда борлиқдаги нарса ҳодисаларнинг шакл ва мазмун уйғунлиги, мукамаллиги ва инсоннинг уларга бўлган маънавий-руҳий лаззатланиши билан шартланган муносабати ифодаланади” [Оллоёров М. СамДУ, 2011. с.38], дейилган. Инсон ижтимоий ҳаётда бўлаётган воқеа-ҳодисаларни гўзал жиҳатларини меҳр-муҳаббат, завқ-шавқ, эркинлик туйғулари билан ҳис этади. Инсон оламда юз бераётган жараёнларни ўзининг ҳис-туйғулари, кечинмалари орқали билиб олишга интилади. Ана шу интилишларда кишининг аввало,

гўзалликни ҳис этишга бўлган қизиқишлари содир бўлиб, нима гўзалу, нима хунуклигини билиш жараёни воқеликни идрок этишда юз беради. “Гўзалик – бу табиат ва жамиятдаги эстетик онг ва фаолият асосида вужудга келадиган субъектнинг воқеликни идрок этиш қобилиятидир” [Ғайбуллаев О, СамаДУ. 2004. с.57]. деб тақитлайди.

Замонавий эстетик қарашлардан келиб чиққан ҳолда гўзаллик категориясининг контекст чегараларини аниқлаштириш долзарб аҳамиятга эга. Шу билан бирга, замонавий фалсафий қарашлар асосида инсониятни ҳақиқатни англаш истаги ва абадий қадриятлар асосида дунёни ва ўз-ўзини гўзаллик таъсирида тубдан ўзгартиришга йўналтирилган фаолиятини чуқур ўрганиш ҳам муҳим ҳисобланади. Гўзал – анъанавий эстетик қадриятларни тавсифловчи классик эстетиканинг асосий тушунчаларидан биридир. У нафис субъект-объект муносабатларининг асосий ва кенг тарқалган шаклларида бирини ифодалайди. Гўзаллик ҳодисаси асосан эстетик завқ, мукаммаллик, маънавий ва моддий борлиқ, бадий идеаллар, услуб ва ҳоказолар билан чамбарчас боғлиқ.

Гўзаллик - бу мукаммалликни англатадиган эстетик категория, объект томонларининг уйғун комбинацияси бўлиб, у кузатувчига эстетик завқ беради. Гўзаллик маданиятнинг энг муҳим мезонидир. Шу билан бирга, гўзаллик кўпроқ умумий ва кўп қиррали тушунчадир, кўп жиҳатдан эклектиkdir. Гўзалликнинг акси хунуклик ҳисобланади. Аслида эса А.Шер тўғри таъкидлаганидек, “Гўзаллик ва хунукликни икки алоҳида дунё эмас, балки бир дунёнинг икки кутби сифатида олиб қараш лозим. Бундан бир неча минг йиллар аввал қадимги даочиларнинг «Дао де цзин» китобида бу борада шундай дейилади: «Бутун Осмоноти гўзалликнинг гўзал эканини билиб олганида, ўша пайт хунуклик ҳам пайдо бўлган». Демак, гўзаллик бор экан, хунуклик ҳам мавжуд, улар доимо бир-бири билан диалектик муносабатда. Бундай муносабатни биз, айниқса, уларнинг бир-бирига ўтиб туришида кўришимиз мумкин. Ёш, юзлари тиниқ, қадди қомати адл – гўзал қизнинг йиллар ўтиб, қари, ҳамма ёғини ажин босган букчайган, касалманд кампир бўлиб қолиши ёки баҳорда қийғос гуллаган ўрикнинг қишда тиканга ўхшаб тиккайган шохлари бир-бирига чирмашиб кетган яланғоч дарахтга айланиши бунинг ёрқин мисolidир. Хунуклик ҳам кўп ҳолларда худди шундай эврилишни бошдан кечиради. Масалан, маҳалла четида ахлатхона бўлиб ётган ташландиқ ер – хунук, уни гулзорга айлантирилса – гўзаллик касб этади ёки зарғалдоқнинг жиш полапони – хунук, вояга етгач эса, у рангдор, гўзал қуш сифатида кўзни қувонтиради” [https://abdullasher.wordpress.com/2015].

Гўзаллик - бу эстетик диднинг ўзига хос туридир. Гўзалликнинг сири ҳаёт сиридир. Гўзаллик - бу бизни ўраб турган ҳақиқат шакллари бизнинг мукаммаллик ҳақидаги ёки ҳаётимизни яхшилашга ёрдам берадиган нарсалар ҳақидаги ғояларимиз билан мос тушганда пайдо бўладиган энг юқори эстетик қийматдир. Демак, эстетикада асосий қийматни ифодаловчи тушунча “гўзаллик”дир. Чунки ҳар қандай предмет ёки ҳодиса уларни гўзал қиладиган расмий хусусиятларга эга. Буларнинг барчаси одамларнинг эстетик эҳтиёжларини у ёки бу жиҳатдан қондиришга қодир ва шунинг учун ҳам гўзаллик эстетик қадрият вазифасини ҳам бажаради. Бундай хусусиятларга эга бўлган объектлар гўзал деб аталади. Ф.Бозарова фикрича, “Гўзаллик ва улғуворликни идрок қилиш ва ундан таъсирланиш ҳар бир шахснинг индивидуал хусусиятлари, ҳис этиш маданиятининг даражаси, ассоциатив фикрлаши, билим манбаси, тасаввури, ҳаётий тажрибасига боғлиқдир. Бунда санъатнинг комплекс таъсири натижасида эстетик завқ характери ва таъсири турлича даражада намоён бўлади. Эстетик идрок хусусиятлари характери шахснинг қизиқишлари ва эҳтиёжлари асосида шаклланади” [Бозарова Ф.Ғ, (PhD) диссертация автореферати. 2018.с19].

Гўзалликнинг объектив асоси ва зарурий шарт - бу ҳодисаларнинг турли таркибий қисмларининг ўзаро боғлиқлиги - уларнинг нисбати, ритми, қисмларнинг нисбати ва бутунлиги, уларнинг тузилиши ва ташкил этилиши, фазовий ва вақтинчалик шаклидир. Гўзаллик объект шаклининг мутаносиблиги, унинг мазмуни, вазифаси, шунингдек, инсон идрокига, унинг дунёқарашига, маънавиятига мутаносиблик вазифасини ҳам бажаради. Гўзаллик категорияси, объектдаги эстетик шаклни ва инсоннинг унга бўлган муносабатини ушбу шакл ва унинг учун ҳақиқатни ўзлаштириш ўлчовилар. Бинобарин, гўзаллик

категорияси амалиёт, меҳнат фаолияти ва ижтимоий муносабатларнинг табиати, яъни ҳаёт, кундалик ҳаёт, тарбия, табиий, эстетик ва ижтимоий муҳит шароитлари билан характерланади.

Гўзаллик - гўзаллик ва эзгулик бирлигини ифодаловчи тушунчадир. Гўзаллик айнан эстетик қадриятнинг умуминсоний маъносини ифодалайди. Шу боисдан ҳам инсон, жамиятдаги гўзаллик биринчи навбатда инсон фаолияти, унинг характери ва ҳаракат йўналиши билан боғлиқ. Инсон ўлчови, инсон маънавиятининг бойлиги фаолият маҳсулларида, унинг натижаларида мужассам бўлган даражада, ушбу фаолиятнинг мақсади инсоннинг ўзи экан, у шунчалик даражада гўзалликнинг кадр-қимматини ҳис қилади. Шунинг учун, биз гўзаллик инсон эркинлигининг бевосита идрок этиладиган ўлчови сифатида ҳам тушунишимиз тўғри бўлади.

Жамиятда гўзаллик эстетик идеал - одамлар ўртасидаги адолатли ижтимоий муносабатлар сифатида ҳам амал қилади. Табиатда гўзаллик табиат ҳодисаларининг барқарорлиги ва мақсадга мувофиқлиги билан боғлиқ бўлиб, у иккинчи табиатни яратувчининг эркин меҳнати маҳсули сифатида намоён бўлади. Гўзаллик объектив воқеликда мавжуд бўлганлиги сабабли, у тўғридан-тўғри ва онгли равишда ёки ҳаёл воситасида, объектив, визуал тасвирларда акс этиши ҳам мумкин. Ҳаёт ҳақиқати, илғор ғоя, юксак бадиий образлар ва шаклларда ифода этилган инсонпарварлик санъатидаги гўзалликни англаш учун мана шу йўл билан мурожаат қилиш тўғри бўлади.

Абулфатх Умар Ҳайёмнинг «Наврўзнома» асарида гўзалликнинг маънавий-ахлоқий аҳамияти ҳақида баён этилган мана бу фикрлар эътиборга моликдир: «Гўзаллик барча тилларда васф этилади ва ҳар қандай ақлга хуш келади. Дунёда яхши нарсалар кўп, уларни кўриб баҳраманд бўлиш одамларни шод этади ва табиатларини покиза қилади, аммо ҳеч нарса гўзал юз ўрнини боса олмайди, чунки гўзал юз шундай қувонч бахш этадики, бошқа ҳеч қандай қувонч унга тенг келолмайди. Айтадиларки, гўзал юз дунёга саодат сабабчисидир. Агар гўзал юз яна яхши хулқ билан уйғунлашса, бахт-саодатнинг энг юқори даражаси бўлади. Агар одам ҳам ташқи кўринишдан, ҳам табиати билан яхши бўлса, Худо ва одамлар учун севимлидир. Гўзал юз тўрт фазилатга эгадир. Улардан бири шуки, гўзал юз уни кўрган одамнинг шу кунини хайрли этади, иккинчиси, ҳаётдан баҳраманд бўлиш онларини ширин қилади, учинчиси, у одамни очик кўнгилли ва олижаноб этади, тўртинчиси бойликни кўпайтиради ва юқори мансаб ато қилади»[Ҳайём Умар. Наврўзнома 1990.с.54].

Инглиз рассоми В.Хогарт ўзининг 1753 йилда ёзилган “Гўзаллик таҳлили” асарида гўзалликнинг объектив қонунларини очишга интилади. Шиллер эса гўзалликка доир мукамал нисбатларни ва кейинчалик мутлақ гўзаллик ғоясини илгари суради. 18-асрда эстетика фани вакиллари бу фаннинг предмети ва асосий тамойили сифатида гўзаллик муаммосига алоҳида эътибор қаратади.

Эстетика кўпинча гўзалликнинг маҳсул ва мақбул ифодаси сифатида тушуниладиган санъат фалсафаси сифатида ҳам талқин этилади. Баумгартен эстетикани, хусусан, “гўзал фикрлаш” санъати деб таърифлаган. Е.Бурк “Бизнинг ғояларимизнинг улуғвор ва гўзаллиги ҳақида фалсафий тадқиқотлар” (1757) асарида гўзалликни тушунишга шахснинг ҳиссий реакциясини (завқ ва унга тегишли таъсирларни) ўрганишдан келиб чиқиб ёндашади, шу муносабат билан дастлаб у гўзаллик ҳақидаги фалсафий концепцияни ишлаб чиқади. 18-асрда гўзалликни субъектив эстетик дид асосида тушунтириш устувор аҳамият касб этган. Масалан, Бурке гўзалликни “ташқи ҳиссий воситасида инсон руҳиятига механик таъсир кўрсатадиган таналарнинг маълум бир сифати” деб тушунтирган. У гўзал жисмларнинг асосий хусусиятларини нисбатан кичик ўлчамлар, силлиқ юзалар, тўғри чизикдан сезилмас оғишлар, енгил ва ёрқин ранглар, енгиллик ва нафислик, инсонга завқ берадиган ҳодиса сифатида талқин қилади. Буркнинг гўзалликка бўлган антропологик ва психологик ёндашуви дастлаб Кант томонидан ривожлантирилган. Бироқ Кант Буркдан фарқли равишда соф психологизмдан воз кечади ва шу билан бирга гўзалликни мукамалликдан ажратади.

“Соф ақл танкиди” асарида гўзаллик субъект-объект муносабатларини тавсифловчи категория сифатида талқин қилинган. Кант инсон тафаккурини “гўзалликни ўзига хос баҳолаш қобилияти” деб таърифланган. Шундай қилиб, Кантнинг гўзаллик фалсафаси инсонга хос

эстетик дид ва субъектив қобилият маҳсули сифатида намоён бўлади. Ницше эса барча анъанавий қадриятларни қайта кўриб чиқишни талаб қилиб, эстетик релятивизмга кенг йўл очади. Бироқ у гўзалликка ноаниқ муносабатда бўлади. Бир томондан, у гўзалликка камбағаллар ва “касал” яхудий-наصريлар томонидан бузилган вайрон қилинган қадимий аристократик маданиятга тегишли ҳодиса деб қарайди. Бошқа томондан, у гўзалликни буюк рассом худо яратган ва дунёни тартибга солувчи ва ўзгартирадиган асосий принцип сифатида тушунади.

Бутунлик тушунчаси эстетикада муҳим ўрин тутди. Кант фикрига кўра, “бутунлик — ҳар қандай гўзалликнинг шакли”дир. Аксарият файласуф олимлар олам яратилишида кўрилган мукамал, уйғун бутунликни ўзига хос эталон деб биладилар, шунинг учун ҳам ҳар қандай гўзаллик қисмларнинг ўзаро симметрик, ҳар жиҳатдан мутаносиб жойлашуви асосида ётади деб ҳисоблайдилар. Масалан, Кант бутун ва қисм муносабатига тўхталаркан, ўзича гўзал қисм бутундан ажратиб олинса гўзаллигини йўқотади, аксинча, ўз ҳолича гўзал бўлмаган нарсаси гўзал бутунлик таркибига кирганида гўзаллашади деб билади. Шу хил қарашдан келиб чиқиб, Кант оламни номукамал дегувчиларни мозаикага унинг биттагина парчасига қараб баҳо бераётган, парчалар ҳосил қилаётган бутунликни кўришга ноқобил кишиларга ўхшатади.

Кант гўзалликни қабул қила олиш учун қалб билан гўзал предмет орасида монандлик бўлиши, яъни қалбнинг гўзал бўлиши зарур, инсон қалбида гўзалликка нисбатан беғараз муҳаббатнинг бўлиши гўзалликни қабул қила олишнинг муҳим шартидир деб билади. Шунингдек, у гўзалликни қабул қилишда онгнинг аҳамиятини юқори қўяди. Унга кўра, гўзалликнинг асоси бўлмиш мутаносиблик сезгилар билан эмас, онг билан идрок этилади. Шундай экан, сезгилар гўзаллик масаласида олий ҳакамликка даъво қилолмайди. Зеро, сезгилар онгга бераётган маълумотлардан эстетик бутунлик ҳосил бўлмайди. Аксинча, бутунлик тушунчаси эстетик баҳо беришга киришаётган инсон онгида аввалдан мавжуд, шу туфайли ҳам у ўзи кузатаётган нарсадан шунга (яъни, тасаввуридаги бутунлик тушунчасига) мос бутунликни қидиради.

“Табиатдаги Гўзаллик кўпроқ мутаносиблик, уйғунлик, ранг-баранглик сингари зоҳирий белгилар, сифатлар меъёри билан баҳоланади; ижтимоий ҳаётдаги Гўзаллик жамиятнинг инсон учун яратган эркин ва демократик тамойиллари даражаси билан ўлчанади; адабиёт ва санъатдаги Гўзаллик ижодкорнинг оригинал образлар, ғоялар кашфиёти, бадиий маҳррати билан белгиланади. Барча нарсаси ва ҳодисаларнинг гўзаллигини ифодаловчи асосий омил — унинг кишига завқ бағишлаши. Санъат асарлари Гўзалликни ёрқин ва умумлаштириб акс эттиргани учун улар ҳар бир шахсда завқ уйғотади, Гўзаллик туйғусини тарбиялайди”»[<https://qomus.info/encyclopedia/cat-g/gozallik-uz/>].

Фрейд гўзалликнинг табиати ва келиб чиқиши ҳақидаги қарашларнинг самарасизлиги учун эстетикани танқид қилиб, психоанализ бу ҳақда ҳеч нарсаси деярли олмаслигини алоҳида таъкидлаб ўтади. У фақат гўзаллик ва жозибадорлик “аслида жинсий объектнинг ўзига хос хусусиятлари” эканлигини кўрсатиб ўтади. Шопенгауер эса ўзининг ирода фалсафасида гўзалликни англашда Афлотун ва Кант ғояларини бирлаштиради. “Инсон гўзаллиги - бу унинг идрок этилишининг энг юқори даражасида ироданинг энг мукамал объективлашувини, умуман ўйланган шаклда тўлиқ ифода этилган инсон ғоясини билдирувчи объектив ифодасидир” деган хулосага келади. Шу билан бирга у гўзалнинг субъектив томони, объектив ролидан кам эмаслигига алоҳида урғу беради. Инсон учун гўзалликнинг аҳамиятини асослаш учун у Гётеннинг куйидаги сўзларини келтиради: “Инсон гўзаллигини ҳис қилган одамга ҳеч қандай ёмонлик тегмайди: у ўзини дунё билан уйғунликда ҳис қилади”. Шундай қилиб, гўзалликни таърифлашда идеаллаштириш-субъектив омил унинг эстетикасида объектив ролидан кам бўлмаган роль ўйнади. Гўзаллик бу ҳақиқатан борликда мавжуд бўлган, инсондан олдин дунёда мужассам бўлган ғоядир.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, маънавий бу инсониятнинг аниқ мақсадга йўналтирилган, ўз-ўзини шакллантириб, такомиллаштириб ва юксалтириб боровчи асосий омил бўлиб ҳисобланади. Маънавий воқелик ҳақидаги билимлар қадим замонларда ҳам

мавжуд бўлган. Ҳаётнинг маънавий ўлчами антик даврлардаёқ мустақил ҳолат сифатида ажратиб кўрсатилган. Ҳозирги замонда маънавият феноменини дунё ва одамнинг бирлиги моҳияти атрибутларидан бири сифатида англаш ва категориал асослаш ҳолати юз бермоқда. Айнан онтологик-антропологик ёндашув маънавиятни унинг яхлитлигида англаш истиқболлини очиб беради. Маънавий муаммолар умумий табиатга эга бўлганлиги сабабли улар ҳал этилиши зарур ва улар фақатгина файласуфлар, олимлар, ёзувчилар, дин арбоблари ва инсоният тақдирига бефарқ бўлмаган барча инсонларнинг ҳамкорликдаги ҳаракатлари билан муваффақиятли равишда ҳал этилиши мумкин. Бизнинг назаримизда олий мақсадга мувофиқликка интилиш сифатидаги маънавият концепцияси моҳиятни танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилиш амда ҳақиқатан ам аҳамиятга эга бўлган нарсаларни намоён қилган ҳолда диний-мистик ва ижтимоий қарашлар ўрмонида тўғри йўлни танлай билиш имконини беради. Инсон маънавий борлигини ёритадиган, маънавий завқ бахш этадиган, ҳаётга ва яшашга бўлган қизиқишини оширадаган, ҳушнудлик кайфиятларини пайдо қиладиган, инсонда ёқимли бир ҳис уйғотадиган жараён бу гўзаллик эканлигини биз юқоридаги мулоҳазаларимизда таҳлил қилдик. Шулардан келиб чиқиб, биринчидан, гўзалликнинг инсон маънавий борлигида муҳим аҳамият касб этадиган ва жамият ҳаёти учун зарур бўлган долзарб муаммо саналади; иккинчидан, гўзаллик инсонни яратувчанликка, ижодкорликка ундайдиган, объектив борликдан субъектив инъикосни келтириб чиқарувчи синергетик жараёндир; учинчидан, Гўзаллик инсон маънавий борлигини ёритадиган, маънавий завқ бахш этадиган, ҳушнудлик кайфиятларини пайдо қиладиган, инсонда ёқимли бир ҳис уйғотадиган жараёндир; тўртинчидан, инсоннинг маънавий борлигида ҳулқий гўзаллик сифатида ифодаланиб, амалий фаолиятда ўз ижобий таъсирин кўрсатиб, инсон ҳаётига мазмун касб этиб борадиган, инсон ҳаётида маънавий, ахлоқий идеалига айланиб боровчи чушунча сифатида ифодалаш мумкин.

Библиография

- ФУКУЯМА Ф. (2004) Конец Истории и Последний Человек. Philosophy. Москва. АСТ. – с.588.
- КАРИМОВ И. А. (2008). Юксак маънавият – енгилмас куч.(2008)-Т.:Маънавият, с.125-126-б.
- ЭРКАЕВ А. (2008) Маънавият ва тараққиёт. –Т.: Маънавият, с.54.
- САИФНАЗАРОВ И. (2001) Маънавий баркамоллик ва сиёсий маданият. –Тошкент: Шарк, с.14
- ТУЛЕНОВА Г.Ж. (2000) Ёшлар маънавияти ва камолотни ошириш тараққиёт зарурияти (Мустақил Ўзбекистон фалсафа фанларининг долзарб муаммолари) //(Маърузаларнинг қисқача матнлари). –Тошкент, ЎзРФА. с.103.
- ФАЛСАФА ЭНЦИКЛОПЕДИК ЛУҒАТ.(2010) – Тошкент Ўзбекистон миллий энциклопедияси. с.86.
- ОЛЛОЁРОВ М. (2011) Эстетиканинг асосий категориялари. Услубий қўлланма. Самарқанд. СамДУ нашри. с.37-38.
- ҒАЙБУЛЛАЕВ О. (2004) Эстетика. АЛ ваКХК учун услубий қўлланма. Самарқанд. СамДУ нашри. 2004, с.57
- [https://abdullasher.wordpress.com\(2015\)](https://abdullasher.wordpress.com(2015))
- БОЗАРОВА Ф.Ғ. (2018) Иммануил Кант эстетикасида гўзаллик ва улуғворлик категорияларининг трансформацияси. Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Тошкент. с.19.
- ҲАЙЁМ УМАР. (1990) Наврўзнома.-Т.: Меҳнат. с.54.
- <https://qomus.info/encyclopedia/cat-g/gozallik-uz/>

Transliteration

- FUKUYAMA F. (2004) *Konets Istorii i Posledniy Chelovek*. Philosophy. Moscow. AST. – P.588.
- KARIMOV I.A. (2008) *Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch* – T.: Ma'naviyat, s.125-126.
- ERKAYEV A. (2008) *Spirituality and Development*. –T.: Spirituality, p.54.
- SAIFNAZAROV I. (2001) *Spiritual perfection and political culture*. –Tashkent: Shark, p.14
- TULENOVA G.J. (2000) *Spirituality of youth and the need for development (Actual problems of philosophical sciences of Independent Uzbekistan) // (Short texts of lectures)*. –Tashkent, UzRFA. p.103.
- ENCYCLOPEDIA OF PHILOSOPHY. (2010)-Tashkent National Encyclopedia of Uzbekistan. p.86.
- OLLOYOROV M. (2011) *The main categories of aesthetics. Methodical manual*. Samarkand. SamSU edition. p.37-38.
- G'aybullaev O. (2004) *Aesthetics. Methodical manual for AL and KHKK*. Samarkand. SamSU edition. p.57
- [https://abdullasher.wordpress.com\(2015\)](https://abdullasher.wordpress.com(2015))
- BOZAROVA F.G. (2018) *Transformation of the categories of beauty and splendor in the aesthetics of Immanuel Kant. Abstract of the dissertation for the degree of Doctor of Philosophy (PhD) in Philosophy*. Tashkent. p.19.
- KHAYYAM UMAR. (1990) *Navruznomma* - T.: Labor. p.54.
- <https://qomus.info/encyclopedia/cat-g/gozallik-uz/>



Абдумажидова Ҳамида

СамТИ, Ижтимоий ва гуманитар фанлар кафедраси
(Ўзбекистон, Самарқанд)

rustamovamaxmudova@bk.ru

ЦИВИЛИЗАЦИЯ, ТАРАҚҚИЁТ, МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ЎЗARO АЛОҚАДОРЛИГИ

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9505-2020-SI-2-4>

АННОТАЦИЯ

Мақолада цивилизациявий тараққиёт, глобаллашув ва модернизация жараёнларининг ўзаро алоқадорлиги масалалари ижтимоий-фалсафий жиҳатдан таҳлил қилиниб, Ўзбекистоннинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий тараққиётида цивилизациявий тараққиёт, глобаллашув ва модернизация жараёнларининг тутган ўрни ва аҳамияти кўрсатиб берилган. Бундан ташқари Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар, модернизация жараёнлари, кўппартиявийлик тизими, демократик тартиб, инсон ҳақ - ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари, суд ҳокимияти тамойиллари, миллий хавфсизлик концепцияси, мамлакат ҳудудий яхлитлиги ва тинчлигини таъминлаш тизимлари илмий фалсафий таҳлил ва тадқиқ қилинган. Мақолада Ўзбекистонда жамият ҳаётини модернизация ва ислох этиш жараёни босқичма - босқич амалга оширилиб, хусусий мулкка эгаликнинг янги тизими барпо этилгани, миллий қадриятларни тиклаш ва ворислик аъъаналарига содиқлик, ёш авлод тарбияси, ижтимоий ҳаётимизга кириб келаётган зарарли ғоялар, мафкуралардан ҳимоя қилиш омиллари, мамлакатимизни озод ва обод жамиятга айлантириш концепцияси, таълим тарбия соҳасидаги ислохотлар ижтимоий фалсафий жиҳатдан илмий таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: Цивилизациявий тараққиёт, глобаллашув, ахборотлашган жамият, модернизация, парадигма, жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаёт соҳаларидаги модернизация жараёнлари.

Абдумажидова Ҳамида
(Ўзбекистон, Самарқанд)

ВЗАМОДЕЙСТВИЕ ПРОЦЕССОВ ЦИВИЛИЗАЦИИ, РАЗВИТИЯ, МОДЕРНИЗАЦИИ И ГЛОБАЛИЗАЦИИ

АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается социально-философский анализ взаимосвязи процессов цивилизационного развития, глобализации и модернизации и подчеркивается что, цивилизационное развитие, глобализация и модернизация влиятельный роль играет в экономическом, политическом и духовном развитии Узбекистана. Кроме того, проводится научно-философский анализ и исследование реформ, процессов модернизации, многопартийности, демократического строя, правовых основ прав и свобод человека,

принципов судебной власти, концепции национальной безопасности, территориальной целостности и мира в Узбекистане. А также в статье научно проанализированы с социально-философской точки зрения что, постепенный процесс модернизации и реформирования общественной жизни в Узбекистане, восстанавливает новой системы частной собственности, национальных ценностей и следование традициям наследия, воспитание подрастающего поколения, реформы в сфере образования, проникновение вредных идей в нашу общественную жизнь и защиту нашей страны и описывается что, концепция процветающее общество.

Ключевые слова: цивилизационное развитие, глобализация, информационное общество, модернизация, парадигма, модернизационные процессы в экономической, социально-политической, духовной жизни общества.

INTERACTION OF CIVILIZATION, DEVELOPMENT, MODERNIZATION AND GLOBALIZATION PROCESSES

ANNOTATION

The article provides a socio-philosophical analysis of the interrelationships of the processes of civilizational development, globalization and modernization, the role and importance of the processes of civilizational development, globalization and modernization in the economic, political and spiritual development of Uzbekistan. In addition, scientific and philosophical analysis and research of reforms, modernization processes, multiparty system, democratic order, legal framework for human rights and freedoms, the principles of the judiciary, the concept of national security, territorial integrity and peace in Uzbekistan. The article describes the gradual process of modernization and reform of public life in Uzbekistan, the establishment of a new system of private property, the restoration of national values and adherence to traditions of inheritance, upbringing of the younger generation, harmful ideas entering our social life, protection of our country. the concept of transformation into a prosperous society, reforms in the field of education have been scientifically analyzed from a social philosophical point of view.

Key words: civilizational development, globalization, information society, modernization, paradigm, modernization processes in the economic, socio-political, spiritual life of society.

КИРИШ

Инсоният цивилизацияси тарихий тараққиёти жараёнида инсон, унинг эрки, ҳуқуқи, фаровонлиги, унга муносиб турмуш шароитини яратиш, баркамол инсонни тарбиялаш ва адолатли жамият барпо этиш масаласи доимо ўз долзарблигини сақлаб келган. Ижтимоий ҳаётда, цивилизация тараққиётининг ҳозирги босқичида фуқаролик жамияти қурилиши, глобаллашув, модернизация, демократик тамойиллар устуворлиги, жамият ҳаётининг инсонпарварлашуви, постиндустриал, ахборотлашган жамиятга ўтиш жараёнида бу масала янада муҳим аҳамият касб этиб келмоқда.

Бугунги кунда, Ўзбекистонда бозор муносабатларига асосланган, демократик, ҳуқуқий, фуқаролик жамияти, яъни озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этилиб, Ўзбекистоннинг ҳозирги даврдаги цивилизациявий тараққиёт йўли масаласи Президент Шавкат Мирзиёев томонидан қуйидагича баён қилинади. Олдимизга қўйган улкан марраларга эришиш учун давлатимиз ва жамиятимизнинг барча куч ва имкониятлари сафарбар этилмоқда, - деб таъкидлайди Президент Шавкат Мирзиёев, - Айниқса, давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, миллий иқтисодиётимизни ривожлантириш ва либераллаштириш, ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш, самарали ташқи сиёсат олиб боришдек устувор йўналишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.[Мирзиёев Ш.М. Олий Мажлис Сенатининг йигирманчи ялпи мажлисидаги нутқ // Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд. Тошкент, Ўзбекистон. 2019 йил, 151-152 бетлар].

Ўзбекистоннинг цивилизациявий тараққиёт йўли халқнинг миллий менталитети, анъаналари, қадриятлари асосида амалга ошиб, Республикада фуқаролик жамияти барпо этилиши жараёни миллий ҳамда умуминсоний қадриятлар уйғунлиги асосида, Ўзбекистоннинг жаҳон цивилизациясига интеграциялашуви асосида содир бўлмоқда. Ўзбекистоннинг иқтисодий, ижтимоий - сиёсий, маънавий - маданий миллий давлатчилик модели энг аввало иқтисодий тараққиёт, инсон ҳуқуқлари ва фуқароларнинг турмуш даражасидаги кўрсаткичларига кўра жаҳон цивилизациясидаги ўрни ҳамда мавқеини белгилаб, республикада шу асосда замонавий фуқаролик жамияти барпо этилмоқда. Жаҳондаги замонавий миллий давлатчилик моделларининг ўзига хослиги энг аввало, биринчидан, жамиятда ҳукмрон бўлган илмий, диний ҳамда фалсафий дунёқарашлик меъёрларининг жамият сиёсий, ижтимоий ва маданий ҳаётига таъсири билан, иккинчидан, уларнинг техника иқтисодий ва тараққиёт даражасининг юксаклиги билан ва учинчидан, иқтисодий ва ижтимоий жараёнларнинг жадал тараққий этиб бориши билан белгиланиб, жамиятнинг цивилизациявий тараққиёти глобаллашув ҳамда модернизация жараёнларининг бевосита таъсири асосида содир бўлади.

МАТЕРИАЛЛАР ВА МЕТОДЛАР

Биз биламизки “цивилизация” тушунчаси алоҳида олинган бир халқ, ҳудуд, жамият, давлат ва ҳатто жаҳонга, уларнинг ижтимоий - иқтисодий ва маданий тараққиётининг муайян босқичига нисбатан қўлланувчи тушунча бўлиб, лотин тилида бу сўз “фуқароликка оид” деган маънони билдиради. Цивилизация ривожланишнинг муайян бир босқичида турган халқ ва мамлакатнинг ижтимоий - иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётидаги ўзига хослиги бўлиб, Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ва цивилизациялашган тараққиётида дунёвий илмлар қаторида турли диний таълимотлар ҳам ўзига хос ўрин тутиб келмоқда. Бу ҳолат Ўзбекистоннинг миллий мафқурасидаги динлараро бағрикенглик ғоясида ҳам ўз ифодасини топгандир. Ижтимоий тараққиётга цивилизациявий ёндашув ҳар бир халқ, мамлакат, минтақа тараққиётига ноёб ва тақрорланмас жараён сифатида қарашга асосланади. Шу билан биргаликда ижтимоий тараққиётга цивилизациявий ёндашув ҳар бир миллий маданиятнинг ўзига хослиги, ноёб ва бетакрорлигини эътироф этган ҳолда жаҳон цивилизацияси ютуқларига таянади. Айниқса глобаллашув шароитида миллий маданиятга турли ташқи омилларнинг таъсири кучли бўлиб, миллий ҳамда умуминсоний маданиятнинг ўзаро боғлиқлиги, алоқадорлиги, ўзаро таъсири кучайиб бормоқда.

Ўзбекистонда Ислом маданияти марказини ташкил этишга доир билдирган ўзининг фикрида Президент Шавкат Мирзиёев, - Бу марказ аввало халқимизнинг яратувчилик даҳоси билан бунёд этилган ноёб меросни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, юртимиздан етишиб чиққан буюк аллома ва мутафаккирларнинг ҳаёти ва илмий-ижодий фаолияти ҳақида яхлит тасаввур уйғотиш, халқаро миқёсда динлараро ва цивилизациялараро мулоқотни йўлга қўйиш, бугунги мураккаб даврда ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини очиб бериш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, ёш авлодни гуманистик ғоялар, миллий ғурур ва ифтихор руҳида тарбиялашдек эзгу мақсадларни кўзда тутаяди, [Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш - халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Тошкент, Ўзбекистон. 2018 йил, 179 бет.] - деб таъкидлаб ўтган эди.

Бугунги кунда глобаллашув жараёни инсоният жамияти янги цивилизациявий сифат ўзгаришини ўзида ифодалаб, жамият ҳаётидаги бу янги сифат даражаси ахборот - техникавий ёки ахборот-компьютер цивилизацияси сифатида эътироф этилмоқда. Глобаллашув ва ахборотлашув бугунги кунда дунёдаги барча мамлакатларнинг иқтисодиёти, сиёсати ва маънавий ҳаётига ўз таъсирини ўтказмоқда. Марказий Осиё, шу жумладан Ўзбекистоннинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий тараққиётига глобаллашув, ахборотлашув ва модернизация жараёнлари кучли таъсир кўрсатмоқда. Мафкуравий глобаллашув ахборот воситаларининг ривожига ва бу соҳада содир бўлаётган ўзгаришлар билан боғлиқ бўлиб, ахборотни кенг жамоатчиликка етказиб берувчи матбуот, радио, телевидение каби ходисаларни ўзида бирлаштирувчи оммавий ахборот воситалари (ОАВ) жамият ҳаётига улкан

таъсир ўтказиш имкониятига эгадир. Радио, телевидение, Интернет энг сўнгги илмий янгиликларни қисқа вақтда бутун дунёга маълум қилишга, илм-фан, маданият, адабиёт ва санъат ютуқларидан ҳар бир одам фойдалана олишига замин яратмоқда. Интернет бугунги ахборот маконининг муҳим бўғинига айланиб, бугунги кунда Интернетдан нафақат компьютер тармоғи, балки бошқа соҳаларда ҳам фойдаланилмоқда.

Маънавий ҳаётдаги глобаллашув жараёнлари, оммавий ахборот воситалари, Интернет, радио, телевидение, уяли алоқа воситалари орқали ахборотни етказишнинг фаоллашуви ҳам ижобий ҳам салбий оқибатларни келтириб чиқариб, бир томондан маънавий глобаллашув натижасида маънавий ҳаётимизга кириб келаётган илм-фан, маданият ва санъат, маънавий мерос ижобий аҳамиятга эга бўлса, иккинчи томондан турли зарарли ғоялар ҳамда мафкураларнинг жамиятимиз маънавий ҳаётига кириб келиши баркамол авлодни тарбиялаш, уларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш вазифасини долзарб масала сифатида кун тартибига қўймоқда. Шунинг учун ҳам бугунги кунда оммавий ахборот воситалари ҳамда янги технологик воситалар асосида халқимиз ҳаётида содир бўлаётган ижобий ўзгаришлар ҳақида ҳикоя қилувчи чуқур таҳлилий маълумотларни мунтазам бериб бориш, фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини кучайтириш, турли ижтимоий тоифа ва гуруҳларнинг қизиқиш ва интилишлари, ҳаётий манфаатларини ёритиш, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш тамойилини ижтимоий ҳаётга кенг татбиқ қилиш ҳар қачонгидан ҳам долзарброқ аҳамият касб этмоқда.

Жамият тараққиёти бу узлуксиз ўзгариш, ривожланиш, янгиланиш жараёнидан иборат бўлиб, ижтимоий тараққиётнинг асосий мотиви инсоннинг онгли фаолиятдан иборатдир. Жамият ҳаётида инсоннинг мақсади, эҳтиёжи, манфаати ҳамда уларни амалга ошириш учун олиб борадиган фаолияти жамият тараққиётининг олға қараб боришига ёрдам бериб, ҳаракатлантиради.

Инсоният жамиятининг индустриал, саноат цивилизациясига, бозор муносабатларига асосланган иқтисодий тизимга ўтиши ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида модернизация жараёнларининг кучайишига олиб келмоқда. Ҳозирги замон постиндустриал ёки информатсион цивилизациясининг вужудга келиб тараққий этишида эса глобаллашув жараёнининг таъсири катта бўлиб, глобаллашув жараёни ижтимоий тараққиётнинг тезлашувига, иқтисодий, ижтимоий - сиёсий, маънавий - мафкуравий ҳаёт соҳаларида турли маданиятлар ўзаро таъсирининг кучайишига олиб келмоқда.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Дарҳақиқат ҳозирги замон цивилизациясининг муҳим ўзига хос хусусияти, бу жаҳон ижтимоий ҳаётида инсонпарварлик, демократлаштириш ва глобаллашув сингари янги тамойилларнинг юзага келиши ҳамда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида намоён бўлишида кўзга ташланмоқда. Жамиятнинг ривожланишида шахснинг эрки, ҳуқуқи ва маънавияти инсонпарвар, адолатли жамият барпо қилишнинг муҳим омили сифатида эътироф этилмоқда.

Ўзбекистоннинг цивилизациявий тараққиёт йўли, глобаллашув шароитида жамиятдаги модернизация жараёнларининг пировард мақсади замонавий, юксак даражасида тараққий этган, инсонпарвар фуқаролик жамияти барпо этишдан иборатдир. Ўзбекистонда замонавий фуқаролик жамияти барпо қилиш жараёнида халқнинг миллий ўзига хослиги, менталитети, урф-одат ва анъаналарига миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга катта эътибор қаратилиб, бу Ўзбекистоннинг цивилизациявий тараққиётининг ўзига хослигини ифодаламақда. Фуқаролик жамияти барпо қилиш, халқнинг фаровонлигини таъминлаш, замонавий, илғор мамлакатлар даражасига кўтарилиш, тинчлик, барқарорлик, ҳамжихатлик асосида инсонпарвар, демократик, ҳуқуқий давлат барпо этиш ҳозирги замон цивилизациявий тараққиётининг асосий мақсади бўлиб, Ўзбекистон ҳам ўзининг мустақил тараққиёт йўлида ушбу меъёр ҳамда тамойилларга амал қилиб келмоқда.

Ўзбекистон жаҳон цивилизацияси тараққиётига, илм-фан, ахлоқ, дин, санъат, маданият соҳасидаги улкан ютуқлари билан муносиб хисса қўшиб, ўз миллий қадриятлари, маънавий мероси ва бой маданиятига таяниб, Ғарб ва Шарқнинг умумбашарий қадриятлари ва тажрибаларини ижодий ўзлаштирди.

Дарҳақиқат буюк ипак йўли мамлакатлари мутафаккирлари яратган илмий асарлар ўша асрлардаёқ араб тили орқали дунёга танилиб, Шарқу Ғарбда ибрат бўлди ва маълум даражада андоза ролини ўйнади. Уларнинг асарлари турли тилларга таржима қилиниб, Франция, Англия, Испания, Италия, Голландия ва бошқа кўп мамлакатларга тарқалди. Масалан, Ибн Синонинг "Тиб қонунлари" Ғарб илм-фан тили бўлган латин тилида 30 мартадан ортиқ чоп этилди ва латинчадан Европа ва бошқа китъа халқлари тилларида нашр этилди.

X асрдаёқ Рим папаси Сильвесто II мураккаб рим рақами ўрнига Ал-Хоразмий қайта ишлаб чиққан "араб рақамлари"ни амалиётга киритиш ҳақида фармон берганди. XV асрда Австрия ва Италия университетларида Ал-Фарғонийнинг прономик асарлари бўйича маърузалар қилинганлиги хусусида голландиялик олим Регимонтон хабар беради. Ойнинг янги кашф этилган икки кратерига Ал-Фарғоний ва Мирзо Улуғбек номлари берилганлиги ҳақида 1647й польшалик Ян Гевелий айтган эди. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, Ал-Форобий асаридан ғарбнинг машҳур олимлари Леонардо да Винчи, Бэкон, Коперник, Кеплер, Лейбниц ва бошқалар фойдаланганлар. Алломаларимизни машҳур шоир А. Данте, И.Шиллер тараннум этган, буюк немис файласуфи Г.Гегел аждодларимиз ижодига тан бериб, уларга юксак ҳурмат билдирган эди. [Мирзаева М. Қ. Буюк ипак йўли ва шарқ мутафаккир олимлари меросининг дунё илм-фани ва ижтимоий тараққиётига таъсири. Фалсафа ва ҳаёт журнали, Тошкент.: 2020, №1., Б.105].

Кўриб турибмизки ижтимоий тараққиёт буюк аждодларимизнинг илмий меросига таяниб, Шарқ ренессанси даври олимларининг асарларида ҳам илгари сурилган ғоялар ҳозирги давргача жамият онгини шакллантиришнинг назарий асосларини ташкил қилмоқда. Масалан Абу Наср Форобийнинг давлат ва жамият тараққиёти ҳақидаги қарашлари илмий жамоатчиликнинг эътиборида бўлиб, унинг давлат бошқарувида янгиликларни жорий этиш ва шу орқали фаровонликни таъминлаш тўғрисидаги фикрлари долзарб аҳамият касб этади. «Баъзан раҳбарлар бир шаҳарнинг соҳибкори, шаҳар халқи ҳаётига тегишли ишларда тадбиркор бўладилар. Улар бу йўл-йўриқларни ўтмишда кечган бошлиқлардан ўрганадилар, лекин шу билан бирга, раҳбар келажак учун ўтмишдаги расм-русум, йўл-йўриқларни ислох қилиши лозим ва фойда топса турмуш шароити тақозосига қараб уларни ўзгартиради. Шунингдек, ёмон одатларни ўзида ифодаловчи ўтмишни ҳам ўзгартирмоғи керак. Акс ҳолда ўтмишнинг талабларига риоя этиб, унинг кайфияти сақланса, турмушда ҳеч қандай енгилик, ўзгариш ва ўсиш бўлмайди» [Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. - Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ меъроси нашриёти, 1994.- Б.189-190].

Дарҳақиқат давлат ва жамият бошқарувидаги мавжуд тизимлар ижтимоий - сиёсий самарадорликни таъминлашга хизмат қилиши зарур ва халқ фаровонлигига йўналтирилган бўлиши керак. Файласуфнинг фикрларидан маълум бўладики, жамият тараққиётига хизмат қилмайдиган қонун-қоидалардан воз кечиш ва янги бошқарув шакллари жорий этиш ижтимоий тараққиётнинг муҳим омилдир.

Бундан ташқари тиббиёт соҳаси бўйича илмий кашфиётлари билан бир қанча асрлар олдинга ўтиб кетган Абу Али ибн Сино ижтимоий тараққиётга оид ҳам йирик илмий асарлар қолдирди. Унинг инсон ҳаётида билимнинг ўрни ва роли, олинган билимларни ижтимоий турмушда қўллаш борасидаги бетакрор фикрлари алоҳида аҳамиятга эга. Файласуфнинг фикрича, инсоннинг маънавий-руҳий олами билиш, билим олиш ва амалий ҳаёт давомида шаклланади. Шу билан бирга ҳаёт билимсиз бўлиши мумкин эмас, билим эса амалиётсиз бефойдадир [Болтабоев М.Н. Абу Али ибн Сина - великий мыслитель, ученый-энциклопедист средневекового востока. -Москва: Сампо, 2002. - С. 355-356].

Бундан ташқари соҳибқирон А.Темурнинг ҳаётий фаолияти, буюк салтанат тузиши мамлакатимиз ижтимоий тараққиётида муҳим урин тутиб, бу ҳақда И. Мўминов шундай ёзади: «Темур хислатларидан бири шу эдики, у бирор масалани ҳал этишдан олдин шу соҳанинг билимдон одамлари, олимлар билан маслаҳатлашар, сўнг конкрет қарор қабул қилар эди» [Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни. -Тошкент: Фан, 1993. – Б.22]. Дарҳақиқат давлат бошқаруви, ҳарбий санъат, иқтисодий-ижтимоий ҳаётда мавжуд анъаналар

билан бирга янгича ёндашувларнинг ҳам изчиллик билан татбиқ этилиши, қисқа муддатда йирик салтанатнинг вужудга келишига сабаб бўлган омиллардандир.

Бундан ташқари астроном олим Улуғбек ўз даврида цивилизация ривожига улкан ҳисса қўшиб, унинг илмий кашфиётлари юксак эканини тарихнинг ўзи исботлади. Мирзо Улуғбек илм-фан ютуқларидан давлат бошқарувида фойдалангани ва ўзи ҳам бу жараёнга янгича ёндошиб, қатор асарлар ёзиб қолдирди. Масалан, У «Тўрт улус тарихи» асарида Туминахон ибн Бойсунғурхон подшоҳлиги ҳақида шундай ёзган эди: «Туминахон отаси салтанати тахтига ўлтириб, хонлик тожини кийгандан кейин жаҳонбонлик расму русуми ва тартибларини янгиледи. Салтанати ва қомронлиги овозаси, сарварлик ва хонлиги бонги оламнинг барча мамлакатларига кетди» [Мирзо Улуғбек. Тўрт Улус тарихи. Ўзбекистон ФА Мухбир аъзоси Бўрибой Аҳмедовнинг кириш сўзи, изоҳлари ва таҳрири остида. - Тошкент: Чўлпон, 1994.- Б. 46-47].

Дарҳақиқат Шарқ алломаларининг мероси инсоният ижтимоий тараққиётида муҳим аҳамият касб этиб, қомусий алломалар томонидан яратилган асарлар ҳозирги даврда ҳам илмий марказлар, мажмуалар, олий ўқув юрлари, ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари фаолиятида, янги Ўзбекистон ривожланишининг навбатдаги босқичида цивилизация тараққиётининг асосларини ташкил этмоқда.

Бундан ташқари жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг модернизациялашиб бориши тобора унинг барча соҳалари янгиланиб бораётганлиги, демократик ва либерал қадриятларнинг тарқалаётганлиги, илм-фан янгилликлари ҳамда янги технология ютуқлари позицияларининг мустаҳкамланиб бораётганини аниқлаб, ижтимоий – иқтисодий, маънавий – маданий соҳаларда модернизация жараёнлари янада чуқурлашиб, халқаро ҳамжамиятга интеграциялашиб, дунёвий цивилизациявий тараққиёт йўлидан бормоқда. Бу нуқтаи назардан модернизация жамиятда тўла амалга оширилиши орқали барча соҳаларнинг текис, бир хил тараққиётини таъминлаши мумкин [Модернизация жараёнининг фалсафий-методологик таҳлили. [тўплам] / ЎзР ФА, И.М.Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ институти; масъул муҳаррир М.Н.Абдуллаева. Т.: Noshir, 2010 йил, 73 бет].

Биз биламизки замонавий жамиятни барпо қилиш жараёни ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини модернизация қилишни талаб қилади. Иқтисодий ҳаёт соҳасида амалга оширилган модернизация жараёнлари, технологик янгилликлар жамиятнинг ижтимоий - сиёсий ҳамда маънавий- маърифий соҳаларига ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Жамиятнинг иқтисодий ҳаётидаги модернизация жараёнлари ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларига ҳам бевосита ўз таъсирини ўтказиб, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги модернизация жараёнлари бошқарув тизимининг такомиллашуви билан, ижтимоий ҳаётда ўзини- ўзи бошқарув тизимининг янада мукамаллашуви, ижтимоий ҳимоя тизимининг мустаҳкамланиши, ҳуқуқий соҳада модернизация жараёнлари қонунларнинг такомиллашуви ҳамда ҳуқуқий давлатнинг барпо этилиши билан амалга ошади. Анъанавий миллий давлатчилик моделидан умуминсоний қадриятларга таянган ҳолда замонавий давлатчилик моделидаги меъёр ва тамойилларга таяниш сиёсий тизимдаги модернизация жараёнлари асосида амалга оширилади.

Маънавий ҳаётдаги модернизация жараёнлари маънавий қадриятларни тиклаш, замонавийлаштириш, маънавий соҳада янгиллик яратишдан иборат бўлиб, маънавий соҳадаги янгиланиш жараёни ўтган авлодлар маънавий меросидан фойдаланиш, уни ҳозирги замон даражаси билан боғлаш, замонавий умуминсоний маънавий бойликларга таянган ҳолда ривожлантириш асосида амалга оширилади. Юксак маънавиятлилик замонавий жамият тараққиётининг асосий омилларидан биридир.

Жамият ҳаётининг маънавий соҳасидаги модернизация жараёнлари миллий ҳамда умуминсоний қадриятлар уйғунлиги, турли маданиятларнинг ўзаро бир- бирига таъсир этиб, бир-бирини бойитиши, маданият ва санъат, илм-фан соҳасидаги янгилликлар, кашфиётларнинг маънавий ҳаётимизга кириб келиши ҳамда уни янада бойитиши тарзида намоён бўлади. Турли техник, технологик воситаларнинг таълим, фан, санъат, матбуот соҳаларига кириб келиши ҳам маънавий ҳаёт соҳасига бевосита ўз таъсирини кўрсатадиган, моддий маданият соҳасида

амалга оширилаётган модернизация жараёнларидир. Маънавий ҳаёт соҳасида амалга оширилаётган модернизация жараёнлари таълим, фан, маданият ва санъат тараққиётига ўз хиссасини қўшиб, жамиятни янги тараққиёт босқичига, маънавий юксалишга олиб чиқади.

Мустақилликдан кейинги ўтган давр мобайнида Ўзбекистон мустақиллигининг ҳуқуқий меъёрий асослари яратилди, асосий қонун- Конституция қабул қилинди. Миллий давлат тизими анъанавий давлатчилик ғоялари ва жаҳон давлатчилиги илғор тажрибаларининг синтези шаклида барпо этилди. Бошқарувда янги усуллар қарор топди. Маҳаллий давлат ҳокимияти тизими тубдан ўзгариб, нодавлат - нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини - ўзи бошқариш органларининг ваколатлари кенгайтирилди.

ХУЛОСА

Ўзбекистонда амалга оширилган ислохотлар ҳамда глобаллашув шароитида жамият ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган модернизация жараёнлари кўриб ўтиладиган бўлса, энг аввало Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизими шакллантирилди, жамият ҳаётида соғлом демократик жараёнлар муҳити вужудга келтирилди. Инсон ҳақ - ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари вужудга келтирилиб, суд ҳокимияти ҳозирги замон халқаро ҳуқуқ тамойиллари негизида тубдан ислоҳ қилинди. Миллий ҳафсизлик концепцияси ишлаб чиқилиб, мамлакат ҳудудий яхлитлигини ва тинчлигини таъминлашга қодир бўлган замонавий қуролли кучлар тизими яратилди. Шунинг учун бугунги кунда модернизация жараёнлари иқтисодиётни ҳам, бошқаришни ҳам, маънавий ҳаётни ҳам, суд- ҳуқуқ тизимини ҳам, мамлакат муҳофафаси, қуролли кучларни ҳам қамраб олган кенг қамровли жараёндир.

Ўзбекистонда жамият ҳаётини модернизация ва ислоҳ этиш жараёни босқичма- босқич амалга оширилиб, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олди. Республикада хусусий мулкка эгаликнинг янги тизими барпо этилди. Миллий қадриятларни тиклаш ва ворислик анъаналарига садоқатли авлодни тарбиялаш концепцияси ишлаб чиқилди. Глобаллашув шароитида маънавий ҳаётимизга кириб келаётган зарарли ғоялар ҳамда мафқуралардан ҳимоя қилишнинг муҳим омили, мамлакатимизни озод ва обод жамиятга айлантириш, Ватан равнақини маънавий таъминлаб беришга қаратилган назариялар шаклланди. Миллий урф - одатлар, қадриятлар ва анъаналарнинг тикланиши асосида янги жамият қуришда маънавий - маърифий тарғибот ва таълим тарбиянинг роли оширилди. Бу соҳадаги ислохотлар, янгилаш ва модернизация жараёнлари изчил равишда давом эттирилмоқда.

Адабиётлар:

МИРЗИЁЕВ Ш.М. Олий Мажлис Сенатининг йигирманчи ялпи мажлисидаги нутқ // Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд. Тошкент, Ўзбекистон. 2019 йил.

МИРЗИЁЕВ Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Тошкент, Ўзбекистон. 2018 йил.

МИРЗАЕВА М. Қ. Буюк ипак йўли ва шарқ мутафаккир олимлари меросининг дунё илм-фани ва ижтимоий тараққиётига таъсири. Фалсафа ва ҳаёт журнали, Тошкент.: 2020, №1., Б.105.

MIRZAEVA M.K. “The im pact of the great silk road and eastern scientists on the development of world science”, Electronic Research Journal of Social Sciences and Humanities Vol 2: Issue II ISSN: 2706 – 8242 www. Apr - Jun 2020

МОДЕРНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНИНИНГ ФАЛСАФИЙ-МЕТОДОЛОГИК ТАҲЛИЛИ. [тўплам] / ЎЗР ФА, И.М.Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ институти; масъул муҳаррир М.Н.Абдуллаева. Т.: Noshir, 2010 йил.

МАХМУДОВА А.Н.Замонавий фуқаролик жамиятида ёшларнинг ҳуқуқий маданияти. Илм, фан, тадқиқот, ишланмалар #16 Барселона 260-264 б., 2019 йил

МАХМУДОВА А.Н. Замонавий фуқаролик жамиятида шахсинг ҳуқуқий муаммолари. Наманган давлат университетинг ахборотномаси. <http://uzjournals.edu.uz/namdu/vol11/145-151> б.

ВАФАЕВА Д.Б. Нодавлат нотижорат ташкилотлар – Ўзбекистонда фуқаролик жамияти асоси. “Социосфера 2011”. № 4, 98-100 б.б.

МАХМУДОВА А.Н. Шахс ҳуқуқий ижтимоийлашувида ижтимоий назорат тушунчаси ва тизими. Konsensus ҳалқаро илмий журнал. 66-78 бб. Т. 2020

References:

MIRZIYOEV SH.M. Speech at the twentieth plenary session of the Senate of the Oliy Majlis // The work of a nation with a great intention will be great, its life will be bright and its future will be prosperous. Volume 3. Tashkent, Uzbekistan. 2019.

MIRZIYOEV SH.M. The development of literature, art and culture is a solid foundation for the development of the spiritual world of our people // The consent of our people is the highest value given to our activities. Volume 2. Tashkent, Uzbekistan. 2018.

MIRZAEVA M. Q. The impact of the Great Silk Road and the legacy of Eastern thinkers on world science and social development. Journal of Philosophy and Life, Tashkent.: 2020, №1., P.105.

MIRZAEVA M.K. “The impact of the great silk road and eastern scientists on the development of world science”, Electronic Research Journal of Social Sciences and Humanities Vol 2: Issue II ISSN: 2706 - 8242 www. Apr - Jun 2020

PHILOSOPHICAL AND METHODOLOGICAL ANALYSIS OF THE MODERNIZATION PROCESS. [collection] / Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan, Institute of Philosophy and Law named after IM Muminov; responsible editor M.N.Abdullaeva. T.: Publisher, 2010.

A.N. MAKHMUDOVA Legal socialization problems of personality in modern civilian society. Scientific Bulletin of Namangan State University <http://uzjournals.edu.uz/namdu/vol11/145-151pp>

MAKHMUDOVA A.N. Legal socialization and legal culture of youth in modern civil society. Monografia pokonferencyjna Science, research, development #16 Barcelona, 260-264

A.MAKHMUDOVA The concept and system of Social control in the Legal Socialization of the Individual. Konsensus Journal . 66-78 pp. Т. 2020

VAFAEVA D Nongovernmental noncommercial organizations - the basis for the formation of civil society in Uzbekistan Sociosfera 2011. no. 4, 98–100



УДК: 1(575.1)

Ахророва Шахло Ўринбоевна,
 Жиззах давлат педагогика институти ўқитувчиси,
 E-mail: shaxlo.67@mail.ru

ИНСОН ҚАДРИЯТИДА МИЛЛИЙ ХУСУСИЯТЛАРНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИ

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9505-2020-SI-2-5>

АННОТАЦИЯ

Бугунги кунда қадрият масаласи энг муҳим мавзулардан бири бўлиб қолмоқда. Нега-ким, инсон ҳаётининг мазмуни уни қуршаб олган турли-туман қадриятлар билан ўлчанади. Бошқача айтганда унинг учун қадриятга айланган объект унинг ҳаётига мазмун киритади. Қадриятлар моҳияти, ижтимоий аҳамияти, қамров даражаси, субъектларига кўра хилма хилдир. Албатта, асосий субъект сифатида ҳамма қадрият инсон учун, чунки, инсон бўлмаса, ҳар қандай қадрият ўз аҳамиятини йўқотади. Демак, инсон учун қадрият бўлган нарсалар, воқеликлар, мақсадлар, орзулар унинг яхлит қадриятлар базасини яратади. Бу базада, умуман инсоният базасида қадриятлар орасида энг муҳим ва олий даражадагиси инсоннинг ўзидир. Ҳамма қадриятлар инсон учун бўлганида у субъект вазифасини ўтаси, энди унинг ўзи объектга айланади. Инсон қадриятида субъектлар бу – жамият, давлат, жамоа, гуруҳ, инсоният ва яна инсоннинг ўзи бўлиши мумкин. Демак, инсон бир вақтнинг ўзида ҳам объект, ҳам субъект вазифасини бажаради. Жамиятнинг ташкил топишидан тортиб, унинг шаклланиши, ўзгаришлари, равнақида инсонга айнан қадрият сифатида ёндашувнинг, ёки, инсон қадри даражасининг аҳамияти катта. Жамиятларнинг энг сараси ва инсоният орзу қилгани – фуқаролик жамиятида инсон қадрияти юксак поғонага кўтарилади. Чунки, бундай жамиятда инсон учун энг муҳим бўлган эркинлик, мустақиллик таъминланади. Мазкур мақолада инсон қадрияти ва унинг моҳияти, инсонга қадрият сифатидаги ёндашувнинг шакллари, инсонга қадрий муносабатнинг жамият равнақидаги аҳамияти, инсон қадриятида миллий хусусиятларнинг намоён бўлиши кабилар ёритиб берилган.

Таянч сўзлар. Қадрият, кадр, инсон, миллий, диний, жамият, давлат, демократия, бошқарув, меҳр, муҳаббат, муносабат, моддий жиҳат, маънавий жиҳат, эҳтиёж, мақсад, озу, гоё, инсоният.

Ахророва Шахло Уринбоевна,
 Преподаватель Джизакского государственного
 педагогического института
 e-mail: shaxlo.67@mail.ru

ПРОЯВЛЕНИЕ НАЦИОНАЛЬНЫХ ОСОБЕННОСТЕЙ В ЧЕЛОВЕЧЕСКОЙ ЦЕННОСТИ

АННОТАЦИЯ

Сегодня вопрос ценности остается одной из самых важных тем. Так как смысл человеческой жизни измеряется различными ценностями, которые ее окружают. Иными словами, предмет, ставший для него ценностью, придает смысл его жизни. Ценности по своей сути, социальной значимости, уровню охвата и в зависимости от их субъектов различны. Конечно, все ценности как основной предмет, существуют для человека, потому что без человека любая ценность теряет свое значение. Это значит, что то, что дорого человеку, реалии, цели, мечты создают основу его целостных ценностей. В этой основе, вообще, в основе человечества, самой важной и высшей из ценностей является сам человек. Когда все ценности для человека, он действует как субъект, но, теперь он сам становится объектом. Субъекты в человеческой ценности могут быть такими – общество, государство, община, группа, человечество и опять же сам человек. Это значит, что человек одновременно выступает и как объект, и как субъект. Очень важен уровень человеческой ценности и подход к человеку как к реальной ценности в становлении формировании, изменении и процветании общества. В самом лучшем из обществ, в том, о чем мечтало человечество – в гражданском обществе человеческая ценность поднимается на высший уровень. Потому что в таком обществе обеспечивается свобода, независимость, что для человека важнее всего. В данной статье освещаются человеческая ценность и ее сущность, формы подхода к человеку как к ценности, значение ценностных отношений человека в процветании общества, проявление национальных особенностей в человеческой ценности и др.

Ключевые слова. Ценность, достоинство, человек, национальный, религиозный, общество, государство, демократия, управление, милосердие, любовь, отношение, материальный аспект, духовный аспект, потребность, цель, желание, идея, человечество.

Akhrorova Shakhlo Urinboeva,

Teacher of the Jizzakh state pedagogical Institute

E-mail: shaxlo.67@mail.ru

MANIFESTATION OF NATIONAL CHARACTERISTICS IN HUMAN VALUE**АННОТАЦИЯ**

Today, the issue of value remains one of the most important topics, since the meaning of human life is measured by the various values that surround it. In other words, an object that has become a value for him gives meaning to his life. Values in their essence, social significance, level of coverage and depending on their subjects are different. Of course, all values as the main subject exist for a person, because without a person, any value loses its meaning. This means that what is dear to a person, realities, goals, dreams form the basis of his holistic values. In this basis, in general, in the basis of humanity, the most important and highest of values is the person himself. When all the values are for a person, he acts as a subject, but now he himself becomes an object. Subjects in human value can be such as society, state, community, group, humanity, and again the person himself. This means that a person simultaneously acts as both an object and a subject. The level of human value and the approach to a person as a real value in the formation, formation, change and prosperity of society are very important. In the best of societies, in what mankind has dreamed of - in a civil society, human value rises to the highest level. Because in such a society freedom and independence are ensured, which is most important for a person. This article highlights human value and its essence, forms of approach to a person as a value, the value of human value relations in the prosperity of society, the manifestation of national characteristics in human value, etc.

Keywords. Value, dignity, human, national, religious, society, state, democracy, governance, mercy, love, attitude, material aspect, spiritual aspect, need, goal, desire, idea, humanity.

КИРИШ

Инсоният яралибди-ким, турли замонларда ва турли маконларда унга қадрият сифатида ёндашувнинг турли шакллари амал қилиб келади. Қайсидир замон ёки маконда инсонларнинг бирор табақаси, бирор қисми, ё ирқи қадрланган бўлса, яна қайси бирида инсонларнинг айрим вакиллари – ҳукмдор, диний уламолар ёки бирор ҳислатлилар қадрланган. Инсон қадриятидаги тенгсизликлар ҳамиша жамиятда адолатсизлик ҳукмронлигига замин яратган. Инсон ҳам ҳамиша ўз қадрини тиклаш учун курашиб келган. Чунки, қадр тикланмас экан, унинг ҳақ-ҳуқуқлари топталаверади. Қулдорлик жамиятлари, тоталитар жамиятлар, мустамлакадаги давлатлар кабиларда инсонга қадрият даражада ёндашувдаги тенгсизликларни, адолатсизликларни кўриш мумкин. Давлат ва жамият бошқаруви демократик асосга қурилган мамлакатларда эса, инсон ҳақ-ҳуқуқи, мустақиллигининг таъминланганлиги унинг қадрий даражасининг ҳам юксаклигида намоён бўлади.

МАТЕРИАЛЛАР ВА МЕТОДЛАР

Мамлакатимиз илм-фанида қадриятларнинг назарий ва амалий жиҳатлари билан боғлиқ муаммолар Қ.Назаров, А.Азизхўжаев, А.Жалолов, Н.Жўраев, Ҳ.Т.Одилқориев, С.Отамуродов, Б.Тўйчиев, М.Шарифхўжаев, И.Эргашев, М.Қирғизбоев, Ш.Ғойибназаров, С.Ғафуров каби қатор олимлар томонидан умумий тарзда тадқиқ этилган. Бу масала, шунингдек, маданиятшунослик, психология, ҳуқуқшунослик, социология, ижтимоий фалсафа, тарих фанлари соҳасида ҳам айни шу фанлар талаблари нуктаи назаридан Д.Алимова, М.Бекмуродов, А.Саидов, Э.Султонова, И. Саифназаров, Р.Убайдуллаева, Э.Халилов ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

Бу тадқиқотларда ижтимоий сиёсат ва сиёсий маданият категорияси асосан, миллий-маънавий қадриятлар ва инсон қадрияти (Қ.Назаров, Н. Жўраев, И.Эргашев, А.Ҳайдаров), этник ўзига хосликлар, миллий менталитет (Н.Умарова), инсонда сиёсий онгининг шаклланиши (И.Коренев), миллий давлатчилик тараққиётида инсоннинг ўрни (А.Азизхўжаев, Р.Жумаев, А.Жалолов), жамиятнинг инсон ҳуқуқларининг таъминланиши асосида демократлашуви (Б.Тўйчиев), фуқаролик жамияти омиллари (С.Жўраев, М.Шарифхўжаев, М.Қирғизбоев) билан боғлиқ ҳолда ўрганилган. Мазкур тадқиқотларда қадриятлар муаммоси сиёсий маданият мавзуи билан боғлиқ ҳолда, шу мавзунинг янада чуқурроқ очиб бериш воситаси сифатида тадқиқ этилган. Санаб ўтилган мазкур тадқиқотларнинг муайян қисмида, яъни Д.Алимова, Н.Жўраев, С. Жўраев, Э.Султонова, Р.Убайдуллаева, А.Холбеков, М.Қирғизбоев ишларида ижтимоий сиёсат таъсирида шаклланган қадриятлар тизими ва бу тизимда инсон қадрияти даражаси, уларнинг фуқаролар дунёқараши, психологияси, сиёсий онги ва сиёсий маданиятига таъсири, сиёсий жараёнлардаги иштироки масалаларига эътибор қаратилган. Бироқ бу мавзу алоҳида йўналиш сифатида тадқиқ этилмаган. Қ.Назаров ўзининг “Аксиология, қадриятлар фалсафаси” китобида қадриятлар ва улар билан алоқадор қатор тушунчаларни назарий жиҳатлардан тўла-тўқис таҳлил қилади. Қадриятшуносликнинг фалсафий-тарихий асослари ва долзарб масалалари, қадриятлар категориялари, уларнинг асосий шакллари, бу билан боғлиқ фалсафий масалалар, қадриятлар тизими ва унинг амалиётидаги жараёнлар, мустақил тараққиёт ва қадриятлар тизими тақомили масалалари ушбу китобда илк маротаба мукамал тарзда тадқиқ этилади. Шунингдек, Т. Маҳмудов инсон маънавиятининг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётдаги ўрни масалаларини, С. Отамуродовнинг докторлик диссертациясида инсон миллий ўзлигини англашнинг ўзига хос хусусияти, мазмун-моҳияти ҳамда миллатнинг муҳим белгиси сифатидаги аҳамияти каби масалалар таҳлил қилинган. Қ. Хоназаров томонидан “миллат” унинг моҳиятини ҳар бир давр билан боғлиқ ҳолда ўрганиш ҳамда миллатнинг муҳим белгиси қадриятлар эканлиги ҳақидаги концепция илгари сурилган. С. Шермухаммедов мамлакат ва миллатнинг руҳий маънавий тикланиши, А. Юнусов жамиятнинг демократиялашуви жараёнларида миллий ва умуминсоний қадриятларнинг ўзаро алоқадорлиги, унда инсон қадриятининг ўрни, маънавий юксалиш муаммоларига алоқадор илмий изланишларни амалга оширган. М. Жакбаровнинг докторлик диссертацияси комил инсон муаммосини тадқиқ этишга қаратилган бўлса, И. Саифназаров инсоннинг маънавий баркамоллиги, унинг хусусиятлари сиёсий маданият ва

сиёсий онг шаклланишидаги муҳим омил эканлигини тадқиқ этган. И. Хўжамуродов ижтимоий-маънавий ҳаётимизнинг долзарб муаммоси ҳисобланган ўзбек халқи миллий хусусиятларининг шаклланишида маданият, миллий руҳият ва диннинг ўзаро таъсири муаммоларини тадқиқ этган.

Бу масалага у ёки бу қарашлар таркибида узоқ асрлардан буён муайян даражада эътибор қаратиб келинади. Антик давр мутафаккирлари Сукрот, Афлотун, Арасту, Конфуций, Мао Цзи, Лао Цзи асарларида учратамиз. Ўрта аср мусулмон Шарқи фалсафасида Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Абу Ҳомид Ғаззолий, Азизиддин Насафий, Жалолиддин Румий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Низомулмулк ҳамда Сулаймон Бақирғоний асарларида инсоннинг зоҳирий ва ботиний ўзлигини англашга оид масалалар ёритилган. Муаммонинг айрим жиҳатларига Р. Декарт, Ш. Монтескье, Т. Гоббс, И. Кант, Г. Гегель асарларида эътибор қаратилган. Айниқса, Н. Бердяев, З. Фрейд, Э. Фромм сингари мутафаккирлар қарашларида инсон ақлу идроки, қадриятлар ва сиёсат уйғунлиги тажрибалари мураккаб ижтимоий-руҳий ҳолат экани очиб берилган. Жумладан, В. Вундтнинг этнопсихологик тадқиқотлари, Н. Бердяевнинг эркинлик, халқ руҳи ҳақидаги фалсафий қарашлари масалани инсон, миллат, халқ тафаккури даражаларида ўрганишга кенг йўл очди.

Маълумки, жамиятнинг ўзи ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини биргаликда рўёбга чиқариш учун бирлашган фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродаларини эркин билдиришлари натижасида вужудга келган тузилма ҳисобланади. Жамиятнинг таркибида муайян ижтимоий гуруҳларнинг қадриятлари, манфаатлари ўз ифодасини топади. Мазкур жамиятда амалга оширилаётган ижтимоий сиёсат эса айнан қадрият ва манфаатлар билан уйғунлашгандагина фуқаролар хоҳиш-иродасини ифодаловчи воситага айланади. Мақолада шуларни ҳисобга олган ҳолда жамиятда инсон қадрияти, унинг камолотида миллий қадриятларнинг ўрни ва аҳамиятини тадқиқ этишни асосий мақсад қилиб олдик ва бунда инсон қадрияти таҳлиliga устуворлик берилди.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Инсонга қадрият сифатида ёндашув демократиянинг асосини ташкил этади. Инсонни кадрлаш унинг учун кадрли унсурларни ҳам кадрлаш, дегани. Инсон учун эса эрк ва озодликдан юксак қадрият йўқ. Демократик тамойиллар каби, инсонга қадрият сифатида ёндошувда албатта миллий хусусиятлар намоён бўлади. Таъкидлаш лозим-ки, бошқарув сиёсати (ижтимоий сиёсат) ўз функциясини амалга ошириш жараёнида айрим ижтимоий-гуманитар, миллий-маънавий қадриятларни алоҳида эътиборга олиш билан бирга, уларни жамият аъзоларининг ўзаро ва ижтимоий муносабатларида ҳам бирламчи даражага олиб чиқиш чораларини кўриш керак бўлади. Шундай қадриятлардан бири - инсоннинг ўзидир. Зеро, жамиятнинг ривожланганлик даражаси унинг барча кўрсаткич ва кўринишларидан ҳам муҳим бўлган мезон - инсонга энг олий қадрият сифатида ёндошув натижасида унинг эрк ва манфаатларининг юқорида даражада ҳимояланганлиги, таъминланганлиги ва намоён бўлиши даражаси билан белгиланади.

Умуминсоний характердаги воқеликнинг амал қилишида инсонга олий қадрият сифатида ёндошув намоён бўлади. Инсоннинг олий қадрият эканлигини англай билиш инсонийлик туйғуларининг шаклланишига омил бўлади. Мана шу омил инсоннинг инсон бўлганлиги учун ҳам севиш, кадрлаш ва унга яхшилик қилишга ундайди. Инсонни ва инсонларни яхши кўрган одам инсоният учун яхшилик келтирадиган амалларга ёндошади. Бу, бугунги кунда, айниқса, билвосита ва бевосита фаолият кўрсатадиган раҳбар шахсга хос асосий фазилят бўлиши лозим ва бу фазилят жамиятни адолатли ва яхшиликка йўллаб бошқаришда муҳим аҳамиятга эга. Инсон қадрининг моддий жиҳати унинг мавжудлиги, сиҳат-саломатлиги, кўриниши, бошқача айтганда, ташқи “мен”и билан ўлчанса, қадрнинг маънавий жиҳати унинг ижтимоий воқеликдаги ўрни, онг ва тафаккури, туйғулари, дунёқараши, ички “мен”ида кўринади. Ўзбекларда “қорнимга эмас, қадримга йиғлайман”, деган нақл бежизга айтилмаган. Бу инсонга нисбатан қадрнинг маънавий жиҳати устувор эканлигини англатади. Бошқача айтганда, инсоннинг ўзига қадрий ёндошувининг биологик-жисмоний(суврат) ҳамда руҳий-маънавий(сийрат) жиҳатлари бор. Унинг саломатлигига,

биологик эҳтиёжларни қондиришга, ташқи кўриниши эстетикасига эътибори ўзининг биологик-жисмоний жиҳатини қадрлашидир. Инсоннинг эркинлик, адолат, бахт-саодат каби ижтимоий ҳодисаларга эҳтиёжлари ва интилишлари, феъл-атвори ва дунёқарашида намоён бўладиган ички “мен”и, умуман ички моҳиятини қадрлаши эса унинг руҳий-маънавий жиҳатдан ёндошувини белгилайди.

Юқоридаги фикрларга таяниб, объектив ва субъектив асосларга кўра, инсонга олий қадрият сифатида ёндошувнинг қуйидаги шакллари таҳлил қилиб кўрамиз.

1. Инсоннинг ўзи ўзига қадрият эканлиги.
2. Инсоннинг ўзга инсонларга қадрият эканлиги.
3. Инсоннинг инсонлар жамоасига ва жамиятга қадрият эканлиги.
4. Айрим иқтидор ва салоҳият эгаси бўлган инсонларнинг миллат ва умуминсоният учун қадрият эканлиги.

1. Халқда, сен ўзингни қадрласанг, бошқалар ҳам сени қадрлайди, деган нақл бор. Хўш, инсон ўзининг олий қадрият эканлигини қай даражада англайди ва унинг ўз ички “мен”и билан муносабати қандай? Бизнингча, бу муносабатлар қуйидаги кўринишларда намоён бўлади.

а) Инсоннинг ўзини қадрлаши ўз манфаатларини амалга ошириш билан бирга ўзидаги яхши сифатларини ҳурмат қилишида, ўзига нисбатан эҳтиёж ҳисобланган ўзгалар ҳурмати ва эътиборини қозониш мақсадида ўз имкониятлари ва ижобий сифатларини намоён этиш ҳамда салбий ҳислатларини ўзи тарбиялашга ҳаракат қилишида ифода этилиши мумкин. Инсоннинг ўзини англаши ва қадрлаши – ўзлигини қадрлашидир. Бу қадрлаш унинг олдида “мен кимман? Кимларнинг авлодиман? Қандай одам бўлишим керак?” - деган саволларни кўяди. Бундай инсонлар оиласи, миллати, юртини қадрлаш замирида ўз қадрини кўради, ўзини ана шу яхлит қадриятнинг бир бўлаги сифатида англайди. Бундай қадрлашда инсонда маънавий комиллик хусусиятларининг устуворлиги намоён бўлади. Инсоннинг ўзига қадрият сифатида ёндошуви унинг шахс сифатида шаклланишининг асосий омилдир.

б) Ўзи-ўзини қадрлашнинг иккинчи кўринишида эса худбинлик хусусиятлари устуворроқ бўлади. Бунда инсон ўзининг моддий, жисмоний, руҳий манфаатларини ва бу манфаатларни амалга оширишга қаратилган фикр ва мақсадларини қадрлар экан, унинг учун мана шу қадрнинг ўзи бир бутунлик ҳисобланади. У ўзгаларнинг ёки жамоанинг манфаатларини ўз манфаатларидан ташқарида кўради. Бундай инсонларда ўзгаларни менсимаслик, атрофдагиларга ёқиш-ёқмаслигидан қатъий назар, ўз инжиқликлари ва худбинликларини намоён қилишлари, ўз манфаатларини амалга ошириш йўлида ўзгаларга келтириши мумкин бўлган зарарлари уларни ташвишлантормаслиги каби хусусиятлар намоён бўлади. Агар бу тоифадаги инсонлар ўз манфаатдошлари билан бирлашсалар, улар жамоа ичида нотинчлик ва парокандалик келтириб чиқаришлари мумкин.

Ўзини ўзи қадрлашнинг бу кўринишини инсоннинг ўзи учун қадрий даражасини ошиши, деб эмас, ўз манфаатини ўзгалар манфаатидан устун қўйиши, деб баҳолаш тўғрироқ бўлар эди. Негаки, инсон ўзидаги бу каби худбинона хусусиятлари билан ўзгалар олдида ўз қадрий даражасининг пасайишига замин яратиши мумкин. Умуман, барча салбий хусусиятлар – худбинлик, порахўрлик, риёкорлик, лаганбардорлик, боқимандалик, товламачилик ва бошқалар инсон қадриятлашувига салбий таъсир қилувчи омиллардир. Бундай инсонлар ўзгалар олдида ўз қадрини тушириш баробарида, жамият ривожига ҳам тўсқинлик қиладилар.

2. Инсоннинг олий қадрият эканлигининг иккинчи шакли унинг турдошлари, ўзга инсонларга нисбатан ёндошувида кўринади. Инсоннинг инсонни ва инсонларни қадрлаш омиллари ҳам турличадир. Бу омилларни қуйидагиларда кўришимиз мумкин.

а) Эҳтирос инсон ҳиссиётининг маҳсули, ҳиссий туйғуларининг инъикосидир. Ҳиссий туйғу бўлган севги, муҳаббат инсоннинг фақатгина унга хос олий туйғуларидан биридир. Меҳр, муҳаббат, севги маълум даражада бир хил маънони англатгандай бўлади. Лекин буларнинг ҳаммаси ҳам бир хил туйғу эмас. Инсон аввал онг ва интуиция орқали баҳолайди, шу баҳо натижасига қараб меҳр қўяди. Меҳр ўсиб, мустаҳкамланиб, туйғуларда ўз исботини топса, муҳаббатга айланади. Муҳаббат мутлоқлашса, онг ва шуурни эгалласа, олий даражада, яъни севги бўлиб акс этади. Меҳр бор жойда севги бўлмаслиги мумкин. Лекин севги бор жойда

меҳр ҳам, муҳаббат ҳам бўлади. Инсоннинг инсонга меҳр қўйиши, ўзининг яқинларига ҳам, жинсдошларига ҳам муҳаббат ифодасида намоён бўлиши мумкин. Қарама-қарши жинс вакилига ўз кўнгил майли, эҳтиёжи, (жисм майли эмас!) ҳаёти мазмунининг иккинчи тарафини тўлдирадиган, унга энг бирламчи маънавий ва руҳий озуқа берадиган жуфти сифатида юксак даражада ва ўзгалардан ўзгача меҳр қўйиши севгини ифодалайди. Ҳар учала туйғу ҳам (меҳр, муҳаббат, севги) инсоннинг инсонга қадрият сифатида ёндошувидир. Айрим ҳолларда севган инсонининг қадри инсон учун ўз қадридан ҳам баланд даражага кўтарилади. Шунинг учун ҳам севги ва севиқли инсон қадриятлари инсонни ўз ороми, эҳтиёж ва манфаатларидан кечиб бўлсада, бор имкониятларини юқори даражада ифодалашга, гоҳида имкониятларидан ҳам юқори бўлган, ақл бовар қилмас ишларни амалга оширишга руҳлантиради ва ундайди. Бундай ҳолларда, бошқа ҳолатларда инсон амалга ошира олмайдиган яширин қудратлари ҳам юзага чиқиши мумкин. Масалан, Фарҳод Ширинни севмаганда эди, тоғни тешиб сув чиқаришга қудрати етмаган, балки, ярим йўлдаёқ ҳолдан тойиб ортга қайтган, Мажнун Лайлини севмаганида ҳеч қачон саҳрога дарбадар бўлиб чиқиб кетмаган бўларди. Албатта, булар рамзий ифодалар. Лекин адабиёт ҳамиша инсон руҳияти билан боғлиқ ҳақиқатга суянишидан келиб чиқадиган бўлсак, севгининг яширин қудрати ҳали ўрганишни талаб этадиган сифатлардан бири дейиш мумкин. Ёки, агар буларни шунчаки афсона сифатида кўрадиган бўлсак, Шохжаҳоннинг Мумтозмаҳалга муҳаббати рамзи сифатида бунёд этилган Тожмаҳал мўъжизаси, Амир Темурнинг Бибиҳонимнинг руҳий далдаси туфайли эришган юксак зафарлари, бунёд этган бинолари, қўплаб ижодкорларнинг севги туфайли яратган буюк асарлари ва айнан мана шу асарлари боис уларнинг машҳурлик шохсупаларига чиққанлари фикримизнинг исботидир. Демак, ҳар қандай афсона замирида ҳақиқат бор. Чунки афсона ва ривоятлар инсонларнинг ҳаёт тажрибаси асосида, орзу-мақсадлари, идеалларини ифодалаган ҳолда яратилади. Инсонга бўлган севги қадрияти туфайли яратилган асарлар ҳам, уларнинг муаллифлари ҳам миллат ва инсоният учун қадриятга айланиши мумкин.

Шунингдек, севги туйғусининг юртга, элга бўлган ифодасини ҳам кўриш мумкин. Бундай ҳолларда ҳам инсон юрти, эли, миллати учун буюк ишлар қилишга қодир бўлади. Ушбу туйғуларни ифода этишда шарқ халқлари, хусусан ўзбекларда ҳаё ва ибо билан йўғрилган алоҳида ёндошув борлигини, бу ёндошувнинг оила муносабатларига ҳам таъсир кўрсатишини алоҳида эътироф этиш лозим.

б) Бундан ташқари инсонда ҳурмат ва иззат қилиш хусусиятлари ҳам бор-ким, меҳр, муҳаббат, севгида ҳиссий муносабатлар устувор бўлса, буларда ақлий муносабатлар етакчилик қилади. Бу хусусиятларнинг шаклланишида тарбия омили муҳим рол ўйнайди. Ҳурмат туйғусининг юксак ифодаси сифатида, ота-она, ёр-дўст, устоз каби инсонлар қадриятга айланади. Инсоннинг бир инсонгагина эмас, инсонлар жамоасига бўлган ҳурмати мазкур жамоада одоб-ахлоқ меъёрларини сақлаш, ҳурмат ифодаси сифатида яхши амалларни бажаришга, шу амаллар орқали ўз қадрини сақлашга ва намоён этишга замин яратади.

в) Яна бир омил бор-ким, аксарият диний таълимотларда инсон Аллоҳ томонидан яратилган олий мавжудот бўлиб, унга Худонинг неъмат сифатида қараш лозимлиги уқтирилади. Инсонлардаги эътиқод туйғулари ҳам ўз турдошларини қадрлаш ҳиссини шакллантириш билан бирга, яхши амаллар билан ўз қадрларини сақлаш орқали Яратгanning иноятига сазовор бўлишга ундайди. Бу эътиқоднинг илк шаклларидаёқ кўрина бошлаган. Масалан, бундан қарийб уч ярим минг йил аввал Ўрта Осиё ҳудудида истиқомат қилган аждодларимиз эътиқод қилган зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто”да шундай дейилади: “Ҳар ким андиша, сўз ёхуд икки қўли билан дурванд – ёлғон билан курашса, унинг издошларини яхши йўлга бошлай олса, Мазда Ахуранинг муҳаббатини қозонади.” Ёки, бу эътиқодда инсонга бўлган муносабатни профессор Н.Жўраев шундай талқин қилади: “Ахура Мазда – бу бутун борлик, бутун олам, мавжудотнинг яхлит тимсоли. Инсон эса олам ичра олам. Бу ҳар иккала оламнинг ўзаро уйғунлиги масаласи “Авесто” фалсафасида маънавий эҳтиёж даражасига олиб чиқилган”.

Ислом динида ҳам инсон қадриятига ўзига хос ёндашув борким, бу мусулмон аҳлида ўзаро иттифокликни, мўминликни, яхшиликни тарғиб қилишда катта мезон вазифасини

ўтайди. Хусусан, Шайх Муҳаммадсодиқ Муҳаммадйусуф шундай дейдилар: “Ислонда инсоннинг кадр-қиммати қалбининг поклиги, ундаги иймон-ихлос ва қилган яхши амаллари билан ўлчанади. Ислон назарида қалби пок, иймонли инсон дунёдаги барча гўзал суратлардан гўзалдир, мўмин инсоннинг солиҳ амали дунёдаги барча молу дунёдан устундир.

Аллоҳ таоло инсонни ташқи суратига қараб эмас, қалбининг поклигига қараб баҳолайди.

Аллоҳ таоло инсонни молу дунёсига қараб эмас, солиҳ амалига қараб тақдирлайди.

Инсон кадрини ўлчашнинг ана шу илоҳий мезонлари ишга солингандагина инсонлар ўзларининг ҳақийқий кадрларини топадилар”.

Ёки, буюк мутаффақир ва шоир Алишер Навоийга мурожаат қиламиз:

“Кимки бир кўнгли бузуғнинг хотирин шод айлағай,

Онча борким, Каъба вайрон бўлса, обод айлағай”

г) Инсоннинг ёши ва жинсига эътибор нуктаи-назаридан қадрият сифатида ёндошув ҳам бор-ким, кексаларга ҳурмат, элимизга хос бўлган боласеварлик ҳамда аёлга бўлган алоҳида эътибор ва ҳурмат билан белгиланади. Бу ерда инсоннинг қадриятлашувидаги миллий хусусиятларини ҳам кўриш мумкин.

Ҳар тўртала омил ҳам ижобий характерга эга бўлиб, инсонларни яхши ишларни амалга оширишга, ёмон ишлардан тийилишга ундайди.

Қадрият сифатида ёндошмаслик, яъни инсонни кадрламаслик муносабатларнинг салбий жиҳатларини ифодалайди. Бундай ёндошувлар биз биринчи шаклда тавсифлаган, ўзини кадрлашда худбинлик хусусиятлари устувор бўлган инсонларга хос бўлиб, унинг куйидаги кўринишлари мавжуд.

- Бу инсонлар ўзларини севадилар, кадрлайдилар, ўзгалар билан эса ишлари бўлмайди. Ўз манфаатларини амалга ошириш учун ўзгаларни алдашлари, ўзларига захмат етиши эҳтимоли бўлганда ўзгалар кулфати ёки ёрдамга мухтожлигида четга чиқиб туришлари мумкин. Бундай инсонлар лоқайдлар ва бефарқлар тоифасига кириб, жамият учун хавф туғдирадилар. Улар мавжуд қонунларда эътироф этилган бирор жиноятни содир этмасликлари, ёвуз ҳаракатларни амалга оширмасликлари мумкин, аммо, улар ҳаракатсизликлари, ҳаёт саҳнасида бефарқ томошабин вазифасини ўташлари, ўзгалар тақдири уларни қизиқтирмалиги, бошқача айтганда, “дунёни сув босса, менга нима” қабилидаги ёндошувлари маънавий заифликнинг белгисидир ва улар ўз ёндошувлари билан жамиятда салбий иллатларнинг келиб чиқишига замин яратадилар.

- Ижтимоий сиёсатда эътиборга олиниши лозим бўлган инсонлар тоифаси бор-ким, улар ўз турдошларига қадрият сифатида ёндошмайдилар. Улар учун инсон қадри ўз биологик-жисмоний, моддий, руҳий эҳтиёжлари қадридан пастдир. Ўзлари учун идеалга айланган мақсадларини амалга ошириш йўлида иккиланмасдан инсон зотига ва унинг жамоасига зиён етказиб кетаверадилар. Улар ўз ҳаракатларини ошқора ва хуфёна, бевосита ва билвосита тарзда амалга оширадилар. Бундай ҳаракатларни нафақат моддий ва жисмоний манфаатларда (ўғрилиқ, фирибгарлик, босқинчилик, одам савдоси, қотиллик ва ҳк), балки сиёсий манфаатларда (масалан, шахсий манфаатларини ошқора этмаган ҳолда, лекин шахсий манфаатни амалга оширишда фойдаланиш учун лавозим ва сиёсий мавқега эришишга интилувчилар мисолида) ҳам кўриш мумкин. Бу каби инсонларнинг қадриятларга ёндошувларда ҳам номутаносибликни кузатиш мумкин. Айтайлик, диний қадрият сифатида улар ўзлари сиғинадиган зиёратгоҳнинг бир ғиштини бузишдан ҳайиқишлари мумкин, лекин ўз турдошлари ҳақида иккиланмай хиёнат қилишлари, уларга жисмоний ва маънавий азоб келтиришлари, ҳатто, сесканмай, инсон жонига қасд қилишлари уларнинг айнан инсон зоти – инсон бўлганлиги учун ҳам қадрланиши лозимлиги тўғрисидаги фикрдан умуман йироқликларини англатади. Бундай одамларга нисбатан, жамоадан четлаш ёки тегишли қонунлар асосида жазо турларини қўллаш йўли билан таъсир чоралари қўлланади. Лекин бу хавфнинг олдини олишнинг энг асосий воситаларидан бири – жамиятда мукамал тарбиявий тизим шакллантириш, оиладаги тарбиявий муҳитни кучайтириш ва назоратга олиш

чораларини белгилаш, ҳамда маънавий- мафкуравий таъсир орқали инсон - инсон учун энг олий қадрият эканлиги тушунчаси мустаҳкамланган дунёқарашни шакллантиришдир.

3. Жамиятда инсонга олий қадрият сифатида қараш даражасини мазкур тузумдаги ижтимоий сиёсат белгилайди. Инсон энг олий қадрият саналган жамиятда инсон сиёсат учун эмас, сиёсат инсон учун амал қилади.

Инсон қадрини ошириш масаласига ғарб олими И.Ричардс ҳам катта эътибор қаратади. Унинг фикрича, биринчидан, олам одамларсиз куруқ бўшлиққа айланиб қолади, ўзининг қадрига етадиган асосий субъектидан жудо бўлади, ҳеч кимга кераги бўлмайди; иккинчидан, воқеликнинг бирор шаклига, нарсаларга эҳтиёжни қондириш учун ҳаракат қиладиган одамзотгина ўша нарсаларни қадриятларга айлантириши, уларнинг қадрига етиши мумкин; учинчидан, қадриятнинг йўқолиши эса унга эҳтиёж қолмаган, шу нарсанинг одамларга кераксиз бўлиб қолганини англатади.

Ғарб қадриятшунослиги намоёндаларидан бири Ж.Дюби ўз қарашларида инсон жамиятнинг энг олий қадрияти эканлигини таъкидлар экан, бошқа барча қадриятлар инсон учун хизмат қилиши лозимлигини, инсоннинг ўзи эса энг азиз қадрият сифатида ўз умридан унумли фойдаланиши кераклигини баён қилади. Унинг фикрича, инсон ўз манфаатини устун қўйиши лозим. Ўзгаларга ёмонлик қилмаса бўлди, у кўпроқ ўз ҳаётини яхшилашга ҳаракат қилиши лозим. Албатта, Ж. Дюбининг инсон омили асосий эканлиги тўғрисидаги фикрлари қимматли. Хусусан, у инсон ҳақ-ҳуқуқлари тўлиқ кафолатланган демократик ва илм-фан ривожланган жамиятни энг қимматли давр деб ҳисоблашида ҳам инсон манфаатлари бирламчи ўринга қўйилгани кўриниб турибди. Аммо унинг қарашларида инсон кўпроқ ўзини ўйлаши лозимлиги тўғрисидаги америкача ғоя акс этади. Бу табиий албатта. Чунки, инсонда ғоялар шаклланишида у тарбия топган муҳит ва элга хос қарашлар ўз таъсирини кўрсатади. Шарқона қарашларда эса, кўпроқ элпарварлик хусусиятлари намоён бўлади. Буюк мутафаккир А.Навоийнинг “Одами эрсанг, демагил одами, ониким, йўқ халқ ғамидин ғами” фарди айнан шарқона қараш ҳосилдир. Шарқда жамоавийлик ҳисси, ўзаро меҳр-оқибат, қариндошлик, қўшничилик, маҳалладошлик андишалари инсонга қадрият сифатида ёндошувдаги миллий хусусиятдир. Бошқача айтганда Шарқда меҳр-оқибат инсонлараро қадрни ифодаладиган тушунчадир.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимининг чуқур ислоҳ қилиниши ва либераллаштирилиши, мамлакатимизда 2008 йил 1 январдан бошлаб ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида, шунингдек, фуқароларни қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини прокуратурадан судларга ўтказиш тўғрисида 2007 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонунлари бутун дунёда улкан қизиқиш ва эътибор уйғотди. Мазкур чоратadbирларнинг жорий этилиши билан Ўзбекистонда дунёдаги энг инсонпарвар, либерал жиной жазо тизимларидан бири яратилди ва инсонга берилган умр энг азиз қадриятлардан бири эканлиги яна бир бор ўз ифодасини топди. Умуман, жамият равнақ топиб борар экан, инсон қадри омили ҳам юксаклашиб бораверади. Ҳуқуқий демократик ва фуқаролик жамиятларда шахс эркинлиги ва инсон қадр-қиммати ҳар бир соҳанинг таянч-ўзаги сифатида амал қилади. Бундай жамиятларда инсонларнинг бахт-саодатга эришувлари таъминланиб, инсон қадрияти мукаммаллашган қадриятлар тизимининг энг олий нуқтасига айланади.

4. Пайғамбарлар, илм-фан, адабиёт ва саъят, сиёсатнинг етук намоёндалари ва арбоблари, ўз эли эрки, тинчлигини таъминлаш, юртини равнақ топтириш йўлида салмоқли ҳиссалари бўлган буюк шахслар ўз миллатлари ёки инсоният учун қадрият саналадилар. Одатда бундай инсонлар фавқулудда иқтидор эгалари, илмий салоҳияти баланд, бошқарув санъатининг етук дарғаларидир. Уларнинг миллий ёки умуминсоний даражада қадрланишини амалга оширилган ишларининг миллат ёки инсоният учун аҳамияти билан белгиланади. Бундай инсонларнинг қадрият эканлигини машҳурлик билан айнийлаштириш тўғри эмас. Машҳурлик - бу таниқлилиқнинг юқори даражаси. Яъни, унинг амалга оширган ишлари кўлами ва мазмуни жиҳатидан ўзига хос, такрорланмас бўлиб, инсонларда ҳайрат туғдиради. Лекин бу ҳайрат замирида нафрат ҳам, ҳурмат ва эътиқод ҳам бўлиши мумкин. Фашистик тузумнинг етук “дарға”си ҳисобланган Р.Гитлер ўзининг ғайриинсоний ва ёвуз амаллари

билан инсониятни ҳайратга солгани рост. Лекин бу унинг қадрият эканлигини англамайди. Унинг таниқлилиги салбий характерга эга. Инсонлар таниш билан баробарида ҳурмат ва қайсидир даражада эътиқод қилган, унинг ишларида ўзлари учун тарбиявий аҳамиятни кўра билган, шунингдек, инсонларлар учун ва уларнинг маънавий оламини бойитиш учун буюк хизматлар қилган айрим шахсларгина миллий, ёки умуминсоний қадриятга айланади. Инсоният бундай инсонлар билан фахрланади, уларга ҳавас қилади. Бундай инсонлар қадрият сифатида инсоннинг ўзлигини англашда омил бўладилар. Бундай шахслар ўз миллатини танитиш баробарида умужаҳон саҳнида ўз юрти обрў-этиборининг ортишига сабаб бўладилар. Миллий даражадан ҳатлаб ўтиб, умуминсоний қадриятга айланган бизнинг кўплаб буюк аждодларимиз бор-ким, улар жаҳон аҳлига нафақат шахс сифатида ўзларининг, балки, миллатимизнинг донишманд ва етук илмий ва ижодий салоҳиятга эга эканлигини исботлаб бердилар. Медицина атамасининг Ибн Сино, алгебра атамасининг Ал Хоразмий, коинот юлдузига асрония фанига асос солган буюк алломалардан бири Улуғбек номи берилиши, жаҳон мусулмон халқи учун юртдошларимиз Ал-Бухорий, Б.Нақшбанд, Б.Ғиждувоний сингари ислом уламоларининг диний қадриятга айланганлиги, Навоий ижодининг салоҳияти ҳали-ҳануз дунё аҳлини ҳайратга солиб келаётгани, инсоният тарихида илк бор яққахудоликни тарғиб этиш билан кўплаб қабила ва уруғларнинг бирлашувига сабаб бўлган ва инсониятга ўта нодир асар - “Авесто”ни тақдим этган пайғамбар Спитамон Зардуштдан тортиб, А.Темур, Ж.Мангуберди каби енгилмас, буюк саркардаларимизнинг такрорланмас маҳорати эътироф этиб келинаётгани фикримизнинг яққол далилидир.

ХУЛОСА

Хулоса қилганда, биринчидан, ҳуқуқий демократик, фуқаролик жамияти қуриш йўлига кирган ҳар қандай давлат ўз ижтимоий сиёсатини амалга оширишда ижтимоий, сиёсий ва миллий қадриятларни инобатга олиш баробарида, бошқача айтганда, унинг аввалида инсон қадриятини улуғлаш сиёсатини устувор қўйиши лозим.

Иккинчидан, инсон омилини қадрлаш жараёнида миллий характернинг намоён бўлишини эътиборда тутмоқ керак.

Учинчидан, инсонни нафақат жамият томонидан, балки, инсонни инсон томонидан қадрланиши миллатни, элни бирлаштиришнинг муҳим омили эканлигини инобатга олган ҳолда сиёсат олиб бориши, таълим, тарбия ва тарғибот соҳасида ушбу вазифани амалга оширишга қаратилган ишларни тизимли йўлга қўйилишини таъминлаши зарур.

Библиография:

-
- АЗИЗХЎЖАЕВ А. Демократия халқ ҳокимияти демакдир. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, 1996. – 22 б.;
- ЖАЛОЛОВ А. Мустақиллик масъулияти. – Т.:1996;
- ИБРОҲИМОВ А.Б., СУЛТОНОВ Х., ЖЎРАЕВ Н. Ватан туйғуси, -Т.: Ўзбекистон. 1996. 360-365-б;
- ЖЎРАЕВ Н. Агар огоҳ сен... – Т.:Шарқ, 1998;
- КОРЕНЕВ И. Проблемы формирования политического сознания в процессе демократизации: автореф. кан. политич. наук. – Т.:1998.
- НАЗАРОВ Қ. Қадриятлар фалсафаси. – Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2004.
- ОДИЛҚОРИЕВ Ҳ.Т., Ш.Ғ. Ғойибназаров. Сиёсий маданият. – Т.:Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси. 2004.
- ТУЙЧИЕВ Б. Проблемы формирования политической культуры и демократизации современного общества. – Т.:1991.
- ЭРҒАШЕВ И. Тараққиёт фалсафаси. – Т.:Академия, 2000; Сиёсат фалсафаси. – Т.: Академия, 2004; Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: сиёсий партиялар, мафкуралар, маданиятлар. – Т.: Шарқ. 1998. Шарифходжаев М. Формирование открытого гражданского общества в Узбекистане. – Т.:2002.

- УБАЙДУЛЛАЕВА Р. Женщины Узбекистана и демократизация общества // Ижтимоий фикр. – Т.: 2003. №4; Халилов Э. Хукукий онгинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни. – Т.: Узбекистон, 1996;
- МАҲМУДОВ Т. Мустақиллик ва маънавият. – Т.: Шарқ, 2001;
- ХОНАЗАРОВ Қ.Х. Миллат назариясига танқидий назар // Миллий тикланиш, 1998 йил 16 июнь.;
- ЮНУСОВ А.М. Демократизация общества и взаимодействие национального и общечеловеческого в развитии духовных ценностей. – Т.: Фан, 1994;
- ЖАКБАРОВ М. Комил инсон ғояси: тарихий-фалсафий таҳлил. – Т.: 2000;
- АРИСТОТЕЛЬ. Сочинения. В4-х т. Т.4. – М.: Мысль, 1983;
- ПЛАТОН. Сочинения в трех томах. Т.3. – М.: Мысль, 1972. – С. 610.
- КОНФУЦИЙ. “Лун Юй” (“Беседы и суждения”) – М., 1992.,
- АБУ НАСР ФОРОБИЙ. Фозил одамлар шаҳри. – Т.: А.Қодирий, 1993.;
- БЕРУНИЙ АБУ РАЙҲОН. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Т.1. – Т.: Фан, 1998;
- НИЗОМУМУЛК. Сиёсатнома ёки Сияр-ул-мулк. – Т.: Адолат, 1997.;
- ФРОММ Э. Анатомия человеческой деструктивности. – М.: Республика, 1994.;
- ГЕРДЕР Г.И. Идеи и философии истории человечества. – М.: Наука, 1977.;
- Авесто.Н.Жўраев муҳаррирлигида.Т.,2015, Ғ.Ғулом нашиёти. 47 б.
- ШАЙХ МУҲАММАД СОДИҚ МУҲАММАД ЮСУФ. www.islom.uz.

Transliteration

- AZIZKHUJAIEV A. Democracy means people's power. - T.: Ministry of Higher and secondary specialized education of the Republic of Uzbekistan, 1996. - 22 p.
- DEWEY Y. Theory of valuation. Chikago 1930. 24 p.
- JALOLOV A. The responsibility of independence. - T.: 1996;
- IBROHIMOV A.B., SULTONOV X., JO'RAEV N. Sense of homeland, -T.: Uzbekistan. 1996. 360-365 p.
- JO'RAEV N. If you are aware ... - T.: Sharq, 1998;
- KORENEV I. Problems of formation of political consciousness in the process of democratization: autoabst. can. of politic. sciences - T.: 1998.
- NAZAROV Q. Philosophy of values. - T.: National Society of Philosophers of Uzbekistan, 2004.
- ODILQORIEV H.T., SH.G. GOYIBNAZAROV. Political culture. - T.: Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan. 2004.
- TO'YCHIEV B. Problems of formation of political culture and democratization of modern society. - T.: 1991.
- ERGASHEV I. Philosophy of development. - T.: Academy, 2000;
- Philosophy of politics. - T.: Acedemy, 2004;
- KIRGIZBOEV M. Civil society: political parties, ideologies, cultures. - T.: Sharq. 1998.
- Sharifkhodjaev M. Formation of open civil society in Uzbekistan. - T.: 2002.
- UBAYDULLAEVA R. the Women of Uzbekistan and the democratization of society// Ijtimoiy Fikr. – Т.: 2003. No. 4; .
- MAKHMUDOV T. Independence and spirituality. - T.: Sharq, 2001;
- XONAZAROV Q.H. A Critical look at the theory of nationality // Milliy tiklanish, June 16, 1998.;
- YUNUSOV A.M. Democratization of society and interaction of the national and universal in the development of spiritual values. –Т.: Fan, 1994;
- JAKBAROV M. The idea of a perfect man: historical-philosophical analysis. - T.: 2000;
- ARISTOTLE. Compositions. В4-х т. Т.4. –М.: Mysl, 1983 ..;
- PLATO. Works in three volumes. Т.3. –М.: Mysl, 1972. –S. 610.
- CONFUCIUS. "Long Yu" ("Conversations and Judgments") -M., 1992.,
- ABU NASR FAROOBI. A city of noble people. –Т.: A.Qodiriy, 1993;

ABU RAYHON BERUNI. Monuments left by ancient peoples. T.1. –T.: Fan, 1998;
NIZOMUMULK. Politics or Siyar-ul-muluk. –T.: Adolat, 1997 .;
FROMM E. Anatomy of human destructiveness. –M .: Republic, 1994 .;
G.I. HERDER Ideas and Philosophy of Human History. –M .: Nauka, 1977 .;
Avesto edited by N.Juraev.T., 2015, G.Gulam Publishing House. 47 p.
SHEIKH MUHAMMAD SODIQ MUHAMMAD YUSUF.www.islom.uz.



УДК159.9(575.1)

Ahrorova Madina Rahmatovna

SamDCHTI, Ijtimoiy fanlar

kafedrası assistant o'qituvchisi

E-mail: madin ahrorova@mail.com

O'zbekiston, Samarqand.

XVII-XVIII ASRLAR XONLIKLAR DAVRI SIYOSIY HAYOTINING O'ZBEK MUMTOZ SHOIRALARI IJODI TALQINIDA

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9505-2020-SI-2-6>

ANNOTATSIYA

Mustaqillik yillarida tariximizni qayta tiklash, haqqoniy tarixni yoritish, tarixchilar oldida turgan muhim vazifalardan biri bo'lib kelmoqda. Davlatchiligimiz tarixida Rossiya imperiyasi bosqini arafasidagi xonliklar ijtimoiy- iqtisodiy hamda, siyosiy hayotini yoritishda soxta tarix muammosi sobiq sho'ro tarixshunosligi hamda, chet el tarixshunosligida eng ko'p baxs- munozaraga sabab bo'lgan mavzulardandir. Rossiya imperiyasi bosqini arafasidagi xonliklar fojeasi masalasiga turlicha yondashilgan bo'lsada lekin, umumiy maqsad bitta bo'lib, u ham bo'lsa, inson shaxsiyati ozodlik, hurlik hamda xalqni ma'rifatli ko'rish istagining ustunligi bilan xarakterlanadi. XX asr o'zbek mumtoz shoiralari ijodida ham ana shunday ijtimoiy- falsafiy qarashlarni ko'rishimiz mumkin. Sobiq sho'ro davri adabiyotlarida jumladan, ayrim rus tadqiqotchilar asarlarida Rossiya imperiyasi bosqiniga bevosita xonliklar ham sababchi bo'lganligi, jumladan Qo'qon xoni Amir Umarxonning rafiqasi Nodiraning xonliklar tazyiqidan xavfsirab imperiya hukumatiga maktub bilan murojati qilganligi va bevosita bildirilgan taklifi asnosida Qo'qon xonligi mustamlaka qilinganligi haqidagi faktlar uchrab turadi. Ammo masalaning tub mohiyatini ochib bergan Nodira g'azallari hamda Anbar Otinning „Qoralar falsafasi“ asarlari mavjud bo'lib, ular mazkur davr siyosiy hamda ijtimoiy vaziyatning mohiyatini to'la ochib beradi. Maqolaning ilmiy ahamiyati ushbu asarlarning mantiqiy tahlili, hamda mavjud davr muammolari XX asr o'zbek mumtoz shoiralari ijtimoiy- falsafiy qarashlari o'rganilganligidadir. Ushbu masalani yoritishda turlicha konsepsiya, nazariya va qarashlar va yo'nalishlarga asoslangan holda tadqiq qilingan.

Tayanch so'zlar: Qoralar falsafasi, mustamlaka, saltanat, farog'at, mazlum, avom, tanazzul, nazira, fig'on, baxtnoma.

Ахророва Мадина Рахматовна

СамГИИЯ, асистент

Узбекистан, Самарканд.

Электронная почта: madin ahrorova@mail.com

ТРАКТОВКА ПОЛИТИЧЕСКОЙ ЖИЗНИ ХАНСТВ XVII-XVIII ВЕКОВ В ПРОИЗВЕДЕНИЯХ УЗБЕКСКИХ ПОЭТЕСС-КЛАССИКОВ

АННОТАЦИЯ

В годы независимости одна из важнейших задач, стоящих перед историками, - восстановить нашу историю, пролить свет на подлинную историю. В истории нашей государственности проблема ложной истории в освещении социально-экономической и политической жизни ханств накануне вторжения в Российскую империю является одной из самых противоречивых тем в бывшей советской историографии и зарубежной историографии. Хотя к вопросу о трагедии ханств накануне вторжения в Российскую Империю подходили по-разному, общая цель одна и человеческая личность характеризуется преобладанием свободы, вольности и желанием видеть людей просвещенными. Такие социально-философские взгляды мы видим в произведениях узбекских поэтов-классиков XX века. В литературе бывшего Советского Союза, в том числе в работах некоторых российских исследователей, вторжение в Российскую империю было напрямую вызвано ханствами, в том числе женой кокандского хана Амира Умархана Нодирой, которая написала письмо царскому правительству, опасаясь ханства. факты колонизации. Однако есть стихи Нодир и Анбара Атина «Философия черных», раскрывающие суть проблемы, полностью раскрывающие сущность политической и социальной ситуации этого периода. Научная значимость статьи заключается в логическом анализе этих произведений, а также исследовании проблем современности, социально-философских взглядов узбекских поэтов-классиков XX века. Освещение этого вопроса было изучено на основе различных концепций, теорий, взглядов и направлений.

Ключевые слова: Черная философия, колония, королевство, покой, угнетенное, общее, упадок, назира, фигон, счастье.

Madina Akhrorova Rakhmatovna

SamSSIFL assistant teacher

E-mail: madina_ahrorova@mail.com

Uzbekistan, Samarkand.

IN THE INTERPRETATION OF THE POLITICAL LIFE OF THE KHANATE OF THE XVII-XVIII CENTURIES BY THE WORKS OF UZBEK CLASSICAL POETS

ANNOTATION

During the years of independence, one of the most important tasks facing historians is to restore our history, to shed light on the true history. In the history of our statehood, the problem of false history in covering the socio-economic and political life of the khanates before the invasion of the Russian Empire is one of the most controversial topics in former Soviet historiography and foreign historiography. Although the issue of the tragedy of the khanates on the eve of the invasion of the Russian Empire was approached differently, the common goal is the same, and the human personality is characterized by freedom, liberty and the desire to see the people enlightened. We can see such socio-philosophical views in the works of Uzbek classical poets of the XX century. In the literature of the former Soviet Union, including the works of some Russian researchers, the invasion of the Russian Empire was directly caused by the khanates, including the wife of Kokand khan Amir Umar Khan, Nodira, who wrote a letter to the imperial government for fear of khanate oppression. facts of colonization. However, there are poems by Nodira and Anbar Atin's "Philosophy of Blacks" that reveal the essence of the problem, which fully reveals the essence of the political and social situation of this period. The scientific significance of the article lies in the logical analysis of these works, as well as the study of the problems of the current period, the socio-philosophical views of the Uzbek classical poets of the twentieth century. The coverage of this issue has been studied on the basis of different concepts, theories and views and directions.

Key words: Black philosophy, colony, kingdom, rest, oppressed, common, decline, nazira, fig'on, happiness.

KIRISH

Mustaqillik yillarida XX asr o'zbek mumtoz shoirlari ijodini o'rganish yuzasidan bir qancha tadqiqotlar olib borildi. XX asr o'zbek mumtoz shoirlari ijodida mavjud davr muammolarining yoritilishi masalasi bugungi kun tarix fani oldida turgan dolzarb muammolardan biri bo'lib kelmoqda. Chunki, soxta tarix talqini natijasida ular ijodining mohiyati to'la anglab yetilmagan hamda tahlil etilmagan. Masalan rus tarixchilari (Sergey Glushenko) [8,45] sho'ro davri adabiyotlarida jumladan, ayrim rus tadqiqotchilar asarlarida Rossiya imperiyasi bosqiniga bevosita xonliklar ham sababchi bo'lganligi, jumladan Qo'qon xoni Amir Umarxonning rafiqasi Nodiraning xonliklar tazyiqidan xavfsirab imperiya hukumatiga maktub bilan murojati qilganligi va bevosita bildirilgan taklifi hamda mavjud davr muammolari yoritilgan asar hamda g'azallari asnosida Qo'qon xonligi mustamlaka qilinganligi haqidagi faktlar uchrab turadi.[8,23]. Ammo masalaning tub mohiyatini ochib bergan Nodira g'azallari hamda Anbar Otinning "Qoralar falsafasi" asarlari mavjud bo'lib, ular mazkur davr siyosiy hamda ijtimoiy vaziyatning mohiyatini to'la ochib beradi. Maqolaning ilmiy ahamiyati ushbu asarlarning mantiqiy tahlili, hamda mavjud davr muammolari XX asr o'zbek mumtoz shoirlari ijtimoiy- falsafiy qarashlari o'rganilganligidadir.

MATERIALLAR VA METODLAR.

XVII-XVIII asrlar xonliklar davri siyosiy hayotini o'rganishda tarixshunoslar 2 xil manbaga tayanishadi. Ulardan birinchisi arxiv hujjatlari bo'lsa, ikkinchisi qo'lyozma asarlar. O'z navbatida qo'lyozma asarlarni ham tahlil qilishda ham ularni ikki turga bo'lish mumkin. Ya'ni saroy tarixchilari tomonidan yozilgan asarlar. Masalan, Fazliy Namangoniyning „Majmuai Shoiron“ Qo'qon xoni Amir Umarxon rahnamoligi ostida yozilgan bo'lib unda ushbu davrda ijod etgan Qo'qon shoiru-shoirlar olimlar ijodi haqida batafsil yoritilgan. Ammo muallif asarni yozishda o'z dunyoqarashiga yondashgan. Misol uchun Jahon Otin Uvaysiy haqida „Uvaysiy ham xotinlar jumlasidandir lekin Maxzunadek ziyrak va aqli raso emas, goh egri goh to'g'ri yurgani sabab uni tavsif qilishni istamadim.“ [11.34] Ammo biz faqatgina ushbu manba bilan cheklanib qolmay mumtoz shoirlarning devonlariga murojat qilsak, maqsadga muvofiq. Uvaysiy, Nodira Devoni O'zbek va fors tillaridagi sherlar Nodira Asarlar 2- jildlik . Nodira asarlar 2 jildlik Shuningdek, ushbu devonlarni tahlil qilgan tarixshunoslar asarlari ham bor. Quyida ularning ayrimlarini keltirib o'tamiz. A.Xamrayeva O'zbek shoirlari go'zallik istab (XIX asr va XX asrning boshi) T., O'zbekiston" nashriyoti 1974 35- bet , Qodirova Mahbuba XIX asr o'zbek shoirlari ijodida inson va xalq taqdiri. T., „Fan“, 1977 184- bet (O'zb SSR FA A. Navoiy nomidagi davlat adabiyot muzeyi T.Jalolov . O'zbek shoirlari. 1- kitob., badiiy adabiyot nashriyoti 1980 416- bet. Ushbu asarlar Q'oqon adabiy muhiti, hamda, siyosiy tarixini yoritgan bo'lsa, quyida keltirilgan asarlar esa, Mumtoz shoirlarning hayoti va ijodi va ularning ijtimoiy- falsafiy qarashlarini yoritgan.

Ularni B.Valixo'jayev, Toxirov K „O'zbek adabiyoti tarixi va Mumtoz siymolar. XI jild deb nomlangan asarlarida tahlil qilgan.

MUHOKAMA VA NATIJALAR

XX asr o'zbek mumtoz shoirlari ijodidagi ijtimoiy- falsafiy qarashlar ayniqsa, asrimizning boshlarida yurtimiz tarixchilari orasida keng mushohadaga sabab bo'ldi. Masalan, A.Qayumov o'zining „Qo'qon adabiy muhiti“ asarida Nodiraning ilm ma'rifat rahnamosi sifatidagi o'rni hamda, siyosiy hayotdagi faoliyatiga alohida to'xtalib o'tib, Nodiraning yuqoridagi zikr etilgan faoliyatini quyidagicha izohlaydi. Uning fikricha bir tomondan Buxoro amirligi, bir tomondan Xiva xonligi tazyiq bilan kirib kelgan paytda najotni chetdan kutgan ojizaning maqsadi xalqni ma'rifatli ko'rish ilinjida bo'lganligi bilan izohlagan.[3,25] Nodira saroyda yashasa ham, o'zini ma'naviy jihatdan baxtiyor hisoblay olmas edi. Shuning uchun ham u g'azallaridan birida: "Meni saltanat masnadida ko'rib, gumon etmang ayshu farog'at bilan", deydi.[3,12]

Nodira ayollar huquqini himoya qilishga intilgan va adolat hamda insoniylikka chaqirgan. U "yori befarq, baxt o'zgaruvchan, nolalar javobsiz" bo'lgan davrlarni yomon ko'rgan. Nodiraning g'azallarida do'stlik, sadoqat va vafo timsollari aks etgan. Nodira "sevgini totmagan - inson emas", deya ta'kidlaydi. O'z devonini "Sevgi ko'zgusi" deb nomlab, "Baxtnoma"sida "sevishganlar yuragi Yaratganning asl mohiyati bilan kelishsalargina oydinlashadi", deb yozgan.[11,78]

Nodira g'azallarida mavjud davr ijtimoiy-siyosiy qarashlarini qamrab olgan holda ilohiy ishqni kuylagan. U kuylagan ilohiy ishqning oxiri Ollohning vasliga yetish bilan nihoyalaniadi. Uning ustozlari Uvaysiy esa samoviy muhabbatni emas, insonlarga baxt- saodat keltiruvchi yor muhabbatini, inson muhabbatini kuylagan shoiradir. [10,65]

Kel ey zohid, topib bir yorni oldida jon bergil-

Deb samoga termulgan johidni ham yer qizi oldida jon berishga da'vat etadi.

Ulug' bobomiz Navoiy falsafiy qarashlariga yakun yasab yerdagi hayotga madhiya o'qigan. Shuningdek, Uvaysiy badiiy g'oyalarga erinib jamiyatda o'ziga munosib orin topgan birinchi o'zbek ayolidir.[11,54] „Davri bizning davrimiz davron bizning davrimiz-deb maddohlik qilib turgan bir paytda oqimga qarshi borib uning:

Zamona kulfatidan bu ko'ngil dog' o'ldi, dog' o'ldi,

Bu charxi bemuruvvatdan ko'ngul dog' o'ldi, dog' o'ldi,

Jarohat bo'ldi bag'rim tig'i raqiblardin

Bu kaltafaxm mardumdin ko'ngil dog' o'ldi, dog' o'ldi,

Kabi alam bilan to'la faryodiga qanday ma'no berish kerak? Yoxud, shoiraning bevosita

Umarxonga murojat qilib :

Eshitgil ey arzi axvolimni, shohi jahon taqsir,

Ki izhor aylamam dilda ko'p dardi nihon taqsir

Sirishkim donasin ko'rdi yuzim tuprog'ida andin

Zulmat qushlari boshimga qilmish oshyon taqsir.

Deb shikoyat qilishini ne yo'sinda tahlil qilish mumkin.

Agar biz Uvaysiyning sherlaridagi bu mungli motivlarini zamona ahlining shoira tili bilan bayon etilgan faryodu fig'oni deb izohlasak masalaga to'g'ri yondashgan bo'lamiz.

Umuman olganda, XVII- XVIII asrlar o'zbek adabiyotida yangi davr boshlandi. Xonliklar davri ijtimoiy-iqtisodiy hamda siyosiy hayoti natijasida yuzaga kelgan adabiy muhit o'zbek mumtoz shoirlarning ijodida yangi ijtimoiy- siyosiy qarashlarning paydo bo'lishiga sabab bo'ldi. Bu davr mumtoz shoirlarning ijodi tarixchilardan farqli holda ijtimoiy- siyosiy muammolarni falsafiy qarashlar asosida boyitilganini ko'rishimiz mumkin. XVIII asr mumtoz shoirlaridan Anbar Otin ana shunday ijtimoiy- siyosiy muammolarni, Qarolar falsafasi" falsafiy qarashlar asosida yoritgan. Asarning nomlanishini avom xalqqa nisbatan ya'ni, qora- xalq" ma'nosida qo'llanilganligi bilan izohlash mumkin. Shu o'rinda aytish joizki, ushbu davr tarixini yorituvchi manbalarni shartli ravishda ikki turkumga ajratish mumkin. Bir guruh saroy tarixchilari xonliklar davri ijobiy jihatlari hamda xonlar siyosati hamda shaxsiyatini ulug'lab yozgan bo'lsa, ayrim yozuvchilar mavjud davrning qora nuqtalarini o'z falsafiy qarashlari bilan asarlarda yoritganlar. Bu borada o'zbek mumtoz shoirlari ijodini kuzatish maqsadga muvofiq. Aynan ushbu mumtoz adabiyot vakillaridan Anbar Otin ijtimoiy-falsafiy qarashlariga murojat qiladigan bo'lsak ushbu davr tarixini haqqoniy yoritgan bo'lamiz.

Anbar Otin she'rlari aksariyat ijtimoiy mavzuda. Zamona adolatsizligidan, mehnatchi xalqog'ir ahvolidan so'z ochadi, ma'rifatni ulug'laydi

Jahon-og'uga kelgan Anbar otinman,

G'amu qayg'uga kelgan Anbar otinman.

Yamon soatda keldim man jahonga,

Ini jodug'a kelgan Anbar otinman.

Adab ahli oyoq ostida xordur,

Chunin yog'dug'a kelgan Anbar otinman.

«Qarolar falsafasi» asari asosan bir - birining ziddi bo'lmish ikki muammo - ijtimoiy adolat va ijtimoiy zulm tushunchalariga bag'ishlangan. Risola ko'p o'rinlarda falsafiy - majoziy talqinlardan iborat.[2,89] Chunonchi, risola davomida ayniqsa, uning birinchi faslida qora va oq ranglarning majoziy hamda botiniy mohiyati o'ziga xos tarzda ifodalanadi. Qora mehnati tufayli dunyoni yashnatayotgan insonlar qalbining oqligi, oq tana - yu oq bilak kimsalar qilayotgan ishlarning qoraligi ta'kidlanadi va ular shu orqali axloqiy mazmun kasb etadi. Anbar otin shunday deb yozadi: «Ul qaro xalq oftob so'zanida mehnat qilib, o'zlari har qancha kuyganlari holda, xosillarini hamtovoqlariga

tuhfa qilurlar. Misol andoqdurki, qazon bovujud qoradur, o'zi o'tda kuyib qaro bo'lg'oni holda ovqat pishurib odamlarni to'ydirur.[10,23]

Qarolar bordurlarki, alar o'zlari qaro bo'lg'oni holda, ma'rifat nuri siyratlarida to'ladur va ul nurlarni fasohat va til durdonalari vositasi ila olamg'a oq shu'la socharlar, Misol uldurki, qaro charog' o'zi qaro yog', kuyundig'a giriftor bo'lg'oni holda, nuri ilan kulbani ravshan qilur». [1,78]

Risolaning ikkinchi faslida Anbar otin o'sha davrdagi ayollar ahvolini, ularning bevosita va bilvosita ijtimoiy kamsitishlar natijasida o'z iqtidori, istedodi, latofatini namoyon qila olmasliklarini aytib o'tadi. Ular, hatto, ko'cha - ko'ylarga zarurat yuzasidan, masalan, qarindosh - urug'larini ko'rgani borish uchun chiqqanlarida, eski paranjiga o'ranib, kampirlar kabi bukchayib yuradilar. Chunki agar qaddi qomatini adl tutib, yoki ochilib - sochilib yursalar, unlarga erkaklar tajovuz qilishlari mumkin. Bunday axloqsizlikning ildizi ijtimoiy adolatsizlikka borib taqaladi: kambag'alligi tufayli uylanish, oila boshlig'i bo'lish huquqidan mahrum bo'lgan bunday erkaklar shayton vasvasasiga tushib, shahvoniy nafslarini tiyolmay qoladilar. Lekin taraqqiyparvar shoira kelajakka katta ishonch bilan qaraydi: bu ijtimoiy axloqiy illatlar albatta o'tib ketadi, hurlik, tenglik zamonlari keladi. Mana bu haqda Anbar otinning o'zi nima deydi: «Bir zamoni bo'lurki, kamina mushtipar kabi olijanob orzu qilg'ondan ziyoda bo'lur... alarni mazlumalar avlodi xatarsiz tavallud o'lib, yaxshi parvarish topub, hushro'y va hushho'y, botamiz va vatando'st, serg'ayratu mehmondo'st bo'lub, kamolg'a etar. Ul zamonda barcha xalq sohibjamol bo'lur... [1,54]

Ul zamonda odam axloqi ul darajag'a eturki, mijoz gala hotunlik rusumini tark etar va har er bitta hotin ila farog'atvor kun kechirgay...Ul vaqt qizlar ilmi dunyoviy tahsilig'a muyassar bulub, urfon tahtida qaror topib, ellar va ulug'lar safig'a doxil bo'lurlar, alar hayrat va mehnatda erlarg'a hamfo va yovar bo'lub, obro' topib, hurmat va ikromg'a sazovor bo'lurlar.»[2,13]

Anbar otin adolatli podsho muammosiga alohida to'xtalib, o'sha davr uchun nihoyatda original, kutilmagan va hozirgi zamonda ham ahamiyatini yo'qotmagan fikrlarni bildiradi. U, dastavval «o'rus keldi!» deganda hamma ma'rifat ahli, endi xalqning, ijtimoiy - iqtisodiy va ma'naviy hayoti yaxshi tomonga o'zgaradi deb kutganini, lekin bu ishonch oqlanmagangini, aksincha, «o'rus podshoh musulmonlarga zarrachayinki halovat bermaganini» aytadi. Ba'zi bir ruslar hukmronligini oqlaganlarga qarshi shunday deydi: «Agar o'rus shohi darhaqiqat odil bo'lsa, va aning hohishi qaram xalqlar ham o'rus misoli ozod bo'lsun va barcha ha'loviq o'rus birla barobar bo'lub ro'zg'or kechirsun desa, amorat va hukmronliq qonunini din qonunlaridan mustasno keltursin.» Boshqa bir o'rinda faylasuf - shoira: «Davlat ishini dini islomdin yiroq tuting...», [6,67]degan fikrni bildiradi.

Xo'sh, bu mustamlakachilik va adolatsiz tuzumdan qutilishning yo'li bormi? Anbar otin uning ikki yo'lini aytib o'tadi. Biri – aqlni inson o'ziga vazir qilib, falsafiy mushohada yordamida ish ko'rish orqali bunga erishish mumkin: «Vaqtiki ilm daraja qilib, falsafa ravnaq topsa, bu chigillarim kushoda bo'lur. Falsafa iborasi ila qarshi va zid so'zlarni muqoyyasa qilg'onda bu chigillar ochilur.» Ikkinchi yo'l esa o'z - haq - huquqini himoya etish maqsadida amaliy harakat qilish, mustamlakachilik zulmiga va adolatsizlikka qarshi birlashmoq, qo'lda qurol bilan chiqmoq. Bu yo'lni shoira shunday ifodalaydi: «... albatta, aqlu - idrok va jamoatg'a takya qilib, barcha shayh so'fiylardan yiroq va barcha tarsu vahmdin emin bo'lib, zolimlarga qarshi muboriza qilmoq, yakkalikdan hazar qilmoq, bu tadbirlar ila zulmni nobud etib, zulmatni bartaraf qilmoq zarurdir.»[7,13] Anbar otinning asarlari, ayniqsa, «Qarolar falsafasi» risolasi hozirgi kunda ham ijtimoiy - axloqiy ahamiyatini yo'qotgan emas.

Bundan tashqari, Anbar otin shoira va faylasuf olima sifatida ham, shaxs sifatida ham kishini hayratga soladigan darajada matonatli, pokiza inson, yuksak axloq egasi bo'lgan. U umrini Turkiston xalqlari ma'naviyatini yuksaltirishga bag'ishladi, nogiron bo'lishiga qaramay, adolatnining pahlavoni bo'lib kurashdi. Yana bir o'zbek mumtoz shoirasi Dilshodi Barno asarlarida ham o'zaro urushlar, xalqning turmush sharoiti va boshqa ijtimoiy-siyosiy voqealar o'z ifodasini topgan. Turkistonni chor Rossiyasi bosib olishiga bo'lgan munosabatda shoira zamondoshlaridan ilgarilab, bu hodisaning barcha oqibatlarini to'g'ri tushungan. Shu jihatdan Dilshodi Barno she'riyati xalq taqdirining badiiy yilnomasi darajasiga ko'tarildi. Shu bilan birga shoira baxtiyor zamon, yaxshi kunlar kelishiga ishondi («Bu jabru zulmat albat muvaqqat...», «Farg'ona» va boshqa), turkistonliklarni do'st-inoq

yashashga undadi («Xaloyiq, borsangiz...», «Tarixi muxosara» va boshqa). Dilshodi Barno lirikasida muhabbat va sadoqat mavzui, vatan va ozodlik g'oyalari uyg'unlashib ketgan. [8,34]

Dilshodi Barnoning «Tarixi muhojiron» asarida XIX asr Qo'qon xonligidagi tarixiy, ijtimoiy-siyosiy voqealar aks etgan. Ayollarni ma'rifatli, erkin, jamiyatning teng huquqli a'zolari bo'lishga chorlagan. Shuningdek, asarda O'rtepa va Qo'qonda yashagan 30 dan ortiq shoir va shoirlar ijodi haqida ma'lumot keltirilgan. Shuni alohida ta'kidlash kerakki, shoira o'z g'azallarida zamondoshlarini bir maqsad yo'lida birdamlikka chaqirib, xalqni ma'rifatli va ozod ko'rish maqsadini birdamlikda amalga oshirishga chorlaydi:[13,89]

Keling, qizlar, chalaylik daf ila soz,
Bir osoyish zamonni chorlaylik boz.

Diyorimizni ta'rif aylamakka
Hamma maqsadni birga aylaylik soz.

Qo'shiqni Nodira she'rig'a bog'lab,
Bo'layluk sozig'a bizlar hamovoz.

Uvaysiy birla Mahzuna qoshida
Turaylukluk suhbat aylab birga damsoz.

G'azallar pardasini har qanoti,
Hayotlik ko'nglimizda etsa parvoz.

Kimiki misli ma'dan ersa rangin,
G'azallar husni ermas, balki pardo.

Jamoli misra asli ersa, Barno,
O'qug'an odam aylar oncha e'zoz.

Bugungi kunda mustaqil O'zbekistonimizda mumtoz shoirlarimiz orzu qilgan kunlar keldi, Anbar otin, Nodir, Dilshodi Barnolarning olimona va shoirona bashorati amalga oshdi.

Xulosa

Davlatchiligimiz tarixidagi xonliklar davri, qoloqlik sabablari va ularning asarlarda yoritilishi, Rossiya imperiyasining bosqini masalalari davlatchiligimiz tarixida o'rganilishi kerak bo'lgan eng dolzarb muammolardandir. Bu borada juda kam tadqiqotlar olib borilgan, turlicha nazariyalar, konsepsiyalar, yondashishlar hamda fikrlar bildirilgan bo'lsada, ular o'rtasidagi haqqoniy ma'lumotni manbalarga tayangan holda tahlil qilish maqolaning tadqiqot obyekti tashkil etadi. Xulosa o'rnida aytadigan bo'lsak, o'zbek mumtoz shoirlari ijodi mavjud davr muammolarini o'rganish uchun asl manbaa hamda memuar asarlar hisoblanib, ularni o'rganish haqqoniy tarixni talqin etishda yetkachi manbalardan hisoblanadi.

Adabiyotlar

-
- Anbar Otin uning haqida Xusainova F. Demokrat shoira Anbar Otin. T. 1964
Anbar Otin Sherlar risola T. badiiy adabiyot san'at nashri 1970-yil (A644 94.3)
Qayumov L., Husainova F., Demokrat shoira Anbar Otin, T., 1964;
B Valixo'jayev Mumtoz siymolar. XI jild 70- yoshda. T: A. Qodiriy nomidagi xalq nashriyoti
T: 1968 B-19
Qo'qon xonligi Rossiya qo'shilish arafasida va 1873- 1876- yillardagi Qo'qon qo'zg'aloni. T. Qizil O'zbekiston", Pravda vostoka va O'zbekiston surx birlashmasi nashriyoti 1986.
Kinoyatov, X, Sh.

- Qodirova M., XIX asr o'zbek shoiralari ijodida inson va xalq taqdiri, T., 1977;
 Qodirova M., Davr Nodirasi (Nodiraning hayot va ijod yo'li), T., 1991; Ma'naviyat yulduzlari, T., 2001.
 С.Глушенко Россия в среднем Азии завоевание и преобразование. Санкт. 2008.
 O'zbek adabiyoti tarixi, 5 jildli, 5-jild, T., 1981; Karimov F., O'zbek adabiyoti tarixi, 3-kitob, 3-nashri, T., 1987. Begali Qosimov.
 Uvaysiy she'riyatidan T. O'zbekiston K.P markaziy komitetining nashriyoti 1980- yil 22- bet. 11. Jalolov T., O'zbek shoiralari, 1-kitob, 2-nashr, T., 1970; Abdullayev V., O'zbek adabiyoti tarixi, 2-kitob, 1967;
 Nodir Haft gulshan T. UzSSR FA nashriyoti 1961 894.3 (H- 176)
 B Valixo'jayev Mumtoz siymolar. XI jild 70- yoshda. T: A. Qodiriy nomidagi xalq nashriyoti T: 1968 B-19

Библиография

- Анбар Отин о ней. Хусаинова Ф. Поэт-демократ Анбар Отин. Т. 1964 г.
 Брошюра Анбара Отина Шерлара, художественная литература, издание 1970 года (А644 94.3)
 Каюмов Л., Хусаинова Ф., поэт-демократ Анбар Отин, Т., 1964;
 Б. Валиходжаев Классические образы. Тому XI 70 лет. Т: Народное издательство А.Кодыри Т: 1968 Б-19
 Кокандское ханство накануне российской аннексии и Кокандского восстания 1873-1876 годов. Т. «Красный Узбекистан», «Правда Востока» и «Издательство «Узбекистан Сурх Бирлашмаси». 1986. Киноят Х, Ш. (С. 689)
 Кадырова М., Судьба человека и народа в творчестве узбекских поэтов XIX века, Т., 1977;
 Кадырова М., Давди Нодираси (Жизнь и творчество Нодирасы), Т., 1991; Звезды духовности, Т., 2001.
 С.Глушенко Россия завоевала и преобразила в Средней Азии. Санкт-Петербург 2008 г.
 История узбекской литературы, 5 томов, 5 томов, Т., 1981; Каримов Ф., История узбекской литературы, 3-я книга, 3-е издание, Т., 1987. Бегали Касимов.
 Из стихов Увайси Т. Издательство ЦК Коммунистической партии Узбекистана, 1980, с.
 Джалолов Т., Узбекские поэты, кн. 1, 2-е издание, Т., 1970; Абдуллаев В., История узбекской литературы, книга 2, 1967;
 Нодир Хафт гульшан Т. Издательство АН СССР 1961 894,3 (H-176)
 Б Валиходжаев Классические фигуры. Тому XI 70 лет. Т: Народное издательство А.Кодыри Т: 1968 Б-19

Transliteration

- Anbar Otin about her. Khusainova F. Poet-Democrat Anbar Otin. T. 1964
 Anbar Otin Sherlar Brochure, Fiction, 1970 Edition (A644 94.3)
 Kayumov L., Khusainova F., poet-democrat Anbar Otin, T., 1964;
 B. Valikhodzhaev Classical images. Volume XI is 70 years old. T: People's Publishing House A. Kodyri T: 1968 B-19
 The Kokand Khanate on the eve of the Russian annexation and the Kokand uprising of 1873-1876. T. "Red Uzbekistan", "Pravda Vostoka" and "Publishing House" Uzbekistan Surkh Birlashmasi "1986. Kinoyatov X, Sh. (P. 689) Kadyrova M., The fate of man and people in the works of Uzbek poets of the XIX century, T., 1977; 7. Kadyrova M., Davdi Nodirassi (Life and work of Nodira), T., 1991; Spiritual Stars, T., 2001. 8.S. Glushenko Russia conquered and transformed Central Asia. St. Petersburg 2008
 History of Uzbek literature, 5 volumes, 5 volumes, T., 1981; Karimov F., History of Uzbek Literature, 3rd book, 3rd edition, T., 1987. Kasimov was running.

From the poems of T. Uvaisi. Publishing house of the Central Committee of the Communist Party of Uzbekistan, 1980, p.
Jalolov T., Uzbek poets, book. 1, 2nd edition, T., 1970; Abdullaev V., History of Uzbek Literature, Book 2, 1967;
Nodir Haft Gulshan T. Publishing House of the Academy of Sciences of the USSR 1961 894.3 (N-176)
B Valikhodzhaev Classical figures. Volume XI is 70 years old. T: People's Publishing House
A. Kodyri T: 1968 B-19



УДК: 008(09):338.3(575.1)

Ганиев Баходиржон Содикжонович

Фарғона давлат университети фуқаролик жамияти

кафедраси мудири, ф.д. (PhD), доцент

e-mail: mr.ganiev76_fsu@inbox.ru

(Ўзбекистон, Фарғона)

ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДА ТАДБИРКОРЛИК МАДАНИЯТИНИНГ ЎРНИ ВА УНИНГ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ТАЛҚИНИ

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9505-2020-SI-2-7>

АННОТАЦИЯ

Ҳозирги кунда ривожланган мамлакатларда иш билан банд аҳолининг асосий қисми кичик бизнес секторида фаолият кўрсатаётганлиги бу тармоқ вакиллариининг касбий, яъни тадбиркорлик маданиятини жадал суратда ошириш заруратини вужудга келтирган. Жумладан, ривожланган Шарқ ва Ғарб (АҚШ, Франция, Германия, Япония, Хитой, Жанубий Корея, Сингапур ва бошқа шу каби) мамлакатларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни юксалтириш асосий стратегик мақсадларидан биридир. Бунга тадбиркорларга эркинлик бериш, уларни хавфсизлигини таъминлаш, ишончлилик, шаффофлик каби мезонларни такомиллаштириш, соҳани ривожлантиришдаги креативлик, ташаббускорлик, инновацион фаоллик, юксак маданиятлик бўйича фалсафий-концептуал қарашларни амалиётдаги ижроси туфайли эришилмоқда. Жаҳон ҳамжамиятида ижтимоий ҳаётни фаровонлаштириш, унинг тараққиётини илдамлаштиришда тадбиркорлик маданиятини юксалтириш муҳим амалий аҳамиятга эга. Ривожланган мамлакатлар амалиётида тадбиркорлик маданияти тушунчасининг шаклланиши жамиятдаги таркибий ўзгаришлар билан ўзаро боғлиқ жараёндир. Глобаллашаётган ва такомиллашаётган бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида тадбиркорлик маданиятининг функционал мақомини илмий асослаш, унинг тизимли юксалтиришига ижобий таъсир этувчи омилларни фалсафий жиҳатдан тадқиқ этиш долзарб илмий муаммо ҳисобланади. Тадбиркорлик маданиятини ижтимоий-маданий ҳодиса сифатида идрок этиш мамлакатимиз янги ривожланиш босқичида конкрет мазмунга эга бўлиши, унинг доимий ўзгарувчан характерини англаш ва баҳолаш имконини беради. Бундай фалсафий ёндашув тадбиркорлик маданиятини феноменал ҳодиса сифатида уларнинг фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий-демократик давлатда, ривожланаётган ижтимоий, иқтисодий ҳамда маданий муносабатларда ўз аксини топади. Тадбиркорнинг ахлоқий тарбияси ва маънавий савияси унинг фаолиятидаги мавжуд ижтимоий-иқтисодий мазмундаги реал муаммоларни аниқлаш, уларни фалсафий таҳлил қилиш жамият тараққиёти учун ҳам долзарб аҳамиятга эга. Халқ фаровонлигини оширишни янги босқичга олиб чиқиш мақсадида Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясини қабул қилиниши, шунингдек “2018 йил - фаол тадбиркорлик,

инновацион ғоялар ва технологияларни куллаб-қувватлаш йили”, деб эълон қилиниши мамлакатимизда тадбиркорлик маданиятини юксалтиришга доир кенг қўламли демократик ислохотлар амалга оширилаётганидан далолат беради. Мазкур мақолада жамиятимизнинг янги тараққиёт босқичида тадбиркорлик маданиятининг мазмун-моҳияти, ўзига хос хусусиятлари ва такомиллашуви илмий-назарий жиҳатдан ўрганилган. Тадбиркорлик маданиятининг ижтимоий, маданий, иқтисодий ва ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш, мустаҳкамлаш асослари, шунингдек мамлакатимиз тараққиётидаги аҳамиятини фалсафий жиҳатдан таҳлил қилишга ҳаракат қилдик.

Таянч сўзлар: тадбиркорлик, тадбиркорлик маданияти, бизнес фалсафа, феномен, фалсафий таҳлил, концептуал, креатив, трансформация, глобализация, легализация.

Ганиев Бахадыржан Садыкжанович

Ферганский государственный университет заведующий

кафедры гражданское общество, д.ф. (PhD), доцент

(Узбекистан, Фергана)

e-mail: mr.ganiev76_fsu@inbox.ru

РОЛЬ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЙ КУЛЬТУРЫ В РАЗВИТИИ ОБЩЕСТВА И ЕЕ СОЦИАЛЬНО-ФИЛОСОФСКАЯ ИНТЕРПРЕТАЦИЯ

АННОТАЦИЯ

В настоящее время основная часть занятого населения осуществляет свою деятельность в секторе малого бизнеса, что вызвало необходимость быстрыми темпами развивать профессиональную, то есть предпринимательскую культуру представителей этой отрасли. В частности в развитых странах Востока и Запада (США, Франция, Германия, Япония, Китай, Южная Корея, Сингапур и других подобным им странах) развитие малого бизнеса и частного предпринимательства определены в качестве основной стратегической цели. Это было достигнуто в результате свободы предпринимательства, обеспечения безопасности предпринимателей, совершенствования таких принципов, как надежность, прозрачность, разработке таких важных научно-концептуальных взглядов, как креативность, инициативность, инновационная активность, высокая культура, способствовавшие развитию этой сферы. Повышение предпринимательской культуры является приоритетным направлением в улучшении благосостояния социальной жизни международного сообщества, ускорении его развития. В практике развитых стран образование предпринимательской культуры взаимосвязана с составными изменениями общества. Также является актуальной проблемой научное обоснование функционального статуса предпринимательской культуры в условиях модернизации рыночной экономики, философский анализ культурных факторов, положительно влияющих на ее систематическое развитие. Постигание предпринимательской культуры в качестве социально-экономического явления имеет конкретное содержание в каждый исторический период, что дает возможность осознания и оценки его постоянно изменяющегося характера. Такой философский подход раскрывает предпринимательскую культуру как феноменальное явление человеческой деятельности, которое получает отражение в социальных, экономических и культурных отношениях, формирующихся в гражданском обществе и правовом государстве. Нравственное воспитание и духовный потенциал предпринимателя, определение реальных социально-экономических проблем, возникающих в его деятельности, их философский анализ имеет актуальное значение и для развития общества. В целях повышения благосостояния народа, поднятие его на новый уровень дальнейшего развития способствовало принятие Стратегий действий по пяти приоритетным направлениям развития страны в 2017-2021 годах, а также провозглашение “2018 года - Год поддержки активного предпринимательства, инновационных идей и технологий,” также направлена на повышение предпринимательской культуры среди широких слоев населения. В данной статье исследованы сущность, особенности и совершенствование

предпринимательской культуры с научно-теоретической точки зрения на новом этапе развития нашего общества. Мы постарались проанализировать с философской точки зрения создание, развитие, укрепление социальных, культурных, экономических и правовых основ предпринимательской культуры, а также его значение в развитии нашей страны.

Ключевые слова: предпринимательство, предпринимательская культура, философия бизнеса, феномен, философский анализ, концептуальный, креативный, трансформация, глобализация, легализация.

Ganiyev Bahadirjan Sadikjanovich

(Uzbekistan, Ferghana) Ferghana State University head of
the Department of civil society, PhD, associate Professor
e-mail: mr.ganiyev76_fsu@inbox.ru

THE ROLE OF ENTREPRENEURIAL CULTURE IN THE DEVELOPMENT OF SOCIETY AND ITS SOCIO-PHILOSOPHICAL INTERPRETATION

ANNOTATION

Currently, the majority of the employed population operates in the small business sector, which has led to the need to rapidly develop the professional, that is, entrepreneurial culture of representatives of this industry. In particular, in the developed countries of the East and West (USA, France, Germany, Japan, China, South Korea, Singapore and other similar countries), the development of small business and private entrepreneurship is identified as the main strategic goal. This was achieved as a result of freedom of entrepreneurship, ensuring the safety of entrepreneurs, improving such principles as reliability, transparency, and developing such important scientific and conceptual views as creativity, initiative, innovative activity, and high culture, which contributed to the development of this sphere. Improving the entrepreneurial culture is a priority in improving the welfare of the social life of the international community and accelerating its development. In the practice of developed countries, the formation of an entrepreneurial culture is interconnected with the constituent changes of society. Scientific substantiation of the functional status of entrepreneurial culture in the conditions of modernization of the market economy, philosophical analysis of cultural factors that positively affect its systematic development is also an urgent problem. The understanding of entrepreneurial culture as a socio-economic phenomenon has a specific content in each historical period, which makes it possible to understand and evaluate its constantly changing nature. This philosophical approach reveals the entrepreneurial culture as a phenomenal phenomenon of human activity, which is reflected in the social, economic and cultural relations that are formed in civil society and the rule of law. The moral education and spiritual potential of an entrepreneur, the identification of real socio-economic problems that arise in their activities, and their philosophical analysis are also relevant for the development of society. In order to increase the welfare of the people, raising it to a new level of further development, the adoption of action strategies for the five priority areas of the country's development in 2017-2021, as well as the proclamation of "2018 - the Year of support for active entrepreneurship, innovative ideas and technologies", also aims to increase the entrepreneurial culture among the General population. This article examines the essence, features and improvement of entrepreneurial culture from a scientific and theoretical point of view at a new stage of development of our society. We have tried to analyze from a philosophical point of view the creation, development, and strengthening of the social, cultural, economic, and legal foundations of entrepreneurial culture, as well as its significance in the development of our country.

Key words: entrepreneurship, entrepreneurial culture, business philosophy, phenomenon, philosophical analysis, conceptual, creative, transformation, globalization, legalization.

КИРИШ

Тадбиркорлик мураккаб ва серқирра фалсафий ҳодиса сифатида турли ижтимоий
фанлар вакиллари томонидан ўрганилади. Хусусан, бу фанлар тадбиркорлик маданиятини

фалсафий моҳиятини тушуниш уни яхлит ижтимоий феномен сифатида ўрганиш, талкин қилишга асосланади. Бу эса тадбиркорликни ижтимоий муаммо сифатида тушуниш унинг ҳар бир тарихий даврда конкрет мазмунга эга бўлиши ва ўзгарувчан характерини тўғри англаш ва баҳолаш имконини беради. Мазкур масалага фалсафий ёндашув инсоннинг табиат, жамият ва ўз-ўзини англаш ва ҳар бир инсоннинг шахсий моддий фаровонлигини таъминлаш, фойда олиш йўлидаги оқилона фаолияти жамият иқтисодий тараққиётининг универсал, яхлит ва ҳар томонлама ривожланишининг меъёри сифатида тавсифлашга йўл очади. Тадбиркорлик мазкур фаолият билан шуғулланувчи кишиларнинг шахсий тарбияси ва маданий савияси билан боғлиқ равишда ривожланиб боради. Шу маънода маданиятнинг тадбиркорлик фаолиятидаги тутган ўрни ҳақидаги назарий билимларни шакллантириш, мавжуд амалий муаммоларни аниқлаш, уларни фалсафий таҳлил қилиш бугунги кунда долзарб аҳамиятга эга.

Жамиятимизда катта маънавий ва моддий сафарбарликни тақозо этмоқда. Ўзбекистонда миллий уйғониш дастури амал қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти таъкитлаб ўтганидек, “Ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларимизнинг самарадорлиги, аввало халқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг чуқур ўрганилиши, анъана ва урф-одатларимизнинг сақланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожини энг муҳими, жамият тафаккурининг ўзгариши ва юксалиши билан узвий боғлиқ.” [Каримов И.А. 2008: - б. 76-78.] Мамлакатимизда демократик ислохотлар даврида тадбиркорлик ва уни ривожлантириш имкониятлари Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти асарларида илмий асосланди. [Каримов И.А. 1997: - б. 325., 2015: - б. 404.] Ўзбекистон янги тараққиёт босқичида тадбиркорларнинг, хусусан, тадбиркорлик маданиятининг мамлакат ривожланиш стратегиясини ва янги ривожланиш босқичидаги аҳамияти Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларида баён қилинган. [Мирзиёев Ш.М. 2017: - б. 488.]

МАТЕРИАЛЛАР ВА МЕТОДЛАР

“Тадбиркорлик” тушунчасини Буюк Британиялик олим Р.Кантильтон: “The farmer is entrepreneur who promises to pay the property owner, for his form or land, a fixed sum of money (generally assumed to be equal in value to a third of the production) without assurance of the profit he will derive from this enterprise” [Richard Cantillon, 2010: - p. 73.] илк мартаба изоҳлаган бўлса, А.Смит, Д.Рикардо, И.Кант, Ф.В.Гегель, Ж.Ж.Руссо, Ш.Л.Монтескье асарларида тадбиркорлик маданиятини юксалтириш билан боғлиқ масалаларнинг фалсафий таҳлили амалга оширилган. Жамият ижтимоий-иқтисодий тараққиётида тадбиркорлар фаолиятининг илмий-назарий асосларини ишлаб чиқиш ва ижтимоий-маданий аҳамиятини асослашда А.Тюрго, Ж.Б.Сей, Р.Хизрич, Й.Шумпетер, У.Адамс, Г.Гросс, Ж.Филипс, В.Хойер каби назариётчи олимлар ҳам илмий асосланган қарашларини илгари сурганлар. МДХ доирасида тадбиркорлик маданиятини юксалтириш масаласининг фалсафий тадқиқини В.С.Автономов, ҳорижда эса иқтисодиёт соҳасида Нобел мукофоти совриндорлари М.Алле ўз асарларида “Франция мисолида марказлашган иқтисодиётдан бозор иқтисодиётга ўтиш афзалликларини ва бутун бир ислохотлар датеутрини таклиф этади.” [Alleis M. 1946: - p. 128.] ва Г.Саймон эса: “Биз антропоморфист бўлмай, чумолини қандай “вазифаси” борлиги ҳақида таваккал қилмай, унинг босган йўлини бир парча қоғозга тушурамиз. Бундан тартибси турли томонларга қаратилган йўл бўлаклари кетма-кетлигини кўрамиз, шундай бўлсада буни тасодикий ҳатти-ҳаракат теб айтолмаймиз, чунки бунда айнан бир йўналиш ва бир мақсадга йўналтирилганлигини кўришимиз мумкин” [Саймон Герберт. 2004: - с. 37.] деган фикрлари тадбиркорликнинг асосий омили мақсад сари ҳаракат (янгилик киритиш) деб билади.

Жамият тараққиётида шахс тадбиркорлик фаолияти, тадбиркорлик маданиятини шакллантириш жараёни қадимги даврлардан назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган. Фалсафий, тарихий манбаларда тадбиркорлик дастлаб, савдогарлик шаклида вужудга келган, деган фикрлар мавжуд. “Авесто”да меҳнатсеварлик касбу-кори улуғлангани [Авесто (А.Маҳкам таржимаси) 2015: - б. 248.], ислом динида ҳам тадбиркорлар уларнинг ҳуқуқий, ахлоқий масалалари [Раҳмонов А.Р. 2002: - б. 248., Хайдаров Х.Ф. 2002: - б. 252.], қадимги юнонистон фалсафий таълимотларида тадбиркорлик мазмуни, жамиятдаги мавқеига алоҳида эътибор

берилган. Платон: “Давлат ва тадбиркорлик муносабатларида иқтисодий эркинликгина улар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаши мумкинлиги” [Афлотун Қонунлар (рус тилидан Ўрфон Отажон таржимаси) 2002: - б. 368.]ни, Аристотель: “тадбиркор адолатли, мунтазам равишда яратувчилик ишлар билан шуғулланиши лозим” [Аристотель 2015: - с. 104.] лигини таъкидлайди.

Абу Наср Форобий хайрли ишларга қўл урадиган тадбиркор одамлар фаолияти хусусида фикр юритса, Абу Райхон Беруний эса тадбиркорликка оид қарашларида одамларнинг ўзаро ихтиёрий шартнома, фаолият юритишларини асосий омил деб билади. Ибн Сино тадбиркорликни инсонларнинг ўзаро келишуви асосида қабул қилинувчи адолатли қонунлар ёрдамида бошқарилиши лозимлигини, соҳибқирон Амир Темур эса, “азми қатъий, тадбиркор, хушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз, лоқайд кишидан яхшироқ” [Амир Темур. 2016: - б. 138.] эканини эътироф этади.

Мамлакатимизда тадбиркорлик ва иқтисодий маданиятнинг ўзаро уйғунликда ривожлантириш борасидаги илмий-назарий қарашлари билан иқтисодчи ва файласуф олимлардан Қ.Абдурахмонов, Н.Х.Ҳақимов, Н.А.Шермухамедова, М.А.Нурматова, Г.Ж.Туленова, А.Г.Муминов, Ш.Шодмонов, Б.Беркинов, Ё.Абдуллаев, П.Абулқосимов, М.С.Қосимова, Б.Ҳодиев, К.Муфтайдинов, А.Қулматов, Б.Валиев, Л.Н.Жўраевлар тадқиқотни олиб борган. Мазкур тадқиқотчиларнинг фалсафий қарашларида тадбиркорликнинг маданият даражаси унинг иқтисодий ва ҳуқуқий билимлар мазмунига боғлиқлиги таъкидлаб ўтилган. Тадбиркорлик фаолиятини жадаллаштириш заруриятини илмий-фалсафий жиҳатларини ўрганиш, фуқаролик жамияти шаклланиши жараёнида миллий тараққиётни таъминлашдаги ролини, амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг моҳиятини англашга ёрдам беради.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

“Тадбиркорлик” тушунчаси Европада XVIII асрда пайдо бўлган, кўпинча “мулкдор” ибораси билан бир хил маънода қўлланган. Шуни таъкидлаш зарурки, тадбиркорлик амалдаги иқтисодий воқелик, савдо-сотик муносабатлари юритиш, шахслар ва мамлакатлараро иқтисодий муносабатларга бевосита таъсир этган. Бундай фаолият билан асосан, аҳолининг ўрта синф қатлами вакиллари машғул бўлган. Бу ҳақдаги илк фалсафий талқинлар Аристотельнинг асарида баён қилинган. Мутафаккир бу асарида: “давлат бошқаруви масалаларини йирик ижтимоий табақа бўлган ўрта синфнинг ўрни ва роли билан узвий боғлиқликда талқин этган.” [Аристотель 2015: - с. 318.]

Ўрта синф жамият таркибида кўпчиликни ташкил этади, улар бойлар ва қашшоқлар табақасидан ҳам кўп бўлганлиги туфайли ўзаро ижтимоий барқарорлик ўрнатилади, низо ва ихтилофлар кескин тус олмайди. Аристотельнинг икки ярим минг йил олдин, жамият кулдорлик тузумидан тўла халос бўлмаган шароитда ушбу бунёдкор ғояни илгари сурганлиги муҳим аҳамиятга эга. Платоннинг полития асарида ҳукмрон синфлар томонидан жамиятда ижтимоий зиддиятларни олдини олувчи сифатида кўриб, қуйдагича фикр юритган: “Жамиятда ўта қашшоқлик ҳам, ўта бойиб кетишга йўл қўймаслик керак, чунки, бу иккала иллат ўзаро алоқадордир.” [Платон 2015: - с. 5-6.]

Ўрта синф тўғрисидаги таълимоти кейинги минг йилликларда, қолаверса фуқаролик жамияти шаклланиши даврида ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Аристотель томонидан бу таълимотда жамият, давлат, сиёсат, ҳуқуқ, қонун, аристократия, демократия, ўрта синф, эркинлик, адолат каби умуминсоний тушунчаларнинг илк илдизлари мукамал тарзда очиб берилган. Унда тадбиркорлик тушунчасининг кейинги минг йилликларга мўлжалланган дастлабки асослари яратилган бўлиб, ўрта аср ва янги даврда Шарқ маърифатпарварлари, файласуф олимлари томонидан, хусусан, Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Ахмад Дониш каби буюк мутафаккирларининг таълимотлари ва қарашларида ривожлантирилди. Тадбиркорлик маданиятини шаклланиши, ғояларини кишиларнинг онгу-шуури, ҳаёт тарзи ва эзгу интилишларидан демократик ислохотлар даврида муносиб ўрин олди. Буюк аждодларимизнинг яратувчи тадбиркор инсон тўғрисидаги ғоялари бугун мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маънавий ҳаётида тўла-тўқис рўёбга чиқмоқда. Республикаимизнинг барча ҳудудларида кейинги уч-тўрт

йилда амалга оширилаётган туб ислохотлар натижасида жамиятимиз аъзоларига намоён бўлмоқда.

Тадбиркорлик ғоясининг мумтоз назариётчилари Н.Макиавелли, Т.Гоббс, Ж.Локк ва бошқалар ўз қарашларида тадбиркорлик билан шуғулланувчи кишиларнинг ўз ҳатти-ҳаракатларига баҳо бериши, шахсий эркинликнинг зарурий шарти ҳисобланган хусусий мулкчилик ғояларини кенг миқёсда тарғиб қилиш, эркин бозор, эркин рақобат, тадбиркорликда барча учун тенг имкониятларни яратиш зарурати, ҳокимият тармоқларининг тақсимланиш тизими, қонун олдида фуқароларнинг тенглиги тамойилларига асосланган инсоннинг виждон, сўз эркинлигини таъминлаш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратганлар. Жумладан Макиавелли ўзининг шох асари ҳисобланмиш “Ҳумдор”да қуйдаги фикрларни баён қилганди: “Шунингдек, ҳукмдор ноёб иқтидор эгаларига, ҳислатли одамларга ҳомийлик қилиши, бирон хунар ёки санъатда юксак даражадаги кўтарилган одамларга ҳурмат-эътибор кўрсатиши керак. У фуқароларни хотиржам савдо-сотик қилишга, деҳқончилик ва хунармандчилик билан шуғулланишга ундаши керак, токи улар уй-жойларини биров тортиб олишидан қўрқмай, уларни обод қилишсин, бошқалари эса биров уларга солиқ солиб, хонавайрон қилишидан қўрқмай, савдо-сотикни йўлга қўйишсин; шунингдек, ҳукмдор шаҳар ёки давлатни обод қилиш, безатиш ҳақида қайғурганлар учун мукофотлар ҳам тайёрлаб қўйиши лозим.” [Николло Макиавелли. 2017: - б. 105.] Томас Гоббснинг ҳам қуйдаги фикрларини тилга олишимиз мумкин: “Ижтимоий алоқаларнинг узилиши, маълумот алмашинуви тезлашиши, аҳолининг доимий миграцияси, шаҳар ҳаётининг тезкор ва бегоналашув ритми инсонлар жамоаларини пайдо қилади, ҳамда йўқ қилади.” [Томас Гоббс, Элиас Канетти. 2016: - с. 4.], Ж.Локк: “Биз онгли бўлиб туғилганимиздек эркин бўлиб ҳам туғиламиз, бу ўша заҳотиёқ ҳар иккаласидан ҳам фойдаланамиз, деган маънони бермайди, маълум бир ёшга етганда биттаси келса, у билан бирга иккинчиси ҳам келади” [Локк Дж. 2014: - с. 484.] деган эди. Файласуф фикридан маълум бўладик, фақатгина билим, илм-маърифатгина инсонга ақлий эркинликни бериши мумкин. Шу нуқтаи назардан қараганда, ҳозирги кунда биз ўтган қатағонлик даврида унутган миллий ўзлигимизни қайта кашф этмоқдамиз. Жамиятимизда катта маънавий ва моддий сафарбарликни тақозо этмоқда. Ўзбекистонда миллий уйғониш дастури амал қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти таъкитлаб ўтганидек: “Ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларимизнинг самарадорлиги, аввало халқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг чуқур ўрганилиши, анъана ва урф-одатларимизнинг сақланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожини энг муҳими, жамият тафаккурининг ўзгариши ва юксалиши билан узвий боғлиқ.” [Каримов И.А., 2008: - б. 76- 77.]

Тадбиркорлик маданияти - бу, маълум даражада қарор топган тамойиллар, мезонлар йиғиндиси, улар тадбиркор фаолиятида муҳим мезон ҳисобланади. Тадбиркорлик маданиятини биринчи умумий элементи - унинг қонунийлигидир. Иккинчи элементи - ҳукукий актлардан келиб чиққан маъсулият ва мажбуриятларни қатъий бажариш, шартномаларни, ёлланма ишчиларни меҳнат ҳуқуқини қондаси бўйича иш ҳақи тўлаш. Булар тадбиркорлик маданиятининг муҳим таркибий қисми бўлиб, унинг субъектлари томонидан ўзининг бизнесини олиб боришини англатади. Истеъмолчилар, ҳамкорларнинг ва умуман давлатга нисбатан тўғри, ҳалол муносабатда бўлиш тадбиркорлик маданиятининг муҳим белгисидир. Тадбиркорнинг умумий ахлоқий меъёрларга риоя қилиши ҳам муҳим, чунки улар касбий-профессional этикаси, тадбиркорларнинг ахлоқ кодекси, бизнесни амалга оширишнинг умумий қабул қилинган миллий ва халқаро қоидалари, уларнинг малакаси, билим даражалари ҳамда цивилизацияон бизнесни амалга оширишнинг муҳим шартларидан ҳисобланади.

Тадбиркорлик маданияти ҳукукий ва ахлоқий меъёрлар сифатида давлат, истеъмолчилар, хизматчилар, ҳамкорлар ва бошқа ҳўжалик юритувчи субъектлари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик муносабатларни ўз ичига олади. Бундан ташқари амалдаги ҳукукий нормаларни, стандартларни, қоидаларни, меъёрларни ҳам ўз ичига оладик, улар тўғридан-тўғри бевосита ёки билвосита мазкур соҳани ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Тадбиркорлик фаолияти тизимли равишда фойда чиқаришга қаратилган, аммо турлича йўллар билан эмас, фақат ҳуқуқий асосда фойда олади. Шунинг учун давлат тадбиркорлар ташкилотлари ҳуқуқини бузилишига йўл қўймаслиги учун улар фаолиятини тартибга солувчи, маъсулиятини белгиловчи меъёрлар ўрнатади.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, тадбиркор ҳуқуқи, эркинлиги ва маъсулияти тўғрисидаги ижтимоий-фалсафий масалалар амалий аҳамият касб этади. Шу муносабат билан тадбиркор эркинлиги кўп қиррали бўлгани туфайли унинг муҳим йўналишлари таҳлил қилинган. Тадбиркорлик маданияти иқтисодий, сиёсий, маънавий шарт-шароитларда шаклланади ва ҳаракатланади.

Иқтисодий ва ҳуқуқий эркинлик тадбиркор фаолиятида асосий ўрин эгаллайди. Тадбиркор иқтисодий эркин жиҳатдан бўлмаса, у мустақил қарорлар қабул қилиш, иқтисодий фаолият кўрсатиш, рақобатга киришиш, таваккал қилиш имконияти чекланади, ташаббускорлигини йўқотади. Тадбиркорнинг ўзигина қайси фаолият тури унга маъқул ва нуфузли эканлигини ҳал қилиш ҳуқуқига эга. Иқтисодий эркинликка эришганда фаолият турини аниқлаб олади (тадбиркорлик, ёлланма меҳнат, савдо-сотиқ, тижорат, хизматлар кўрсатиш), мулкнинг қайси шаклида қатнашиш ўзи учун мақсадга мувофиқлигини, тармоқ ёки соҳа, мамлакатни қайси минтақада ўз фаоллигини намоён қилиши мумкинлигини белгилаб олади. Тадбиркорлик маданиятини юксалтириш учун, биринчи навбатда юқорида тилга олинган эркинлик зарур.

Тадбиркорлик маданияти, кўпроқ билим, тафаккур, ҳуқ-атвор билан боғлиқ бўлсада, уни амалда рўёбга чиқиши учун сиёсий эркинлик ҳам керак. Тадбиркорни ўз ҳаётий фаолиятини таъминлаши учун фуқаролик ҳуқуқини жорий этиш талаб қилинади. Сиёсий эркинликни фақат иқтисодий, мафкуравий эркинликларни амалга оширишнинг воситаси деб қараш билан чегараланиб қолмаслик зарур. Демократия воситасида ҳуқуқ ва эркинликни таъминлаш, сиёсий қулайликка бўлган эҳтиёж ҳозирги тадбиркор шахснинг муҳим маданий талабига айланган. Бу эса тадбиркорлик маданияти ва унинг субъектларининг маънавий-ахлоқий қиёфасини ҳам белгилаб беради.

Тадбиркорлик маданияти ҳаракатдаги, барқарор бўлмаган категориялар жумласига киради. Бу тушунча профессионал маданиятни характерлайди, ўз навбатида ижтимоий-иқтисодий соҳа билан боғлиқ ҳодиса сифатида намоён бўлади. Тадбиркорликни қатор янги касбларни вужудга келтираётган соҳалар, бутун тадбиркорлик тизимини ташкил этувчи барча элементларни ўз ичига олувчи йиғинди эканлигини англаш бошланғич нукта ҳисобланади. Ана шу умумий таъриф ўз ичига ишлаб чиқарувчини, маркетинг, бизнесменни қамраб олади ва уларнинг ҳар бири ўзига хос талаблар билан характерланади, шу билан бирга яхлит тизимга бирлашади, бу ижтимоий муҳитни тадбиркор ва истеъмолчи қисмларга ажратади. Бу жараёнда маданият у ёки бу томондан фаркланади, айниқса, тадбиркорларлик маданият соҳасидаги даражаси айтишга шунинг меъёрлар асосида белгиланади. Истеъмолчи эса у ҳақида фақат умумий тасаввурга эга бўлади.

Тадбиркорлик маданиятини ўзига хослиги истеъмолчиларни қаноатлантириш учун инновацион фаолиятини тизимли, мунтазам тарзда амалга ошириш заруриятини келтириб чиқаради. Тадбиркорликнинг асосий устунлиги истеъмол бозорининг тез ўзгариб боровчи талабларига жавоб бера олиш қобилияти ҳисобига рўй беради, рақобатчиларга нисбатан товар ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишда мақсадга эришиш ҳам муҳим омил ҳисобланади. Бундай омилларни Шарқ ва Ғарб давлатларининг тадбиркорлик маданиятини юксалтиришга доир тажрибаларида яққол намоён бўлади.

Либерал-демократик ислохотлар даврида тадбиркорлик Ўзбекистоннинг ижтимоий-маданий, иқтисодий тараққиёти ва сиёсий тизимининг ажралмас элементига айланган. Аммо тадбиркорлик фаолиятининг барча соҳалари ҳуқуқий меъёрлар билан тартибга солинганлигига қарамай, амалда эса ўз ечимини қутаётган камчиликлар мавжуд. Ривожланган мамлакатларда тадбиркорлик ҳал қилувчи омили бўлиб, ижтимоий-иқтисодий маданият ривожланиши ҳамда тадбиркорлик маданиятининг юксалиши кузатилган. Тадбиркорлик маданияти кишиларни хўжалик фаолиятини кўплаб ижтимоий-иқтисодий томонларига

тегишли ва улар нафақат моддий ишлаб чиқариш жараёнларида қатнашиши билан, балки аниқ истеъмол эhtiёжлари ва уларга эришиш билан ҳам боғлиқ. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда тадбиркорлик билан шуғулланиш учун зарур ҳуқуқий база яратилди. Кичик бизнес вакилларининг касбий билим ва қўникмаларини ошириш, уларга бошланғич маблағ (стартап ва капитал) билан таъминлаш учун кенг имконият ва имтиёзлар яратилмоқда.

Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларининг ижтимоий-иқтисодий фаолиятида ечимини кутаётган муаммоларнинг мавжудлиги, бу соҳанинг экспорт имкониятларини кенгайтириш, валюта конвертацияси муаммоси, тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолияти орқали шакллантирилган хорижий валюталарни давлатга сотиш фоизларининг мавжудлиги каби муаммолар тўғрисидаги фикрларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг, “Тадбиркорлар билан бўлиб ўтган учрашувларда шахсан ўзим шунга қаттиқ ишонч ҳосил қилдимки, бундай саволларни беришга уларнинг тўлиқ ва қонуний ҳуқуқи бор. Бу ҳуқуқни улар турли маълумотнома, рухсатнома ва сертификатлар, кредит олишда неча кунлар навбатда туриш, ноқонуний текширувлар, бой берилган иқтисодий ва молиявий фойда ҳисобидан қўлга киритган” [Мирзиёев Ш.М., 2017: - б. 56.] гапларидан билиб олишимиз мумкин. Шунинг билан бир қаторда мамлакатимизда ҳали-ҳануз ишлаб чиқариш техника ва технологиясининг чет элдан олиб келиниши, ишлаб чиқариш техникасини ишлаб чиқарувчи заводларнинг мавжуд эмаслиги бизни ривожланган мамлакатларнинг тажрибасини ўрганиш ва муаммонинг янги ечимларини излаб қўриш имконини бери.

Иқтисодий ривожланиши юқори бўлган мамлакатларга нисбатан маълум маҳсулот ёки хизматларни ишлаб чиқариш бўйича мутлоқ устунликка эга бўлиши иқтисодий ривожланишининг асосий шarti бўлган. Бизда эса ҳар соҳадан “бир шингил” таъбирида ривожланган бўлиб: биринчидан, авваллари стратегик аҳамиятга эга тармокни ривожлантириш бўйича махсус дастур яратилмаган, шунинг учун ҳам мамлакатимиз ўз миллий маҳсулоти билан халқаро меҳнат тақсимотида устунликка эга бўлмаган; иккинчидан, мамлакатимизнинг халқаро иқтисодий интеграцияга киришиш жараёни сусткашлик билан амалга оширилган эди; учинчидан, Ўзбекистоннинг геосиёсий ўрнидаги муаммоларнинг мавжудлиги, қўшни мамлакатлардаги нотинчликлар, Марказий Осиё мамлакатларининг сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан бир-бирини қўллаб-қувватламаслиги бунга сабаб бўлаётган эди. Ўзбекистон Республикаси Президенти бу муаммоларни ҳал этишга алоҳида эътибор қаратди. Республикаимизда ривожланган мамлакатлар стандартлари талабларига жавоб берувчи ҳуқуқий асослар яратилган, хорижий инвестицияларни жалб қилиш мақсадида хорижий инвесторларнинг ҳуқуқлари қонун билан мустаҳкамланди, улар учун солиқ имтиёзлари ҳам берилди. Ривожланган Шарқий Осиё мамлакатлари каби мамлакатимизда ҳам яқка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилди. Сингапур, Малайзия каби давлатлар аҳолисининг қарийб 80 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик секторида фаолият юритадилар [http://www.rsctrade.ru/wp-content/uploads/].

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви шароитида кичик бизнес субъектлари ривожланиб бори. Мазкур тенденция Ўзбекистонда ҳам кузатилмоқда. Уларни яратиш суръатлари, муттасил ривожланиб бориши ва умумиқтисодий ҳаётдаги ўрни бозор иқтисодиёти талабларига ҳали жавоб бера олмайди. Бозор иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий шакли бўлган кичик бизнесни яратиш ва ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Тадбиркорлар ўз фаолиятларини йўлга қўйгуларича турли муаммоларга дуч келадилар. Бу муаммоларни бартараф этишда тадбиркордан нафақат мустаҳкам ирода, ташаббускорлик, балки юксак даражадаги маданият ҳам талаб этилади. Тадбиркорлик маданиятини юксалтиришда мавжуд муаммоларни ҳал этишда оқилона қарорлар қўламини кенгайтишига хизмат қилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ижтимоий аҳамияти оммавий кичик мулкдорлар гуруҳлари фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. Мазкур гуруҳлар аҳоли фаолиятининг асосий истеъмолчилар массаси, тез суръатларда ўзгарувчи бозор талабларига мувофиқ равишда товарлар ва хизматлар мажмуасини ишлаб чиқаришга хизмат қилади.

Жаҳон тажрибасига амал қилинган ҳолда жорий этилган ушбу усуллар мамлакатимизда хусусийлаштиришни жадаллаштиришга ва иқтисодиётни янада ўсишига олиб келиши мумкин.

Тадбиркорлик маданиятини шакллантиришда давлатни омил ва институт сифатида ажратиб олиб ўрганиш муҳим, чунки у иқтисодий субъектларни ташкил топишига таъсир кўрсатади. Ижтимоий фанларга катта таъсир кўрсатиш ва ушбу мавзуга доир классик қарашларни ўзгартириб ташлаган, бу масалада бир қанча асарлар ёзган асли келиб чиқиши венгир бўлган америка ва канадалиқ иқтисодчи, социолог ва сиёсий файласуф К.П.Поланьи бўлиб, у ўз қарашларида ўз-ўзини тартибга солувчи бозор тўғрисидаги концепциянинг чекланганлигини кўрсатади. Бундай бозорлар кўп ҳолларда ибтидоий ва ўрта асрлардаги жамиятларда мавжуд бўлган, ёрдамчи ролни ўйнаган ва бозорга асосланмаган тизимлардагина мавжуд бўлган ҳалос. Хусусан у ўзининг “Фашизм моҳияти” номли мақоласида бозор иқтисодиётига қуйдагича фикр билдиради: “Жамиятнинг беқарорлиги, келажак олдидаги қўрқув, умуминсоний қадрият ва анъаналарнинг поймол бўлиши, гуманистик ғоялардан четлашиш, бозор иқтисодиётини салбий томони сифатида намоён бўлади ва социалистик, христиан (умуман олганда: инсонпарвар, аниқроғи социал-демократик - Б.Ғаниев) жамиятларига зид деб билади. Шу билан ўзини-ўзи тартибга соладиган бозор муносабатлари ва эркинлик тушунчалари мос эмас. Кучли рақобатга асосланган ўзини-ўзи бошқарадиган бозор, анархия ва беқарорлик, ижтимоий ҳимояланмаганлик, келажак олдидаги қўрқув, бунинг бадалидан эса барқарорлик ҳамда тинчлик учун ҳар қандай тўловларга тайёр бўлади. Ва бундай тўлов фашизм сингари диктатура сифатида намоён бўлиши мумкин” [Поланьи К.П., 2010: - с. 5., The Legacy Of Karl Polanyi. 1991: - р. 265.] Иқтисодий тафаккур ривожланиши жараёнида бозор муносабатларига нисбатан икки хил ёндашув шаклланди: формал ва субстантив. Мазкур дискусиялар ҳақида Поланьини қизи Кари (Мак Гилл университетининг профессори) қуйдаги фикрларни баён қилади: “К.Полани ва унинг формал-субстантив борасидаги тортишувлар иштирокчилари мазкур муаммони кўтарганликлари учун иқтисодий антропологияда ўзига хос ўрин эгаллаб, АҚШ гуманитар фанлар тизимида “институционализм” оқимининг академик асосини таъминлади.” [Kari Polanyi-Levitt., 1995: - р. 3.] Бозор иқтисодига асосланган ҳозирги замон институтларини шаклланиши, ижтимоий институт сифатида тадбиркорлик ҳам давлат сиёсатидан ташқарида ривожлана олмайди. Давлат ўзига хос иқтисодий институт сифатида ушбу жараёнга нуфузли таъсир кўрсатади ва ўзининг таъсирини муйян конкрет иқтисодий шароитларда давлат сиёсати воситасида амалга оширади. Кейинги омил, инновацион фаоллик ҳаракатини тартибга солувчи иқтисодий маданият ва иқтисодий усулни такомиллаштириб бориш билан боғлиқдир. Бунда олдиндан белгиланган самарадор вазифалар турлича ҳисобланади. Шарқ мамлакатларининг иқтисодий тараққиёти иқтисодий ўсишнинг ғарб намунасига таққослаганда бошқача сабаблар билан шартланилганлиги маълум бўлади ва бу жиҳат иқтисодий маданиятнинг ўзига хослиги билан характерланади. Тадбиркорлик маданиятини ташкил топиш шарти тадбиркорлик фаолиятини институтлашуви ҳисобланади. Бу жараёнга таъсир кўрсатувчи омилларга дин, иқтисодий фаолият субъектларини миллий хусусиятлари, давлат сиёсати, иқтисодий шароитлар, шахснинг манфатларини тузилиши киради. Институтлашув натижасида шахсни муайян роли билан идентификация, яъни гуруҳда бажараётган роли ва мақомини ўхшашлиги рўй беради ва бу тадбиркорлик функциясини таъминлайди.

Тадбиркорлик маданияти тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишнинг ажралмас элементи ҳисобланади. Маданият кишиларнинг ишлаб чиқариш, ижтимоий ва маънавий эҳтиёжларини бир бутун йиғиндисидир. Тадбиркорлик маданиятини белгиловчи омили сифатида инновацион фаолият ҳам кўрсатиб ўтилади. Тадбиркор ҳулк-атворининг янги маданий моделларини такомиллаштириш механизмларини шакллантиришни кўзда тутати. Улар ижтимоий-маданий, ўзгаришларни амалга ошириш учун муносиб шарт-шароит яратади. Бундай самарали фаолият тадбиркорлар жамоаси учун хос бўлган ўзгаришлар ва ўзининг қобилиятларини намоён этишга интилишлар, мавжуд маданий анъаналарни қайта англаш шароитида ижодий ташаббусга мойиллиги негизида вужудга келади. Ўзбекистонда амалга

оширилаётган ислохотлар янги кўринишдаги тадбиркорлик фаолияти шаклланимда ва шу тадбиркорларнинг жамоалари вужудга келди, уларнинг фаолияти аввалгидек ташқи тўсиқлар билан чегаралаб қўйилмаган. Тадбиркорлик феноменини тадқиқ этиш шуни кўрсатадики, жамиятда бу соҳани ривожлантиришнинг шарт-шароити тадбиркорларнинг маданиятининг моҳияти билан белгиланади, унинг инновацион фаолиятининг йўналтирилгани, тадбиркорлик маданиятига, ўз қадриятларига содиқлиги, бизнес юритишнинг янги усулларига қаратилганлиги билан ҳамбарчас боғлиқ.

Тадбиркорлик маданиятини юксалтиришда қуйидаги икки омилни ҳисобга олиш керак бўлади, биринчидан, замонавий тадбиркорлик муҳити, ижтимоий ва давлат менталитети, амалда реал ҳаракатда бўлган ҳуқуқий меъёрлар, тадбиркорларнинг ҳуқуқ, бурчи, вазифаси, тадбиркорлик маъсулиятини расмий белгилаш, тадбиркорни ўзини ва уни корпоратив маданиятини шакллантириш бўлса, иккинчидан, ватанпарварлик, мамлакатда тадбиркорликни ривожланишига таъсир кўрсата олиш механизми, ижтимоий жавобгарликнинг ижобий идеалларини ривожланиши, қатъий ишчанлик этикаси, ташаббус, фаоллик, уздабуронлик, индивидуал борлигини қадрлаш ва бошқалардан иборатдир.

Ўзбекистон 1991 йили ўз мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг умрини ўтаб бўлган мустабид, маъмурий-буйруқбозлик, режали-тақсимот тизимидан воз кечиб, “Ўзбек модели” деб ном олган ўз тараққиёт йўлини танлаб олди. “Биз ишлаб чиққан ва бугунги кунда ҳаётга татбиқ этаётган ушбу моделнинг маъно-мазмунини - давлат қурилиши ва конституциявий тузумни тубдан ўзгартириш ва янгилаш, иқтисодиётни мафкурадан холи этиш, унинг сиёсатдан устунлигини таъминлаш, давлатнинг бош ислохотчи вазифасини бажариши, яъни ислохотлар ташаббусқори бўлиши ва уларни мувофиқлаштириб бориши, қонун устуворлигини таъминлаш, қучли ижтимоий сиёсат юритиш, ислохотларни босқичма-босқич ва изчил олиб бориш тамойилларига асосланган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни амалга оширишдан иборатдир.” [Каримов И.А., 2011: - б. 138.] Биз ислохотларни инқилобий усулда, яъни “шок терапияси” йўли билан амалга оширишдан онгли равишда воз кечиб, тадрижий тараққиёт йўлини танлаб олганимиз туфайли халқимизни қандай оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган иқтисодий ва ижтимоий тўфонлардан асраб қолишга муваффақ бўлганимизни бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда. Муттасил юқори ўсиш суръатлари, юртимизда барпо этилган банк-молия тизимининг барқарор ва ишончли фаолият юритиши, иқтисодиётда амалга оширилаётган янгиланиш ва ўзгаришлар, умуман, мамлакатимизни модернизация қилиш йўлидаги дадил қадамларимиз дунё жамоатчилиги, шунингдек, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки сингари нуфузли халқаро молия ташкилотлари томонидан эътироф этилмоқда. Тараққиётимизнинг янги босқичида Ўзбекистон ўз иқтисодиётини барқарор суратлар билан ривожлантиришни давом эттирмоқда, аҳоли турмуш тарзини юксалтиришни таъминлаб, дунё бозорида ўз позициясини мустаҳкамламоқда.

ХУЛОСА

Ўзбекистонда тадбиркорлик маданиятини юксалтириш омилларини ўрганиш қатор хулосаларга келиш имконини беради:

Инсоният тарихий тафаккур тараққиётидан маълумки, маданиятнинг туб асосларини ўрганиш азалдан фалсафанинг вазифаси бўлиб келган эди. Олиб бораётган ислохотлар ҳозирги давр фалсафасида бутун дунё миқёсида жуда кенг маънодаги маданият рефлексиясини амалга ошириш жараёни кетаётганини кузатиш мумкин. Ҳозирги замон файласуф олимлари рефлексияни тадқиқ этиш учун инсон ва жамият ҳаёти ва асосан моддий фаровонлигини таъминлашда алоҳида ўринни эгаллаган тадбиркорлик фаолияти билан ҳамбарчас боғлиқ жиҳатларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлаб ўтмоқдалар. Мазкур тадқиқотда тадбиркорлик маданиятини юксалтириш билан боғлиқ муаммолар фалсафий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Тадбиркорлик маданияти тадбиркорлик фаолияти юқори даражасида ривожланишини тақазо қилади, у қуйидагиларни ўз ичига олади: биринчидан, тадбиркорнинг ички маданияти, уларнинг ўзаро ҳаракатлар этикаси; иккинчидан, тадбиркорнинг ташқи ижтимоий муҳит

билан ўзаро алоқа ўрната олиш қобилияти ва ундаги ижтимоий маъсулият туйғуси. Бундай шароитда шундай вазият вужудга келадики, унда кадриятларнинг маълум бир тўплами (муваффақият, эркинлик, ҳокимиятга интилиш ва бошқалар) ва феъл-атворлар кенг аҳоли қатлами томонидан қабул қилинса, улар томонидан кадриятли-меъерий муҳит яратилади, ўз навбатида, муваффақиятли ҳаракатнинг моделлари ва намуналари кўллаб-қувватланилади. Ушбу моделларни намоёниш қилиш орқали тадбиркорликда ижтимоий атроф-муҳитга унинг таъсири оширилади.

Тадбиркорлик тижорат ишлаб чиқариши илмий маслаҳат ва тавсиялар бериш, молиявий фаолият кўрсатишни бозор муносабатлар доирасида амалга оширишда иқтисодий эркинликка таянган ҳолда ривожланиб боради. Тадбиркорлик фаолияти жараёнидан қабул қилинган маданий кадриятлар тизимини, маънавий-ахлоқ меъёрларни ўзида ифода этади, шунингдек, муайян ижтимоий феъл-атворни шакллантиради. Бундай маданий муҳитнинг айрим элементлари тадбиркорлик маданиятининг шаклланиши ва ривожланишига ҳам жиддий таъсир кўрсатади: сиёсат, технологияларнинг ривожланганлиги, маъориф ва санъат, дин, ҳуқуқ, аҳолини ижтимоий мақоми, меҳнат этикаси ва бошқалар шулар жумласидандир.

Тадбиркорликни ривожлантириш бўйича тизимли чора-тадбирларнинг узлуксиз амалга оширилиши ушбу соҳани мазмунан янги босқичга кўтаради. Бу эса ижтимоий-маданий муносабатларни янги босқичга олиб чиқилиши тадбиркорлик маданиятини мазкур даражага мувофиқ келишини таъминловчи механизмларни яратиш ва такомиллаштириш заруратини вужудга келтиради. Шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ва маданий трансформацияни миқдорий ва сифат кўрсаткичларига эришишида тадбиркорлик маданиятини янада юксалтириш долзарб масалалардан ҳисобланади. Бу борада давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони бу борада янги босқични бошлаб берди.

Мазкур тадқиқотда тадбиркорлик маданияти тушунчасига ижтимоий-гуманитар фанлар, хусусан, фалсафа, маданиятшунослик фанларидаги таркибий ўзгаришлар моҳиятидан келиб чиққан ҳолда муаллифлик таърифини бериш, бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик маданиятининг функционал мақомини илмий асослаш, тадбиркорликни ривожлантиришга таъсир этувчи миллий-маданий ва иқтисодий омилларни кўрсатиб бериш каби долзарб муаммоларни ижтимоий-фалсафий таҳлиliga алоҳида эътибор қаратилди. Чунки, шу вақтгача олиб борилган илмий ва амалий изланишлар таҳлилларининг кўрсатишича, бозор муносабатлари шароитида тадбиркорлик маданиятини ривожлантиришга доир қатор муаммоли масалалар мавжуд. Ушбу ҳолат тадбиркорларнинг бозор иқтисодиёти ва ижтимоий-маданий трансформация жараёнига мувофиқ ўз фаолиятини ташкил эта олмаганлигида ва тадбиркорлик маданиятини юксалтиришда муаммолар мавжудлигида яққол намоён бўлмоқда.

Самарали фаолият юритаётган кичик бизнес субъектларигина мамлакатда иқтисодий ўсишга ва бандликни таъминлашга катта таъсир кўрсатади. Шу боисдан ҳам юксак даражада шаклланган тадбиркорлик маданияти кичик бизнеснинг самарали ривожланишининг муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Давлат томонидан олиб борилаётган тадбиркорлик маданиятини ривожлантириш борасидаги сиёсати кичик бизнеснинг тадбиркорлик маданиятини юксалтиришдаги мавжуд муаммоларни аниқлаш, уни баҳоловчи мезонларни таҳлил этиш, тадбиркорлик маданиятини янада юксалтириш бозор иқтисодиёти ривожланишининг муҳим дастаги сифатида чуқур тадқиқот олиб боришни талаб этмоқда.

Бугунги кунда тадбиркорлик фойда олиш мақсадини кўзлаб ҳўжалик юритиш санъати, иқтисодий ва ташкилий ижодкорлик, ташаббуснинг эркин намоён бўлиши, новаторлик, хавф-хатарга нисбатан тайёр бўлиш ва бошқа шу каби кўп қиррали жараёнларни ўз ичига қамраб олмақда. Ўз навбатида бундай шахсларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш йўналишида самарадорликка эришиш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Бунда, аввало, нафақат тадбиркор шахс фаолиятини белгилаб берувчи ёки унга таъсир кўрсатувчи, балки бу

фаолиятни тартибга солишга, такомиллаштиришга кўмаклашувчи ижтимоий-маданий ва ҳукукий жараёнларни тўғри баҳолаш талаб этилади.

Библиография

- ALLAIS MORIS. Abundance ou misere Propositions heterogenes pour le redressement de l'economie francaise. Editions politiques, economiques et sociales. Paris (1946). - p. 128.
- KARI POLANYI-LEVITT. (1995) Toward Alternatives: re-reading the Great Transformation // Review of the Month. Vol. 47. № 2. - p. 3.
- RICHARD CANTILLON. An Essay on Economic Theory. Alabama (2010). - p. 252.
- THE LEGACY OF KARL POLANYI. Quebec (1991). - p. 265.
- HTTP: // www.rsbctrade.ru/wp-content/uploads/
- АВЕСТО. (А.Маҳкам таржимаси) (2015) - Т.: Ғофур Ғулом ННМИУ, - б. 248.
- АМИР ТЕМУР. Тузуклар (2016) - Тошкент: Extremum-press, - б. 544.
- АРИСТОТЕЛЬ. Политика (Теория власти) (2015) Пер. с греч., предисл. и послесл. С.А.Жебелева. Примечания и комментарии А.И.Доватура. - М.: Академический Проект, - С. 318.
- АФЛОТУН. Қонунлар (рус тилидан Ўрфон Отажон таржимаси) (2002) - б. 368.
- ПЛАТОН. Государство (2015) - М.: Академический проспект, - с. 398.
- КАРИМОВ И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. (2008) - Т.: Маънавият, - б. 76-7.
- КАРИМОВ И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш - тараққиётимизнинг муҳим омилидир // Унинг ўзи: Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т.19. (2011) - Т.: Ўзбекистон, - б. 138.
- ЛОКК Дж. Два трактата о правлении. Серия: Библиотека ГВЛ (2014) - Челябинск: Социум, - с. 484.
- МИРЗИЁЕВ Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. (2017) - Т.: Ўзбекистон, - б. 56.
- НИКОЛЛО МАКИАВЕЛЛИ. Ҳукмдор (Абу Муслим таржимаси) (2017) - Т.: Mashxur-Press, - б. 128.
- ПОЛАНЬИ К.П. Избранные работы. (2010) - М.: Территория будущего, - с. 646.
- РАҲМОНОВ А.Р. Ислом ҳуқуқшунослигида инсон ҳуқуқлари ва шахс мақоми. (Ю.ф.н. ...дисс.) (2002) - Т.: - б. 248.
- САЙМОН ГЕРБЕРТ. Науки об искусственном. (2004) - М.: Едиториал УРСС, - с. 144.
- ХАЙДАРОВ Х.Ф. Жамият қонунлари - ислохотлар жараёнларини билиш ва бошқариш омили. (Фалс. ф.д. ...дисс.) (2002) - Т.: - б. 252.

Transliteration

- ALLAIS MORIS. Abundance ou misere Propositions heterogenes pour le redressement de l'economie francaise. Editions politiques, economiques et sociales. Paris (1946). - P. 128.
- KARI POLANYI-LEVITT. (1995) Toward Alternatives: re-reading the Great Transformation // Review of the Month. Vol. 47. № 2. - P. 3.
- RICHARD CANTILLON. An Essay on Economic Theory. Alabama (2010). - P. 252.
- THE LEGACY OF KARL POLANYI. Quebec (1991). - P. 265.
- HTTP: // www.rsbctrade.ru/wp-content/uploads/
- AVESTO. (A.Mahkam translated) (2015) - T.: Gafur Gulom NNMIU, - P. 248.
- ARISTOTLE. Politika (theory of power) (2015) TRANS. from Greek, Preface and afterword by S. A. Zhebelev. Notes and comments by A. I. Dovatura. - M.: Academic Project, - P. 318.
- PLATON. Laws (Arfon Otajon patronymic translation from Russian) (2002) - P. 368.
- PLATON. State (2015) - Moscow: Akademicheskij Prospekt, - P. 398.
- KARIMOV I.A. High spirituality is an invincible force. (2008) - T.: Spirituality, - P. 76 - 77.

- KARIMOV I.A. The consistent continuation of the path of modernization of our country is an important factor of our development // itself: further deepening of democratic reforms and the formation of civil society is the main criterion for the development of our country. T.19. (2011) - T.: Uzbekistan, - P. 138.
- LOCKE JOHN. Two treatises on government. Series: library of GVL (2014) - Chelyabinsk: Socium, - P. 484.
- MIRZIYOYEV Sh.M. We will restore the free and prosperous, democratic state of Uzbekistan together. - T.: Uzbekistan, (2017) - P. 56.
- NIKOLLO MAKIAVELLI. Ruler (Abu Muslim translation) (2017) - T.: Celebrity-Press, - P. 128.
- POLANYI K. P. Selected works. (2010) - M.: Territory of the future, - P. 646.
- RAHMONOV A.R Human rights and personality status in Islamic jurisprudence. (disse.) (2002) - T.: - P. 248.
- SIMON HERBERT. The science of the artificial. (2004) - Moscow: editorial URSS, - P. 144.
- KHAYDAROV H.F. Public law is the factor of knowledge and management of reform processes. (disse.) (2002) - T.: - P. 252.



УДК: 1:502.7:34(575.1)

Джуракулов Хусан Анварович

Самарқанд давлат университети

Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

E-mail: djurakulov-84@mail.ru

(Ўзбекистон, Самарқанд)

ШАХСДА ЭКОМАДАНИЯТ ҲИССИНИ ОШИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ- ФАЛСАФИЙ МАСАЛАЛАРИ

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9505-2020-SI-2-8>

АННОТАЦИЯ

Бугунги ижтимоий тараққиёт жараёни шуни кўрсатадики, инсоният онг-тафаккури билан қарор топган фан-техника тараққиёти ядро энергияси, қуёш энергияси, кимё саноатини янада ривожлантириш, ахборот технологиялари, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш, коинотни забт этиш ҳамда фан-техниканинг бошқа янада мураккаб соҳаларини ўзлаштириш билан алоҳида аҳамият касб этади. Шу билан биргаликда тарихий тараққиёти давомида жуда кўп мураккабликларга гувоҳ бўлган инсоният бугун ўзининг кашфиётлари, яъни ақлий салоҳияти натижасида вужудга келган мураккаб тарихий даврни ҳам бошдан кечирмоқда. Яъни, фан-техника жадал суръатлар билан ривожланиши билан биргаликда, инсон ва табиат ўртасидаги табиий мувозанатнинг бузилганлиги, экологик инқирознинг ошиб бораётганлигини кўришимиз мумкин. Бу эса олдимизга фан-техника ютуқлари билан биргаликда инсон ва табиат ўртасидаги мувозанатни уйғунлаштириш ва бу борада аввало, инсонларда экологик онг, экологик маданиятни шакллантириш заруриятини долзарб вазифа қилиб қўймоқда. Шу боисдан ҳам биз ушбу мақолада шахсда экомаданият ҳиссини шакллантиришга оид баъзи тадқиқотларга мурожаат қилиб, унинг бугунги кундаги зарурияти ва уни шакллантириш йўллари, омиллари ҳамда экологик муаммоларни бартараф этишга қаратилган илмий-методологик таклиф-тафсиялар ишлаб чиқишга эътибор қаратамиз.

Таянч сўзлар: экологик онг, экомаданият, шахсда экомаданият ҳисси, экологик ҳукукий саводхонлик.

Djurakulov Husan Anvarovich

Samarkand State University

Doctor of Philosophy (PhD) in Philosophy

E-mail: djurakulov-84@mail.ru

(Ўзбекистон, Самарқанд)

SOCIO-PHILOSOPHICAL ISSUES OF INCREASING PERSONAL ECONOMIC SENSE

ANNOTATION

Today's social development process shows that the development of science and technology, decided by the human mind, is the further development of nuclear energy, solar energy, chemical industry, information technology, production automation, space conquest and other more complex areas of science and technology is of particular importance. At the same time, humanity, which has witnessed many complexities during its historical development, is currently experiencing a complex historical period that has emerged as a result of its discoveries, that is, its intellectual potential. That is, with the rapid development of science and technology, we can see that the natural balance between man and nature is disturbed, the ecological crisis is growing. This puts before us the urgent task of harmonizing the balance between man and nature with the achievements of science and technology, and in this regard, first of all, the formation of ecological consciousness, ecological culture in humans. Therefore, in this article we will focus on some research on the formation of a sense of eco-culture in the individual, the need for it today and the development of scientific and methodological recommendations for its formation, ways, factors and solutions to environmental problems.

Keywords: ecological consciousness, eco-culture, sense of eco-culture in the individual, ecological legal literacy.

КИРИШ

Ҳозирги глобаллашув шароитида табиатни муҳофаза қилиш, экологик муаммоларни ҳал этиш, экологик ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш барча инсонларнинг онгли фаолияти бўлиши ҳар томонлама зарурдир. Шундай экан, ҳар бир кишида экологик онг ва маданиятни шакллантириш орқали табиат, жамият ва инсон ўртасидаги мавжуд қонуниятларни англаб олишида, шунингдек, шахсда экомаданият ҳиссининг шаклланишига ва ривожланишига кенг таъсир кўрсатади. Экомаданият ҳиссини шакллантириш жараёни билан боғлиқ масалаларни ўрганишда энг аввало, мазкур ҳодисага оид тушунчаларнинг мазмунини таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир. Бошқача айтганда, “онг”, “экологик онг”, “экологик маданият” каби категорияларнинг моҳиятини англаш орқали экомаданият ҳисси тушунчасининг ижтимоий табиатини аниқлашга эришиш мумкин. Ўз навбатида, шахсда экомаданият ҳиссини юксалтириш борасидаги муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш шарт-шароитларини тадқиқ этиш борасидаги илгари сурилган ёндашувлар ва илмий қарашларни умумлаштиришни тақозо этади. Бугунги экологик вазият ўз реал имкониятлари, объектив тараққиёт қонуниятлари билан жамият олдида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий, мафкуравий соҳалардаги муносабатларни экологик хавфсизликни таъминлаш ҳамда табиат-жамият уйғунлигида барқарорликка эришиш нуктаи назаридан танқидий жиҳатдан қайта кўриб чиқишни ва шу асосда ҳозирги ва келажак авлодлар яшаши учун қулай экологик вазиятни вужудга келтириш вазифасини қўймоқда. Бинобарин, инсониятнинг ушбу муаммоларни ҳал қилиш жараёнида экологик фаолликнинг янги қирралари, кўринишлари вужудга келиб, улар умуминсоний масъулият мажмуаси таркибида муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Айни пайтда, инсонни “ақл эгаси” деса бўладими йўқми? деган саволларга дуч келамиз. Агар XVIII асрда америкалик социолог ва физик В.Франклин одамни “қурол ясайдиган ҳайвон”, деб таъкидлаган бўлса, XX асрда америкалик планеталог В.Грегори уни “катта мияли босқинчи” [Рогинский Я.Я., Левин М.Г. 1955: pp.502], деб атади. Шу нуктаи назардан ҳам қараганда, инсоннинг табиатга бўлган муносабати ҳозирги вақтда ҳаддан ташқари муҳим бўлиб турганлиги тасодикий ҳол эмас.

МАТЕРИАЛЛАР ВА МЕТОДЛАР

Экологик хавфсизликни таъминлаш борасидаги мавзуларни тадқиқ қилиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга бўлиб, Олий Мажлис қонунлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримовнинг асарлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан атроф-табiiй муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида қабул қилинган қарор ва фармонлар ҳамда маърузалар илмий-назарий, методологик асос бўлиб хизмат қилади. Уларда экологик

хавфсизликни таъминлаш, фуқароларнинг экологик онги ва маданиятини шакллантириш ва юксалтиришга оид концептуал ғоя ва фикрлар мавжуд.

Экологик онг, экологик маданиятнинг содда нормалари қадимдан мавжуд бўлиб, тарихий ёзма манбаларда, масалан, зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто”да, Буддизм, Христиан, Ислом ва бошқа динлар манбаларида, шу билан бир қаторда, Шарқ уйғониш даврининг етук мутафаккирлари ҳисобланган Абу Наср Форобий (“Китоб ал-мабоди ал-инсония”); Муҳаммад Ибн Мусо ал-Хоразмий (“Китаб сурат ал-арз” “Ернинг сурати” ёки “География”); Абу Райҳон Беруний (“Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”); Ибн Сино (“Ақлий илмлар таснифи”) ва ўрта асрларда Алишер Навоийнинг (“Сабаъи сайёр”, “Фарҳод ва Ширин”) ижодий фаолиятида, “табиат-жамият-инсон” муносабатлар тизимини, экология билан боғлиқ бўлган маънавий-ахлоқий тамойиллар, нормалар шаклланганлиги ҳақида маълумотлар келтирилганлигида қўришимиз мумкин.

Ҳозирги даврда экологик фаоллик, экологик онг, экологик назорат, экологик маданият ва уларни шакллантиришнинг психологик хусусиятлари, шунингдек ёшларнинг экологик онги ва маданиятини шакллантиришнинг педагогик асослари Ш.Ж.Абдуқосимов [Абдукасымов Ш.К. 1997: с. pp.43], А.А.Ахмедов [Ахмедов А.А. 2011: pp.22], Н.Ш.Бозорова [Бозорова Н.Ш. 2006: pp.21], Н.Ж.Исакулова [Исакулова Н.Ж. 2006: pp.175], А.Р.Маликова [Маликова А.Р. 2009: pp.20], С.Мамашокиров [Мамашокиров С. 1997: pp.47], У.Г.Саидова [Саидова У.Г. 2008: pp.146], А.Хукумов [Хукумов А. 1994: pp.58] каби эколог ва педагоглар томонидан тадқиқ қилинган. Экологик барқарорлик, экологик тафаккурни шакллантириш, экологиянинг ҳуқуқий асослари, табиий атроф-муҳит муҳофазаси, экологик ҳуқуқий қонунчилик каби масалалар хорижлик У.О.Дуглас [Дуглас У.О. 1975: pp.238], Д.Форрестер [Форрестер Д. 2003: pp.379] каби олимлар томонидан атрофлича тадқиқ этилган. Экологик онг ва маданиятни шакллантиришга оид муаммолар МДХ тадқиқотчилари томонидан ҳам ўрганиб келинмоқда. Хусусан, улар қаторида Т.С.Смирнов [Смирнов Т.С. 1984: pp.73, 173], Э.В.Гирусов [Гирусов Э.В.1998: pp.152], И.К.Лисеева [Лисеева И.К. 2001: pp.79] ва бошқаларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Экологик хавфсизликни таъминлаш муаммоси жаҳон мамлакатлари олдида турган долзарб вазифалардан биридир. Хусусан, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, озон қатламининг емирилиши, фотохимёвий тутун, кислота ёмғири, тупроқ деградацияси, ўрмонларни кесиш, чўлланиш, чиқиндилар муаммоси [<https://studfilosed.ru/lektsii-po-filosofii/539-globalnye-ekologicheskie-problemy-sovremennosti.html>] шулар жумласидандир. Шунингдек, табиат ресурсларидан жамият эҳтиёжларини қондириш мақсадида истеъмол қилиш ҳажмининг кенгайиши ҳамда айрим фуқароларда табиатга нисбатан нигилистик муносабатда бўлиш [Бучило Н.Ф., Чумаков А.Н. 2004: pp.348] ушбу йўналиш билан алоқадор масалаларни тадқиқ этишнинг долзарблигидан далолат беради. Барқарор экологик вазиятни, табиий атроф-муҳит мусаффолигини сақлаш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг муҳим субъектив омили бўлган экологик онгни ривожлантириш, шунингдек “экология соҳасидаги ишлар аҳволини яхшилаш” [Мирзиёев Ш.М. 2017: pp.20-21] бугунги куннинг муҳим вазифаларидан биридир. Бозор муносабатларининг чуқурлашуви ва табиат ресурсларидан жамият эҳтиёжларини қондириш мақсадида истеъмол қилиш ҳажмининг кенгайиши ҳамда айрим фуқароларда табиатга нисбатан ўйламасдан муносабатда бўлиш жамият экологик маданиятини юксалтиришга қаратилган фаолиятни мунтазам равишда такомиллаштириб боришни тақозо этмоқда. Ўзбекистон Республикасининг барқарор ривожланиши, экологик хавфсизлик, табиий экотизимларни сақлаш ва атроф-муҳитнинг мутаносиб сифатини сақлаб туриш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва қайта тиклаш, шунингдек, “Фан-техника тараққиёти жадал суръатлар билан ривожланиб, дунёнинг жўғрофий-сиёсий тузилиши ўзгариб бораётган ҳозирги шароитда инсон томонидан биосферага кўрсатилаётган таъсирни тартибга солиш, ижтимоий тараққиёт билан қулай табиий муҳитни сақлаб қолишнинг ўзаро таъсирини уйғунлаштириш, инсон ва табиатнинг ўзаро муносабатларида мувозанатга эришиш муаммолари борган сари долзарб бўлиб қолмоқда” [Каримов И.А.1997: pp.109]. Бу борадаги

давлат сиёсатининг муваффақияти тегишли қонунчилик ҳужжатларини янада такомиллаштиришга тўғридан-тўғри боғлиқ бўлиб, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни бевосита тартибга солувчи 15 дан зиёд қонун, табиий ресурсларнинг айрим турларидан фойдаланиш механизмлари ва шартлари, шунингдек, давлат экологик экспертизасини амалга ошириш, турли тоифадаги қўриқланадиган ҳудудларни ташкил қилиш ва уларда алоҳида фойдаланиш режимини ўрнатиш тартиб-таомиллари ва бошқа масалаларни белгилаб берган 30 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди ва амал қилмоқда [Халқ сўзи, 2017: pp.2]. Ушбу воқеликка мос равишда жорий қонунчилик билан бирга, фуқароларда, айниқса ёшларда экомаданият ҳиссини шакллантиришга оид фаолиятни ҳам такомиллаштириб бориш объектив заруратдир.

АҚШлик ҳуқуқшунос олим Уильям О.Дуглас ҳақли равишда таъкидлаб ўтганидек, “Фақат кишилар онгида ўзгариш яшаш қутилган натижаларга олиб келади. Агар биз ўзимизни ва биосферани сақлаб қолмоқчи бўлсак, барчамиз – ёшу қари табиий атроф-муҳитни муҳофаза қилиш учун ҳақиқий, фаол ва керак бўлса, агрессив курашчиларига айланмоғимиз даркор” [Дуглас У.О. 1975: pp.238]. Маълумки, инсон ва жамият фаолиятида табиатнинг ривожланиш қонуниятларини англаб етиш ҳамда унга амал қилиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга ҳисобланади. Хўжалик фаолиятини режалаштириш ва амалга оширишда табиат қонуниятларини ҳисобга олиш ва уларга риоя этиш атроф-муҳитга таъсир жиҳатидан зарарли фаолиятни экологик асослашнинг ҳамда унга йўл қўймаслиқнинг асосий мезони бўлиб хизмат қилиши лозим. Уларни билиш ва ҳисобга олиш, экологик районлаштириш, табиат заҳираларидан фойдаланишнинг иқтисодий механизмларини қўллаш, экологик экспертиза, сертификатлаштириш ва стандартлаштириш, табиатни муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирларни режалаштириш, экологик тоза, чиқиндисиз технологияларни татбиқ этиш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш ва табиатни муҳофаза қилишнинг шу каби бошқа ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга ошириш алоҳида аҳамиятга эга.

Барқарор ривожланишни таъминлаш учун аҳоли саломатлиги, шунингдек экологик хавфсизлик, табиий экотизимларни сақлаш ва атроф-муҳитнинг мутаносиб сифатини сақлаб туриш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва қайта тиклашга кўп жиҳатдан фуқаролар (ёшлар)да экомаданият ҳиссини шакллантириш орқали эришиш мумкин. Бу борадаги давлат сиёсатининг муваффақияти тегишли қонунчилик ҳужжатларини янада такомиллаштиришга тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади. Бироқ мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг кўлами ва суръати кенгайиб ва ривожланиб бораётган, бозор иқтисодиёти жараёнида инсон ва фуқароларнинг эҳтиёж ва манфаатлари тобора ўсиб бораётган бугунги кунда ушбу воқеликка мос равишда жорий қонунчилик билан бирга, фуқароларнинг, жумладан, ёшларнинг экологик ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга оид фаолиятни ҳам такомиллаштириб бориш объектив зарурат сифатида майдонга чиқади. Глобал экологик хавфсизликни таъминлаш муаммосини шахсда экомаданият ҳиссини шакллантириш ва уни юксалтиришдан ажратилган ҳолда ҳал қилиш мумкин эмас. Бу жараёни амалга оширишда албатта, таълим ва тарбия ишларини тизимлаштирилган ҳолда йўлга қўйиш ва уни янада кучайтиришни талаб қилади. Бу борада, таниқли рус олими П.Л.Капица ҳақли равишда, “Бу жуда муҳим вазифадир, уни ҳал этиш нафақат цивилизациямизнинг келажагини битта мамлакатда, балки глобал миқёсида белгилаш мумкин. Бу вазифа тинчлик ва атом уришининг олдини олишдан муҳимроқдир” [Капица П.Л. 1987: pp.251]. - деб, таъкидлаган эди.

Экологик таълим соҳасида бугунги кунда юзага келган ҳолатни таҳлил қилиш бу борада қуйидаги муаммолар мавжуд эканлигидан далолат беради:

- экологик таълим ва тарбия билан боғлиқ фаолият етарли ҳажмда қонунчилик ҳужжатлари ва илмий-услубий материаллар билан таъминланмаган;
- тегишли вазирликлар ва идораларнинг экологик таълим ва тарбия билан боғлиқ фаолияти лозим даражада мувофиқлаштирилмаган;
- экология соҳасида педагогик фаолиятни амалга оширадиган мутахассис кадрларнинг етишмаслиги;

- мактабдан ташқари таълим тизимида аҳолининг экологик дунёқарашини шакллантиришга қаратилган муассасаларнинг ташкил этилмаганлиги;
- умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим босқичларида экологик билимларни беришда фанлараро ўзаро алоқадорлик ва уйғунликни белгилаб берувчи тизимнинг шаклланмаганлиги;
- экологик билимларни сингдиришга қаратилган фанларни ўқитишда мавжуд экологик вазият ва амалиёт билан боғлиқликнинг етарли даражада ташкил этилмаганлиги ва бошқалар.

Бизнинг фикримизча, юқорида қайд этиб ўтилган муаммоларни ҳал этиш қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилиши лозим:

- экологик таълимнинг уйғунлигини таъминлаш мақсадида қуйидаги тизимни йўлга қўйиш лозим, яъни мактабгача таълим – умумий ўрта таълим – ўрта махсус, касб-хунар таълими – олий таълим – олий ўқув юртидан кейинги таълим – кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш – мактабдан ташқари таълим – корхона ва ташкилотлар – жамоат ташкилотлари – оммавий ахборот воситалари – аҳоли;
- таълимнинг барча босқичларида “Экология” фанини ўтиш жараёнида ўқувчиларга табиат ва инсоннинг унга бўлган таъсири тўғрисидаги билимларни бериш орқали уларда табиатга нисбатан оқилона ва эҳтиёткорона муносабатда бўлиш кўникмаларини шакллантириш ва унинг ўзлаштирилганлик даражасига аниқликлар киритиб бориш;
- экологик таълим жараёнини норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва илмий-услубий материаллар билан тўла ҳажмда таъминлаш;
- экологик таълим соҳасида ягона концепция ва стратегияни ишлаб чиқиш мақсадида илмий-услубий ва маслаҳат марказини ташкил этиш;
- таълим муассасаларида экологияга оид анжуманлар, кўргазмалар, конкурслар ва бошқа тадбирларни тизимли равишда амалга ошириб бориш;
- ёш авлоднинг табиатни муҳофаза қилишга қаратилган тадбирларда кенг иштирок этишини таъминлаш;
- таътиллар жараёнида ёшларнинг экологик лагерларини ташкил этиш;
- аҳолининг экологик ҳуқуқий онгини шакллантиришга қаратилган таълим, тарғибот ва ташвиқот ишларини амалга оширишда кўргазмали воситалар, ўқув ва илмий адабиётларнинг аҳамиятини эътиборга олиб, махсус ахборот-ноширлик марказларини ташкил этиш;
- экологияга оид фанларни ўқитиш учун юқори малакали педагог кадрларни ҳамда табиат ва жамият ўзаро алоқадорлигининг барча жиҳатлари юзасидан замонавий билимларга эга бўлган иқтисодиёт, техника, технология, ҳуқуқ, социология, биология, гидрология ва бошқа фанлар бўйича мутахассисларни тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш;
- ёшидан, ижтимоий, касбий ёки таълим мақомидан қатъи назар барча фуқароларга чекланмаган ҳолда экологик таълим олиш имкониятини яратиш ва бошқалар.

Бугун таълим муассасаларида илмий-техника ютуқлари билан биргаликда ўсиб келаётган баркамол авлод қалбида экомаданият ҳиссини ошириш ва экологик билимларни ёшлар онгига сингдириб бориш муҳим аҳамият касб этади. Бу келгусида табиий атроф-муҳитга бўладиган ҳалокатларга қарши уларда муайян тафаккурнинг юзага келишига олиб келади. У.М.Степпнинг фикрича, “Инсон атроф муҳитни бошқарадиган ва уни ўзгартирадиган бирдан бир мавжудотдир. Атроф муҳитга таъсир этиш оқибатлари юзасидан тушунчага эга бўлиш инсоният маданиятининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Зеро, табиатнинг бугуни ва эртаси кўп жиҳатдан инсон фаолиятига боғлиқдир. Ўз навбатида, бундай фаолиятнинг қандай бўлиши унинг қай даражада экологик таълим олганлиги билан белгиланади” [Степп. У.М. 1969: pp.32].

Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг асосий мақсадларидан бири “фуқароларнинг қулай атроф муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини кафолатлашдан иборатдир” [Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993. – №1. – 38-модда]. деб, белгилаб қўйилган. Шу жиҳатдан олганда, давлат

аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлаши, унинг генетик фондини сақлаб қолишига имкон бериши, тўхтовсиз тараккий этиб бориш шароитида табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта тиклашни ҳамда фуқароларнинг мақсадга мувофиқ экологик онг ва маданиятга эга бўлишларини таъминлаши лозим. “Экологик маданият – бу жамиятнинг моддий ва маънавий қадриятлари ҳамда табиий муҳитни сақлашни таъминлашга қаратилган фаолият услублари тўпламидир” [Гирусов Э.В.1998: pp.152]. Шунингдек, “экологик таълим деганда биз атроф-муҳит тўғрисида мунтазам билимларни, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кўникмаларини ўзлаштиришга, умумий экологик маданиятни шакллантиришга қаратилган доимий ўқув жараёнини тушунамиз” [Лисеева И.К. 2001: pp.79]. Фуқароларнинг экологик онг ва маданиятини, шакллантириш фуқаролик жамиятининг муҳим институти ҳисобланган экологик жамоат, нодавлат ва нотижорат ташкилотларининг асосий ижтимоий функцияларидан бири ҳисобланади. Зеро, Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ-406-сонли “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуннинг 19-моддаси “Ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштирок этиши” деб номланиб, унда бевосита “нодавлат нотижорат ташкилотлари: ёшлар орасида экологик маданиятни оширишга, экологик таълим ва тарбияни ривожлантиришга кўмаклашади” [Халқ сўзи, 2016 йил 15 сентябрь 182 (6617)-сон], - деб белгилаб қўйилган.

Шахсда экомаданият (экологик ва маданият тушунчаларининг бирлашмаси бўлиб, “экотизим”, “экосистема”, “экотуризм” каби тушунчалардан фарқли равишда ижтимоий ходиса сифатида бевосита шахсга нисбатан қўлланилади. М.Ф.) ҳиссини (Ҳиссиёт (а.-ҳис-туйғулар ва уларга берилганлик; ҳиссий ҳолатлар) киши руҳиятида юзага келган ҳиссий ҳолат; шахснинг воқеликдаги нарса ва ҳодисаларга, кишиларга ҳамда ўз-ўзига бўлган муносабатларидан келиб чиқадиган кечинмалари.[Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2006: pp.538].) шакллантириш - бу шахснинг ўзини ўраб турган табиий атроф-муҳит билан боғлиқ юриш-туриши экологик ахлоқий меъёрлар доирасида унинг табиатга бўлган муносабатини онгли равишда ҳис этишини тушуниш мумкин.

Кўпгина фалсафий, социологик ва юридик тадқиқотларда шахснинг табиатга бўлган муносабатини тавсифлашда турли хил категориялардан фойдаланилади. Хусусан, “ижтимоий-экологик онг”, “ижтимоий-экологик маданият”, “иктисодий-экологик тафаккур”, “ижтимоий-экологик ўз-ўзини англаш”, “экологик дунёқараш”, “жамиятнинг табиатга муносабати”, “инсоннинг табиатга бўлган муносабатидаги руҳияти” ва бошқалар шулар жумласидандир. Шу жиҳатдан олганда, шахсда экомаданият ҳисси ва унинг бугунги кунда намоён бўлиши хусусиятларини атрофлича тадқиқ этиш илм-фан олдида турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Т.С.Смирновнинг таъкидлашича, бугунги кунда ижтимоий онг шакллариининг экологиялаштирилиши, унинг иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, эстетик онг шаклларига бўлган таъсирида намоён бўлмоқда.[Карнеги Д. 1984: pp.74]. Табиийки, табиий атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тизими ўз ичига чора-тадбирларнинг кенг доирасини қамраб олади ва унда асосий омиллардан бири шахсда экомаданият ҳиссини шакллантириш ҳисобланади. Бинобарин, табиий атроф-муҳитнинг ҳолати, энг аввало, инсонларнинг юриш-туришига, табиат неъматлари ва ресурсларидан қай даражада фойдаланишига боғлиқ. Бунда кишиларнинг хулқ-атворини белгилаб берувчи асосий омил уларнинг ижтимоий ҳаётнинг турли хил соҳалари билан боғлиқ қарашлари, эътиқодлари ва билимлари ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, бугунги экологик вазият табиат ва жамият уйғунлигини табиий йўл билан таъминлаш имкониятининг йўқлиги билан тавсифланади. Табиий барқарорликни таъминлаш кўп жиҳатдан антропоген фаолиятнинг характериға ҳамда унинг экологик талабларга қай даражада мослиғига боғлиқ.

Машхур руҳшунос олим Дейл Карнегининг таъкидлашича, инсонни бирор ишни бажаришга ундаш ва қизиқтиришнинг ягона усули мавжуд. У ҳам бўлса, ўша инсон қалбида ишни бажаришга чинакам иштиёқ уйғотишдир. Мажбурлов ва қийноқлар иш бермайди...[Карнеги Д. 2009: pp.28]. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, ҳар бир кишида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича иштиёқ уйғотиш ва уни она табиатни авайлаб

асрашга ундаш керак бўлади. Шу нуқтаи назардан, экологик ҳуқуқий билимларни аҳолига, айниқса ёшларга етказишда уларда чинаккам иштиёқ уйғотишга қаратилган усул-воситаларни ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш муҳимдир.

ХУЛОСА

Шундай қилиб, бугунги глобал экологик хавфсизликни таъминлаш, инсонларнинг табиатга бўлган муносабатини тўғри йўлга қўйиш шахсда экомаданият ҳиссини шакллантиришсиз тасаввур қилиш қийин. Жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўзи яшаб турган табиий атроф-муҳит учун жавобгар эканлигини ва нафақат бугунги кун учун, балки келажак авлод учун ҳам табиатни, унинг ресурсларини асраб-авайлаб етказиши унинг ҳам табиат, ҳам жамият вакили сифатидаги муқаддас бурчи эканлигини ҳис қила билиши муҳим аҳамият касб этади. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 10 ноябрда Самарқанд шаҳрида ўтган “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзусидаги Халқаро конференцияда сўзлаган нутқида “Хавфсизликларга таҳдидларни “ўзиники ва ўзгаларники” деб ажратишдан воз кечиш, “яхлит хавфсизлик” тамойилига амалда риоя қилиш зарур” [Мирзиёев Ш.М. 2017: president.uz/uz/lists/view/1227], – деган қатъий ғояни илгари сургани айни ҳақиқатдир. Мазкур концептуал ғояни, биринчи навбатда, ўзимизда қўллаш, яъни жамиятнинг ҳар бир аъзоси, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорликда иш олиб боришини таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

дунёқарашни бошқа ижтимоий онг шакллари: фан, дин, ахлоқ ва бошқалардан фарқли равишда шахс(ташувчи)сиз мавжуд бўла олмайди. Яъни дунёқарашда ҳар бир шахснинг индивидуал психо-физиологик (дунёқарашнинг психо-физиологик жихатлар билан алоқаорлиги алоҳида мавзу) хусусияти ҳамда ҳаётий тажрибаси устуворлик қилади ва назарий конструкциялар билан алоқадорликда (турли хил комбинацияларда) ҳар бир шахснинг ўзига ҳос типик дунёқараш шаклланади. Дунёқарашнинг умумий моделлари мавжуд бўлишига қарамадан (зеро, бу моделлар ижтимоий онг шакллари каби соф назарий табиатга эга) шахс дунёқарашни у ёки бу моделга нисбатан яқин келса-да, кўпроқ индивидуаллик касб этади. Дунёқарашнинг селектив асосини тафаккур (интеллект) ва эмоционаллик ташкил этса, унинг структурасини иерархиявий йўналган когнитив (ахборот, нейтрал билимлар) – амалий (ахборот, билимларни ҳақиқийлик мезонида синовдан ўтказиш) – ҳиссий-иродавий (ҳақиқий деб топилган билимларга ҳиссий ранг бериш, энг муҳимларини эътиқодга айлантириш) – қадрият (эътиқод даражасига қўтарилган билимларни ҳаётий принципларга айлантириш) компонентлар ташкил этади. Бу динамик жараён бўлиб, оддий билимларни бир неча босқичли саралаш жараёнидан ўтказиб шахснинг ҳаётий принциплари даражасигача олиб боради. Бундай ўзига ҳос ёндашув дунёқарашнинг шунчаки дунёнинг умумий тасвири эмас, балки шахснинг ўзига ва дунёга бўлган принципиал муносабатлари ҳам эканлигини оддийроқ тушуниш имконини беради. Шахсда экомаданият ҳиссини шакллантириш орқали биринчидан, фуқароларда табиатга нисбатан нигилистик муносабатда бўлиш кайфиятини олдини олишга эришилади; иккинчидан, инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш энг муҳим устувор вазифаларни бажаришга хизмат қилади; учинчидан, табиатда рўй бераётган ўзгаришларнинг нафақат бугунги, балки келажакдаги оқибатларини ҳам олдиндан кўра олиш имконини беради. Шахсда экомаданият ҳиссини шакллантириш билан боғлиқ масалаларни кейинги тадқиқотларимизда давом эттирамиз.

Библиография

- АБДУКАСЫМОВ Ш.К. Формирование экологического сознания студенческой молодежи Узбекистана в условиях независимости. Автореф. дис. ... канд. филос. наук. – Т.:1997, Д.4311/1997.
- АХМЕДОВ А.А. Экологик назоратнинг ижтимоий-фалсафий масалалари. Фалсафа фанлари номзодлигини олиш учун ёзилган дисс. автореф. – Тошкент: 2011. – 22 б.

- БОЗОРОВА Н. Талабаларда экологик маданиятни шакллантиришнинг илмий-педагогик асослари (олий ўқув юртлари мисолида). Пед.ф.н...дисс. авт. –Тошкент: 2006. -21 с.
- ИСАҚУЛОВА Н.Ж. Бошланғич синф ўқувчиларида экологик тарбияга оид тушунчаларни шакллантиришнинг илмий педагогик асослари. Пед.ф.н...дисс.Т.: 2006. – 175 б.
- МАЛИКОВА А.Р. Педагогика олий ўқув юртлари талабаларида экологик маданиятни шакллантириш. Пед.ф.н...дисс. авт. –Тошкент: 2009. -20 с.
- МАМАШОКИРОВ С. Экологик таълим-тарбиянинг методологик масалалари. – Т.: 1993. – 47 б.
- У.Г.САИДОВА – Экологик маданият тарихи ва унинг ривожланиши босқичлари. Ф.ф.н...дисс. –Тошкент: 2008. -146 б.
- ХУКУМОВ А. Анализ уровня развития экологического сознания населения Республики Узбекистан. – Т.: 1994. -С.58.
- ДУГЛАС УИЛЬЯМ О. Трехсотлетняя война // Хроника экологического бедствия / Пер. с англ. –М., 1975. – С.238.
- ФОРРЕСТЕР Д. Мировая динамика. – М.: ООО “Издательство АСТ”, Сиб.: Terra Fantastica, 2003. – С. 379.
- СМИРНОВ Т.С. Экологизация сознания и ее роль в оптимизации взаимодействия общества и природы (Экологизация сознания во взаимодействии общества и природы). –Иваново., 1984. – С.74, 173.
- РОГИНСКИЙ Я.Я., Левин М.Г. Основы антропологии: К 200-летию Московского Университета 1755-1955. М.: Изд-во Московского университета, 1955. — 502 с.
- <https://studfilosed.ru/lektsii-po-filosofii/539-globalnye-ekologicheskie-problemy-sovremennosti.html>
- БУЧИЛО Н.Ф., ЧУМАКОВ А.Н. Философия: Учебное пособие. 4-е изд. – СПб.: Питер, 2004. – Ст. 348.
- МИРЗИЁЕВ Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 20-21.
- КАРИМОВ И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – Б.109
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелда имзоланган “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ – 5024-сонли фармонида шарҳ. “Халқ сўзи”, 2017 йил 22 апрель, 80 (6774)-сон, 2-бет.
- КАПИЦА П.Л. Эксперимент. Теория. Практика: Статьи и выступления. – М.: Наука. 1987. – С. 251.
- STAPP W.M. The Concept of Environmental Education // The Journal of Environmental Education. – 1969. – № 1. – P.32
- Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993. – №1. –38-модда
- ГИРУСОВ Э.В. Основы социальной экологии. – М. : Издво РУДН, 1998. – 152 с.
- И.К.ЛИСЕЕВА. Философия экологического образования. – М. : Прогресс-Традиция, 2001. – 79 с.
- Халқ сўзи, 2016 йил 15 сентябрь 182 (6617)-сони.
- Ўзбек тилининг изохли луғати. 5-жилд. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. 538-б.
- Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 10 ноябрда Самарқанд шаҳрида ўтган “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзусидаги Халқаро конференцияда сўзлаган нутқи // president.uz/uz/lists/view/1227.



Каримов Сойимназар

Самарқанд давлат университети
Фалсафа фанлари доктори, профессор
soiymnazar@bk.ru
(Ўзбекистон, Самарқанд)

ШАРҚ ТАФАККУРИ ТИЗИМИДА ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ ВА ФАНЛАР КАЛАССИФИКАЦИЯСИ

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9505-2020-SI-2-9>

АННОТАЦИЯ

Маколада Шарқ мутафаккирларидан Форобий, Ибн Сино, Беруний, Улуғбек ва Бобурларнинг жамият тараққиётининг илмий асослари ва улар томонидан амалга оширилган фанлар классификацияси ҳақида фикр юритилади. Айниқса, Форобийнинг “Ихсо ал-улум” асарида фанлар классификациясига берилган таърифлар келтирилган. Форобийнинг дин билан фалсафа ўртасида зиддият йўқлигини илмий асослаб берган мутафаккир эканлиги ҳақида фикр юритади. Ибн Синонинг амалий фалсафасида шахс фаровонлигини ургатувчи этикага, оила фаровонлигини ургатувчи иқтисодга ва давлат фаровонлигини таъминловчи сиёсатга бўлганлиги илмий таҳлил қилинган шу билан биргаликда Берунийнинг фанларнинг пайдо бўлиш сабаби ва уларнинг вазифаси инсон эҳтиёжини қондириш эканлиги, ва фаннинг дин ҳукмронлигидан холи бўлиши ва тараққиётида хусусий мезонларга таяниш керак деган фикрларнинг тажриба ва илмий табиий кузатишлар орқали айtilганлиги ёритилган.

Калит сўзлар: оригинал классификация, тил илми, мантиқ, илоҳиёт ҳақидаги илм, илми мадания, ҳақиқий файласуф, метафизика, мусиқа илми, фан социологияси, ислом фалсафаси.

Karimov Soiymnazar

Samarkand State University
Doctor of Philosophy, Professor
soiymnazar@bk.ru
(Uzbekistan, Samarkand)

SCIENTIFIC BASIS OF SOCIAL DEVELOPMENT AND CLASSIFICATION OF SCIENCES IN THE SYSTEM OF EASTERN THINKING

ANNOTATION

The article discusses the scientific basis of the development of society of the Eastern thinkers Farobi, Ibn Sino, Beruni, Ulugbek and Babur and the classification of sciences carried out by them. In particular, Farobi's Ihsa al-Ulum gives definitions of the classification of sciences. Farobi thinks that he is a thinker who has scientifically substantiated that there is no contradiction between religion and philosophy. Ibn Sina's practical philosophy was a scientific analysis of ethics that taught personal

well-being, economics that taught family well-being, and politics that taught state welfare, but Beruni argued that the cause of science and its function was to satisfy human needs, and that science should be free from religion. The idea is expressed through experience and scientific natural observations.

Keywords: original classification, linguistics, logic, theology, science, culture, true philosopher, metaphysics, musicology, sociology of science, Islamic philosophy.

КИРИШ

Шарқ тафаккури тараққиётининг асосий хусусиятларидан бири жамият тараққиётининг илмий асосланганлиги ва унинг шартли сифатида табиий ва ижтимоий фанлар тараққиёти эканлигини аниқ тушунганлар. Жумладан, Форобий нафақат шарқ балким ғарб социологик фикрлари тарихида биринчи бўлиб илм-фан социологияси концепциясини яратган эди. Жумладан, у ўзининг “китоб фи ихса ал улум ва ат-таъриф” (илмларнинг классификация таърифи ҳақида китоб) ёки қисқача қилиб айтилган “Ихсо ал улум” асарида инсон билимларининг аригенал классификациясини тағдим этибгина қолмасдан, балки уларга аср илмлари барча соҳаларнинг тарифини ва чуқур таҳлилини ҳам берди. Худди шунинг учун ҳам кейинги тадқиқотчилар “Ихсо ал-улум”нинг ҳолисона баҳолаб ўрта аср фанининг энциклопедияси деб атаганлар.

Форобий ўзининг ушбу асарида инсон учун зарур бўлган илм ва фан тармоқларини олти қисмга бўлиб классификация қилади. Жумладан, у китобнинг I бобини тил илми деб номлаб уни етти бўлимга бўлади. Бу билан Форобий тил илмининг тўлиқ объектини ва хусусиятини аниқлаб беради. 1. Яққа ва содда сўзлар ҳамда гаплар ҳақидаги илм; 2. Мураккаб ҳамда кўшма сўзлар ва гаплар ҳақидаги илм; 3. Талаффуз қоидалари ҳақидаги илм; 4. Тилнинг қонун ва қоидалари ҳақидаги илм; 5. Тўғри ёзиш қоидалари; 6. Тўғри ўқиш қоидалари; 7. Шеър ёзиш илми, поэтика, бунинг ҳам уч қисмдан яъни қофия, вазн ва поэзия қоидаларини билишдан иборат. Кўриниб турибдики, Форобийнинг бу асосий тил илми ҳақидаги қоидалари ҳозирги тилшуносликнинг асосий қоидаларини ташкил қилади ва ўз долзарблигини ҳозирги кунда ҳам сақлаб келмоқда.

МАТЕРИАЛЛАР ВА МЕТОДЛАР

II. Мантиқ. Форобий фикрича мантиқ фикрлаш қонун қоидалари ҳақидаги фан бўлиб, унинг ёрдамида инсон ўз тафаккурини тарбиялайди, ўз фикрини аниқ, изчил баён қилиш, муҳокама юритиш жараёнида мантикий хатоларга йўл қўймасликка ўргатади.

III. Объектив дунё предметларининг миқдор, макон ва бошқа муносабатларни ўрганувчи фанлар (риёзиёт). Риёзиётнинг ўз етти мустақил фандан ташкил топади: 1. Арефметика; 2. Геометрия; 3. Кузатиш, оптика; 4. Юлдузлар ҳақидаги илм; 5. Мусиқа илми; 6. Оғирлик ҳақидаги илм; 7. Механика.

IV. Табиётшунослик ва илоҳиёт ҳақидаги илм (метофизика).

Форобий табиатшунослик илмини саккиз бўлимга ажратади:

1. Барча оддий ва мураккаб жисмларнинг бошланғичини, яъни бутун табиат учун умумий масалаларни ўрганиш;
2. Оддий жисмларни ҳамда уларнинг мураккаб жисмлар ҳосил бўладиган қисм ва элементларини ўрганиш;
3. Тиббий жисмларнинг мавжудлигини, уларнинг емирилиши ва мураккаб жисмларнинг таркибий қисмига айланиши ўрганиш;
4. Мураккаб акциденция ва ўзаро таъсирини ўрганиш;
5. Мураккаб жисмларни, уларнинг турли қисмлари бирикишининг характери ва усулини ўрганиш;
6. Таркибий қисмлари бир жинсдан ва бир жинсдан бўлмаган (масалан, минераллар) мураккаб жисмлар ва предметларнинг иштирокида ҳосил бўлган предметларни ўрганиш;
7. Ўсимликларни, уларнинг умумий ҳоссаларининг ҳар хиллигини ва улардан ҳар бирининг характерли хусусиятини ўрганиш;
8. Ҳайвонларни, уларнинг умумий хусусиятларини ҳал хиллигини, руҳ ва қуввати ҳамда уларнинг ҳар бирининг характерли хусусиятларини ўрганиш;

Ўрганиладиган предметнинг характериға қараб, табиий фанлар саккиз илмни, прогностика, тиббиёт, физикаға кўра нигромантия, образлар тўғрисидаги илм, агрокультура, навигация, алкимё, оптикани ўз ичига олади. Ижтимоий фанлар эса қўйидаги илм турларини қамраб олади. 1. Яқин борлиқнинг энг умумий принципларини ўрганиш; 2. бошланғич қоидаларни ўрганиш; 3. жисмсиз ва жисмдан ташқаридаги бўлган мавжудотларни ўрганиш. У, шаҳар ҳақидаги илм-“илми мадания” (ёки шаҳар бошқариш ҳақидаги сиёсий илм) (Бу илм юриспруденция ва калом) (мусулмон ақидасини) ўз ичига олади. Бу илм ахлоқ, тарбия ва давлатни бошқариш ҳақидаги масалалар текширилган мукаммал социологик фикрлардир.

Форобий инсоният учун зарур бўлган илмлар ҳақида фикр юритар экан, фалсафанинг ўрнига ва ролига алоҳида аҳамият беради. Форобий “Фалсафани ўрганишдан мақсад Олий Борлиқни таниш, унинг ўзгаришга юз тутмайдиган Ягона, барча нарсанинг таъсирчан сабаби, ўз саховати, ҳикмат ва адолати билан бу оламни тартибга солувчи Улуғвор Зот эканини билишдир. Файласуфнинг асосий вазифаси ҳам кучи етган даражада Яратувчига ўхшашдир. Бундан ташқари, Форобий бир шахснинг ёлғиз назарий билимлар билан фақатгина ноқис файласуф бўлиши мумкинлигини айтади. Бу ҳақда Форобий ўзининг “Таҳсилу –с-саодат” асарида таъкидлашича, Комил файласуф бўла олиш учун бу билимларни ўз ўрнида ва вақтида қўллаш, яъни ҳаётда акс эттириши керак. (38-47-бетлар).

Форобий ҳақиқий ва нолойиқ, сохта ва фазилатсиз файласуфни бир-биридан ажратади ҳамда Афлотуннинг “Давлат” асарида фойдаланиб, ҳақиқий файласуф қўйидаги сифатларга эга бўлиши лозимлигини айтади:

1. ҳақиқий файласуф назарий билимларни ўзлаштирган ва улардан фойдаланиш кучига эга бўлиши;
2. ёрқин заковати ва тасаввур кучига эга бўлиши;
3. таҳсил асносида дуч келган машаққатларга бардош бера билиши;
4. моҳиятига кўра, тўғрилиқ ва ростгўйларни, адолат ва одилларни севиши, такаббурваманман бўлмаслиги;
5. еб-ичишборасидамеъёрданошмаслиги, пул-дунёга қадр бермаслиги;
6. мағрурликка берилмаслиги;
7. таъқиқлардан сақланиши, яхшилик ва адолатни осон қабул қилиши, ёмонлик ва зулмга тезда бўйин эгмаслиги;
8. ҳақитқатга эришиш, тўғрилиқни қўлга киритиш учун қатъият эгаси бўлиши;

Энг муҳими шундаки, Форобий биринчи бўлиб ўзининг “Таҳсилу –с-саодат” асарида дин билан фалсафа ўртасида зиддият йўқлигини илмий асослаб берган мутафаккирдир. Ҳақиқий ва сохта файласуф мулоҳазаси масаласига муносабатни Ихвони Сафо ҳам ўзининг “Расоил “ асарида муҳим фикр билдириб ўтилган. Ихвони Сафо мавзуни дин-фалсафа муносабати жиҳатидан кўриб чиқиб, аслида дин билан фалсафани ўртасида ҳеч қандай тўқнашувнинг йўқлиги, асл зиддият фалсафани билмаган сохта файласуф билан шариатнинг фақат шаклий томонини билувчи диндонлар ўртасида эканини айтади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Форобийнинг “Ихсон ал—улум” асаридаги бу фанлар классификацияси фан, таълим социологиясида ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда. Бу бир томондан илмни билмасдан туриб ҳамма нарсани билишни даъво қилувчиларни фош қилса, иккинчи томондан фаннинг киши фаолиятидаги роли ҳақида аниқ билим олишимизга ва ниҳоят инсон илмини тизимли ўрганиш қоидалари ҳақида тўлиқ концептуал билимга эга бўлишимизга имконият яратиб беради.

Форобий фанларни классификация қилар экан, айниқса, у мусиқашунослик илмига алоҳида эътибор беради. У мусиқашуносликнинг асосий категорияларини ўзининг “Китоб ал мусиқаи ал кабир” яъни катта мусиқа китобида ҳар томонлама тўласинча баён қилади ҳамда мусиқа ва мусиқашуносликнинг ижтимоий моҳияти ва мазмунини кўрсатиб беради. Форобий илгари сураётган асосий қоидалардан бири ҳар бир инсон мусиқа куй –қўшиқни тушуниш учун бадиий назарий билимга эга бўлиши кераклиги ҳақидаги қоидалардир. Чунки Форобий назарида, мусиқа илмининг назарий қоидаларини билмасдан туриб, мусиқа санъати ҳақида нотўғри билимга эга бўлиб қолган ёзувчи мусиқани тушунмайди ва унинг фарқиға бормади.

Форобий фикрича ҳар қандай куй ва мусиқа санъати таъсир эта билиш кучига эга бўлиши ва инсонда маълум мақсад ва фикрни амалга оширишга ёрдам бериши лозим. Форобий талқинидаги мусиқанинг ижтимоий моҳияти ва кучи ҳам шундадир.

Форобийнинг мусиқа илмий ҳақидаги фикрлари машҳур “Шашмоқом”нинг айрим куйларини ва уларнинг бошланғич асосларини вужудга келишида катта рол ўйнаган ҳам назари ҳам амалий аҳамият касб этган.

Форобий мусиқашуносликни риёзиёт илмининг бир қисми ҳисоблаган. У ўзини юқорида айтиб ўтилган асарида шундай таъкидлайди: “мусиқа илмини уч асоси бор”, деб ёзади Форобий.- банд, мелодия ҳамда қўл ва бадан аъзолари нинг ҳаракати. Банд аклий тушунчаларни маълум тартиб мувозанатга солиш учун кашф этилгандир. Бу ҳар икки асос эшитиш сезгисига, қўл ва бадан аъзоларнинг ҳаракати эса кўриш сезгисига бўйсинади. Улар шу каби ва ўзаро таққослаб кўриш лозим бўлган шунга ўхшаш ҳаракатларни банд ва овоз билан мослаштириб туриш учун яратилгандир... Шундай қилиб мусиқа илми қаердан ва қандай қилиб чиққанлиги аниқланади. (Қаранг: Хайруллаев М.М. Форобий ва унинг фалсафий рисоалари. Тоғшкент, 1963, 179-бет).

Форобий фанларни классификация қилар экан, бу фанлар ўртасидаги мунобатга номиналистик нуктаи назаридан ёндашади. Умумий нарсалар ҳақидаги фан бўлган метофизикани конкрет фанлардан кейинга қўяди. Чунки метофизика кўриб чиқадиган категорияларни Форобий фикрича “хаёл борлиқдан ажратади, чунки унинг мавжудлиги умуман объективдир”.

Форобий ўзининг “Гражданлик сиёсати”, “Фозил шаҳар аҳолисининг қарашлари”, “Бахт саодатга эришиш ҳақида” асарларида бевосита ижтимоий муаммоларни кўтаради ва тизимли асосда ўрганишни ишлаб чиқади. Жумладан, адолат, ўзаро ҳамкорлик давлат, уни бошқариш, етук жамоа, эркин меҳнат фаровонлик, сиёсат принципларининг социологик асосларини очиб беради.

Бу масала бўйича Ибн Синонинг амалий фалсафасида ҳам кўпгина прогрессив ғояларни учратиш мумкин. Унинг қарашларида амалий философия шахс фаровонлигини ўргатувчи этикага, оила фаровонлигини ўргатувчи иқтисодга ва давлат фаровонлигини таъминловчи сиёсатга бўлинади.

Кўриниб турибдики, Ибн Сино фалсафани икки қисмга бўлади: а) амалий фан (философия). Бунга сиёсат, ҳуқуқ, этика ва уй ишларини киритиш мумкин. б) назарий фан. Бунга метофизика, математика, табиатшунослик киради. Табиатшуносликка у медицина, астрология, алхимия кабиларини киритади.

Ибн Сино ҳам худди Форобий каби илмлар таснифи, таърифи ва таркиби ҳақидаги фикрлари ўрта асрда фалсафанинг ривожини, унинг табиатшунослик ва бошқа фанлар билан узвий алоқасини ва умуман ҳар бир илм соҳасининг жамиятда тутган ўрнини аниқ белгилашда муҳим аҳамиятга эга.

Шу сабабдан Ибн Сино барча фанларнинг асосий қонун-қоидалари метафизикага асосланади (метафизика табиатдан ташқаридаги ҳодисалар ҳақидаги фан). Гарчи уни энг кейин ўргансалар-да, аслида у биринчи ўринда туради, деган фикрга келган.

Шу ўринда Ибн Сино ўзининг “Китоб аш-Шифо”, асарининг 9-китобини тўлиғича бағишлаган ва “Донишнома” асарларида мантиқ илмига берган унинг тузилиши, қисмлари, тафаккурининг шакллари, усуллари, қоидаларини мантикий хатоларининг ифодаланиши каби хусусиятларини аниқлаб бериш ҳақидаги илм эканлигини исботлаб бериши ўз аҳамиятини ҳозирги кун учун ҳам юқотган эмас. Мантиқ илмини тизимини кўрсатар экан Ибн Сино уни тўққиз қисмдан иборат деб таъкидлайди: булар жумласига:

1. Ал-Мадҳал-мантиққа кириш, унинг асосий вазифалари, билишда тутган ўрни, қисмлари каби масалаларни ўз ичига олади.
2. Ал-Мулоқот-бу тафаккурнинг бошланғич асосий тушунчалари, уларнинг нутқ орқали ифодаланиши каби масалалар.
3. Ал-Ибора-ҳукм, унинг турлари, ифодаланиши кабилар.

4. Ал-Сафсата-нотўғри ҳукмлар, бошқаларни алдаш, ёлғонни исботлашга қаратилган софизм, пароллогизмлар ҳақида .
 5. Ал-Ҳитоба-риторика нотиғлик санъати қоидалари, унинг таркибий қисми каби масалалар.
 6. Аш-Шеър-шеърый ҳукмлар, шеър ёзиш санъати, унинг вазифаси ва бошқалар.
- Бу тартиб Аристотелнинг логикаси-мантиғига, унинг тузулиш қисмлари га асосланиб тузилгандир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ибн Синонинг мантиқ илми тизими ҳақидаги бу қарашлари Аристотелнинг мантиқ ҳақидаги фикрларининг бевосита давоми бўлиб, унинг бойитилган шаклдаги кўринишидир. Дарҳақиқат, Ибн Синонинг ўзи мантиқ илмини –тўғри фикр юритишнинг хатолардан сақланишнинг қоидадини ўргатадиган фандир деб ҳам талқин қилади. Унинг фикрича, мантиқ илми:

-маълум билимлардан номаълум билимларга ўтиш йўлини кўрсатади:

-мантиқнинг фикрлашга муносабати граматиканинг нутққа, шеър назариясининг шеърятга бўлган муносабатига ўхшашдир, амалий тафаккур ҳар доим мантиққа муҳтож, чунки мантиқ ёрдамида у мукаммалашади, етукликка эришади деб тушунтиради.

Шу билан бирга мантиқ илми ҳақидаги фикрларини Ибн Сино бу илмни инсон ҳаёти фаолияти ҳақида ўрганиши энг зарур бўлган илмлардан бири деб ҳисоблаб, уни ҳар бир масалада тўғри ҳулоса қилишнинг калитидир, деган ҳулосага келади.

Ибн Сино “Фанларнинг ақлга асосланган қисмлари” асарида барча фалсафий фанларни иккига –назарий ва амалий фалсафага бўлади. Назарий фан метафизика (юқори даражадаги фан), математика (ўрта босқичдаги фан) ва физика (фаннинг пастки қатлами)дан иборат. Метафизика мутлақ борлиқ ва унинг умумий ҳолатларини мавҳум категориялар воситасида ўрганади. Илоҳият ҳам метафизикадан жой эгаллайди. Математика жисмларнинг соф миқдорий муносабатларини, физика эса табиатни, моддий оламни тадқиқ этади.

Ибн Сино мантиқни илмлар таснифига киритмайди, уни билишнинг воситаси деб ҳисоблайди. Амалий фалсафа сиёсат, ҳуқуқ, оилага алоқадор муаммоларни, ахлоқни қамраб олади. Олим илм соҳаларини таснифини тузар экан, уни олам ҳодифалари реал ҳоссаларидан келиб чиққан ҳолда тадқиқ этади. Айниқса, “Табиат дурдонаси” асари бу борада муҳим аҳамиятга моликдир. У асарнинг тўрттинчи қисмида электр ҳодисасига тўхталиб, унинг ишқаланишга боғлиқ эканлигини тажриба орқали тушунтириб беради.

Ибн Синонинг фанлар калассификацияси ёки фан социологияси ҳақидаги фикрларни ўрганар эканмиз, юқорида таъкидлаганимиздек Ибн Сино амалий фалсафани уч қисмга бўлади: ахлоқшунослик, иқтисод ва сиёсат ҳамда уларнинг конкрет таърифини беради. Ахлоқшунослик-этика-бу инсон шахсиятининг фазилатлари, ахлоқий тушунчалар ва қоидаларни ўрганади. Иқтисодиёт-оилани бошқариш, унинг талабларини, вазифа ва фаолиятини таъминлаб туриши учун зарур бўлган масалаларни ўрганади. Сиёсат эса, бу давлатни идора қилиш ва бошқариш, ҳуқумат ва фуқаролар ҳамда давлатлар ўртасидаги муносабатларни таъминлаш масалаларини ўрганади.

Беруний фан ва унинг ижтимоий моҳиятига ўзига хос тарзда ёндашади. У нафақат фанларнинг ижтимоий моҳиятини аниқлаш мақсадида уларнинг классификациясини ёритиш билан биргаликда балки уларнинг инчи тизилмасини ҳам кўратиб беришга ҳаракат қилади. Бу ҳолат айниқса, унинг тарих ва тарихийликнинг ўзига хос тадқиқотларни яратганлигида кўришимиз мумкин. Беруний назарида тарихийлик ҳар бир халқнинг ўзлигини англашининг муҳим шартидир. Шунинг учун ҳам Беруний ҳар бир халқнинг тарихни сохталаштиришга бўлган ҳар қандай ҳаракатни хавфли ғаразлик деб қарайди. Чунки ғаразлик бир жинс ёки халқни, синфни кўтариб, иккинчисини ерга уришдир.

Тарихни сохталаштирувчи ғаразгўйлар ҳақида Беруний шундай ёзади:”(Масалан) бир киши ўз жинсини улуғлаб ёлғон хабар тарқатади, бундан мақсади ўзини кўратиш бўлади.Чунки унинг ўзи ўша жинсдан келиб чиққан бўлади, ёки ўзини кўрсатиш мақсадида бошқа бир жинсни айблаб ёлғон гап ёяди, чунки у шу билан (зид жинс) устидан ғалаба қозонган ва ўз истагига эришган бўлади... (Иккинчи бир киши эса) ўзи севадиган бир табақага

миннатдорчилик билдирмоқчи бўлиб, ёки ёмон кўрадиган бир синфни хафа қилмоқчи бўлиб, улар ўртасида ёлгон хабар таркатади”. (Абу Райхон Беруний, “Ҳиндистон”, Танланган асарлар, II-жилд, Тошкент, 1965, 26-бет).

Беруний тарихни фан сифатида объективлик, тарихийлик, мантикийлик нуқтаи-назаридан тизимий шаклда ўрганиш ва классификация қилишни охирига етказган буюк мутафаккирдир. Ўзининг бу қарашларини Беруний “Масъуд қонуни”, “Ёдгорликлари”да, “Геодезия”, “Минералогия”, “Ҳиндистон”, “Гномоника”, “Фихрист” каби асарларида ишлаб чиқди. Бу асарларни тадқиқот қилиш шуни курсатадики, Беруний тарихий тадқиқотларни беш мавзуга бўлади: 1. Қадимги, илк ва ўрта аср Шарқининг умумий тарихи, маълум даражада қадимги юнон тарихи. 2. Ўрта Осиё тарихи. 3. Шарқ халқлари фани тарихи. 4. Шарқ халқлари этнографияси. 5. Шарқда дин ва бидъатлар тарихи.

Агар биз Берунийнинг тарихни социологик аспектда ўрганиш услубларига эътибор қилсак, унда икки асосий ўзига хос хислат борлигини пайқаш мумкин:

1. У турли халқлар тарихий маданий-маънавий хизматини ва айрим миллатларга хос шахсларнинг фароиятларини баҳолашда уларнинг ирқий, диний ёки сулолаларга асосланмай, ҳамма халқларга бир хилда ҳурмат қилар қарашга асосланган объективлик.

2. Воқеа ва ҳодисаларни, турли халқлар маданияти, урф-одати ва тараққиётидаги ўхшашлик, зиддиятчилик, паралеллик каби жараёнларни солиштириш, таққослаш асосида ўрганиш.

Берунийнинг фикрича, фанларнинг пайдо бўлиши сабаби ва уларнинг вазифаси инсон эҳтиёжини қондириш. Фан дин ҳукмронлигидан ҳоли бўлиши ва тараққиётида хусусий мезонларга таяниши керак, шунда мезонлардан энг муҳими тажриба ва илмий-табиий кузатишлар берган маълумотлардир.

Кўриниб турибдики, Беруний фан социологиясини асосларини ҳам унинг хусусийлик мезонларидан келтириб чиқаради ва белгилайди. Шу билан бирга фан социологиясининг чуқур билишнинг асосий мезони кузатиш ва тажриба деб билган Беруний, мамлакат ва салтанат, хал равнақи ва тараққиёти учун фан равнақини асосий зарурат деб билади. Илм-фан диний чегараларга қарамай саховатли хизматини ўташи мумкин, деб билади ва илоҳий ҳамда дунёвий билимларнинг ёнма-ён ошириб бориш мумкинлигини асослаб беради.

Беруний ижтимоий қарашларининг яна бир муҳим томони шундан иборатки, у энциклопедист олим сифатида илмий тадқиқот методини ишлаб чиқишга интилан. Ана шу методнинг асосий хусусияти ўрганилаётган ҳодисаларга тажрибавий, рационалистик ёндашиш бўлиб, унинг энг муҳим талаби оғишмай ҳақиқатга интилиш бўлган. Айнан шу илмий тадқиқот улуи унинг табиий-илмий ва фалсафий қарашларининг муайян томонларини аниқловчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Берунийнинг турли фанлар соҳаси бўйича қўллаган тажрибавий услуби нақадар фойдали эканлигини “Минерология” асарида яққол кўришимиз мумкин. Берунийнинг минерология соҳасидаги меросини ўрганувчи олимлардан бири Г.Т.Леммлейн унинг минерологияда қўллаган услуби тўғрисида гапириб: “Мантикий тузулишларни кузатиш ва тажрибадан аниқлашни талаб этувчи илмий услуб ҳамда ҳозирги замон фанининг қоидаларига жавоб берувчи усул “дир, дейди. Ўзининг бу фикрини давом эттириб Г.Т.Леммлейн: “Беруний даврида тажрибавий фанлар маълум тараққиётга эришган эди ва тажриба услуби биринчи мартаба сезиларли даражада табиатшунослик амалиётига киритилган эди”, дейди. (Г.Т.Леммлейн. Минералогические сведения, сообщаемые в трактате Беруни. В кн: Собрание сведений для познания драгоценностей (Минералогия). М.: 1963, 317-бет).

Берунийнинг табиий-илмий мероси, аниқ фанлар бўйича кўтарган муаммолари ўз даврида оламнинг умумий манзарасини яратди ва фалсафий тафаккурнинг ривожланишида катта аҳамият касб этди. Айниқса унинг астрономия соҳасидаги хизмати жуда каттадир. У ер ҳаракати тўғрисидаги масала устида тўхталиб, геоцентрик ва гелиоцентрик тизимларнинг геометрик асосларининг кенглиги масаласини кўтариб чиққан эди. Беруний ер айланиш ҳодисасига геометрик ва физик нуқтаи-назардан ёндашади ва Ер билан жисмлар ўртасидаги тортишиш кучларининг мавжудлигини эътироф этади. Ернинг экватор бўйлаб ҳаракат

тезлигини ҳисоблаб чиқади ва бу тезликнинг ниҳоятда катта эканлигига ўзи ҳайрон қолади, ҳамда унинг бу ҳисоби ҳозирги тадқиқотларнинг Ер айланиш тезлиги ҳисоби билан диярли фарқ қилмайди.

Ислом фалсафасининг йирик намоёндаси Абу Ҳомит Ғаззолий (1058-1111) ўзининг “Ал-Мунқиз мин аз –залал”, “Таҳофут ал-фалосифа”, “Мақосид-ул-фалосифа” асарларида фанларни тизимлаштиришда аҳли сунна вал-жамоа тариқини ёқлаб, куфур ҳисобланган таълимотларини қаттиқ танқид қилган. Айрим мусулмон дини пешволари ислом ғояларини тарғиб этмаган ҳар қандай соф илмий асарга нафрат билан қараб, уни зарарли ҳисоблаганлар. Жумладан, улар юнон ва Рим олимлари асарларининг тарқалишига тўсқинлик қилганлар. Шу мақсадда, дейди –Беруний “Жойлар чегарасини аниқлаш” китобида, -улар охири “син” (“с”) ҳарфи билан тугайдиган ҳар қандай номга нафрат кўзи билан қарайдилар (маълумки, юнонча ва римча номлар охири “с” ҳарфи билан тугалланади). Натижада, таржимонларнинг кўпи бу нафрат ва таъкибдан қутулиш чорасини излаб, юнонча номларни арабийлаштиришга мажбур бўлганлар. Масалан, юнонча “Котигоритас”, “Аналитикус”, каби сўзларнинг “Ал-Мақолут”, “Ал-қиёс вал бурхон”, “Арасту” бўлиб кетиши бойиси ҳам шундадир. Бу тенденция номларнигина эмас, балки мазмуннинг ҳам ўзгаришига сабаб бўлган.

Шунинг учун ҳам Ғаззолий фанларни динга бевосита ва билвосита таъсиридан келиб чиқиб уч гуруҳга бўлади:

1. Динга хизмат қилувчи илмлар (шаръий илмлар).
2. Динга зид илмлар (улар қаторига фалсафани ҳам қўшади).
3. Динга фойдаси ҳам, зарари ҳам тегмайдиган илмлар (математика фанларини киритади).

Ғаззолий файласуфларни асосан уч синфга ажратади: улардан даҳрийлари энг қадим файласуфлардан Яратувчини инкор этиб, оламнинг азалий эканлигини таъкидлаган, иккинчи синфдаги табиатчилар Яратувчининг мавжудлигини қабул қилса-да, лекин руҳнинг фанийлиги ва қайтадан дунёга келмаслигини илгари сурган (шу боис, улар охиратни инкор этганлар), илоҳиётчилар деб аталмиш учинчи синф эса, Сукрот, Афлотун ва Арасту бошчилигидаги кейинги давр файласуфларидир. Улар даҳрий ва табиатчи файласуфларни танқид қилганлар. Ўз навбатида Арасту ҳам Сукрот ва Афлотунни танқид остига олган. Ғаззолий эса бу файласуфларни, шунингдек уларнинг изидан борган Форобий ва Ибн Синодек мусулмон файласуфларни куфрда айблаган. (Қаранг: Ғаззолий. Ал-Мунқиз мина-д-далол (М.Мухаммад Жобир шари). Қоҳира. “Мактабату-л-жундий”. –Б.18-22-бетлар).

Ислом оламида юзага келган фикрий ҳаракатлар калом, тасаввуф ва фалсафа кўринишида асосан уч йўналишда шаклланди. Улардан калом ва тасаввуф Қуръон ўртага қўйган имон асослари ва ахлоқ тамойилларини мақсад қилиб олган бўлса, фалсафа антик ва эллинистик даврлардаги фикрий меросни ўрганишдан ташқари, тадқиқ этилган онтологик, эпистемологик, этик ва теологик муаммоларни ўзига хос услублар билан изоҳлагани боис, ўзгача натижаларга эришди. Шу сабабли, VIII-XIII асрлар ўртасида мусулмон жамиятида 500 йил жуда фаол фалсафий ҳаракат вужудга келди. Бу эса, ўз навбатида, кўпгина фалсафий мактабларнинг юзага келишини таъминлади.

Низомий ҳам аниқ табиатшунослик фанлари бўлган астраномия ва астрология каби фанларни инсон моҳияти билан боғлаб, табиатшуносликнинг социологик тамойилларига пойдевор қўйганлардан ҳисобланади. Ҳудди шу маънода у астрологияни чуқур ўрганиб, ўша давлат астрологиясида катта ўрин тутган Баром гараскопини яратган.

Шу билан бирга у ўзининг “Лайли ва Мажнун” асарида осмон жисмлари ва планеталарини кузатиб, тўлиқ маънодаги астраномияни, юлдузлар осмони Харитасини баён қилади ва унинг инсон ҳаётидаги ижтимоий ролини очиб беради.

Низомийнинг табиатшунослик фанларини ижтимоий моҳиятини очувчи яна бир характерли томони, уни жўғрофия ва космография адабиёти билан ҳам таниш бўлганлигидир. Дарҳаққат, Низомий Искандар юришларини баён қилар экан, аввало, у ўз юришларидан олдин ўша халқнинг бутун ўзлигини билиб олганлигини баён қилади. У нафақат юриш қилмоқчи бўлган мамлакат табиий географиясини, балки ижтимоий географиясини ҳам ўз кузатишлари орқали билиб олгалигини ёзади. Бу билан Низомий ижтимоий жўғрофияни ўз

даври учун хос бўлган асосларини яратган эди. У бу масалага рационалистик ёндашиб “ажаб ал-махлуқот”, деб атайди.

Табиатшуносли фанларидан бўлган математика ва химия Низомий поэмаларида камрок ишлатилсада, лекин учрайди. Булар учраши эса, ижтимоий ҳарактер касб этади. Бюунинг маъноси табиатшунослик фанларининг инсон фаолиятидаги ўрнининг буюклигини кўрсатишдир. Лекин Низомий алхимикларни шарлатанлар, деб атаб уларга эргашмасликка чакиради. Унинг назарида ҳокимиятни файласуфлар бошқариши керак ва шу вақтдагина сиёсат мувофақиятли бўлади. Кимда-ким алхимиклар тўзоғига берилмаса, ўша одамда ҳокимиятни фалсафий тожи мавжуд бўлади, дейди Низомий. (Қаранг: Е.Э. Бертельс. Низами и Фузули, 107-бет).

Низомий назарида, аниқ фанлар жавоб бера олмаган саволга дин ва унинг илоҳий кучи жавоб бера олади. Бу билан Низомий диннинг ижтимоий моҳиятини унинг жамият учун аҳамиятини тўлиқ тушунган. Чунки дин инсонни бутун алаҳсираш ва ҳардамҳаёлликдан кутқара олади. Шунинг учун ҳам Низомий айнан диндан таянч топади ва унга таянади. Лекин бизнинг фикримизча, баъзи бир муаллифларнинг, жумладан, Е. Э. Бертельснинг Низомийни Умар Ҳаёмга қарама-қарши қўйиш унчалик тўғри эмас. Шу билан бирга Умар Ҳайём қарашларини тубанлашган тушқунлик “иступленный пессимизм” деб аташининг ўзи ҳам нотўғридир.

Фанларни социологик таснифлашда Ибн Халдуннинг қарашлари қизиқарлидир. Чунки Ибн Халдун биринчи бўлиб “цивилизация”, “маданият” тушунчаларини мустақил фан сифатида таҳлил қилди ва уларнинг фан сифатидаги вазифаларини аниқлаб берди. Ибн Халдун ўзининг “Муқаддима”сида тўғридан-тўғри бу фанларни умран тушунчаси билан ифодалаб уни ҳар томонлама асослаб беришга ҳаракат қилди. Лекин мутахассислар фикрига кўра, Ибн Халдуннинг умран тушунчаси ва унга берган таърифи ҳозирги фандаги “цивилизация”, “маданият” тушунчаларига мувофиқ келмайди, чунки Ибн Халдун умранни инсонлар ҳаёт фаолиятлари жараёни сифатида қарайди. Ҳозирги фанда эса бизга маълумки, “цивилизация”, “маданият” тушунчаларини яъни умранни “ижтимоий турмуш” билан ҳамоҳанг, деган фикрни билдиради.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Бу фикрга С.М.Бацева Ибн Халдуннинг ўз “Муқаддима”сида берган қўйдаги таърифидан келиб чиқади: “Умран бу кишиларнинг биргаликдаги ҳаёт, қишлоқ ва шаҳар кишиларининг биргаликдаги турар жойи бўлиб, кишиларнинг биргаликда яшашга бўлган интилиши ва уларнинг ўз эҳтиёжларини биргаликда қондиришга бўлган интилишлари бўлиб, бу кишиларнинг турмуш воситаларини биргаликда яратиш ва ҳамкорлигига бўлган эҳтиёжи табиатидан келиб чиқади”.

Ибн Халдун ўзининг шу асрида ўзи яратган янги фанни фалсафа, тарих ва социология билан ўзаро алоқаси баёни орқали унинг функцияларини янада конкретлаштиради: 1. Бу фаннинг фалсафа нуқтаи-назаридан талқин қилиб ва уларнинг ўзаро алоқаси ҳақида тўхталиб, воқеаларнинг келиб чиқишини бошланғич асослари билишни ва уларни тўғри баён қилиш ва асослаш. 2. Тарихий нуқтаи-назардан эса, ҳар бир жараёни тарихий асосларини тушунтириш. 3. Социологик нуқтаи-назардан эса-кишиларнинг жамиятдаги турмушини тадқиқ қилиш, давлатнинг ва ижтимоий ҳаётнинг пайдо бўлиш сабабларини кишилар ижтимоий ҳаётининг турли ҳолатларини таҳлил қилишдан иборат, деб кўрсатади.

Кўриниб турибдики, Ибн Халдун “Муқаддима”да нафақат умраннинг таърифини балки социологиянинг ҳам фан сифатидаги асосий функцияларини кўрсатиб берган ва кишиларнинг ижтимоий ҳаётларини турли хил ҳолатларини анализ қилиш унинг асарини асосий мағзини ташкил қилади ва шунинг учун ҳам “Муқаддима”ни Ибн Халдуннинг социологик фикрлари тизимлаштирилган ва биринчи бўлиб социологияга фан сифатида таъриф берилган асар, десак хато бўлмайди.

Буюк олим, астроном ва математик, давлат арбоби ва мутафаккир Мирзо Улуғбек (1394-1449) илм фан аҳилларига ғамхўрлиги туфайли жаҳон табиий фанлари тарихида ўз кашфиётлари билан улкан из қолдирган ва ҳозирги кунларда ҳам ўз қадрини йўқотмаган

олимларнинг йирик қатлами пайдо бўлди ва улар ўрта аср даври цивилизациясининг асосчилари эди десак муболаға бўлмайди. Булар жумласига, Улуғбекнинг ўзи ташкил қилган академия яъни, илми нужум марказида илмий жасорат кўрсатган алломалар Али Қушчи, Сайид Имомиддин, Муҳаммад ал Хусайин (тахаллуси Сайид мунажжим), Али Жаъфар Руми, Абдалали Муҳаммад ал –Хусайин Буржандий, Сайид Шариф Али Муҳаммад ал-Журжоний, Мусо Муҳаммад ар-Руми Қозизода, астролог Абу Наср Муҳаммад Бухорий Порсо, Мирем Чалобий, риёзиёт арбоби Жамшед Мансур Махмуд ат-Табиб ал-Кошони (тахаллуси Ғиёс), минеролог Муҳаммад Мансур, тиббиёт алломалари Нафис Азиз аз-Кирмоний, Муҳаммад Йусуф, Муҳаммад Алоуддин Хайбутулло Сабзаворий, Тождиддин Ҳаким ва бошқаларни киритиш мумкин.

Биз бу фикримизни Давлатшоҳ Самарқандийнинг тазкираси билан янада асослироқ қилиб шуни келтирмоқчимиз. Тазкирада ёзилишича: “Аммо мағфур султон саъид, шаҳид Улуғбек Кўрагон, қабри (ҳамиша) равшан бўлсин, подшоҳи олам, одил, ғолиб ва соҳиби Ҳиммат эди... Ҳукамо ва фузало иттифоқидирларки, исломият даврида, балки (Искандар) Зулқарнайнинг замонидан то шу давргача, илми ҳикматда Улуғбек Кўрагондай подшоҳ салтанат таҳтида қарор топган эмасдир”. (Самарқандий Давлатшоҳ. Тазкира, 57-бет).

Улуғбек биринчи бўлиб, ўз подшоҳи даврида Туронзаминда илму-фан натижалари ва ҳулосаларини турмушга, ижтимоий ҳаётга татбиқ этиш ғоясини илгари сурган. Бу эса Улуғбекнинг ҳамма илми бўлиши керак деган ғоясига тўла амал қилганлигидан дарак беради. шу сабабли Самарқанд мадрасаси пештоқига юлдузли осмонни, Бухоро мадрасаси пештоқига “Илмга интилиш ҳар бир мусурмон ва муслиманинг бурчидир”, деб ёзилганлиги эса унинг ўта маърифатпарвар бўлганлигидан, илм ва фан қудратига унинг ижтимоий кучига ишонганлигидан дарак беради.

Улуғбекнинг табиий илмий меросини ўрганиш бизни унинг минералогия соҳасидаги буюк кашфиёт ва ишларидан ҳам баҳраманд бўлишимизга сабаб бўлди. Улуғбек шох сифатида ва олим сифатида ҳам табиий тошларнинг салтанат учун хазина учун аҳамиятини жуда катта эканлигини билган уларнинг энг қиммат баҳоларини ажратиб олишдек буюк минеролог олим вазифасини ҳам бажарган. Чунки, Улуғбек ана шу қимматбаҳо тошларнинг қадрини ўлчаб айирбошлашга кирита олган эди. Шу билан бирга унинг минералогия соҳасидаги билими ўзи кўрдирган иншоотларни безашда янгича ўзига ҳос дид ва ҳашам беришда уйғунликни юзага келтирди. Бунинг билан Улуғбекнинг 1424 йилда Муғилистон хони Шермуҳаммад устидан қилинган ғалабадан кейин Чу дарёси ёқасидаги Кетмантепа тоғидан олиб келинган ва бобоси Темурнинг қабри устига қўйилган нефрит яъни ғалаб тошидан, ҳамда Муҳаммад Султон қабри устига қўйилган қизғиш рангли яъни, қайғу аламини англатувчи ҳақиқ тошлардан ҳам билиб олишимиз мумкин.

Бу эса Улуғбекнинг Беруний илмий меросини чуқур билганлигини ва ўз даврида табиатшунослик ижтимоий тамойилларини асосини қурганлигини кўрсатди.

Улуғбек ҳомийлигида ва бошчилигида фанлар бўлган фалакиётшунослик, риёзиёт, жуғрофия, ҳунармандчилик ва меъморчилик соҳасидаги кашфиётлар Ашраф Аҳмедовнинг фикрича мусулмонларнинг муҳим ижтимоий ҳаёт соҳаларига хизмат қилган ва қўйидаги масалаларни ҳал қилиш билан боғлиқ бўлган:

1. Жойнинг жуғрофик йўналишларини аниқлаш;
2. Маҳаллий меридиан билан Қибла йўналишини кўрсатувчи катта доира орасидаги бурчакни аниқлаш.
3. Жуғрофик йўналишларни ҳисоблаш учун аниқ риёзий (трагонометрик) ҳисоблаш қоидалари ва усулларини билиш;
4. Жуғрофик йўналиш асосида Қуёш баландлигини аниқлаш қоидаларини билиш;
5. Қуёш, Ой, сайёралар ва бошқа ёриткичларни кеча-кундузнинг исталган вақтидаги ҳолатини аниқлайдиган сферик астраномиянинг аниқ қоидаларини билиш;
6. Турли шаҳарлар орасидаги масофаларни аниқлаш учун геодезик ўлчашларни бажариш;
7. Турли ўлчаш асбобларни ясаш;
8. Ернинг маълум қисми ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш учун хариталар тузиш;

9. Хариталарни тузиш учун риёзиётга таълуқли кўриниш ҳолларини билиш;
10. Фалакиётшунослик, жуғрофия ва геодезияга таълуқли ҳисобларни бажариш учун юксак аниқликдаги риёзий ҳисоблаш усуллари билиш;
11. Ёритгичларни кузатиш об-ҳаво билан боғлиқ бўлганлиги учун меъморчилик санъати ва анъаналаридан хабардор бўлиш.

Айнан, Улуғбекнинг илм фан жонкуяри бўганлиги, ҳамда маърифатпарварликдан иборат сиёсати туфайли Шарқда араб халифаси ибн-Маъмун (813-833) даврида Боғдодда ташкил этган ва «Байтул ҳикма», яъни «Хикматлар уйи» академияси, (Бу академия 200 йил фаолият кўрсатган ва ўзбек олимлари Муҳаммад ибн Мусо ал Хоразмий /873-850/ ва Муҳаммад ибн Каср ал-Фарғонийлар IX-X асрлар/ араб олимлари билан бирга фаолият кўрсатганлар) ва тахминан

1000 йиллар атрофида хоразмшоҳ Али ибн Маъмун Хоразмда (Гурганда) ташкил этган академиясидан (бу академияда комусий олим ибн Ирокий ва унинг шогирди Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино фаолият кўрсатганлар) кейин учинчи академия Улуғбекнинг «Самарканд академияси» Шарқ, халқлари маданияти тарихида ўчмас из қолдирди. Бу академия «Улуғбекнинг Самарканд астраномиямактаби» номибилан тарихда қолган. Француз олими, файласуф ва маърифатпарварёз Вольтер (1694-1778) Улуғбекнинг бу астраномия мактабини «Улуғбек академия» деб билиб келган.

«Трансоксианада унинг (яъни Темурнинг ўрнигатахтга чиққан машхур Улуғбек Самарқандда биринчи академияга асос солди)», деб ёзди Вольтер. Ушбу астраномия мактабида олибборилган кузатишлар натижасида 1437 йилда «Улуғбек Зиди» дунёга келди.

Букитобда Улуғбек ихтиёрий давручун ўртача ўзоқликни аниқлаш, сайёраларнинг осмон сферасидаги ҳақиқий ўрнини аниқлаш, Куёш ва Ой тутулиши масалаларини олиб қарайди. У Ой ва Куёш тутулишини жадвал ва бевосита ҳисоблаш усуллари орқали баён қилади.

Шу билан бирга асарнинг юлдузлар каталоги қисмида 1018 юлдузнинг ҳар бирини туркумлар бўйича жойлаштириб, уларнинг таърифини беради.

Бу асарнинг қиммати яна шундаки китобнинг охириги тўртинчи илми нужум боби яъни астрологияга бағишланган.

Бу қисмида илми нужумда турлича мос туришларига қараб кишиларнинг тольеномасини тузиш, сайёралар турли-туман туришларининг кишилар тақдирига таъсири масалалари ёритилган. Бу бир томондан Улуғбекнинг маърифат парварлик сиёсатидан далолат берса, иккинчи томондан ўз даври учун табиатшуносликнинг ижтимоий тамойилларини яратганлига далилдир.

Улуғбек маърифат масканлари бўлган Самарканд (1420), Бухоро (1417), Риждувон (1433) да мадрасалар ва расадхоналарида ва ўларни халқ хизматида қиладиган масканларга айлантирди. Зайниддин Восифий хабарига кўра Мовароуннахрда тўпланган олимлар сони 100 дан ошиб кетган. Бу мадрасаларда табиатшунос олимлари билан бир қаторда йирик забардаст шоирлар бўлган Мавлоно Лутфий, Мавлоно Хаёлий, Исматулла Бухорий, Камал Бадахший, йирик адабиётшунос ҳамда тилшунос Хожа Фазлуллоҳ Абуллайсийлар фаолият кўрсатганлар.

Улуғбек ўзмаърифатпарварлик сиёсатида манбашуносликка катта эътибор берган. Турк тилида ёзилган қадимий манбаларни ўрганиш ва уларни халқ орасига ёйиш учун катта ишларни амалга оширган. Айниқса, 1444 йилда Аҳмад Югнакий (XI-XII аср)нинг машхур бўлган «Хиба ул-Хақойик» («Ҳақиқатлар тухфаси») номли асари янгидан кўчириб ёзилди. Таржимонлик ишлари ривожланиб форсий ва араб тилида ёзилган қimmatли асарлар туркий тилга ўтирилди.

Улуғбек тарих ва мусиқа илмига катта эътибор билан қараган ва бу соҳаларда ҳам қалам тебратган. «Мухит уттаворих» номли асарида ёзилишича, Улуғбек Мирзо зўр шинаванда мусиқашунос ҳам бўлган. У катта ва кичик хонаҳоларда ижро этиладиган булунжий, шодиёна, ахлокий, улусий ва усулий равон каби мусиқа асарларини яратган. Шунингдек, «Тарихий Рашидий»нинг муаллифи Муҳаммад Ҳайдар Мирзо Улуғбек Мирзонинг етук олим бўлганлигини таърифлаб «Мирзо Улуғбек тарихнавис донишманд эди ва «Тарихи арбаъ улус»

(«Тўрт улус тарихи»)ни ёзиб қолдирган эди», дейди. Бу ҳақда машҳур тарихчи Риёсиддин Хондамир ҳам маълумот беради.

Улуғбекнинг бундай маърифатпарварликдан иборат сиёсати натижасида илм-фан камол топди, Мовароуннахрда илмий мухит вужудга келди ва Самарқанд Шарқ цивилизациясининг маркази сифатида мустаҳкамланди.

Буюк Алишер" Навоий Улуғбекнинг фаолиятига энг адолатли тарзда баҳо берган мутафаккирдир. Аллома Улуғбек мадҳида ғазаллар битган:

Темурхон наслидин султон Улуғбек,
Ки олам кўрмади султон анингдек.
Онинг обнойи жинси бўлди барбод,
Ки давр аҳли биридин айламас ёд.
Валек ул илм сори топти, чун даст,
Кўзи олинда булди осмон паст.
Расадким боғламиш зеби жаҳондир.
Жаҳон ичра яна бир осмондур.
Билиббу навъ илмиосмоний,
Ки ондинёзди «ЗижиКурагоний».
Қиёматга деганча аҳли айём,
Ёзарлар онинг аҳкомидин аҳком.

Хақиқатан ҳам буюк бобоколониимиз Мир Алишер Навоийнинг таъкидлаганидек, Улуғбекнинг «Зижи» ҳозирги кунимизда ҳам ўз қимматини йўқотган эмас.

Улуғбекнинг «Зижи» дунё кутубхоналари ва шахсий китоб йиғувчилар орасида энг кўп тарқалган асар бўлиб, ҳозирги кунда бу асарнинг 150 дан ортиқ нусхаси маълум.

Шарқ ижтимоий фикрлар тарихида Хусайн Воиз Кошифийнинг (1440-1505) алоҳида ўрни бор. Воиз Кошифий ахлоқшунос сифатида ўзининг энг йирик ва машҳур асари бўлган «Ахлоқи Мухсини» асарида ижтимоий қарашларни тизимлаштиради. Шу ўринда Кошифий ўзининг ижтимоий қарашларида илм-фан социологиясига алоҳида тўхталиб ўтади. Унинг бу қарашлари фанларни классификация қилиш билан боғлиқдир. Аввало фан Кошифий назарида жамият тараққиёти учун энг зарур ва керакли нарса. У ҳар бир жамият аъзосини билимдон бўлишга чақириб, фанларни амалий ва назарий фанларга ажратади. Лекин уларнинг аниқ номларини келтирмайди. Амалий фанлар Кошифий назарида уч қисмга бўлинади: Биринчиси, касб - хунардан пайдо бўладиган фан ёки касб-хунар илми деб юритилган. Иккинчиси кузатиш билан боғлиқ бўлган, исбот ва далилга мухтож бўлмаган фанлар. Учинчифанилоҳийфан бўлиб, у билим эгаллаш билан боғлиқ эмас.

ХУЛОСА

Фанлар туркуми бўйича ўз фикрларини баён қилар экан, аввало Кошифий бу илм ўрганиш ва эгаллаш бойлик ортириш учун эмас балки у дунёга очиқ юз билан боришга тайёргарлик эканлигини айтиб ўтади.

Ўрта асрларда подшолар мунажжимлик яъни илми нужумга алоҳида эътибор беришган. Мунажжимлик-сайёраларнинг бурчларига ҳамда ўзаро жойлашувига қараб фол очиш ҳисобланади.

Илми нужум, тўғрироғи, мунажжимлик, ҳозирги тилда астрология (кўпинча асрономия фани ҳам илми нужум дейилади) қайси сайёра қайси буржда жойлашганига қараб фол очиш билан шуғулланади. Табиийки, бу ҳеч қандай илмий асосга эга бўлмаган, батамом ғайри илмий машғулотиқдир. (Астрологиянинг соҳталиги шундан ҳам кўринадики, бугунга келиб, Ер ўқининг силжиши оқибатида сайёралар ўн учта юлдуз туркумидан ўтади). Ўрта асрларда астрологлар Қадимги Юнонистонда қолган эътиқодга кўра бўлажак жанг тақдири тўғрисида шу кунги Марснинг ҳолатига қараб фол очишган.

Мунажжимлик Бобур тақдирида (ва бунинг оқибатида бутун темурийлар салтанати ва Мовароуннахр тарихида) ўта салбий роль ўйнаган: юлдузларнинг ҳолатига қараб, мадад

кучлари етиб келишини кутмай, Шайбонийхондай тажрибали рақибга қарши шошилиб жанг бошлаган: “Менинг эҳтимомим (ташаббусим)нинг жиҳати бу эдиким уруш куни саккиз юлдуз оралиқта эди, агар ул кундан ўтса, ўн уч-ўн тўрт кунгача саккиз юлдуз ғаним орқаси сари бўлур эди. Бобур бу аччиқ тажрибадан муҳим хулоса чиқарган: “Ул мулоҳазалар ҳеч экандур. Бетақриб таъжил қилибтурбиз (шошилибмиз). (Қаранг: Бобурнома, 89-бет).

Кейинчалик, Канва жанги арафасида Бобур бу хулосага қатъий амал қилган: “Муҳаммад Шариф Мунажжим шумнафас, агарчи манга айтар ёроси йўқ эди, ҳар кимга йўлуқса муболағалар айтур эдиким:”Бу айёмда Миррих ғарб соридур, ҳар ким бу тарафдин урушса мағлуб булур”. Бобур мунажжимликка ишонмаган: “Мундоқ шумнафас неким сурди, бедил элнинг кўнглини кўпрак синдурди. Анинг паришон сўзларига гўш қилмай (парво қилмай), қилур ишларимизни тикилмай (тўхтатмай) уруш бажит ва масоф қилмоққа мустаъид бўлдук (урушга астойидил саф тизиб тайёрландик). (Қаранг: Бобурнома, 311-бет).

Мунажжим башоратига зид ўлароқ, бу жангда Бобур қўшини ўзидан кўп марта йирик лашкарни енгади: Муҳаммад Шариф Мунажжимким, не навъ шумнафас (лик)лар суруб эди, филхол муборакбодға келди. Ғалаба (кўп) сўқуб, ичимни ҳоли қилдим. Агарчи кофирваш ва шумнафас ва ўзига асру мағрур ва бисёр сард (совук) киши эди, чун қадим хизмати бор эди, бир лак инъом қилиб, рухсат бердимким, менинг қаламравимда турмағай”. (Қаранг: Бобурнома, 325-бет).

Библиография

“АВЕСТО”. Тарихий-адабий ёдгорлик. Ғофур Ғулом номидаги матбаа ижодий уйи нашриёти. Тошкент.2015.

БЕРУНИЙ. А.Р.Танланган асарлар. I- том, Т., 1963.

БЕРУНИЙ. А.Р.Танланган асарлар. 2- том, Т., 1965.

БЕРУНИЙ. А.Р.Танланган асарлар. 3- том, Т., 1966.

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР. Бобурнома. Тошкент. “Шарқ” нашриёт матбаа акциодорлик компанияси Бош таҳририяти. 2002.

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР энциклопедияси. “Шарқ” нашриёт матбаа акциодорлик компанияси Бош таҳририяти. Тошкент. 2014.

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР. Девон.Тузувчи:Шафика Ёркин. Қобул. 1983.

БОБУР. Мухтасар. Нашрга тайёрловчи Саидбек Ҳасан. Т., “Фан”, 1971.

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР. Мубаййин. Нашрга тайёрловчилар. Саидбек ҲАСАН, ҲАМИДБЕК ҲАСАН. Т.,Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 2000.

МАҲДУМИ АЪЗАМ ДАҲБЕДИЙ. Зубдат ус –соликин ва Танбият ус -салотун. Нашрга тайёрловчи Б.Валихўжаев, таржимон К.Каттаев. Самарқанд, “Сўғдиёна”, 1994.

ЖОМИЙ А. Лайли ва Мажнун. Саломон ва Абсол. Тошкент, Ғофур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти.

КОНФУЦИЙ. Муҳокама ва баён. – Т.:”Янги аср авлоди”. 2013.

ШАЙХ НАЖМИДДИН КУБРО. Жамолнинг менга бас. Рубоийлар. Тошкент. Ғофур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1994.

ШАЙХ НАЖМИДДИН КУБРО:Мақолалар. Мас. мух.Э.Юсупов.Тошкент. 1995.

ХУСАЙН ВОИЗ КОШИФИЙ. Футувватномаи Султоний ёхуд жавонмардлик тариқати. Тошкент, Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 1994. Форс –тожик тилидан Н.Комилов таржимаси.

ХУСАЙН ВОИЗ КОШИФИЙ. Ахлоқи Муҳсини. Рисолои Хотамия. Душанбе, “Адиб”, 1991.

МАРҒИНОНИЙ Б. “Ҳидоя”. 1-жилд.Тошкент, Адолат, 2000.

Тарихи Муллазода. Самария –Т.:”Янги аср авлоди”.2009.

МУҲТАСАР:(Шариат қонунларига қисқача шарҳ).-Т.:Чўлпон”.1994.

Transliteration

- "AVESTO". Tarikhiy-adabiy yodgorlik. Fofur Fulom nomidagi matbaa izhodiy uyi nashriyoti. Toshkent. 2015.
- BERUNIA. A.R. Tanlangan century. I-volume, T., 1963.
- BERUNIA. A.R. Tanlangan century 2-volume, T., 1965.
- BERUNIA. A.R. Tanlangan century. 3-volume, T., 1966.
- ZAIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR. Boburnom. Toshkent. "Shark" nashriet matbaa aktsiodorlik company Bosh tahiriyati. 2002.
- ZAIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR encyclopedia. "Shark" nashriet matbaa aktsiodorlik company Bosh tahiriyati. Toshkent. 2014.
- ZAIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR. Devon Tuzuvchi: Shafika Yorkin. Kobul. 1983.
- BOBUR. Muxtasar. Nashrga preparatory Saidbek Hasan. T., "Fan", 1971.
- ZAIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR. Mubayyin. Nashrga tayerlovchilar. Saidbek KASAN, KAMIDBEK KASAN. T., Abdullah odiriy of the nomidagi xalk merosi nashriyoty. 2000.
- MAXDUMI AZAM DABEDIY. Zubdat us-solikin va Tanbiyat us-salotun. Nashrga tayerlovchi B.Valikhjayev, tarzhimon K.Kattayev. Samargand, "Sadiyona", 1994.
- JOMIUS A. Layli with Majnun. Salomon with Absol. Toshkent, Fofur Kulom Literature, and Art Publishing House.
- CONFUCIUS. Muxokama with Bayon. - T.: "Yangi asr generation". 2013.
- SHAIKH NAZHMIDDIN KUBRO. Jamoling to my bass. Ruboijlar. Toshkent. Fofur Fulom Literature and Art Publishing House. 1994.
- SHAIKH NAZHMIDDIN KUBRO: Maqolalar. Mas. mux.E. Yusupov, Tashkent. 1995.
- HUSAIN VOIZ KOSHIFY. Futuvvatnomai Sultoniyy yogud javonmardlik tarigati. Toshkent, Abdulla Yodiriy of the nomidagi xalk merosi nashriyoti. 1994. Force –tozhik tilidan N.Komilov tarzhimasi.
- XUSAYN VOIZ KOSHIFY. Axloki Muxsini. Risoloi Hotamia. Dushanbe, "Adib", 1991.
- MARINONY B. "Idoya". 1-zild. Toshkent, Adolat, 2000.
- Tarihi Mullazoda. Samaria –T.: "Yangi asr avlodi". 2009.
- MUXTASAR: (Sharia konunlariga kiskacha sharx) .- T.: Chylpon ". 1994.



Межевникова Ольга Петровна
 старший преподаватель кафедры
 «Философия и национальная идея»
 Ташкентский государственный
 технический университет (Узбекистан)
 E-mail: olgamejevnikova@mail.ru

ТРАНСФОРМАЦИЯ СОЦИАЛЬНЫХ ОТНОШЕНИЙ В РЕЗУЛЬТАТЕ ВИРТУАЛИЗАЦИИ ОБЩЕСТВА

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9505-2020-SI-2-10>

АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается ведущая роль виртуальной реальности в трансформации социальных отношений и сообществ. Цель исследования – раскрыть особенности становления нового социально-информационного пространства современности под влиянием информационно-коммуникативных технологий. Автор попыталась представить изменение социальных отношений в контексте виртуализации современного общества. Проведенный сравнительный анализ традиционных и виртуальных сообществ показывает трансформацию социальных взаимодействий и переход их в глобальную информационную сеть. В статье подробно описан процесс и особенности виртуализации социальных сообществ. Автор не просто фиксирует инструментальный характер виртуального, а включает виртуальность в бытие социальной системы. Научная новизна заключается в междисциплинарном рассмотрении вопроса виртуализации социальных институтов с привлечением трудов современных философов, социологов, политологов. В результате исследования автор пришла к выводу, что процесс виртуализации социальных отношений – это процесс симуляции и семиотизации социального пространства вплоть до обретения знаковой сферой статуса единственной и самодостаточной реальности.

Ключевые слова: информационное общество, виртуализация, трансформация общественных отношений, образная реальность, виртуальное сообщество, киберпространство, интернет, стратификация, социальное неравенство

Mejevnikova Olga
 «Falsafa va milliy g'oya»
 kafedrasi katta o'qituvchisi
 Toshkent davlat texnika
 universiteti (Uzbekistan)

ЖАМИЯТНИ ВИРТУАЛАСHTИРИШ НАТИЈАСИДА ИЖТИМОИЙ МУНОСАБАТЛАР УЗГАРИШИ

ANNOTATSIYA

Maqolada ijtimoiy munosabatlar va jamiyatni o'zgartirishda virtual reallikning etakchi o'rni ko'rib chiqilgan. Tadqiqotning maqsadi - axborot-kommunikatsiya texnologiyalari ta'sirida zamonamizning yangi ijtimoiy va axborot makonini shakllantirish xususiyatlarini ochib berish. Muallif zamonaviy jamiyatni virtualizatsiya qilish sharoitida ijtimoiy munosabatlardagi o'zgarishlarni namoyish etishga urindi. An'anaviy va virtual jamoalarning qiyosiy tahlili ijtimoiy o'zaro ta'sirlarning o'zgarishini va ularning global axborot tarmog'iga o'tishini ko'rsatadi. Maqolada ijtimoiy jamoalarni virtualizatsiya qilish jarayoni va xususiyatlari batafsil bayon etilgan. Muallif nafaqat virtualning instrumental xarakterini aks ettiradi, balki ijtimoiy tizim mavjudligiga virtuallikni ham qo'shadi. Ilmiy yangilik - zamonaviy faylasuflar, sotsiologlar, siyosatshunoslarning asarlarini jalb qilgan holda ijtimoiy institutlarni virtualizatsiya qilish masalasini fanlararo ko'rib chiqishdadir. Izlanishlar natijasida muallif ijtimoiy munosabatlarni virtualizatsiya qilish jarayoni - bu ishora sohasi tomonidan yagona va o'zini o'zi ta'minlaydigan haqiqat maqomini olishga qadar ijtimoiy makonni simulyatsiya qilish va semiotizatsiya qilish jarayoni degan xulosaga keldi.

Kalit so'zlar: axborot jamiyati, virtualizatsiya, jamoatchilik bilan aloqalarni o'zgartirish, obrazli voqelik, virtual hamjamiyat, kiber-makon, Internet, tabaqalanish, ijtimoiy tengsizlik

Mejevnikova Olga

Senior Lecturer, Department
of Philosophy and National Idea
Tashkent State Technical University (Uzbekistan)

THE TRANSFORMATION OF SOCIAL RELATIONS AS A RESULT OF VIRTUALIZATION OF THE SOCIETY

ABSTRACT

Шунинг учун типологияни шакллантираётган пайтда «сиёсий онгнинг ижтимоий-тарихий тараққиётнинг объектив қонунларини тўғри англаши, мавжуд вазиятдан тўғри хулоса чиқариб олиши, масъулиятни ўз устига олиб, ижодий, социокреатив кучларга таяна билиши, халқни ўз идеали, ғояси, мафкураси атрофида бирлаштириши ва умумий консолидацияни таъминлаши билан боғлиқ»[Норкулов С.Д. 2015.–Б.51.] лигини англаш мақсадга мувофиқдир.

Ижтимоий-сиёсий идеал ва шахс эстетик идеали ўртасидаги боғлиқлик жамият ижтимоий муҳити, сиёсий институтлар ҳукмронлиги, миллий-этнопсихологик жиҳатлар,

этномаданий идентификация таъсирида кечади. Шахс эстетик идеали ва ижтимоий-сиёсий идеаллар ўзаро таъсирланиш нуқталарига эга бўлиб, булар илмий когнитив-ижодий яратувчанлик, дунёқараш параметрлари, миллий менталитет ва мафкура, ижтимоий-маданий намоишкороналикда, кадриятлар ва диний идеалларни танлашда намоён бўлади.

Ижтимоий-сиёсий идеаллар мавжуд мафкуравий, сиёсий институтларни ўрнатиш мақсадида яратилиши, эстетик идеал эса ижод билан боғлиқлиги инобатга олинса, бу икки идеал шакллари ҳам шахсининг когнитив фаолияти натижаси эканлигининг гувоҳи бўлиш мумкин. Когнитив жараён мавжуд шаклланган ижтимоий, ахлоқий, эстетик, сиёсий тасаввур, идеал, қарашларга ниманидир қўшади, ўзгартиради, янгилайди ва бойитади. Ижодкор когнитив фаолиятини ўз эстетик идеали асосида ривожлантириш учун уни ижтимоий-сиёсий идеал талаблари билан мослаштиради, социал мобиллик асосида натижа кўрсатади.

Маънавий-руҳий масъулият, ижтимоий-сиёсий босим таъсирида шахс эстетик идеали ўз табиий кўринишидан сунъий, ҳаёлий образлар томон ҳаракатланиб, «ижтимоий буюртма» асосида замон қахрамони образини бадий асарда яратади. Кўпроқ бадий-фалсафий ижодда ижтимоий-сиёсий идеалларининг таъсирини кўриш мумкин. Чунки, умуман, ижод жараёни перцептив (диққат, ҳиссиётга берилиш, ўз устида қаттиқ ишлаш, нозик идрок этиш каби индивидуал психологик туйғулар), интеллектуал-эрудиция (интуиция, фантазия, ўйловчилик, топқирлик, олдиндан сезиш, катта назарий билимга эга бўлиш), характерология (ноанъанавий йўл тутиш, бетакрор фикрлаш ва қарор қабул қилиш, юқори ташкилотчилик, ишчанлик) ва мотивация (ижоддан руҳий озуқа олиш, доимо ижодий жараён ҳақида ўйлаш, бирор йирик натижага эришиш) каби психологик жараёнларни ўз ичига олади.

Ижод жараёнининг ушбу психологик акторлари эркинлик, спонтан ечим, чап ва ўнг ярим шарлар асимметрияси, иррационаллик сингари тийиқсиз онг ости фаолияти билан боғланган. Ижтимоий-сиёсий идеал таъсирида эстетик идеал алоҳида мотивация олиши ёки шу идеал туфайли ўз ўзинини ўзгартириши ҳам мумкин. Шахс эстетик идеали қотиб қолган, эклектикадан иборат, ўта абстракциялашган категория эмас, балки у ижтимоий-сиёсий идеаллар акс таъсирида ёки инерцияси туфайли ўзгарувчан, мослашувчан, янгликни ўзида тезда қабул қилувчан бўлиб, у шахсда перцептив, интеллектуал, эрудиция, индивидуал қобилият, мотивация омилини шакллантиради ва янги назария, эстетик муносабат тизимини яратади.

Бизнинг фикримизча, ижтимоий-сиёсий идеал шахс эстетик идеалига ҳокимиятнинг эстетик легитимлашиши жараёни сифатида эманацияли таъсир ўтказиб, бунини ўз навбатида илоҳийликдан халқ ҳокимиятигача бўлган уч даврга бўлиш мумкин: биринчи даврида ҳокимият ва ҳукмдорни илоҳийлиги, муқаддаслаштирилиши, илоҳий марҳамат ва сиёсий идеалнинг бирлашиши (шахс онгида улуғворлик, кўрқув ҳиссини шакллантирган) давридир; иккинчи даврида ҳукмдор шахсга айланди, шахс илоҳийликдан узилиб илоҳий кризис юз берди. Қонунийлик (легитимлик) ижтимоий-сиёсий идеалнинг марказий тушунчасига айланиб, ҳукмдор шахси орқали эстетиклаштириш жараёни юз берган. Масалан, юқори ва қуйи давлат органлари, бошқарувнинг горизонтал ва вертикал хусусият касб этиши шулар жумласидандир; учинчи даврида халқ сиёсатчилари, қонуний ҳокимият элитар қатлами шаклланиб, «ҳокимият муқаддаслиги инқирози яқунланиб, ижтимоий-сиёсий идеаллар шахс эстетик идеалига тескари пропорционал таъсир ўтказган. Ҳокимият ва сиёсат гўзаллик ва хунуқлик сифатида гавдаланиб, синфлар, гуруҳлараро конфликт, урушлар натижасида фожиавийликнинг акс эттирган» [Дорский А. Ю. 2013.С-16-17]. Демак куч гўзаллик ва олижанобликни, қахрамонона идеални акс эттирмаса, – бу фожиадир. Чунки миллатлараро, халқлараро, шахслараро конфликтни акс эттираётган ижтимоий-сиёсий идеал шахс онгида умуминсонийлик, гўзаллик ва эзуликни акс эттирувчи идеалларга жиддий таъсир кўрсатади.

Юқоридаги таҳлилий хулосалардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бугунги кунда янги Ўзбекистоннинг тараққиёт даври янгича ижтимоий-сиёсий идеаллар асосида шахс эстетик идеалини шаклланишига таъсир ўтказмоқда. Булар қуйидагилар:

- 1) Давлат ва жамиятни модернизациялашга оид идеаллар;
- 2) Қонун устуворлиги ва адолатли жамият ҳақидаги идеаллар;

- 3) Фаровон, фозил жамият ва эвдемонистик идеаллар;
- 4) Ижтимоий адолат, таълим-маърифий, комил инсон ҳақидаги идеаллар;
- 5) Тинчлик, дўстлик, халқлар ўртасидаги тотувлик ва гуманистик идеаллар;

Ушбу ижтимоий-сиёсий идеаллар шахс эстетик идеали билан ўзаро таъсирлашиб, эстетик онг тузилишида ўзгача намоён бўлмоқда.

Давлат ва жамиятни модернизациялашга оид идеаллар ҳар қандай тузумда, ижтимоий тараққиёт босқичида, ҳаракатлар стратегияси ва ривожланиш мақсадларига мувофиқ, давлат ва жамият ўртасидаги мувозанатни (симметрия ёки асимметрияни) тиклашга, халқ ва давлат муносабатларини ислоҳ қилишга бўлган ҳаракатларни қамраб олади. Халқ манфаатини ҳимоя қилувчи ҳукмдор, одил подшоҳ ғояси мутафаккирларнинг ижодида марказий ўринга эга бўлиб келган. Масалан, Абу Наср Форобийнинг ҳукмдорнинг ўн икки ахлоқий хислати ҳақидаги [Абу Наср Форобий. 1993. –182-187-бетлар] қарашлари ва Алишер Навоийнинг адолатли подшоҳ ғоясидаги «...адолатли шоҳ шундай қўриқчики, унинг сояи давлатида қўй-қўзилар бўри хавфидан омон; ёмонларга шафқатсизлигидан йўлдаги мусофирлар йўл тўсарлар ваҳимасидан эсон» [Навоий Алишер.2019. –15-16-бетлар] деган фикрлари ўз даври учун ижтимоий-сиёсий идеални модернизацияси учун зарурий, муҳим горизонтларини белгилаган бўлса, айнан «Шарқ фалсафада, хусусан, «Фозил одамлар шаҳри» ёки Навоийнинг «Лисон ут-тайр» каби асарларда идеал жамият, унинг структураси, уни қуриш механизми, унинг барча асосий параметрлари - руҳий, ақлий ва жисмоний - уларнинг уйғунлашуви механизми нуктаи назаридан яхши ёритиб берилган» [Қаҳҳорова Ш. 2009- Б.93].

Ўтмишда давлат ва жамиятни модернизацияси ҳақидаги ғоялар ўз даври учун шаклланган шахс эстетик идеалини ҳам тубдан ўзгартирган. Уйғониш даври шахси эркинлик, индивидуаллик, олдинги тажрибани ўзлаштирган ва инновацияларни олиб кирган инсон сифатида жамият ҳаёт ўзанини ўзгартириб юборган.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида Президент Ш.М. Мирзиёев илгари сурган «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халкимизга хизмат қилиши керак» тамойилини ижтимоий-сиёсий ҳаётда амалга оширишга доир дастурий мақсадлар ҳам мужассамлашган. Мазкур тамойил мамлакатимиз тафаккурида янги эстетик инерция тақдим қилиб, шахс эстетик идеалида коррупциядан холи-форигланган, ижтимоий гўзал муносабатлар жамиятини яратиш, асимметрия ҳолатидан симметрияга ўтиш, ўтмиш мутафаккирларининг адолат ҳақидаги қарашларини трансформациясининг кузатиш мумкин.

Қонун устуворлиги ва адолатли жамият идеаллар бутун инсониятнинг ижтимоий идеалида мустаҳкам жой эгаллаган. Жамиятда қонун устуворлиги, ижтимоий адолатни қарор топиши ижодкор шахснинг эстетик идеалига мотивация беради ва буюк асарлар яратади. Буюк соҳибкирон Амир Темур ўз тузукларида «салтанатим мартабасини тўра ва тузуклар асосида шундай сақладимки, унинг ишларига аралашушга ҳеч кимнинг қурби етмас эди» [Темур тузуклари. 2012 –Б.88], дейиши бизнинг давлатчилигимизда қонун устуворлиги тамойили асосий ўринни эгаллаб келганидан далолат беради. Қонун устуворлиги ва адолат тўғрисида Ш.М.Мирзиёев: «Жамиятда ижтимоий адолат тамойилини қарор топтириш борасидаги асосий вазифамиз – бу адолатли қонунлар қабул қилишдан иборат. Қисқача айтганда, қонун адолатли бўлса, у инсон ҳуқуқларини амалда ҳимоя қилса, шундагина одамлар қонунни ҳурмат қилади ва унга итоат этади» [Мирзиёев Ш.М. 2018-Б.35], «Адолат – қонун устуворлигида» деган эди.

Кенг маънодаги «Адолат» тушунчаси шахс ва жамиятдаги барча муносабатларни ўз ичига қамраб олади. Шунга кўра «адолат деб ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий муносабатларга киришган одамларнинг ўз бурч ва вазифаларини жамият томонидан ўрнатилган ахлоқий, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий меъёрлар талабларидан келиб чиққан ҳолда тўғри, қонуний, ҳалол, виждонан, ҳаққоний ва одилona бажаришларини ўзида ифодаловчи хатти-ҳаракатлар тизимига айтилади» [Яхшиликков Ж.Я, Мухаммадиев Н.Э. 2018 –Б.252]. Адолат ва қонун устуворлиги эстетик идеалга ижтимоий муҳитни покловчи, коррупциядан холи ижтимоий муҳитни яратиб берувчи субъектлардир. Шахс эстетик

идеалида ижтимоий муҳитдаги адолатлилик перманент таъсир қилиб, санъатда, бадий ижодда буни аксланиши кўриш мумкин.

Фаровон, фозил жамият ва эвдемонистик идеаллар Марказий Осиё мутафаккирларининг жамият фарвонлиги ва бахтли яшаш ҳақидаги қарашларида ишлаб чиқилган бўлиб, жамият фарвонлиги инсонларнинг бахтлилик даражаси билан белгиланади. Хусусан, Абу Наср Форобийнинг қарашларида фарвонлик, бахтлилик тушунчалари эстетик идеалнинг таркибий қисми сифатида эътироф этилган бўлиб, «унинг эстетик идеали гўзаллик, эзгулик ва фойдалиликнинг синтетик бирлигидир» [Идеалы аль-Фараби и социогуманитарное развитие современного Казахстана. 2014. – С.176]. «Бахт, - дейди Форобий,- бу мақсад, унга ҳар бир инсон интилади, чунки у қандайдир баркамолликдир» [Форобий Абу Наср. 1993. – Б.161]. Форобий инсон ва жамиятга нисбатан эстетик идеалига интилиш- комил инсон бўлишнинг шарт-шароитлари ҳақида фикр юритиб, фозил ҳукмдорнинг ўн икки гўзал ахлоқий фазилатини таъкидлаб ўтади. Унинг фикрига кўра, кишилик жамияти бир-бирига ёрдам берадиган индивидларнинг бирлашувидан пайдо бўлган. Бундай жамият тўлиқ, етук ёки нотўлиқ, ноетук бўлиши мумкин. Биринчиси уч - юқори, ўрта ва қуйи кўринишда келади. Эзгу амалли шаҳарда фуқаролар бахтли яшайдилар ва бундай шаҳар «барча органлари мутаносиб етук тана кабидир» [Форобий Абу Наср. 1993. – Б.161].

Фарвонлик жамиятга меҳнат ва тadbиркорлик орқасидан келиши, моддий тўқинчилик кишиларни бахт томон етаклашини Ибн Сино ўзининг «Китоб аш-Шифо» асарида, «фозил давлат тузумининг ижтимоий асосларини жамиятнинг ҳар бир аъзоси бажарадиган ҳалол меҳнати билан белгиланади.....ўз давлати, халқи ва ватанини ўйлаган ҳар бир киши фойдали меҳнат қилиши зарур» [Каримов С. 2016- Б.400] деб таъкидлайди.

Фаровон ва бахтлилик даражасини маънавий етукликда кўрган А.Навоий қарашларида «Аҳли маъни» – эстетик идеали шаклланган шахслардир. Улар аҳли маъни яъни реал ижтимоий муносабатларга рационал кўз билан қарайдиган, ҳаётни гўзаллаштира оладиган, ўзидан маъно таркатадиган инсонлардир. Бу каби инсонлар ўз эҳтиёж ва манфаатларини ўзгаларники билан уйғунлашган ҳолда идрок қиладилар. А.Навоий ушбу таъкидлаган ахлоқий-эстетик идеали – футувват аҳлининг жўмардлиги, жамият учун, халқ учун хизмат қилиш демакдир. Бу тоифага мансуб бўлиш учун инсон эркин, довюрак, ҳақиқатпарвар, бурч ва маъсулиятни ҳис этувчи, камтар, халқ ва дин учун фидойи, имонли, ҳаёли, ўзга инсонлар учун ҳамдард, ҳилм эгаси, зеб-зийнатдан воз кечадиган, шахсий манфаатлардан воз кеча оладиган, энг асосийси, қалби маънига тўла бўлиши лозим.

Бахт, бахтиёр ҳаёт сингари эвдемонистик ғоялари Афлотун, Арасту ва бир қатор файласуфларнинг тадқиқот марказида бўлган. Масалан, италиялик файласуф А.Никола (1901-1990) «Ҳаёт ҳикматлари» асарида «Бугун кишилар идеал эмас, балки бевосита эҳтиёжларини қондириш, меҳнатнинг захмати ва оғирлигидан қутулиш, ҳеч қандай куч-қувватни, масъулликни талаб этмайдиган кўнгил очиш ва хурсандчилик билан яшаш йўллари изламоқда» [Аббаньяно Никола. 2004.С.15], деб таъкидлайди. Бугунги глобаллашув жараёни ва давлатнинг шахсга қўйган талаблари бахтли ҳаёт даражасини маънавий парадигмадан, моддий, фарвон ҳаёт кўринишида талқин этмоқда.

Ҳозирги кунда Ҳаракатлар стратегияси доирасида жамият фарвонлиги ва фуқаролар ўзларини бахтли сезишлари учун кенг қўламдаги ислохотлар, Президент Ш.Мирзиёевнинг халқ бугун бахтли яшаши керак деган тамойилининг амалдаги ифодаси бунга яққол далилдир.

Ижтимоий адолат, таълим-маърифий, комил инсон ҳақидаги идеаллар жамиятда ижтимоий адолат тўғрисида Марказий Осиё мутафаккирлари ва бир қатор файласуф олимлар ижод қилган. Уларнинг фикрича, ижтимоий адолат жамиятда қонун устуворлиги, фуқароларнинг ўз касби ва ўз даромадлар бўлиши ва ҳаёт фарвонлигига эришишлар билан ўлчанади. Ҳаракатлар стратегиясида аҳолининг меҳнатга бандлиги ва реал даромадни ошириш, кам таъминланганларни ижтимоий ҳимоя қилиш, арзон ва қулай уй-жойлар билан таъминлаш, аҳолига сифатли медицина хизматларини ташкил қилиш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ва ёшлар тарбиясида таълим ва фан масалаларининг

алоҳида эътироф этилиши жамиятда шаклланаётган шахс эстетик идеалига катта таъсир кўрсатиши табиийдир.

Улуғ мутафаккирлар, миллий маънавиятимизнинг буюк сиймолари ўз ҳаёт йўлларида ибрат, ўрнак бўлиб, ўзаро муносабатларда илоҳий сифатларга эга бўлишган. Бу улуғ сиймолар ўз фаолиятларида адолат, вафо-садоқат тимсоллари сифатида камолот андоза вазифасини ўтаганлар. А.Жомий, А.Навоий, Ж.Румий қолдирган мероснинг аҳамияти шундаки, улар шарқ фалсафий тафаккуридаги мавҳум илоҳийликдаги идеалдан конкрет шахс ва инсон идеали – адолатли жамият, гўзал ахлоқ-одоб, дунёвий ва диний илмлар соҳи сифатида юзага келди. «Анъанавий шарқона қарашга кўра, маърифатлилик – фақат билим ва малака эмас, айти пайтда чуқур маънавият ва гўзал ахлоқ дегани ҳамдир. Халқимиз билимли, комил инсон деганда айнан шундай одамларни кўз олдида келтиради» [Алимасов В. 2001. Б. 49]. Азизиддин Насафий «Комил инсон» асарида ёзади: «Билгилки, комил инсон деб шарият ва тариқат ва ҳақиқатда етук бўлган одамга айтадилар ва агар бу иборани тушунмасанг, бошқа ибора билан айтгин: билгилки, комил инсон шундай инсондирки, унда куйидаги тўрт нарсга камолга етган бўлсин: яхши сўз, яхши феъл, яхши ахлоқ ва маориф» [Комилов Нажмиддин. 2009. Б.133].

Демак, тасаввуф фалсафасидаги комил инсон ғояси эстетик идеалнинг қотиб қолган мутлақ рамзи эмас, балки у ривожланган ҳусусиятга эга бўлган, янада бойиб борадиган ижтимоий-тарихий аҳамиятга эга идеалдир. Шундай қилиб, диннинг эзотерик аспектида, масалан, «тасаввуф таълимотида инсоният учун энг эзгу идеал комил инсон даражасига етишдир. Комил инсон бу ўзининг чин ўзлигини билган инсондир» [Қаҳҳорова Ш. 2009-Б.311]. Хулоса қилиб айтганда, тасаввуф таълимотида шахс эстетик идеали мутлақ илоҳий эмас, балки ўзликни англаш, инсоний хислатларни улуғлаш, ҳаётнинг гўзаллиги қадри ва завқига етиш, ботиний мавҳум гўзалликдан зоҳирий маъни-гўзаллик томон, маънавий камолот орқали шахс эстетик идеалини яратишга қаратилган.

Шарқ фалсафий фикр тарихида бошқа бир рационал йўналиш ҳам шаклландики, унда инсонни маънавий дунёси ва эстетик идеал муаммолари рационал тадқиқ этила бошланди. Файласуфлар наздида эстетик идеал яхлит тушунча, назарий андоза ўрнида одамларнинг амалий хатти-ҳаракатлари, юриш-туриши, ўзаро муносабатларидаги гўзал хулқ, ахлоқ-одоб мезони сифатида олиб қаралди.

Берунийнинг ижтимоий-сиёсий идеалида комил инсон, мукаммал раҳбарлар ўзи ва халқни ҳалол меҳнат қилишга ундайди, жамоавий манфаатни биринчи ўринга қўяди ва илм-ирфон олимлари билан яқинлик қилади. Бундай одамлар ўз қадр-қиммати ва ор-номусини мустаҳкам сақлайди, эзгулик ва олийжанобликни ўз хатти-ҳаракатининг мезони деб билади. Берунийнинг фикрича, «олийжаноб одам ўзининг жони ва ўзининг мулкидан бошқа ҳеч нарсга эғалик қилмайди, қонунан ўзига тегишли мулкни бошқаради. Жавонмард ўзининг олийжаноблиги ва хайр-саховати билан машҳур бўлган одам. Айти вақтда жавонмард ўзининг хушмуомалалиги, меҳр-шафқати, сабот-матонати, сабр-тоқати, обрў-иззати билан ҳам ном чиқарган одамдир» [Жумабоев Й. 1997. Б.34]. Беруний ўз даври ижтимоий-сиёсий муҳити талаблари баробарида ва буюк сиймоларнинг идеалига мос равишда инсоний ахлоқий-эстетик идеалини илгари сурган бўлиб, булар инсон ахлоқи ва нафосатини меъёр, мезонига доир қараш, илм ва билимга интилиш, олимлик этикаси, ижод завқидаги фориғланиш сингари фазилятларда ўз аксини топган.

Эстетик идеал муаммоси мутафаккир файласуф Абу Али Ибн Синонинг ҳам диққат марказида бўлган. Ибн Сино ҳам Форобий ва Берунийлар сингари эстетик идеални ҳаётий талаблар асосида инсоннинг бахт-саодатга эришиш йўли ҳусусида фикрлаб, «...одамлар ҳаёт иқир-чиқирларига ўралиб қолмай, нафс бандасига айланмай маънавий камолотни кўзлашлари керак, чунки, гўзалликка ва ахлоқий камолотга интилиш – бу инсон зотида хос ҳусусиятдир» [Носиров Р. 2002 – Б.124-126], деб таъкидлайди. Эстетик идеалнинг шарқона ўзига хос ижтимоий-сиёсий ва тасаввуф ғоялари билан уйғун ривожлантирган мутафаккир А.Навоийдир. Унинг эстетик идеал ҳақидаги назарий қарашлари асарларида, назмий ижодида ўз аксини топган. Ўз асарлари қаҳрамонларининг ахлоқий ва эстетик қиёфасини, образини ўз идеали асосида шакллантириб, шу асосида шарқона комил инсон тимсолини шакллантирган.

Жадид ва маърифатпарвар алломалар адолат, озодлик, тенглик каби ижтимоий-сиёсий идеалларни шахс, миллат ҳаётидаги ўрнига катта баҳо берганлар. Жадидчилик ҳаракатининг маънавий-мафкуравий отаси бўлган Мунавварқори Абдурашидхоновнинг кўрсатишича, жадидларнинг энг яхши кўрган шиори «Озодлик, Тенглик ва Адолат» бўлган. Масалан, А.Чўлпоннинг ижодида озодлик, адолатсизлик даврнинг фожиаси сифатида тасвирланади. Буни Чўлпоннинг «Мен ва бошқалар» (1921) шеърида кўриш мумкин.

«Кулган бошқалардир, йиғлаган менман,
Ўйнаган бошқалар, инграган менман.
Эрк эртакларини эшитган бошқа,
Куллик кўшиғини тинглаган менман.
Эркин бошқалардир, қамалган менман,
Ҳайвон қаторида саналган менман» [Чўлпон А. 2016. Б.75].

Ўз даврида А.Чўлпон ижодида халқ адолати, эрки, озодлиги, таълим-тарбияси ҳақида идеали акс этган. Унинг эстетик идеали «...бадий ижодиётда воқелик билан фантазия, орзу билан умид, эрк ва озодлик, гўзаллик ва улуғворлик сингари тасаввурларнинг ҳис-ҳаяжонли ифодаси билан ажралиб туради» [Ўроқова О.Ж. 2018, Б-15].

Тинчлик, дўстлик, халқлар ўртасидаги тотувлик ва гуманизм идеаллар шахс эстетик идеалини шаклланишида мотивацион таъсирли бўлиб, дўстлик, тинчлик ва ўзаро ҳамжиҳатлилик сингари гуманистик идеаллар эзгулик ва ёвузлик, альтуризм ва кибрлилик, гўзаллик ва хунуклик каби қарама-қарши сифатлар каби ижтимоий-сиёсий идеалларни акс эттиради. Халқ ўртасидаги дўстлик, биродарлик мамлакатимизда “Халқ дипломатияси” орқали, миллатлараро дўстлик муносабатларни ривожлантириш маданият марказлари ва дўстлик жамиятлари орқали амалга оширилмоқда. Шахс эстетик идеалининг шаклланишида ушбу (гуманизм, халқлар дўстлик) ижтимоий-сиёсий идеалларнинг пессимистик эмас, балки оптимистик таъсири сезилади.

Дўстлик, биродарлик, абадий тинчликка эришиш каби ижтимоий-сиёсий идеаллар барча даврларда долзарб масала сифатида талқин қилинган. Масалан, И.Кантнинг «Абадий тинчлик сари» номли асарида «давлатлар ўртасида абадий тинчлик ўрнатиш учун халқаро ҳуқуқнинг олти принципини қисқача баён қилиб берган» [Ударцев С.Ф. 2004. С.29-40]. Кейинги пайтларда халқлар, миллатлар миллий ўзлигини англаши, асрлар давомида дўстлик ва тинчлик рамзлари бўлиб келган санъат, спорт ва ижоднинг ғоявий-мафкуравий ўзгариши, илм-фанда тафаккурий эврилишлар кузатилмоқда. Ижтимоий-сиёсий идеал бўлган абадий дўстлик ва тинчликка эришиш умуман **илмий-назарий** (проектив-И.Кант ва бошқаларни илмий-фалсафий асарлари), **ғоявий-мафкуравий** (идеологик – урушни бўлишини (Н.Макиавелли, Ф.Венон, Т.Гоббс, Д.Ж.Прудон, Ф.Ницше) оқловчилар ва урушни қораловчилар (Э.Роттердамский, Ж.Ж.Руссо, М.Ломоносов, И.Кант, Фаробий, А.Навоий ва бошқалар) ривожланиш моделлари, маънавий ёки моддий бойликка асосланган шахсларни яратилиши), **ижтимоий-ҳуқуқий** (норматив – фуқаролик жамиятини қурилиши, эркинлик, либерализм, инсон ҳуқуқларини ўрнатилиши), **амалий-эстетик** (праксиологик – миллат қаҳрамонлари, доҳийлар, муайян ғоялар учун кураш) йўналишида амал қилиб келмоқда. Ушбу йўналишлар эстетик идеалдаги эркинлик, ижодкорлик, улуғворлик тамойилларига шакл бериб, мақсадга мувофиқ шаклланаши, эстетик онгга кучли таъсир ўтказиши натижасида эстетик идеалнинг ўз табиий шаклланидиган йўлидан оғиб, режали, мафкуравий қолиплар асосида, сиёсийлашган кўринишлари юзага чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

Бунга мисол сифатида ўтган асрда ўзбек бадий адабиётида мафкуралаштирилган «социалистик реализм» деб аталмиш усул ўйлаб топилгани, ушбу усул доирасининг ҳукмрон коммунистик мафкурага мослаштирилиши энг истеъдодли, илғор адибларни тарихий онг, халқлар ўртасидаги дўстлик, миллий ўзликни англаш, миллий манфаат, шахс кадриятлари сингари ғояларни ифодаланган образларда ёритишга буюрилган эди. Бунинг натижаси Ойбекнинг «Навоий» тарихий романида, Мақсуд Шайхзоданинг «Жалолиддин» тарихий драмасида акс этган бўлса, кейинчалик XX асрнинг 60-йиллари адабиётида, айниқса, шеъриятда яққол намоён бўлди.

Шундай қилиб, шахс эстетик идеалининг ижтимоий-сиёсий идеаллар билан ўзаро таъсирланиши натижасида замон ва маконга хос қахрамонлар образи, ахлоқий-эстетик парадигма, жамиятда инсоний муносабатлардаги симметрияни қабул қилиниши, замонга мос комплекслар, илмий ишланмалар, маданий ва эстетик қадриятлар яратилди. Шарқ ва ғарб фалсафий меросида ижтимоий-сиёсий идеаллар таъсирида шаклланган эстетик идеал ўзига хослиги, ҳозирги пайтда антикварлиги, ўтмишни эстетик дидини англатадиган ўтмиш идеали сифатида кўзга ташланади.

ХУЛОСА

Илмий изланишимиз охирида қуйидагича хулоса чиқариш мумкин:

биринчидан, шахс эстетик идеали ижтимоий-сиёсий идеаллар таъсирида дастлаб ахлоқий қадриятлар бағрида ва ижтимоий идеаллар шакллантирилган муҳитда алоҳида ривожланган бўлиб, деярли барча халқлар онги ва турмуш тарзида ифодаланган умумбашарий қадриятдир. Эстетик идеал қандай ижтимоий-сиёсий идеал билан ўзаро уйғун ривожланмасин унинг асоси ва истикболида эзгулик, олийжаноблик, инсон ҳаётининг гўзаллиги, инсонпарварлик ва комилликка интилиш, унга етиш ғояси ётади;

иккинчидан, ижтимоий-сиёсий идеал шахс эстетик идеалини шаклланишида эстетик легитимлаштириш ва эманацияли сингари перманент таъсир ўтказиб, ҳокимият ва ҳукмдорнинг илоҳий бир-бутунлиги, муқаддаслиги, ҳокимиятда илоҳий актсиз шахсни пайдо бўлиши, ҳокимият асимметриясининг юз бериши, халқ сиёсатчилари, қонуний ҳокимият элитар қатлами шаклланиб, ижтимоий-сиёсий идеаллар шахс эстетик идеалига тесқари пропорционал таъсир ўтказганлиги аниқланди. Ҳокимият гўзаллик ва хунуклик манбаси сифатида гавдаланиб, синфлар, гуруҳлараро конфликт, урушлар натижасида ер юзида фожиявийликнинг акс эттирган;

учинчидан, ижтимоий-сиёсий идеал босими натижасида шахс эстетик идеали ўз хусусиятини ўзгартириб, бадий-фалсафий ижодда перцептив (диққат, ҳиссиётга берилиш, ўз устида қаттиқ ишлаш, нозик идрок этиш каби индивидуал психологик туйғулар), интеллектуал-эрудиция (интуиция, фантазия, ўйловчилик, топқирлик, олдиндан сезиш, катта назарий билимга эга бўлиш), характерология (ноанъанавий йўл тутиш, бетакрор фикрлаш ва қарор қабул қилиш, юқори ташкилотчилик, ишчанлик) ва мотивация (ижоддан руҳий озуқа олиш, доимо ижодий жараён ҳақида ўйлаш, бирор йирик натижага эришиш) каби психологик жараёнларни юзага келтирган;

тўртинчидан, турли сиёсий тузумларда ғоявий-мафкуравий, ижтимоий-сиёсий ислохотлар олиб бориш натижасида миллий ва умумбашарий маънода шахслар шаклланишига олиб келди. Ижтимоий-сиёсий идеаллар таъсири натижасида шахс эстетик идеали абадий тинчлик, дўстлик, бирдамлик, умумманфаатга хизмат қилувчи адолат, эзгулик каби категориялар билан бойиган;

бешинчидан, мутафаккирларнинг гуманистик идеаллари, шарқона эстетик идеал ва унинг ахлоқий-эстетик қиёфаси бўлган шахс ҳақидаги қарашлар трансформацияси натижасида мамлакатимизда ҳаракатлар стратегияси доирасида шахсни шакллантириш борасида жиддий ишлар қилинмоқда. Бу ишлар ўз навбатида аввало шахс имони ва эътиқодини покланиши, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий жиҳатдан покланиши, халқ коррупция иллатларидан қутилиши – фориғланиши сифатида акс этмоқда.

Библиография

- МИРЗИЁЕВ Ш.М. (2018) Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-Жилд. Т.: Ўзбекистон. -Б.35.
- МИРЗИЁЕВ Ш.М. (2017.) Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови// Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз.1-жилд. – Т.:«Ўзбекистон» НМИУ, – Б.110.

- МИХАЛЕНКО Ю.П.(2003) Политический идеал Платона в контексте реальной истории. - М., -С-13.
- ДЕРКАЧ А.А., ЖУКОВ В.И, ЛАПТИЕВ Л.Г.(2001) Политическая психология. Учебное пособие. М.: Деловая книга.-С-210.
- НОВГОРОДЦЕВ, П.И. (2011) Политические идеалы Древнего и Нового мира / П.И.Новгородцев. – М. : Директ-Медиа, -С-10.
- НОРҚУЛОВ С.Д. (2015) Фуқаролик жамияти ва ижтимоий онгда трансформация жараёнлари. Монография.-Т.: «Navro`z»,.-Б.10.
- МАКИАВЕЛЛИ Н. (2017) Ҳукмдор. Абу муслим таржимаси. Т.: Mashhur-Press. -Б.5.
- МАҲМУДОВ Т.(2000):”Авесто” ҳақида. – Т.: ”Шарқ”,. – Б.23.
- НОВГОРОДЦЕВ, П.И. (2011) Политические идеалы Древнего и Нового мира / П.И.Новгородцев. – Москва: Директ-Медиа, -С-47.
- АГЗАМХОДЖАЕВА С.С. (2007) Ижтимоий-идеал ва маънавий ҳаёт. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ, -Б.48.
- НОРҚУЛОВ С.Д. (2015) Фуқаролик жамияти ва ижтимоий онгда трансформация жараёнлари. Монография.-Тошкент: «Navro`z»,.-Б.51.
- ДОРСКИЙ А. Ю (2013). Эстетика власти. Автореф. дисс. доктора философских наук. Санкт-Петербург..С-16-17.
- АБУ НАСР ФОРОБИЙ (1993). Фозил одамлар шахри. –Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, –182-187-бетлар.
- НАВОИЙ АЛИШЕР (2019) Маҳбуб ул-қулуб (Қалблар севгиси). –Т.: Янги аср авлоди, 15-16-бетлар.
- ҚАҲҲОРОВА Ш.(2009) Глобаллашув шароитида инсон ҳаёти маъноси. Т. - Б.93.
- ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ. (2012) Таҳрир ҳайъати Б.Абдуалимов.Т.: –Б.88.
- ЯХШИЛИКОВ Ж.Я, МУҲАММАДИЕВ Н.Э. (2018) Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Дарслик. – Т.: –Б.252.
- Идеалы аль-Фараби и социогуманитарное развитие современного Казахстана.(2014) Коллективная монография / Под общ. ред. З.К. Шаукеновой. – Алматы: ИФПР КН МОН РК,. – С.176.
- ФОРОБИЙ АБУ НАСР. (1993) Фозил одамлар шахри. – Тошкент: Халқ мероси, – Б.161.
- СТЕПАНЯНЦ М.Т.(2001) Восточная философия. 2-е изд. – Москва: Восточная лит.ра, РАН, С.397.
- КАРИМОВ С. (2016) Шарқ ижтимоий тафаккури тарихидан. Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, Б.400.
- АББАНЬЯНО НИКОЛА. (2004) Мудрость жизни//Всемирная философия. XX век. – Мн.: ”Харвест”, С.15.
- АЛИМАСОВ В. (2001) Фалсафа ёхуд фикрлаш лаззати. –Тошкент: Маънавият, –Б. 49.
- КОМИЛОВ НАЖМИДДИН.(2009) Тасаввуф. – Тошкент: Movaunnahr-O`zbekiston, – Б.133.
- ҚАҲҲОРОВА Ш (2009). Глобаллашув шароитида инсон ҳаёти маъноси. Т.:- Б.311.
- ЖУМАБОВЕВ Й. (1997) Ўзбекистонда фалсафа ва ахлокий фикрлар тараққиёти тарихидан. – Тошкент: Ўқитувчи-Зиё, – Б.34.
- НОСИРОВ Р. (2002) Ибн Синонинг «Амалий фалсафа»сида инсон тарбияси муаммоси // Мустақил Ўзбекистон: фалсафа фанларининг долзарб муаммолари / Тўплам. – Тошкент,– Б.124-126
- ЧЎЛПОН А. (2016) Асарлар. I жилд. – Тошкент: Akademnashr , – Б.75.
- ЎРОҚОВА О.Ж (2018) Чўлпон бадиий ижодининг концептуал-эстетик асослари. Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореферати. Т. Б-15.
- УДАРЦЕВ С.Ф. (2004) Политические и правовые идеи Иммануила Канта. Алматы, С.29-40

Transliteration

- MIRZIYOEV Sh.M. (2018) The consent of our people is the highest value given to our activities. Volume 2 T.: Uzbekistan. -B.35.
- MIRZIYOEV Sh.M. (2017.) The rule of law and the protection of human interests are the key to the development of the country and the well-being of the people // We will resolutely continue our path of national development and raise it to a new level. - T.: NMIU "Uzbekistan", - P.110.
- MIXALENKO Yu.P. (2003) Political ideal of Plato in the context of real history. - M., -S-13.
- DERKACH A, A., JUKOV V, I, LAPTIEV L.G. (2001) Political Psychology. Uchebnoe pasobiya. M.: Delovaya kniga. - S-210.
- NOVGORODTSEV, P.I. (2011) Political ideals of the Ancient and New World / P.I. Novgorodtsev. - M.: Direct-Media, -S-10.
- NORQULOV S.D. (2015) Transformation processes in civil society and social consciousness. Monograph. - T.: «Navruz», - B.10.
- MAKIAVELLI N. (2017) Ruler. Translation by Abu Muslim. T.: Mashhur-Press. -B.5.
- MAHMUDOV T. (2000): About the Avesto. - T.: "Sharq", - B.23.
- NOVGORODTSEV, P.I. (2011) Political ideals of the Ancient and New World / P.I. Novgorodtsev. - M.: Direct-Media, -S-47.
- AGZAMXODJAEVA S.S. (2007) Socio-ideal and spiritual life. - Tashkent: Philosophy and Law, -B.48.
- NORQULOV S.D. (2015) Transformation processes in civil society and social consciousness. Monograph. - Tashkent: «Navruz», - P.51.
- DORSKIY A. Yu (2013). Aesthetics of power. Autoref. diss. doctor of philosophical sciences. St. Petersburg..S-16-17.
- ABU NASR FOROBIY (1993). A city of noble people. -T.: Abdulla Qodiri National Heritage Publishing House, -182-187 pages.
- NAVOI ALISHER (2019) Mahbub ul-qulub (Love of Hearts). -T.: New Age Generation, pages 15-16.
- QAHHOROVA Sh. (2009) The meaning of human life in the context of globalization. T. - B.93.
- TEMUR TUZUKLARI. (2012) Editorial Board B.Abdualimov.T.: -P.88.
- YAXSHILIKOV J.Ya, MUHAMMADIEV N.E. (2018) National Idea: Uzbekistan Development Strategy. Textbook. - T.: -B.252.
- Idealy al-Farabi i sotsiogumanitarnoe razvitie sovremennogo Kazaxstana. (2014) Kollektivnaya monografiya / Pod obshch. ed. Z.K. Shaukenovoy. - Almaty: IFPR KN MON RK, - C.176.
- FOROBIY ABU NASR. (1993) City of Noble People. - Tashkent: People's Heritage, - P.161.
- STEPANYANTS M.T. (2001) Oriental philosophy. 2nd ed. - Moscow: Vostochnaya lit.ra, RAN, S.397.
- KARIMOV S. (2016) From the History of Eastern Social Thought. T.: National Society of Philosophers of Uzbekistan, B.400.
- ABBANYANO NIKOLA. (2004) Wisdom of Life // World Philosophy. XX century. - Mn.: "Harvest", P.15.
- ALIMASOV V. (2001) Philosophy or the pleasure of thinking. -Tashkent: Manaviyat, -B. 49.
- KOMILOV NAJMIDDIN. (2009) Sufism. - Tashkent: Movaunnahr-Uzbekistan, -P.133.
- QAHHOROVA Sh (2009). The meaning of human life in the context of globalization. T.: - B.311.
- JUMABOEY Y. (1997) From the history of the development of philosophy and moral thought in Uzbekistan. - Tashkent: Teacher-Ziya, - P.34.
- NOSIROV R. (2002) The problem of human education in Ibn Sina's "Applied Philosophy" // Independent Uzbekistan: current problems of philosophical sciences / Collection. - Tashkent, - B.124-126
- CHOLPON A. (2016) Works. I skin. - Tashkent: Akademnashr, - P.75.

- OROKOVA O.J (2018) Conceptual and aesthetic bases of Cholpon's art. Doctor of Philosophy (PhD) in Ph.D. abstracts. T. B-15.
- UDARTSEV S.F. (2004) Immanuel Kant's political and legal ideas. Almaty, S.29-40



УДК: 1 (09):297

Хуршид Улмасжонович САМАТОВСамарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
ижтимоий фанлар кафедраси доценти в/б,
фалсафа доктори (PhD)E-mail: samatov_1084@mail.ru
(Ўзбекистон, Самарқанд)**ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ ҚИЛИШНИНГ ТАСАВВУФИЙ-ФАЛСАФИЙ АСОСЛАРИ
(АБУ ХОМИД ҒАЗЗОЛИЙ ТАЪЛИМОТИ АСОСИДА)**
 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9505-2020-SI-2-13>
АННОТАЦИЯ

Мақолада халқ билан мулоқот қилишнинг тасаввуфий-фалсафий асосларидан бири сифатида, Абу Хомид Ғаззолийнинг диний-тасаввуфий қарашлари тадқиқ этилган. Муаллиф мутафаккирни яшаган даври, маънавий мероси, диний ва тасаввуфий илмларни ривожлантиришдаги ролини таҳлил қилган. Жумладан, унинг диний-мафкуравий зиддиятларни бартараф этиши, узлат, хилват, анжуман, дин, тасаввуф, ахлоқ, қалб каби тасаввуфий категорияларни анализ ва синтез қилиш орқали Ғаззолий таълимоти нақшбандия тариқатининг ғоявий асосларидан бири эканлиги аниқланган. Шунингдек, мазкур мақолада Ғаззолий таълимоти, дунёқараши шаклланиш даври ва ҳаёт йўлини шартли равишда иккига бўлиб ўрганилган. Биринчи даврида унинг ёшлиги, Қуръон, ҳадис, фикх, мантиқ, фалсафа ва бошқа фанларни чуқур ўрганиши ва шу асосида ислом дунёсида диний-ғоявий ихтилофлар авж олган вақтда, ихтилофчи олимлар ва имомлар билан илмий баҳсларга киришиб, уларни динда янги пайдо бўлган хато, янглиш фикрлардан қайтариши кабилар киритилган. Иккинчи даврида Ғаззолийнинг халқдан узоқлашиб, ёлғизликда ўтириши, суфийлик йўлига кирганлиги таҳлил қилинган. Ғаззолийнинг бу давларда ёзилган асарлари халқ билан мулоқот қилишнинг диний, тасаввуфий, фалсафий ва методологик жиҳатдан асосий манба эканлиги асосланган.

Таянч сўзлар: дин, тасаввуф, ҳадис, ахлоқ, қалб, адолат, халқ, мулоқот, тамойил, суҳбат, нақшбандия, узлат, хилват, тариқат, шариат, бидъат, анжуман, нафс.

Хуршид Улмасжонович Саматов
(Ўзбекистон, Самарқанд)**СУФИЙСКИЕ И ФИЛОСОФСКИЕ ОСНОВЫ ОБЩЕНИЯ С НАРОДОМ (НА
ОСНОВЕ УЧЕНИЯ АБУ ХАМИДА АЛЬ-ГАЗАЛИ)**

В статье исследуются религиозно-мистические воззрения Абу Хамида аль-Газали как одна из мистико-философских основ общения с людьми. Автор анализирует жизнь мыслителя,

его духовное наследие, его роль в развитии религиозных и мистических наук. В частности, преодолевая религиозные и идеологические противоречия, анализируя и синтезируя мистические категории, такие как узлат, хулват, анджуман, дин, тасаввуф, мораль, сердце, было определено, что учение Газали является одной из идеологических основ секты Накшбанди. В этой статье также рассматривается учение аль-Газали, период формирования его мировоззрения и его образ жизни. В первые дни, когда он был молод, он изучал Коран, хадисы, юриспруденцию, логику, философию и другие науки, и на этой основе, когда религиозные и идеологические конфликты в исламском мире обострились, он участвовал в научных дебатах с несогласными учеными и имамами. возврат vs включен. Во втором периоде анализируется, что Газали сел в стороне от людей, сидя один, и вступил на путь суфизма. Сочинения Газали в эти периоды основаны на том факте, что общение с людьми является основным источником с религиозной, мистической, философской и методологической точки зрения.

Ключевые слова: религия, мистика, хадис, нравственность, сердце, справедливость, люди, общение, принцип, беседа, накбандия, узлат, одиночество, секта, шариат, бидъат, собрание, нафс.

Khurshid Ulmasjonovich Samatov
(Uzbekistan, Samarkand)

MYSTICAL AND PHILOSOPHICAL FOUNDATIONS OF HUMAN INTERACTION (BASED ON THE TEACHINGS OF ABU HAMID AL-GAZALI)

ANNOTATION

The article considers the religious and mystical views of Abu Hamid al-Gazali as one of the mystical and philosophical foundations of human interaction. The author analyses the life of the thinker, his spiritual heritage, his role in the development of religious and mystical sciences. In particular, it was established that the teachings of Gazali are one of the ideological foundations of the Nakshbandi sect, through the analysis and synthesis of mystical categories such as holat, hilvat, anjuman, din, tasavwuf, ahlak, kalb, overcoming religious and ideological contradictions. This article also addresses the teachings of al-Gazali, the period in which his world view has taken shape and his way of life. In the first period comes the youth of Gazali, his profound study of the Koran, Hadiths, jurisprudence, logic, philosophy and other sciences, and when religious and ideological conflicts in the Islamic world have escalated, as he has participated in scientific discussions with scholars and imams. In the second period, it was analysed that Gazali live alone, far from people and in the path of Sufism. Gazali's writings during these periods are based on the fact that communication with people is the main source from a religious, mystical, philosophical and methodological point of view.

Keywords: religion, mysticism, Hadith, morality, heart, justice, people, communication, principle, conversation, pattern, knot, loneliness, sect, sharia, assembly, lust.

КИРИШ

Халққа хизмат қилиш, унинг дарди билан яшаш, манфаатига эътибор қаратиш ислом динининг мавжуд фазилатларидан биридир. Шу асосда мамлакатимизда халқ билан мулоқот қилиш, унинг орзу умидларини руёбга чиқариш каби эзгу ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур ислохотларни назарий-методологик ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан асослашда шарқ мутасаввифларининг маънавий мероси муҳим манба ҳисобланади. Тасаввуф тарихидан маълумки, тариқат шайхлари халқни маърифатли қилиш ва уларни дин йўлида собит бўлиши ва дунёвий ишларида эса, илмига амал қилишига доимо даъват қилиб келган. Шогирдларига тўғри йўл кўрсатиб, уларни комил инсон даражасига етказишга интилган. Бироқ, тариқат пирлари ва уламолар учун халқни маърифатли қилиш ва жамоат ичида яшаб, уларга тўғри йўл кўрсатиши ҳамма даврда ҳам бир текис кечмаган. Иймони сустлашган айрим кишилар турли бидъатларга берилиб, ахлоқий камолот йўлидан адашган [Ислом. Энциклопедия. Т.: ЎзМЭ.,

2017.Б.106]. Бу вақтда ислом уламолари ва сунний тариқат пирлари жасорат билан халқни Аллоҳни каломи Қуръонга ва пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) суннатларига амал қилишга чақирган.

Халқ билан мулоқот қилиш шу жиҳатдан мураккабки, халқ оммасини ташкил қилган кишилар диний ва дунёвий илмларда турли даражада бўлади. Турли тоифага мансуб бўлган халқни бир ғоя атрофида бирлаштириш ёки уларни бир ғояга ишонтириш ниҳоятда мушкул вазифа. Бу вазиятда хурофотчилар инсонлар ўртасида сохта, ёлғон хабарлар тарқатиб, халқни саросимага солиш, динидан қайтариши ёки илм аҳлиларига ҳурматсизлик қилиши кузатилади.

МАТЕРИАЛЛАР ВА МЕТОДЛАР

Абу Хомид Ғаззолий ўз даврида ислом динига хилоф турли бидъатлар, айрим сохта уламоларнинг диний тушунчаларни нотўғри талқин қилиши, авом халқ учун тушунарли бўлмаган диний ғояларни ўз манфаати йўлида тарғиб қилишига қарши курашгани ва ислом динини ғоявий жиҳатдан ҳимоя қилгани учун замондошлари томонидан “Хужжат ул-Ислом” (“Ислом далили”) деб улуғлашган. Бунга унинг қаламига мансуб кўплаб асарлари далил бўла олади. Жумладан, фикҳга оид “Босит”, “Вожиз”, “Восит”, ақидага доир “Қавоид ал - Ақоид” (“Ақидаларнинг қоидадари”), “Ар-Рисолат ал қудсия” (“Қудсия рисоласи”), мутасаввифлар учун “Ихйа улум ад-дин” (“Диний илмларни тирилтириш”), “Мукошафат ул қулуб” (“Қалблар кашфиёти”) асарлари машҳур. Шунингдек, “Таҳофут ал-фаласифа” (“Файласуфларни рад этиш”), “Кимёи саодат” (“Саодат кимёси”), “Мақосид ал фаласифа” (“Файласуфларнинг мақсадлари”) асарларида ислом илоҳиёт тизимини ишлаб чиққан ва уни фалсафий жиҳатдан асослашга уринган [Ислом. Энциклопедия. Т.:ЎзМЭ., 2017. Б.627].

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ғаззолий таълимотини ўрганиш учун аввало, унинг дунёқараши шаклланиш даврини ва ҳаёт йўлини шартли равишда иккига бўлиш лозим. Биринчи даврида унинг ёшлиги, Қуръон, ҳадис, фикҳ, мантиқ, фалсафа ва бошқа фанларни чуқур ўрганиши ва шу асосида ислом дунёсида диний-ғоявий ихтилофлар авж олган вақтда, ихтилофчи олимлар ва имомлар билан илмий баҳсларга киришиб, уларни динда янги пайдо бўлган хато, янглиш фикрлардан қайтариши кабиларни киритиш мумкин. Шунингдек, мазкур даврда унинг диний ва дунёвий илми орқали машҳурликка эришиши, Бағдодда чакмоқ сингари чакнаб, шуҳрати замон буюклари, амирлар ва халифалик олимларнинг шуҳратидан ошиб кетишидир [Абу Хомид Ғаззолий. Саодатга элтувчи илм/Таржимон: М.Аъзам.–Т. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018.Б.6].

Бу даврда Ғаззолийнинг илмий изланишлари асосан, ўз давригача бўлган диний, фалсафий таълимотларни таҳлил қилиш, уларга илмий далилларни келтириш ва ўз раддия-мулоҳазаларини билдириш бўлган. Жумладан, “Ихйа улум ад-дин” (“Диний илмларни тирилтириш”) номли машҳур асарида диний илмларнинг инсон ҳаётидаги ўрни, ўша даврдаги диний, фалсафий таълимотларнинг асоссиз далиллари ва халқни эътиқодини мустаҳкамлашга қаратилган ғояларини илгари суради.

Ғаззолий ҳаётининг биринчи даврида, у жўшқинлик билан фаолият олиб бориб, халқ билан бирга бўлган бўлса, иккинчи даврида эса, унинг қалбида пайдо бўлган шубҳаси (“...қилаётган барча ишларим шон-шуҳрат, амал-мансаб, нуфуз ва мол-дунё учун эмасми?”-деган савол) унинг руҳий ҳолатига таъсир қилганлиги натижасида, у бироз халқдан йироқлашиб, узлатда ўтиради [Ислом. Энциклопедия. Т.:ЎзМЭ., 2017.Б.486]. Бу даврда у мадрасада дарс беришни тўхтатади ва хилватда суфиёна яшай бошлайди [Ислом. Энциклопедия. Т.:ЎзМЭ., 2017. Б.434; Б.434]. Шу даврда ёзилган “Ал-Мунқиз мин ал-залол” (“Адашганларни қутқарадиган нарсалар”) асарида ўз ҳаётига оид эътироф-иқдорларини баён этиб, илм ўрганиш давомида босиб ўтган йўллариини изоҳлайди [Абу Хомид Ғаззолий. Кимёи саодат/ Таржимонлар: Т.Қодиров, И.Нуруллоҳ.– Т. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018.Б.13].

Ғаззолийнинг узлатда ўтириши суфийлик йўлидаги қол оламидан ҳол оламига етганлигининг нишонаси эди. Яъни, у моддий оламда, одамлар билан бирга яшашдан кўра

ёлғизликда, маънавий оламда, илмлар ва ибодатлар дунёсида яшашдан келадиган хузурни афзал кўради. Унинг бундай аҳд қилишига сабаб, укаси сўфий Абул-Футуҳ Аҳмад Ғаззолийнинг айтган сўзлари ҳам таъсир қилган бўлиши мумкин. Жумладан, у бир куни мадрасада ваъз айтаётганида, укаси Абул-Футуҳ киради ва сўз сўраб, қуйидаги шеърни ўқийди:

Мен кучлиман, халқ заиф деб, халққа берар бўлдинг қувват,
Халқни кучли қилмоқ учун сарф айладинг қанча ғайрат.
Халқ кучланди – олға кетди, ҳориб ортда қолдинг ўзинг,
Ҳидоятга бошладинг-у, ўзинг қолдинг беҳидоят.
Нима бўлди, оғажоним, гапим кирмас қулоғингга
Айтсанг ҳамки халққа шунча гўзал ўғит, ваъз-насиҳат?
Эй чарх тоши! Қачонгача темирларни чархлайсан-у,
Ўзинг ўтмас бир матоҳсан, кўзларингга йўқ басират

[Абу Ҳомид Ғаззолий. Саодатга элтувчи илм/Таржимон: М.Аъзам.–Т. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018.Б.8].

Мазкур шеърдан таъсирланган Ғаззолий 11 йил зоҳидликда ҳаёт кечиради ва илм билан машғул бўлади. Маълум муддат ўтгандан кейин, Салжукийлар давлатининг машҳур вазири Низомулмулкнинг ўринбосари Фахрулмулк хилватда яшаётган Ғаззолийни яна Низомия мадрасасида мударрислик қилишга, жамоат билан бирга бўлишга кўндиради. Шундан сўнг, Ғаззолий хилватдан чиқиб, яна дарс беришни бошлайди. Мазкур даврда ўзига ўхшаш олимларнинг камайиши натижасида, одамларнинг иймони заифлашиб, ислом ғояларига зид амалларнинг кўпайиб кетганлигини кўрган Ғаззолий тезда илм аҳлилари билан маслаҳат йиғинини ўтказди. Шу орқали у олим кишига хилват ва танҳолик жоиз эмаслигини англаб етади.

Ғаззолий икки ҳолатда, яъни халқ билан бирга бўлиб, “анжуман”да ва халқдан узоқлашиб, “узлат” да яшаганлигини инобатга олсак, у турли тоифадаги кишилар билан мулоқот қилишга оид назарий ва амалий асосланган фикрларни илгари сурганлигига гувоҳ бўламиз. Ғаззолий жамоат ичида бўлиш ва узлатда ўтиришнинг тартиблари, шартлари тўғрисида “Ахлоқ ул Аброр”, “Кимёи саодат”, “Саодатга элтувчи илм”, “Мукошафатул қулуб” (Қалблар кашфиёти), “Иҳйа улум ад-дин” (“Диний илмларни тирилтириш”) номли асарларида маълумотлар келтиради. Ушбу асарларида “узлат” ва “хилват”, “анжуман” тасаввуфий категорияларни таҳлил қилади. Дастлаб, у “узлат”ни сабабларини қуйидагича таҳлил қилади: “Хилватда яшашни ихтиёр этган инсонлар халқдан икки сабаб билан узоқ бўлиш (узлат)га интилиши мумкин: биринчиси, одамлар сендан ўзлари билан тез-тез учрашиб туришни сўрайвериб, ҳоли-жонингга қўйишмайди ва ибодат қилишингга ҳалақит беради”,– дейди Ғаззолий. Бу фикрни асослаш учун у қуйидаги ҳикояни келтиради: “бир куни бир жамоатни кўрдим, ўқ отишарди. Улардан узоқда бир киши турарди. Ўз иши билан машғул эди, у билан сўйлашишни истаб, олдида бордим.

- Менга сен билан гаплашишдан кўра, Аллоҳни ёдга олиш яхшироқ ва севимлироқ,– деди у.
- Бу ерда ёлғизсан, сиқилгандирсан, – дедим.
- Аллоҳ ва икки фаришта менга ёрдам берапти,– деди у.
- Хўп, бир оғиз гап: сенингча, анави ўқ отишаётларнинг қай бири ютади?– деган саволимга, у:
- Аллоҳ қай бирини авф этса, ўша ютади, деб жавоб берди.
- Мен қай томонга қараб юрсам, тўғри кетган бўламан? – деб сўрадим. У кўкни кўрсатди ва ўрнидан туриб кетди. Мен билан ортиқ гаплашмади[Абу Ҳомид Ғаззолий. Саодатга элтувчи илм/Таржимон: М.Аъзам.–Т. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018.Б.58].

Бу ҳикоядан Ғаззолий қуйидагича хулоса чиқаради, бир одам иккинчисини ўзи билан машғул қилади ва ибодатдан чалғитади. Ҳатто, ёлғиз ибодат қилишига ҳам қарши бўлади. Айни вақтда бало ва фалокатларга етаклайди. Ғаззолий Хотам Асом деган кишининг

халқдан беш нарсани илтимос қилганида, халқ унга эътибор бермаганидан узлатга чекинганлигини маълум қилади. Унга кўра, Хотам Асом халқдан Аллоҳга ибодат қилинлар, Унга боғланинлар деганида, улар қилмаганлар; у ҳолда мен ибодат қилай, ёрдамчим бўлинлар деб ёлворганида ҳам, улар қилмаганлар; сизлардан айрилиб, ёлғиз бошимга ибодат қиламан, мендан ранжиманлар деганида, улар ранжиганлар; ҳаммангиздан воз кечдим, менга Аллоҳ йўлида бўлишимга монёъ бўлманлар, мени номашруъ ишларга (Аллоҳ таъқиқлаган амалларни қилишга) чақирманлар, у йўлда юрмасам, менга душманлик қилманлар деганида, уни тингламаганлар. Охир оқибат, нечун бизнинг йўлимизга юрмаяпсан, деб душманга айланганлигини айтади. Шунинг учун ҳам халқдан воз кечиб, айрилиб, ёлғиз ибодатга машғул бўлишига мажбур бўлган у, – дейди Ғаззолий. Унинг бу фикрларни келтиришидан мақсади, халқ турли тоифали бўлиб, ҳамма ҳам бирдек, диний даъватларга эргашавермайди, уларга қўшилсанг, ибодатга вақт тополмайсан ёки ибодатлар қазо бўлиб, бу катта гуноҳларга сабабчи бўлишидан огоҳлантиришдир. Шу боисдан, пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) узлатга чекинишнинг ўзига хос томонларини, узлат вақтидаги ҳолларини билдириб, “Узлат вақтига етишганлар узлат қилсинлар” деган ҳадисини далил қилади.

Мазкур ҳадисга амал қилиб, халқ билан мулоқотни тўхтатиш жоизлигини Ғаззолий шундай изоҳлайди: бизга энг яхши ва фойдали ишларни ҳазрати Пайғамбар биздан мукамалроқ билади, ҳар ким ўз вақтига қарасин ва агар узлатни фойдали жиҳат ва шароитларни кўрса, пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) кўрсатмаларига амал қилсин. Чунки, мазкур вақтда фойдали ва зарарли бўлган нарсалар нима эканлигини Пайғамбаримиз биздан кўра яхшироқ билади. Ёлғончи фикрларга ва йўлдан адашган таълимотларга ўралашиб қолиб, ўзинга зиён келтирма ва пушаймон бўлишинг ҳеч гап эмас, деб насиҳат қилади[Абу Ҳомид Ғаззолий. Саодатга элтувчи илм/Таржимон: М.Аъзам.–Т. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи.2018.Б.59]. Ғаззолий узлатга оид Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в)нинг ҳадисларини, Юсуф ибн Арбот, Суфён ибн Утба, Суфён Саврий, Довуд Тои каби уламоларнинг қарашларини таҳлил қилиб, бундай вақтда халқ ичида юриш хато бўлишини айтиб, халқдан узоқлашишни тавсия қилади.

Ғаззолий узлат (инсонлардан маънан узоқлашиб, ёлғизликка чекиниш)нинг иккинчи сабабини қуйидагича тушунтиради: халқ билан алоқада бўлган обидлар ибодатларида шон-шуҳрат орзусидан кутула олмайди. Халқдан узилмаган шахсларнинг илми ўзларига наф бермагандай, бировга ҳам бир хайри тегмайди, деб ҳисоблайди. Бу борада Яҳё ибн Муознинг қуйидаги фикрини келтиради: “киши ибодатининг халқ ичида кўз-кўз қилиниши – бу бир риё кўрпачасидир”[Абу Ҳомид Ғаззолий. Саодатга элтувчи илм/Таржимон: М.Аъзам.–Т. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи.2018.Б.63]. Ғаззолий фикрича, шу сабабли обидлар ва зоҳидлар тоифаси риёдан кўрққанлари учун бегоналар билан умуман мулоқотга киришмаган, ҳаттоки, бир-бирини зиёрат қилишмаган.

Ривоятларга кўра, Имом Ғаззолий ҳазратларининг шайхи орифлардан бирини зиёрат қилгани боради. Анча вақтгача суҳбатлашиб, бир-бирларини дуо қиладилар. Охири хайрлашаётиб, шайх орифга: Бу йиғилишдан яхшироқ ва бахтлироқ бир йиғилишда бўлмагандим, дейди. Ориф унга шундай жавоб беради: – Мен эса бу йиғилишдан андишалироқ ва таҳликалироқ бир йиғилишга дуч келмаганман. Чунки, сен олиб борган гўзал суҳбатлар билан илм ва амалиннинг устунлигини менга кўрсатишга уриндинг ва шу тариқа ўзингни кўз-кўз қилишга шошдинг. Мен ҳам гапларингни тасдиқлаб риёкорлик қилдим. Шу туфайли иккимиз ҳам риё йўли билан амалларимизни буздик ва бу – суҳбатимизнинг Аллоҳ ҳузурида мақбул бўлмаслигига сабабдир, деб ўйлайман[Абу Ҳомид Ғаззолий. Саодатга элтувчи илм/Таржимон: М.Аъзам.–Т. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи.2018.Б.64].

Халқдан узоқлашишнинг ҳикмати нимада? Узлатга чекинишнинг қандай даражалари ва чегаралари бор? Ушбу саволларга жавоб беришда Ғаззолий халқни икки синфга бўлади:

Биринчи синф инсонларнинг илмига, ҳикматига халқнинг эҳтиёжи бўлмайди. Шу сабабдан бундай инсонларнинг жамоатдан айри яшашларига ва халққа аралашмасликларига бирон тўсиқ йўқ. Фақат жамоат билан қилиниши фарз ва вожиб бўлган жума, байрам (ҳайит) намозларида иштирок этишлари, рўзғорларини таъминлаш жиҳатидан халқ билан

мулоқот қилишлари ва бундан ташқаридаги вақтларда танилмайдиган ва билинмайдиган даражада халқдан узоқ туришлари мумкин. Агарда, бутунлай узлат қилишни, бир гўшага чекиниб, халқ билан ҳеч қандай алоқага кирмасликни истаса, бу икки ҳолатда бўлади:

а) бу каби кишилар тоғларда ёки дараларда, кимсасиз ерларда ўтиришлари керакки, шу ҳолдагина юқорида айтилган жамоатларга аралашуш ва диний жамоатларга қўшилиш мажбуриятдан халос бўла олади.

б) жума ва байрам намозлари каби фарзларни адо этиш ва моддий эҳтиёжларини таъминлаш учун халқ билан мулоқот қилишдаги маънавий масъулиятни адо этиш билан қўлга киритилган савобдан гуноҳ кўпроқ бўлишига ишончи юқорироқ бўлса, ишонч узлатга чекиниш учун бир узр бўлади. Ғаззолий бу фикрни асослаш учун қуйидаги ўзи гувоҳ бўлган воқеани келтиради: “Маккада узлатга чекинган баъзи шайхларни кўрдим. Турар жойлари узоқ бўлмаган ҳолда Қутлуғ Ҳарамга келиб намоз ўқишмасди. Жамоат билан намоз ўқиш сизнинг зиммангизда вожиб-ку, нега буни тарк этипсизлар?—дея сўрадим. Менга юқорида айтилган “жамоатга қўшилишнинг гуноҳи савобидан ортиб кетармикин” деган андишадимиз, деб узр айтдилар. Мен ҳам, узрли инсонларни айблай олмайман, дедим”[Абу Ҳомид Ғаззолий. Саодатга элтувчи илм/Таржимон: М.Аъзам.—Т. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи.2018. Б.65].

Ғаззолий узлатга чекинишни назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилиб, узлатга чекинишнинг узрли сабаблари ва тўсиқларини етарли даражада асослайди. Ғаззолий “узлат” ва “хилват” категорияларини бир томонлама асослашдан тўхтаб, “анжуман” яъни жамоат билан бирга бўлишни фойдалари ва “узлат”ни зарарлари тўғрисидаги таҳлилларини давом эттиради. Унинг фикрича, ҳақиқий йўл жамоат намозларида бўлиш ва халқнинг хайрли ишларига ҳисса қўшишдир. Агар киши бутунлай хилватни хоҳласа ҳамда жамоатда бўлиш фарз ва вожиб саналган намозларнинг маънавий жавобгарлигидан холи бўлишни истаса, у ҳолда тоғ тепалари, дара бўйлари каби овлоқ ва инсонлардан жуда узоқ жойларда яшаши лозимдир. Шаҳарда ёлғиз ўтириб, халққа қўшилмаслик, жамоатларга аралашмаслик хатодир. Гарчи инсонларга қўшилиш сабабли орттириладиган гуноҳлар хайрдан ошиб кетиши эҳтимоли узр саналса ҳам. Лекин, узр сифатида кўрсатилган далил аксинча бўлиб чиқиши, яъни хайр гуноҳдан ортиқ чиқиши ҳам мумкин ва у ҳолда узлат яхши натижа бермаган бўлади. Ғаззолий узлатга кетган, жамоатдан узоқлашган кишилар тўғрисида шундай хулосага келади: узлатни хоҳловчи мўминлар бу жиҳатдан узлатга оид бўлган мулоҳазаларни билиб, қайси бири хайрли бўлса, ўшанга ҳаракат қилишлари лозим.

Бундан ташқари, илм аҳлиларининг узлатга чекиниши номақбулдир,—деб таъкидлайди Ғаззолий. Зеро, шундай инсонлар борки, улар олимдирлар ва илмига амал қилади. Ваъз ва насиҳатлари билан халққа тўғри йўл кўрсатиши ва яхши ишларга ундаш ва бидъат аҳлининг овозини ўчириш кучига эгадир. Бундай кишиларнинг ёлғизликка чекиниб, халққа аралашмаслиги жоиз эмас. Аксинча, халқни яхшиликка чақириш, уларга Аллоҳнинг амр ва таъқиқлари ҳақида ваъз ва насиҳатлар айтиб, тўғри йўлга йўналтириши, диний муаммоларни ечиб, тараддудлардан қутқариши хусусида ўзини бахшида қилиши унга вожиб бўлади. Бу борада пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в)нинг қуйидаги ҳадислари далил бўла олади: “Ўртада пайдо бўлган бидъатларга (динга қарши одатларга) қарши мужодалада бўлмай жим ўтирган олимга Аллоҳнинг лаънати бўлсин”[Абу Ҳомид Ғаззолий. Саодатга элтувчи илм/Таржимон: М.Аъзам.—Т. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи.2018.Б.67]. Ушбу ҳадисга амал қилган, жамоатга қўшилиб, бидъатларга қарши курашган, халқни маърифатли қилиш ниятида юрган олимлар кечирилади. Лекин, узлатга чекинган олимлар кечирилмайди. Бироқ, уларга ҳам халққа қайтиш ва бу вазифани керакли даражада адо этишга даъват қилиниши лозим.

Ғаззолий мазкур фикрни тасдиқлаш учун устози Абу Бакр ибн Фаврақ ҳазратларининг қуйидаги ривоятини келтиради: “Ибодат қилиш учун халқдан узоқ бир тоғ бошига чиқдим. Ибодат билан машғул бўлган вақтда кўкдан бир садо келиб, менга бундай деди: “Эй Абу Бакр, халққа ваъзу насиҳат қилиб, одамларни тўғри, ҳақ йўлга чақириш илмининг кучига эгасан. Бу сенга вожиб бўлатуриб, нега тоғ бошига чиқдинг? Шунда дарҳол шаҳарга тушдим ва

вазифамни қила бошладим”. Шунингдек, Маъмун ибн Аҳмад исмли машҳур уламо ҳам ўз устози Абу Исҳоқдан эшитган куйидаги ривоятини келтиради: “Бир кун Лубнон тоғларидаги обидлар олдида кетдим ва: – Эй ўт еяётганлар! Муҳаммад умматини бидъатчилар, йўлдан тойганлар қўлида қолдириб, бу тоғ тепасида нима қилиб ўт еб юрибсиз?–деб сўрадим. Улар эса: – Биз халққа ваъз-насихат қилгулик қудратига эга эмасмиз. Аллоҳ таоло бундай куч-қудратни сенга берган. Бу амр бизга эмас, сенга фарз!–дея жавоб бердилар”. Шундан кейин устози Абу Исҳоқ “Жоми ул жалий вал хафий” номли китобини ёзиб, халқни Ҳақ йўлига чақирди ва бидъат аҳлининг қўлидан қутқарди.

Ғаззолий халқ билан мулоқотга киришиб, уларни маърифатли қилишни ният қилган олимларга икки вазифани қўяди:

1. Халққа етакчилик қиладиган олим. Бу олим кўп сабрли, ўта юмшоқ, теран дунёқарашли ва бу муҳим вазифасида муваффақиятли бўлиши учун Аллоҳнинг мададини тилаб юриши лозим.
2. Кўринишда одамларга ичдан маънавий устод бўла олувчи олимлар. Булар халқ сўраса, жавоб бериши керак. Зиёрат қилгани келса, очиқ юз билан кутиб олиши зарур[Абу Ҳомид Ғаззолий. Эй фарзанд/ Таржимон:Йўлдош Эшбек.–Имом Бухорий халқаро маркази.2018.Б.91].

Ғаззолий олимларни Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) нинг ворислари сифатида эътироф этиб, халқ билан бирга бўлишга даъват қилади. Жумладан, “ибодатларга қўшилсин, зиёратларга, кўнгил сўрашлар, табрикларга бориб, Аллоҳ ризоси учун кўнгилларини олсин. Ўзидан сўраган нарсалари, ишларини иложи бўлса қилиб беришдан ўзини четга олмасин ва туриш-турмушини яхши билад туриб улардан пора олмасин. Ниманики қилса, Аллоҳ ризолиги учун қилсин, ниманики тиласа, Аллоҳдан тиласин. Ҳеч кимсадан ҳеч нима таъма этмасин. Уларга жаҳл қилмасин, бахиллик қилмасин. Бирор тикилинч иши бўлса, ҳатто бу жуда муҳим эса-да, гапирмасин, ичида тутсин. Сўнгра ўз нафсига қараб ўшандоқ пайтларда чин юракдан ички ибодатини қилсинки, Ҳақ таолога мақбул келсин”[Абу Ҳомид Ғаззолий. Саодатга элтувчи илм/Таржимон: М.Аъзам.–Т. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи.2018.Б.67].

Шунингдек, Ғаззолий узлатга чекиниб, жамоатга қўшилмаслик офатлари тўғрисида куйидагиларни ёзади: “Билгилки, бир қанча дунё ва охиратлик ишлари борки, то одамларга аралашмагунча ҳосил бўлмайди ва хилват қилмоқ билан бу ишлар амалга ошмайди. Бу олти офатдир: биринчиси, илм олишдан маҳрум бўлади. Агар киши фарз илмини ўрганмаса, унга хилватга ўтириш ҳаромдир”[Абу Ҳомид Ғаззолий. Кимиёи саодат/ Абу Ҳомид Ғаззолий; таржимонлар: Т.Қодиров, И.Нуруллоҳ.– Т. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи,2018. Б.340]. Унинг фикрича, фарз илмини ўрганиб, ўзга илмни ўрганмаган бўлса ва фаҳм қилолмаса, у кишига ибодат учун хилватда бўлмоғи тўғридир. Агар шаръий илмни тўлиқ ўрганишга қудрати бўлиб, илм ўрганмай, узлатга кетса, кўп гуноҳ ва ҳаробликка сабаб бўлади. Киши илм ўрганмай, хилватни ихтиёр қилса, аксар вақти уйку, бекорлик ва пароканда ҳаёл билан беҳуда ўтади. Иккинчи офат шуки, манфаат олиш ва элга фойда етказишдан маҳрум бўлади. Касб ва ҳунарни халққа аралашмагунча ўрганиб бўлмайди. Кишининг бирон касб-ҳунарни ўрганиб, шу касб орқали оиласига ва элга манфаат етказиши, садақа бериши ва бошқа халққа фойдаси тегадиган хайрли ишлар қилиши узлатдан яхшироқдир. Шунингдек, “кимнингким аёлу оиласи бўлатуриб уларни таъминлаёлмай узлат этса – гуноҳдир”,–дейди Ғаззолий. Учинчи офат шуки, киши узлатда мужоҳада ва даъватдан орқада қолади. Тўртинчи офат шуки, хилватда васваса ғолиб бўлиб, дилга зарар етади. Зикр малол топади. То халққа муносабат қилмагунча зарар даф бўлмайди. Ибн Аббос (р.а) айтади: “Дилнинг роҳатидан бир йўла жудо бўлмагил, дил кўр бўлади. Бас, ҳар куни бир соат бир киши билан улфатчилик қилгилки, дилнинг шодлиги зиёда бўлғай. Ва лекин шундай киши билан ҳамсухбат бўлгилки, мол-дунёдан кўнгил совутгай ва охират ишига тарғиб қилгай”[Абу Ҳомид Ғаззолий. Кимиёи саодат/ Абу Ҳомид Ғаззолий; таржимонлар: Т.Қодиров, И.Нуруллоҳ.– Т. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи.2018. Б.342]. Бироқ, Ғаззолий ғафлат аҳли билан бир соат бўлишликдан қайтаради, зеро бу зиёнкорликдир. Бу борада ҳазрати пайғамбаримиз

Муҳаммад (с.а.в) шундай деганлар: “Ҳар киши дўсти ва улфатининг сифати қандай бўлса, бу ҳам худди ўшандай сифат касб этади”. Бешинчи офат шуки, касал кўриш, вафот этганларнинг жанозасида иштирок этиш, меҳмондорчиликка бориш, қутлаш-табриклаш ва таъзия изҳор қилиш савобидан маҳрум бўлади. Киши мусулмонлик ҳуқуқларини бажариш савобини ихтиёр этса, халқ орасида бўлмоғи яхшироқдир. Олтинчи офат шуки, узлат ҳам такаббурликни кўриниши бўлиб, одамлардан эътибор, тавозеъ талаб қилишдир [Абу Ҳомид Ғаззолий. Кимиёи саодат/ Абу Ҳомид Ғаззолий; таржимонлар: Т.Қодиров, И.Нуруллоҳ.— Т. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи.2018. Б.343].

Ғаззолий хилватда бўлишнинг фойдалари ва офатларини бирма-бир таҳлил қилиб, ҳар киши ўз ҳолини сарҳисоб қилиши ва хилватни ёки одамларга аралашиб юришни ихтиёри ўзида эканлигини айтади. “Хилват” ва “анжуман” да бўлишнинг одоблари бўлиб, қайси йўлни хоҳласа, ўша йўлдаги қоидаларга амал қилишга чақиради. Шунингдек, хилватни ихтиёр қилса, бу сирини одамларга ошкор қилмаслиги лозим. Бунда киши одобларга риоя қилган ҳолда, Аллоҳнинг ибодати билан машғул бўлади ва ҳеч вақт бекор бўлмайди. Ушбу тавсиялардан маълумки, Ғаззолий илм аҳлиларини халқ билан бирга бўлишга, уларни оғирини енгил қилишга даъват қилиб, халққа қилган яхши амаллари Аллоҳга мақбул қилишини яъни жамоат ичида яшаб, лекин Аллоҳ таолога доимий ибодат қилиб боришни тарғиб қилмоқда. Шу ўринда Ғаззолий Умар ҳазратларининг қуйидаги фикрларини келтиради: “Тунда ухласам – нафсимга бўйсунган бўламан, кундуз ухласам – фуқароларимга зарар бераман. Бу иккиси ўртасида ухлаш менинг учун мумкинмикан?— дея одамларни тафаккур қилдирган эканлар. Демак, нафсининг халқ билан, қалбнинг Аллоҳ билан бўлиши жуда қийин масала ва мушкул бир ишдир [Абу Ҳомид Ғаззолий. Саодатга элтувчи илм/Таржимон: М.Аъзам.—Т. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи.2018.Б.68]. Бироқ, Ғаззолий халқни доимо пайғабаримиз Муҳаммад (с.а.в)нинг қуйидаги ҳадисига амал қилишга чақиради: “Умматининг дунёда узлатга, ёлғизликка чекиниши – масжидларда ўтириб Ҳақ таолога юзланиб ибодат билан машғул бўлишидир”. Бу ҳадисдан халқдан узилиш жоиз эмаслиги англашилади. Ғаззолийнинг фикрича, масжидда ибодат билан машғул бўлмоқ ва халққа аралашмоқдан мақсад зоҳирда халқ билан, ботинда Ҳақ билан бирга бўлишдир. Зотан, ҳақиқий узлат мана шудир. Асло халқдан тамоман узилиш дегани эмас [Абу Ҳомид Ғаззолий. Саодатга элтувчи илм/Таржимон: М.Аъзам.—Т. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи.2018.Б.71].

Шу ўринда айтмоқчимизки, Баҳоуддин Нақшбанд томонидан ривожлантирилган “Дил ба ёру даст ба кор” тариқат ғоясини ишлаб чиқишда Юсуф Ҳамадоний томонидан илк бор айтилган “хилват дар анжуман” тариқат қоидаси ва Ғаззолийнинг таълимотидан илҳомланган бўлиши мумкин. Тарихан олиб қарайдиган бўлсак, Абу Ҳомид Ғаззолий ва Юсуф Ҳамадоний бир даврда Абу Али Формадийнинг муридлари бўлишган. Эрон олими доктор Муҳаммад Амин Риёҳийнинг таъкидлашича, Хожа Юсуф Ҳамадоний шахсият сифатида Имом Муҳаммад Ғаззолийга ўхшаб кетади, улар иккаласи ҳам тасаввуфни содда ва безаксиз сўзлар билан тушунтириши ҳамда тариқатни шариатга мувофиқ бир мақомга келтириши уларни ҳамфикр бўлганлигини тасдиқлайди. Шунингдек, Ғаззолий турли соҳага оид асарларининг кўплиги билан шуҳрат қозонган бўлса, Хожа Юсуф Ҳамадоний кўплаб муридлар етиштиргани билан тасаввуфда юқорироқ даражада турган. Бироқ, Юсуф Ҳамадонийнинг Имом Муҳаммад Ғаззолийдан фаркли томони, у илмий-маърифий асарлар ёзишдан кўра, одамлар орасида юриб, муридлар таълим-тарбияси билан шуғулланиш йўлини танлаганлигидир.

ХУЛОСА

Умуман олганда, Ғаззолийнинг халқ билан мулоқот қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратиши даврнинг заруратидир. Маълум бўладики, у хилват ва анжуман масалаларни муҳокама қилиб, фойда ва зарарларини таҳлил этган. Бу икки қарама-қарши руҳий эҳтиёжни бирлаштирадиган одамни орзу қилади, руҳан Ҳақ билан ва жисман халқ билан бўлган кишини буюкларнинг буюги деб ҳисоблайди. Ғаззолий халқ билан мулоқот қилиш масалаларига оид тадқиқотлари кейинги даврда хусусан, нақшбандия тариқатини ривожлантиришда Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари учун методологик асос бўлган бўлса ажабмас.

Ғаззолийнинг Аллоҳга чуқур эътиқод, илмий-фалсафий ва ижтимоий-ахлоқий мероси қолдириш орқали жамиятда яшаш, кишиларга хизмат қилиш, бош даъвати бўлган. Мутасаввифнинг асарларида илоҳий тартиблар баён қилинган Қуръони Карим ва ҳадислар инсон ҳаётини яхшилашини, уни маънавий, ахлоқий етук қилишини асослаб берган. Тариқат пирларини ўз ғоялари ва амалий ишлари билан, халқдан ажралмаган ҳолда, уларнинг дарди билан яшаши зарурлигини диний ва дунёвий жихатдан асослаб берди.

Мутасаввифнинг таълимотида халқпарварлик асосий ўринни эгаллайди. Ислом динида раҳбония, яъни таркидунёчилик йўқ, чунки ҳар бир инсон бир-бирига хизмат қилиши керак, бир-бирининг оғирини енгил қилиши керак. “Ҳужжат ул Ислом” унвонига эга бўлган Абу Хомид Ғаззолий ислом қадриятларига мувофиқ яратган таълимоти мамлакатимизда халқ билан мулоқот қилиш бўйича олиб борилаётган ислохотларда диний ва фалсафий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Библиография

- ИСЛОМ. Энциклопедия. Т.:ЎЗМЭ., 2017. Б.106
- АБУ ҲОМИД ҒАЗЗОЛИЙ. Саодатга элтувчи илм/Таржимон: М.Аъзам.— Тошкент. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи.2018. Б.6
- АБУ ҲОМИД ҒАЗЗОЛИЙ. Кимйёи саодат/ Таржимонлар: Т.Қодиров, И.Нуруллоҳ.— Тошкент. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи,2018. Б.13.
- АБУ ҲОМИД ҒАЗЗОЛИЙ. Мукошафатул қулуб(Қалблар кашфиёти)/Таржимон ва нашрга тайёрловчилар: М.Аъзам И.Нуруллоҳ; масъул муҳаррир Ш.А.Мансур.— Тузатилган қайта нашр.—Тошкент. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи.2018. — 512 б.
- АБУ ҲОМИД ҒАЗЗОЛИЙ. Ихёу улумиддин (Дунёни англаш китоби)/Таржимон: Б.Эрали.— Тошкент. “Sharq”,2018. — 304 б.
- АБУ ҲОМИД ҒАЗЗОЛИЙ. Эй фарзанд/ Таржимон:Йўлдош Эшбек.— Имом Бухорий халқаро маркази,2018.Б.91.
- КОМИЛОВ Н. Тасаввуф. Т. “Movarounnahr”. 2009. Б.93.
- SAMATOV KH. Preaching of compatible of ideology in Education Khojagi Akhmad Kosoni Makhdumi Azam. // International Research Journal of Social Sciences. E-ISSN 2319-35-65 Vol.5 (5), 1-5.May (2016). India.
- SAMATOV KH. Naqshbandi teaching peace and harmony in society issues (Based on the teachings of Sayyid Jaloliddin Ahmad Khoja-Kasani Makhdumi Azami. // Materials of the International Scientific Practical Conference. (Kh., 2016)USA.Philadelphia, 2016. P.175-179.

Transliteration

- ISLAM. ENCYCLOPEDIA. T: UzNE, 2017.
- ABU HAMID GAZALI (2018) Science that leads to happiness.-Translated by M.Azam. T: Gafur Gulam Publishing House.
- ABU HAMID GAZALI (2018) Kimyoyi saodat. -Translated by T.Kadirov and I.Nurulloh. T: Gafur Gulam Publishing House.
- ABU HAMID GAZALI (2018) O child. -Translated by Yuldash Eshbek. T: Imam Buhariy international center
- KOMILOV N.(2009) Mysticism. T: Movarounnahr
- SAMATOV KH. Preaching of compatible of ideology in Education Khojagi Akhmad Kosoni Makhdumi Azam. // International Research Journal of Social Sciences. E-ISSN 2319-35-65 Vol.5 (5), 1-5.May (2016). India.
- SAMATOV KH. Naqshbandi teaching peace and harmony in society issues (Based on the teachings of Sayyid Jaloliddin Ahmad Khoja-Kasani Makhdumi Azami. // Materials of the International Scientific Practical Conference. (Kh., 2016)USA.Philadelphia, 2016. P.175-179.



Бекпулот Нусратуллаевич Туробов
 Самарқанд давлат чет тиллар институти
 Гуманитар фанлар ва ахборот
 технологиялари кафедраси ўқитувчиси
 bekpulat2010@mail.ru

АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИДА БОРЛИҚ МУАММОЛАРИ

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9505-2020-SI-2-14>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада буюк шарқ мутафаккири Алишер Навоийнинг фалсафий қарашлари ўрганилган. Навоийнинг фалсафаси икки бир-бирига зид ижтимоий ҳодисалар (масалан, яхшилик ва ёмонлик ва бошқалар) тўғрисидаги ҳикоя, мақоллар ва тарихий шахсларнинг фикрларига асосланади. Форобий, Ибн Сино, Беруний фалсафасига эса мантикий далил-исботлар ва илмий услуб хосдир. Шунинг учун бу фалсафий қарашлар шаклан бир-биридан фарқ қилади. Аммо ҳар иккала қарашда муштарак нуқта мавжуд, у ҳам ҳам бўлса ҳақиқатни билиш усулидир. Алишер Навоийнинг фалсафий меросида борлиқнинг моҳияти, тузилиши тўғрисидаги мушоҳадалар ҳозирги даврда ҳам ўзининг аҳамиятини йўқотган эмас. Навоийнинг фикрича, борлиқ замон ва макон нуқтаи назаридан чексиздир. Демак, борлиқ бир бутун дунё ва ундаги нарса ва ҳодисалар, инсон ҳаёти, онги, кишилар фаолиятининг барча объектив ва субъектив шароитлар, ҳатто жамиятда юз берадиган ҳамма жараёнларни қамраб олади. У фалсафа нуқтаи назаридан кенг маънода бир бутун реаллик сифатида тушунилади.

Калит сўзлар: фалсафа, мантик, далилар, билиш, инсон фаолиятининг объектив ва субъектив шартлари

Б.Н.Туробов
 Преподаватель кафедры
 гуманитарных наук и
 информационных технологий
 Самаркандский государственный
 институт иностранных языков

ПРОБЛЕМЫ БЫТИЯ В ТВОРЧЕСТВЕ АЛИШЕРА НАВОИ

АННОТАЦИЯ

В статье исследуются философские взгляды великого восточного мыслителя Алишера Навои. Философия Навои основана на рассказах, пословицах и мнениях исторических деятелей о двух противоречащих друг другу социальных явлениях (например, добре и зле и т. Д.). Философия Фараби, Ибн Сины и Беруни характеризуется логическими аргументами и научным стилем. Поэтому эти философские взгляды различаются по форме. Но в обоих

взглядах есть общая точка, которая также является способом познания истины. Наблюдения за сущностью и структурой существования в философском наследии Алишера Навои не утратили своей актуальности и сегодня. Согласно Навои, существование бесконечно во времени и пространстве. Следовательно, бытие - это целый мир и включает в себя все вещи и события в нем, человеческую жизнь, сознание, все объективные и субъективные условия человеческой деятельности и даже все процессы, происходящие в обществе. Это понимается как целостная реальность в широком смысле с философской точки зрения.

Ключевые слова: философия, логика, аргументы, познание, объективные и субъективные условия человеческой деятельности

B.N. Turobov
Lecturer of the department
humanitarian sciences and
information technologies
Samarkand State
Institute of Foreign languages

PROBLEMS OF EXISTENCE IN THE WORKS OF ALISHER NAVOI

ANNOTATION

The article examines the philosophical views of the great oriental thinker Alisher Navoi. Navoi's philosophy is based on stories, proverbs and opinions of historical figures about two contradicting social phenomena (for example, good and evil, etc.). The philosophy of Farabi, Ibn Sina and Beruni is characterized by logical arguments and scientific style. Therefore, these philosophical views differ in form. But in both views there is a common point, which is also a way of knowing the truth. Observations of the essence and structure of existence in the philosophical heritage of Alisher Navoi have not lost their relevance today. According to Navoi, existence is infinite in time and space. Consequently, being is the whole world and includes all things and events in it, human life, consciousness, all the objective and subjective conditions of human activity and even all processes taking place in society. This is understood as a holistic reality in a broad sense from a philosophical point of view.

Key words: philosophy, logic, arguments, cognition, objective and subjective conditions of human activity.

КИРИШ

Улуғ шоир Алишер Навоийнинг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган юксак фикрлари юксак бадий мазмун ва шаклда тасвирланган. Бу фикрлар умуминсоний аҳамиятга эга бўлганлиги учун ўша давр ва ҳозирги кунда ҳам ўзининг фалсафий ва ахлоқий аҳамиятини йўқотган эмас. Шунинг учун бу асарлар жаҳоншумул фалсафий-ахлоқий қариятлар сирасига киради. Шоир дунёқараши мавҳум тушунчаларда ифодаланмаган балки, бадий-шеърый шаклда тасвирланган. Унинг турли бадий ўхшатиш ва рамзли ибораларида фалсафий мазмун сингдирилган. Навоий ижодида мантикий далил-исботлар усулига асосланган илмий-фалсафий мулоҳазалар бўлмаса-да, улар чуқур ҳис-туйғулар, тўла ички кечинмалар, лирик қаҳрамон саргузаштлари орқали ёритилган. Навоийнинг фалсафаси икки бир-бирига зид ижтимоий ҳодисалар (масалан, яхшилик ва ёмонлик ва бошқалар) тўғрисидаги ҳикоя, мақоллар ва тарихий шахсларнинг фикрларига асосланади. Форобий, Ибн Сино, Беруний фалсафасига эса мантикий далил-исботлар ва илмий услуб хосдир. Шунинг учун бу фалсафий қарашлар шаклан бир-биридан фарқ қилади. Аммо ҳар иккала қарашда муштарак нукта мавжуд, у ҳам ҳам бўлса ҳақиқатни билиш усулидир [11, 166 б.].

МАТЕРИАЛЛАР ВА МЕТОДЛАР

Академик М.М.Хайрулаев, шоирнинг ижоди бой ва кўп қиррали бўлиб, унда борлиқнинг моҳияти, инсон ҳаётининг мазмуни ҳақида чуқур фалсафий мулоҳазалар

юритилган, деган фикрни билдиради. Алишер Навоийнинг асарларида борлиқ, билиш, ривожланиш, мазмун ва шакл ва шу каби фалсафий муаммоларнинг юксак маҳорат билан бадий усулда талқин қилиниши уни фалсафа фанининг билимдони деб ҳисоблашга далил бўла олади. Мутафаккирнинг олдида турган фавқулотда муҳим вазифалардан бири, қатор фалсафий муаммоларни бадий образларда таъсирчан ва жонли шаклда баён қилишдан иборат бўлган. Навоий асарларидаги фалсафий ғоялар дунёқарашининг барча асосий белгиларини ўзида мужассам этган [5, 216 б.]. Навоийнинг барча асарларида, хусусан “Хамса” ва “Маҳбубу-ул-қулуб”ида фалсафанинг фундаментал тушунчалари тавсифини кўриш мумкин. Жуладан, булар: 1). Вужуд (борлиқ); 2). Адам (йўқлик); 3). Вужуди мутлақ; (мутлақ борлиқ, Ғарб фалсафасида субстанция дейилади); 4). Мавжуд (кўплиги мавжудот, пайдо бўлган нарсалар, нисбий борлиқ); 5). Фано (бор бўлганнинг йўқ бўлиши); 5). Бақо (борнинг йўқ бўлмаслиги); 6). Макон (бор бўлиш ўрни); 7) Замон (бор бўлиш муддати); 8). Мало (тўлиқлик); 9). Хало (бўшлиқ); 10). Мабда (келиб чиқиш пайти ва ўрни); 11). Аввал (замон нуқтаи назаридан бор бўлишнинг боши, маънодоши “бидоят”); 12) Охир (замон нуқтаи назаридан бор бўлишнинг охири, яъни йўқ бўлиш пайти, маънодоши “ниҳоят”); 13). Зот (борлиқнинг ички ўзгармас томони, моҳият); 14). Сифат (кўплиги сифот, борлиқнинг ташқи белгиси ва ўзгарувчан томони); 15) Вожиб (ўзганинг таъсирисиз ўзича бор, яъни объектив) [9, 7-8 б.]. Шулар билан бирга Навоий асарларида яна анчагина фалсафий тушунчалардан фойдаланилган.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Алишер Навоийнинг фалсафий меросида борлиқнинг моҳияти, тузилиши тўғрисидаги мушоҳадалар ҳозирги даврда ҳам ўзининг аҳамиятини йўқотган эмас. Навоийнинг фикрича, борлиқ замон ва макон нуқтаи назаридан чексиздир. Демак, борлиқ бир бутун дунё ва ундаги нарса ва ҳодисалар, инсон ҳаёти, онги, кишилар фаолиятининг барча объектив ва субъектив шароитлар, ҳатто жамиятда юз берадиган ҳамма жараёнларни қамраб олади. У фалсафа нуқтаи назаридан кенг маънода бир бутун реаллик сифатида тушунилади. Борлиқ азалий, чунки унинг аввали бўлмаган. Шу билан бирга у абадий ҳам, яъни унинг охири бўлмайди, у доим бордир. Шоир “Ҳайратул-аброр”да мутлақ борлиқ тўғрисида шундай дейди:

Эй сенга мабдада абаддек азал,
Зот-и қадиминг абадий, лам язал
Не бўлуб аввалда бидоят сенга,
Не келиб охирда ниҳоят сенга [1, 13-14 б.].

Навоий бу шеърда мутлақ борлиқнинг азалий ва абадийлигини тушунтиради ва азал, абад тушунчаларининг нисбийлигини кўрсатади. Мутлақ ҳақиқатга берилган бу икки сифатнинг орасида моҳият нуқтаи назаридан фарқ мавжуд эмас. Бу тушунчаларнинг ҳар иккаласи ҳам замон нуқтаи назаридан чексизликни билдиради.

Навоийнинг эътироф этишича, борлиқ макон нуқтаи назаридан ҳам чексиздир. Шоир ёзишича, макон мало (тўлиқлик)дан ва хало (бўшлиқ)дан иборатдир. Ҳар иккисини ҳам мутлақ борлиқ эгаллаган. Унда бирор жой мавжуд эмас: “Не анга замону макон ихтимоли, не замону макон андин холи. Не хало анинг еридур, не мало, аммо ҳам халову ҳам мало андин тўла” [3, 75-76 б.].

Навоий тили билан айтганда мутлақ борлиққа хос хусусиятлардан бири зотининг вожиблиги, яъни ҳозирги давр файласуфлари нуқтаи назарича объективлигидир. Мутлақ борлиқнинг зотига ҳеч ҳандай ташқи таъсир мавжуд эмас, у ўзича бўлган, бор ва бўлади. Унинг ҳаракати ҳеч нарсага боғлиқ эмас [9, 10 б.].

Мутлақ борлиқ зоти эътибори билан ваҳдатга, яъни бирликка эга, яъни у зотан ягонадир. Коинотдаги ҳамма нарса ҳамда ҳодисалар, яъни мавжудот мутлақ борлиқ сифати зуҳури, яъни турли-туман кўринишидан иборатдир. Навоийнинг фикрича, мутлақ борлиқнинг ҳаракати натижасида коинот вужудга келган. Мутафаккир бу жараёни куйидагича баён этади:

Чу бир жунбиш этти аён баҳри зот,
Падид ўлди амвожидин коинот [2, 3 б.].

Мавжудотнинг муайян макони бор, чунки у замон ва маконда чекланган. Аммо мавжудот ҳам йўқдан бор бўлмаган. Коинотда бирорта ортиқча ва етишмайдиган нарсанинг ўзи ҳам йўқ. Навоийнинг коинот қанчалик кенг бўлишига қарамасдан, бирорта қил сиғадиган даражада бўш жой йўқ, ундаги бор нарсаларнинг ҳаммаси бир-бирига боғлиқ, деган фикрлари унинг фалсафасида диалектика унсурлари борлигидан далолат беради. Бизнинг фикримизча, Навоий асарларида диалектика тушунчаси қўлланилмаган бўлса-да, шоир ижодининг тахлили унда диалектик тафаккур мавжудлигини кўрсатади. Демак, диалектик тафаккур Навоий тафаккурининг ривожланиш даражасига боғлиқ эди. Навоийнинг диалектик тафаккур усули ўз моҳияти билан софистик, эклектик ва догматик тафаккур усулларида тубдан фарқ қилади. Софистик тафаккур усули (Софистика - юнонча: *sopism*-атайлаб хато асослар асосида, кўп маъноли сўзларга асосланиб фикр юритиш)-билиб туриб, хато асослардан ёлғон хулоса чиқаришдир.

Диалектик тафаккур усулига муқобил бўлган тафаккур усулларида яна бири бу эклектика (юнонча: *eklegin* - танлайман, дегани)дир. Эклектик тафаккур усули ҳам дастлаб қадимги юнон фалсафасида юзага келган.

Догматик тафаккур (Догматика-юнонча-сўз бўлиб ўзгармас, қотиб қолган, ақида дегани) -конкрет шарт-шароитларни ҳисобга олмай қўлланиладиган қоида, тамойил, фикрдир) фалсафадаги амалиёт ва фаннинг янги маълумотларини ҳисобга олмай, конкрет макон ва замон билан боғлиқ, бўлмаган, ўзгармас тушунчалар ва қоидалар билан иш кўрувчи тафаккур усулидир.

Диалектика ўз моҳияти жиҳатдан умумий алоқадорликлик, боғланиш, ҳаракат, ўзгариш тўғрисидаги таълимот сифатида табиат, жамият ва инсон тафаккурига хос энг умумий алоқадорлик ва боғланишларни тўғри акс эттиради.

Навоийнинг фалсафий дунёқараши пантеизм ва тасаввуфга асосланади. Унинг дунёни тушуниши Худо, табиат ва инсон бирлиги ғоясига асосланади. Навоийнинг таъкидлашича, Худо ҳамма мавжудотнинг ибтидоси бўлиб, унинг бирлиги-тавҳид орқали инсон, табиат ва Худонинг бирликда эканлигинининг далолатидир. Демак, муҳаббатнинг объекти инсон, борлик, табиат ва Худо бўлиб, улар мутафаккир асарларининг ўзаги ҳисобланади [8, 57 б.].

Пантеизм таълимотига асосланган Навоий борлиқнинг умумийлигини унинг илоҳийлиги ва илоҳий субстанциянинг ягоналиги билан тушунтиради. У чексиз, барча нарсани ўз ичига оладиган табиат кўринишида намоён бўлади, унда яширингандай бўлиб, қоришиб кетади. Навоийнинг фалсафий мероси тадқиқотчиси М.Ориповнинг ёзишича: “Табиат худонинг ташқи ифодаси, экс этишидир. Унинг ички сифатлари туб сифатлар бўлиб, улар умумийлик (аҳадият), ибтидоийлик (аввал), абадийлик (азал) ва чексизликдан иборатдир. Унинг ташқи сифатлари (зоҳир сифатлар) моддий оламнинг барча турли –туманлигини вужудга келтиради [4, 90 б.].

Илоҳий субстанция сон-саноксиз нарсалар, ҳодисаларда турли-туман конкрет шаклларда намоён бўлади. Ундан бепоён коинот ташкил топади. Навоий фикрича фақат ягона Худо бор, у намоён бўлган сон-саноксиз нарсалар битта ягоналик, ҳамма нарсани ўз ичига олган моҳиятдир. Шундай қилиб ҳар қандай предмет намоён бўлган, конкретлашган ягона Худодир. Бир ҳолатда, бир жойда бу Худо Қуёш каби намоён бўлса, бошқасида Ойдек, бир ҳолатда, бир жойда бизга олов каби, бошқасида сувдек, у бизга бут ва шунингдек, Каабадек ҳам кўринади [7, 176 б.]. Оламдаги барча нарсалар ўткинчи ва вақтинчалик бўлиб, Худо эса абадийдир. Борлиқдаги барча жараён унинг иродаси маҳсулидир. Улуғ шоир “Лисонут тайр” достонида иккита асосий масалани қўяди. Биринчиси, Худо билан борлик ва инсон орасидаги муносабат, иккинчиси эса, шу даврдаги адолатсизлик ва бошболдоқликларни, қоралаш, ҳукмдорларни ақл ва адолатга қақаришдан иборат эди. Навоийшунос олима С.Ғаниева биринчи масаланинг мазмунини қисқача қўйидагича изоҳлайди: “Табиат, ундаги мавжудотлар, жумладан инсон Худонинг энг камолотга эришган кўринишидир, Бинобарин, асл моҳиятини, яъни комил Худони табиатдан ва инсоннинг ўзидан ташқарида, қаерлардандир ахтариш, кўриш ҳатодир. Демак, табиат, ундаги гўзалликлар, ҳаёт лаззатлари, инсон энг

кимматли воқелиқдир, табиат инсонинг бахт-саодати учун зарур бўлган барча нарсаларнинг манбаидир. Инсон юксак даражада илоҳийлашга муқаддас зотдир [10, 109 б.].

- Алишер Навоий бадий асарларнинг мазмун ва шаклига жиддий эътибор қаратади. Навоийнинг фикрича, мазмун воқелиқни, объектив реаллиқни акс эттиради. Мазмун ва шакл кишиларнинг борлиқни билишида катта роль ўйнайди. Мазмун ва шакл категориялари оламдаги турли нарса, ҳодиса ва жараёнларнинг диалектикасини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Мазмун ва шакл оламдаги нарса, ҳодиса, жараённинг мавжудлигини ифодалаш воситаси ҳисобланади. Бу иккала категориянинг бирлиги оламнинг аниқ кўринишларидан иборатдир. Аммо мазмун ижтимоий объектив реаллиқ, воқелиққа ҳам алоқадор эканлиги Навоийнинг назаридан четда қолди. У фақатгина умумий тарзда мазмун ва шаклнинг назарий масалаларини ишлаб чиқишга ҳаракат қилди, ҳолос. Унингча, бадий асар шакл жиҳатидан қанчалик ёрқин бўлмасин, барибир у ҳеч қачон диққатни тортмайди. Чуқур мазмунга эга бўлмаган асар ақлли ва саводхон одамларнинг мақтовига сазовор бўлмайди. Бундан мазмун ҳамма нарсани белгилайди, шакл эса муҳим эмас, деган ҳулоса чиқмаслик керак. Навоийнинг фикрига кўра шакл ҳам муҳим рол ўйнайди. Биринчидан, айнан мазмун шакл орқали акс этади. Навоий буни қуйидагича изоҳлайди. Фикр бу тана бўлса, шакл эса шунга мос бўлган либос, безаклардир. Иккинчидан, муносиб шаклсиз, бадий асар ўзининг қийматини йўқотади. Бир сўз билан айтганда, мос либоссиз тақдим қилинган предмет яланғочдир.

Гарчанд Навоий ҳаракат, ўзгариш, ривожланишни умумий тарзда кўрсатган бўлса-да, энг аввало оламнинг ягоналиги, конкрет борлиқ ва ундаги ҳаёт, гўзал, табиатдан ташқарида бошқа борлиқ ва бошқа ҳаётни излаш беъманиликдир, деган фикрларини асослашни мақсад қилиб қўяди. Мутафаккиринг фикрига кўра олам оддийдан мураккабга, кўпроқ такомиллашувга ва гўзаллиққа қараб боради. Борлиқда узлуксиз жараён, ҳаракат амалга ошади, унинг натижасида эса доимий ривожланиш, ўзгариш, янгининг пайдо бўлиши, эскининг йўқолиши содир бўлади. Ривожланиш эса бу – прогресс (прогресс лотинча - progressus сўзидан олинган бўлиб, янгининг ривож, олдинга томон ҳаракат, ривожланишда қуйи босқичдан юқори босқичга ўтиш, дегани) томон ўзгаришдир. Ўзгариш эса ривожланишдан шу билан фарқ қиладики, у ўз ичига регресс (таназул, орқага қайтиш)ларни ҳам олади. Демак, Навоий ҳаракат, ривожланиш тўғрисида гапирганда: а) Оламнинг бирлиги; б) Ҳаётнинг бирлигини; в) Ундаги гўзаллиқ, табиат ва ҳаётнинг мукамаллиги; г) ягона, камровли субстанция, табиатнинг ўз-ўзидан ҳаракатини асослашга ҳаракат қилади.

Навоий предмет ва ҳодислар ўзаро боғлиқлигининг баъзи томонларини таҳлил қилади. Гарчанд умумий тарзда бўлса-да, ҳамма мавжудлик йиригидан бошлаб энг майдасигача, энг узоғидан бошлаб, энг яқинигача ўзаро алоқадорлиқ, боғлиқлик тамойилига бўйсунди. Мутлақо бир-биридан ажралган, яқка предметлар ва ҳодисалар мавжуд эмас. Бу борлиқнинг бутун мавжуд нарсаларнинг, ҳодисаларнинг хусусиятидир. Олам чексиз, ҳодисалар сон-саноксиз бўлганлиги учун ўзаро алоқалар занжири ҳам чексиздир. Демак, турли-туман нарсалар ўзаро алоқада бўлгани учун бир-бирлари билан мос келиши мумкин. Бу алоқа нарсалар мавжудлигини тақозо этади. Навоий баъзи ҳолларда ўзаро алоқадорлиқ ва боғланишни инсоннинг амалий ҳаётида кўради, чунки бу тамойил жамиятда ҳам ҳукмрон мавқега эга. Биринчидан, ҳеч ким бошқалар билан ижтимоий алоқада бўлмасдан яшай олмайди. Иккинчидан, модомики ҳамма нарса бир-бири тақозо этар экан, демак одамнинг ҳам ҳатти-ҳаракати маълум маънода уни ўраб туган шарт-шароитга боғлиқ бўлади. Одам ҳаракат қилиб, ўз мақсадига эришади, аксинча бўлса, унинг мағлубиятга учраши аниқ. У ҳар қандай қийинчиликларга дуч келишига қарамай, уларни билим ва ақлнинг ёрдамида ҳал қилиши мумкин.

Инсон борлиғи ўз табиати ва моҳиятига кўра энг мураккаб борлиқ шаклидир. Фалсафий нуқтаи назардан қараганда, инсон, даставвал, табиатнинг энг олий тирик мавжудотидир. инсон, айни вақтда, ижтимоий-тарихий тараққиётнинг маҳсули бўлган ижтимоий мавжудот ҳамдир. Навоийнинг фикрича, ердаги ҳамма нарсадан энг қадрлиси инсондир. Инсоннинг кадр-қиммати мезони ижтимоий келиб чиқиши ва мол-мулки эмас, балки унинг маънавий қиёфаси, ахлоқий сифатлари ҳисобланади. Оламдаги барча нарсалар (Қуёш, тоғлар, денгиз,

дарёлар, ҳаво, олов, табиат, хуллас, барча борлик) инсонга хизмат қилиш учун яратилган. У пантеизм таълимотига асосланиб, инсонни илоҳийлаштиради, уни илоҳий мавжудлик, Худонинг намоён бўлиши, деб ҳисоблайди. Агар худога муҳаббат бўлса, инсонни ҳурмат қилиш керак, у чунки Худонинг тўлиқ, мукамал намоён бўлишидир. Инсон Худонинг конкрет намоён бўлишидан иборат бўлиб, у чексиз истакка эга бўлиши, эркин ҳаракат қилиши мумкин. Демак, у ўз тақдирини ўзи ҳал қилади ва қилиши керак. Шунинг учун Навоий ижобий қаҳрамонларининг бирортаси фаталист эмас. Шунинг учун улар мақсадга эришишга интилиб, йўлларидаги тўсиқларни енгишга ҳаракат қиладилар. Бундан келиб чиққан ҳолда Навоий инсон хоҳишларини реал заруриятда, аниқроқ айтганда, баъзи муносабатларда ижтимоий боғланганликда кўради. Тирик мавжудодлар тўртта унсурдан иборат (аносир-и-арбаа). Булар олов, сув, ҳаво, тупроқ, яъни иссиқ, совуқ, ҳўл ва қуруқдир. Инсон ҳам тирик мавжудот бўлганлиги учун унга шу унсурлар ҳам хосдир. Инсон ҳаёти шулардан келиб чиқади ва шунинг учун инсон билишга қодир.

Навоий оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятига чуқур кириб бора оладиган кишиларни “маъно аҳли”, аксинча эса, уларга эътиборсиз ва юзаки қарайдиган кимсаларни “суврат аҳли” деб атади. Суврат аҳлининг инсоний ҳиссиётлари суств ривожланганлиги учун, улар нафсининг вақтинчалик оромини ўйлайдилар. Уни лаззат деб ҳисоблайдилар. Аслида суvрат аҳлининг инсонга азият берувчи ишлар лаззат бағишлайди, деган фикрга боришлари моҳиятти билмасликдан келиб чиқади.

Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” достонида табиат фасллари билан инсон умри фасллари киёсий таҳлил қилинади. Навоий наздида, инсон умри фасллариининг алмашинуви умрнинг ўткинчилиги ва ўлимнинг муқаррарлигидан далолат беради. Навоий ўз устози Умар Ҳайёмдан фарқли ўлароқ бу ҳақда қаттиқ қайғурмаслик керак, деб ҳисоблайди.

Неча жафо этса фалақдир унут ,
Ҳар начаким кулли эрур саҳил тут.
Ишга неча саъблиқ эрур,
Ким ани осон тутар, осон эрур.

Бу Навоийнинг ўша давр фалсафий тафаккури даражасидан жуда баланд кўтарилганини кўрсатади.

Навоий одам асосан ҳаёт жараёнида инсоний ҳислатларга эга бўлиб боради, деб ҳисоблайди. Инсон инстинктив ҳаракат қиладиган ҳайвондан фарқли ўлароқ ақл, фаҳм-фаросат, фикрлаш, билиш қобилияти, шундай қилиб, ўзида у ёки бу предметлар тўғрисида муайян, тизимли билим ҳосил қилиш, тил инъоми, ўзининг фикрлари, билимлари, бошқаларга бериш кўникмасига эга. Бу ижтимоий фикрни вужудга келтириб, инсоннинг ҳайвондан устунлигини билдиради. Инсонга муҳаббат энг муҳим ижтимоий тамойил бўлиб, вазифаси эса ўз яқинлари хизмат қилишдан иборат. Навоий кишиларга фойда келтиришни ҳаёт мазмуни, деб билган инсонларни таърифлади. Умрини фақат инсониятга хизмат қилишга бағишлаган кишиларгина одам деган улуг номга муносибдир, деган ақида улуг шоирнинг ҳаёт фалсафаси ҳисобланади. Навоий асарларида улугланган инсон мавҳум одам эмас. Навоийнинг эътирофича, бутун мавжудот олами, нарсалар дунёси, ҳар қандай воқеликда инсон энг азиз ва энг қадр-қимматли бўлиб, ташқи киёфаси ҳам, ички дунёси билан ҳам гўзалдир.

Одамларнинг ҳаракатлари мақсадли характерга эга. Одам тирик экан, у имконият даражасида ўз ҳаётини сақлашга интилади. Демак, одамлар ҳаётий зарурият туфайли ҳаракат қиладилар. Инсон ҳаракатсиз яшай олмайди. Одамлар зарурият юзасидан шундай муносабатларга киришадиларки, улар кишиларни бир-бирлари билан боғлайди. Бирорта одам бундан ташқарида бўла олмайди. Навоийнинг фикрича, одамларнинг манфаатлари, тафаккур тарзи турлича, бу эса бировларни тўқнашувга, бошқаларни эса ўзаро ҳамкорликка олиб келади. Мутафаккирнинг фикрича, шундай тоифадаги одамлар ҳам борки, улар ташқи киёфаси билан инсонга ўхшайди. Аммо уларнинг кирди-корлари инсон деган номга муносиб эмас. Бундай одамларни инсон деб аташ рисолага тўғри келмайди. Улар билан дўстлашган кишиларнинг обрў-этиборига путур етиши ҳам мумкин. Шунинг учун бундай кишилардан

узокроқ юриш мақсадга мувофиқ. Шоир бу фикрларини шеърӣ тарзда қуйидагича баён қилади:

Кимники, инсон десанг, инсон эмас,
Шаклда бир, феълда яксон эмас.
Кимники, айлай дер эсанг маҳраминг,
Қўп синамай айламагил ҳамдаминг.

Навоий ўзи яшаган давр ижтимоий ҳаётини ўрганади, турли-туман зиддиятли ва мураккаб воқеаларни кузатади. Кузатишлар асосида шундай хулосага келадики одамлар биологик нуқтаи-назардан бирдай туғилсалар-да, кейинчалик эса ҳаёт жараёнида тафаккур тарзи, одатлари, ҳуқ-атворлари жиҳатидан турлича бўладилар. Навоийнинг англашича, инсоннинг истакларини белгилайдиган ички ва ташқи омиллар мавжуд. Ташқи омил эса ижтимоий муҳит бўлиб, инсон усиз яшай олмайди, одам бўлмайди ички омиллар инсоннинг манфаати ва фойдани кўзлашидир.

Навоий “Маҳбуб ул-қулуб” асарида жамиятдаги турли табақаларнинг ҳақиқий киёфасини тавсифлайди. Бу асар фалсафий мушоҳадаларга бой бўлиб, уч қисмдан иборатдир. Биринчи қисмда турли табақа ва касбдаги одамларга ахлоқий-психологик тасниф берилади. Унда ютуқ ва камчиликлар, одил ва адолатсиз ҳукмдорлар, саройдаги катта амалдорлар ва уларнинг ахлоқи тўғрисида фикр юритилади. Булар Навоийнинг социологик қарашларидан далолат беради. Асарнинг иккинчи қисмида ахлоқий фазилатларни, уларнинг жамият ҳаётидаги роли ва ўрнини кўриб чиқади. Бу ерда Навоий фалсафий таҳлил асосида, инсоннинг ахлоқий ҳаёти мезонини аниқлайди. Учинчи қисмда эса афоризмлар, эркин ифодалар ва чуқур мазмунли ҳикматлар берилган. Алишер Навоийнинг асарларига фалсафий мушоҳадаларнинг қуруқ мантиғи ва мавҳум пастулатлар хос эмас.

ХУЛОСА

Шундай қилиб, Алишер Навоий ўз даврида оламни билишнинг энг олий мақсади Худони англаш билан белгиланади, деган фикрни билдиради. Алломанинг эътирофича, кишининг киёфасини унинг маънавий-ахлоқий тафаккури безайди. Тафаккур ҳам ана шунга асосланган ва илоҳий, табиий ҳамда инсоний жиҳатларнинг бир бутунлигидир. Бунда абадий илоҳиёт (Худо), коинот, табиат ва инсон диалектик алоқадорликда намоён бўлади. Бу зоҳирӣ алоқадорликда одамзот эришиши лозим бўлган мақсад нафақат Аллоҳ, жамоли, балки комил инсон бўлишдир [6, 20 б.].

Бутун нарсалар олами рассом (худо) нинг ажиб расмидир, у энг сўнгги мағз сифатида воқеликка айланди. У одамлар кўринишида вужудга келди. Агар одам бўлмаса, Қуёш ва унинг заррачалари ҳам пайдо бўлмас эди. Демак, худонинг ўзи бир вақтнинг ўзида энг ғўзал расм ва аъло даражадаги рассомдир [7, 195 б.].

Демак, улуғ мутафаккир Алишер Навоийнинг ижоди фалсафий мушоҳадаларга бой бўлиб, уларда табиий, ижтимоий ва инсон борлиғи масалалари ўз аксини топган. Шунинг учун Навоийнинг фалсафаси ҳозирги давргача ўзининг аҳамиятини йўқотган эмас.

Библиография

- ALISHER NAVOIY. “Hayratul-abror”. Mukammal asarlar to‘plami. Ettinchi tom. “Fan” nashriyoti, Toshkent, 1991. 422 b.
- ALISHER NAVOIY. SADDI ISKANDARIY. Mukammal asarlar to‘plami. O‘n birinchi tom. “Fan” nashriyoti, Toshkent, 1991. 727 b.
- ALISHER NAVOIY. Mahbub ul-qulub. Mukammal asarlar to‘plami. O‘n to‘rtinchi tom. “Fan” nashriyoti, Toshkent, 1991. 315 b.
- ARIPOV M. Gumanizm Alishera Navoi. Tashkent. “O‘zbekiston”, 1990. 222 s.
- BERTELS E.E. Navoiy. Monografiya. /Tarjimon. I.K.Mirzaev-f.f.d.-T.: “Tafakkur qanoti”, 2015. 356 b.
- Bilish falsafasi. (Gnoseologiya) Tuzuvchi va tarjimon. Qiyom Nazarov. Toshkent . “Universitet”. 2005. 522 b.

- ZAXIDOV V. Mir idey i obrazov Alishera Navoi. Gosudarstvennoe izdatelstvo xudojestvennoy literatury UzSSR. Tashkent-1961. 376 b.
- PARDAEVA M.D. Alisher Navoiy asarlarida komil inson -g'oyasi. Toshkent: Turon Ziyo, 2016. 120 b.
- RUSTAMOV A. Navoiyning badiiy mahorati. G'afur g'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti. Toshkent-1979. 216 b.
- G'ANIEVA S. Alisher Navoiy (Hayoti va ijodi) O'zbekiston SSR "Fan" nashriyoti. Toshkent-1968. 174 b.
- O'zbekistonda ijtimoiy-falsafiy fikrlar tarixidan lavhalar. Akademik M.M.Xayrullaev tahriri ostida. O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi Oliy o'quv yurtlari talabalari uchun qo'llanma sifatida tavsiya etilgan. Toshkent. "O'zbekiston" 1995. 239 b.

Transliteration

- ALISHER NAVOI. "Gairatul-abror." Heat of perfect works. Seventh vol. Science Publishing House, Tashkent, 1991. 422 p.
- ALISHER NAVOI. Saddi Iskandariy. A complete collection of works. Eleventh volume. Fan Publishing House, Tashkent, 1991. 727 p.
- ALISHER NAVOI. Mahbub ul-qulub. A complete collection of works. Volume fourteen. Fan Publishing House, Tashkent, 1991. 315 p.
- ARIPOV M. Humanism of Alisher Navoi. Tashkent. "Uzbekistan", 1990. 222 p.
- BERTELS E.E. Navoi. Monograph. / Translator. I.K.Mirzaev-f.f.d.-T.: "Wing of thinking", 2015. 356 p.
- Philosophy of knowledge. (Gnoseology) Compiler and translator. Qiyom Nazarov. Tashkent. "University". 2005. 522 p.
- ZAXIDOV V.. World ideas and images of Alishera Navoi. Gosudarstvennoe izdatelstvo xudojestvennoy literatury UzSSR. Tashkent-1961. 376 b.
- PARDAEVA M.D. The idea of a perfect man in the works of Alisher Navoi. Tashkent: Turon Ziyo, 2016. 120 b.
- RUSTAMOV A. Navoi's artistic mastery. Ghafur Ghulam Publishing House of Literature and Art. Tashkent-1979. 216 b.
- G'ANIEVA S. Alisher Navoi (Life and work) Publishing house "Science" of the Uzbek SSR. Tashkent-1968. 174 b.
- Excerpts from the history of socio-philosophical thought in Uzbekistan. Edited by Academician MM Khairullaev. Recommended by the Ministry of Higher and Secondary Special Education of the Republic of Uzbekistan as a guide for students of higher educational institutions. Tashkent. "Uzbekistan" 1995. 239 p.



УДК: 141 (17.01)

Усмонов Фаррух НасирдиновичТАТУ Самарқанд филиали Гуманитар ва ижтимоий
фанлар кафедраси мудири, фалсафа фоктори (PhD)

E-mail: farno1929@mail.ru

(Ўзбекистон, Самарқанд)

ФАН ЭТИКАСИ ВА БИОЭТИКАНИНГ ИЖТИМОЙ МУАММОЛАРИ<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9505-2020-SI-2-15>**АННОТАЦИЯ**

Фалсафа тарихидан маълумки, фан этикасининг асосий вазифалари фанни инсон ва инсониятнинг истиқболи, ер юзида тинчлик ва барқарорликни сақланиш, табиат ва жамият ўртасидаги мувозанатни тутиб туришга қаратилган. Олимларнинг таъкидлашича ҳозирги замон фанлари ва технологик тараққиётнинг ҳали фойдаланилмаган қудратли имкониятлари бор. Бу имкониятлардан рационал фойдаланиш билан бир қаторда ер юзида ҳали муҳтож, ҳаёт тарзи ниҳоятда оғир, очлик, касаллик ва қашшоқликка маҳкум одамлар борлигини, улар ҳам ҳаётнинг ноз-неъматларидан баҳра олишларига ҳақли эканликларини чуқур англаган ҳолда фаннинг имкониятларини уларнинг ҳам яхши яшашларига йўналтирилиши кераклигини билдиради. Шу боисдан ҳам биз ушбу мақолада фан этикасининг ижтимоий муаммоларни ўрганиш ва муаммоларнинг ечимини топишда биоэтик жиҳатдан ёндашиб ёритишга уриниб кўрамиз. Бунда биз шу вақтгача мавжуд бўлган фалсафий қарашларни таҳлил этиб, баъзи ижтимоий муаммоларга эътибор қаратамиз. Шу билан бирга, фан этикаси ва биоэтиканинг ўзаро алоқадорликда бўлиши ижтимоий муаммоларни ечимини топишда аҳамияти катта эканлигини кўриб чиқамиз.

Таянч сўзлар: дунёқараш, фан этикаси, биоэтика, олим, ижтимоий масъулият, билим, рационаллик, объективлик, субъективлик, жамият, ҳаёт ва ўлим.

Усмонов Фаррух Насирдинович

(Ўзбекистон, Самарқанд)

СОЦИАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ НАУЧНОЙ ЭТИКИ И БИОЭТИКИ

Аннотация: С истории философии известно, что основными задачами научной этики являются изучение значимости науки в человеческом будущем, сохранение мира и благополучия на Земле, а также придерживаться баланса между обществом и природой. Как утверждают ученые, существует очень много ещё не использованных всемогущих возможностей современных наук и технологического прогресса. На ряду с рациональным использованием этих возможностей на Земле существуют такие проблемы, как заболевания, бедность, а также проблемы людей, которые обречены жить в нужде и в крайне плохих

жизненных условиях. Возможности науки должны быть направлены на улучшение этих проблем, т.к. у всех людей есть право жить в достатке и благополучии. В связи с этим в данной статье мы постараемся изучить вопросы социальных проблем в научной этике, а также осветить биоэтический подход в решении этих проблем. Проанализировав философские взгляды существовавшие до нынешнего времени, мы постараемся обратить внимание на некоторые социальные вопросы. На ряду с этим рассмотрим взаимосвязь научной этики и биоэтики в определении социальных проблем.

Ключевые слова: мировоззрение, научная этика, биоэтика, ученый, социальная ответственность, знание, рациональность, объективность, субъективность, общество, жизнь и смерть.

Usmonov Farrukh Nasirdinovich
(Uzbekistan, Samarkand)

SOCIAL PROBLEMS OF SCIENTIFIC ETHICS AND BIOETHICS

RESUME

It is known from the history of philosophy that the main tasks of scientific ethics are to study the significance of science in the human future, to preserve peace and well-being on Earth, as well as to maintain a balance between society and nature. According to scientists, there are still many unused omnipotent possibilities of modern sciences and technological progress. Along with the rational use of these opportunities on Earth, there are problems such as disease, poverty, as well as the problems of people who are doomed to live in need and in extremely poor living conditions. The capabilities of science should be aimed at improving these problems, because all people have the right to live in abundance and prosperity. In this regard, in this article we will try to study the issues of social problems in scientific ethics, as well as highlight the bioethical approach to solving these problems. Having analyzed the philosophical views that existed until now, we will try to draw attention to some social issues. Along with this, we will consider the relationship between scientific ethics and bioethics in defining social problems.

Key words: worldview, scientific ethics, bioethics, scientist, social responsibility, knowledge, rationality, objectivity, subjectivity, society, life and death.

КИРИШ

Ахлоқ инсоннинг хулқ-атвори ва одамлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи дастлабки механизмлардан биридир. Фан билан шуғулланишда олимнинг фаолиятини жамият томонидан тан олинган ахлоқий қадриятларга қай даражада мос эканлигини кўрсатувчи мезонлар, унинг фаолиятидаги мазмуни ва аҳамияти жиҳатидан этикага алоқадор масалалар фан этикасида намоён бўлади. Фан этикаси фаннинг ўз олдига қўйган асосий мақсадини илмий тадқиқотлар жараёнида амал қилувчи ахлоқий нормаларни тушунтириш ва ўрганишдан ҳамда фанни илгари силжитиш жараёнида жамиятда рўй берадиган одоб-ахлоққа оид масалаларни таҳлил этиб боради. Жамиятда ижтимоий муносабатлар мураккаблашиб бориши натижасида у ёки бу ахлоқ нормалари қоидаларини инсоннинг кундалик ҳаётидаги реал соҳаларга татбиқ этишга эҳтиёж туғилди. Шу тарика этика соҳасида амалий тадқиқотлар пайдо бўла бошлади. Натижада амалий этиканинг турли йўналишлари бўлмиш фан этикаси, сиёсий этика, журналист этикаси, бизнес этикаси, тиббий этика, экоэтика, биоэтика, глобал этика ва бошқа турлари шаклланди. Этиканинг эски муаммоларини янгитдан тадқиқ қилиш, ҳаёт ва ўлим билан боғлиқ кўпгина муаммоларни қайта кўриб чиқишга эҳтиёж туғилди. Натижада биоэтика вужулга кела бошлади. Ҳозирги замон амалий этикаси шу масалаларга қаратилган.

МАТЕРИАЛЛАР ВА МЕТОДЛАР

Илм-фан билан шуғулланишда олимнинг фаолиятини жамият томонидан тан олинган ахлоқий қадриятларга қай даражада мос эканлигини кўрсатувчи мезонлар, фаолиятидаги мазмун ҳамда аҳамияти жиҳатдан ахлоқий масалаларга, этикага алоқадор масалаларни акс

эттирувчи тасаввурлар системаси ^{фан этикаси}да намоён бўлади. “Фан этикасининг муҳим вазифаси фанни тадқиқ этувчи олимнинг ахлоқий қиёфасини тарбиялашда, унда инсон ва инсоният тақдири учун жавобгар эканлигини англатувчи масъулият туйғусини тарбиялашдан иборатдир” [Тураев Б. Фан этикаси. 2020].

Баъзи олимларнинг фикрига кўра фан этикасининг асосий вазифалари, фанни инсон ва инсоният учун, уларнинг истиқболи учун, ер юзида тинчлик ва барқарорликнинг сақланиши учун, табиат ва жамият ўртасидаги мувозанатнинг, гармоник муносабатнинг сақланиши учун хизмат қилдиришдан иборат [Фролов И.Т., Юдин Б.Г. Этика науки: Проблемы и дискуссии. 2009., Тураев Б. Фан этикаси. 2020] деб таъкидласа, баъзилари [А.П.Огурцов, В.С.Стёпин, Е.А.Мамчур. Этика науки. 2007] фан этикасининг методологик мезонлари, тадқиқот идеаллари ва маъёрлари билан боғлиқлигини билдиради. Биоэтика эса биотиббийётда беморларнинг ҳуқуқлари ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш билан боғлиқ ахлоқий муаммоларни фанлараро тадқиқ қилишни белгилаш учун қўлланилади. Дунёқараш сифатида биоэтика инсоннинг бутун дунёга муносабатини, унинг ўзини куршаган олам ва ундаги ўз ўрни ҳақидаги тасаввурини англатади. “Биоэтика” атамасини америкалик олим Ван Ренсселер Поттер биринчи бўлиб 1969 йилда илмий муомалага киритган [Potter V.R. Bioethics: bridge to the future. 1971]. Биоэтика фан соҳаси сифатида социология, психология, мантиқ, ҳуқуқшунослик, менежмент, педагогика, тиббийёт ҳамда бошқа фанларнинг ютуқларини ўзида жамлаб, амалий тиббийётнинг ахлоқий муаммоларини ўзига объект этиб олганлиги хусусидаги қарашларни В.П.Лопатин, О.В.Карташова, З.М.Мухамедова, Ш.Э.Атахановларнинг илмий тадқиқотларида кўриш мумкин.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Фан этикаси этика фанининг касб этикаси йўналишига оид фан бўлиб, бу фан фаннинг гуманистик мақсадга хизмат қилишини таъминлайди. Унинг асосий мақсади фаннинг манфаатпарастликка хизмат қилишининг олдини олиш, илмий тадқиқот ва экспериментларнинг шахсга, жамиятга, экологик муҳитга салбий таъсир кўрсатишига йўл қўймаслик, инсоният, жамият ва табиатнинг келажагини таъминлашдан иборатдир. Физика, химия, замонавий технологиялар (нанотехнология, клонлаштириш, рақамли информацион технология, лазерли супертехнология ва ҳ.к), медицина, генетика, физиология, микробиология, саноат, қишлоқ хўжалиги, психология ва гуманитар фанларни ривожланишида фан этикасининг ўрни каттадир.

Ижтимоий жиҳатдан қараганда фан этикасининг асосий муаммоси олимнинг ижтимоий масъулиятига боғлиқ бўлиб қолади. Фалсафа тарихига назар ташлаганимизда олимларнинг ижтимоий масъулияти хусусида турли алломалар ўз қарашларини баён қилиб ўтганлигини кузатишимиз мумкин. Жумладан, Муҳаммад ал-Хоразмий, “Ўтмиш даврларда ўтган олимлар фаннинг турли тармоқлари соҳасида асарлар ёзиш билан ўзларидан кейинги келадиганларни назарда тутардилар. Улардан бири уни ўзидан кейин келувчиларга мерос қолдирадилар, бошқаси ўзидан аввалгиларнинг асарларини шарҳлайди, бу билан қийинчиликларни осонлаштиради. ... ўзидан аввалгилар ҳақида яхши фикрда бўлади, такаббурлик қилмайди ва ўзи қилган ишидан мағрурланмайди” [Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий. 1983: б.59], деб таъкидлайди. Абу Райхон Беруний эса ўзининг қатор асрларида илмий қадриятларнинг туб асослари инсон табиати ва жамиятнинг ривожланиш эҳтиёжларида эканлигини кўрсатди. Беруний илмий изланишларнинг самарали бўлиши учун аввало олимнинг “ишончли, йўлда бўлиши... сўнгра ҳосил бўлган натижасига хотиржам (қараб), бундаги амални тўлиқ ёзиши ва унинг бирор ихатини сир тутмаслиги керак” [Беруний Абу Райхон. 1968: б.63] деб фикр билдиради. Абу Али Ибн Сино ўзининг “Донишнома” “Қадимий ҳикмат фанларидан бештасининг асослари ва масалаларини қисқача қамраб олиши лозим” [Ибн Сина. 1980: с.60] деб айтади файласуф. Аллома китобни беш бўлимга бўлади. Булардан биринчиси инсон ақли ва тафаккури билан боғлиқ бўлган мантиқдир. Унда инсон билимини иккига бўлади, тушунув ва фикрловга. Бу икки тур тушунча икки хил бўлади. Биринчиси бирор нарсага тафаккур воситасида эришилади, унга фақат ақлгина эришиши мумкин. Иккинчисига эса ақл ёрдамида эмас, балки бирор бошқача усулда эришиш [Қаюмов, А. 1987: б.182] эканлигини таъкидлаб,

“хар қандай амалиёт билимга асосланганлиги, билимга асосланган амал мисоли, геометр ёки шифокор амалиёти уларнинг билимларига мувофиқлигидир” [Ибн Сина. 1980: с.140], деб мулоҳаза билдиради. Билимнинг амалиёт билан боғланиши фаннинг ахлоқий меъзони эканлигига тўхталади. Ғарб файласуфи Пол Фейерабенд фан этикасида олимнинг ижтимоий масъулияти хусусида тўхталиб, “...ҳозирги замон олими энг баҳсли ғояларни виждони қийналмай ҳимоя қилишга қодир. У бирон-бир муассаса ва мафкурага нисбатан доимий муҳаббат ёки нафрат туйғуларини ҳис этмайди. Унинг мақсадлари барқарор бўлиши ёки мулоҳазалар, зерикаш, тажрибанинг ўзгариши ёки атрофдагиларда кучли таассурот қолдириш нияти таъсирида ўзгариши мумкин. У мақсадга ё бир ўзи, ё уюшган гуруҳ ёрдамида эришишга ҳаракат қилиши мумкин. Бунда у ақл-идрок, эмоциялар, мутойиба, “жиддий манфаатдорлик позицияси” ва одамлар ўйлаб топган ҳар қандай воситалардан фойдаланиши мумкин. У доим универсал ғоялар ва универсал андозаларга очиқ-ойдин қарши чиқади. У илмий ҳалолликни шижоат билан ҳимоя қилишда ҳар қандай Нобель мукофоти соҳибидан ўзишга қодир” [Фейерабенд, П. 1986: с.333]деб ҳисоблайди.

Тарихда ҳам, бугунги кунга келиб ҳам замонавий олимнинг ижтимоий масъулиятида олим ўз илмий фаолиятининг методлари ва мақсадлари учун ҳам, унинг натижалари ва оқибатлари учун ҳам жамият олдида жавобгар бўлиши лозим. Чунки фан ўз кашфиётлари жамиятга келтирадиган фойдани ўз хизмати деб билар экан, у мазкур кашфиётларнинг зарарли оқибатларида ўзини айбдор деб билиши керак. Олимнинг нейтраллиги унинг илмий ҳақиқатга амал қилиш, муайян қадриятлар ва ижтимоий-маданий мўлжалларга ўз муносабатидан қатъи назар, бу ҳақиқатни ҳимоя қилишга интилиши билангина чекланиши лозим. Шу билан бирга ўз илмий фаолиятининг мақсадлари ва методларига олимларнинг ўзлари ахлоқий нуқтаи назардан баҳо беришлари, ахлоқий меъёрларни бузиш билан боғлиқ бўлган тадқиқотлардан воз кечишлари шарт. Олимларнинг ижтимоий масъулияти масаласи атом қуроли яратилиши муносабати билан айниқса долзарб аҳамият касб этдиб борди. Эндиликда фан ютуқлари экологик, биологик ёки бошқа хил ҳалокатларни келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳолда ушбу масала кўтарилади. Ҳозирги вақтда олимларнинг ижтимоий масъулияти ғоясини кўпчилик эътироф этмоқда. Лекин, маълум бир ютуқларга эришган олимлар ўз мавқеини сақлаб қолишга ҳаракат қилиб, ўзлари фанга қўшган ҳиссасига мувофиқ бўлган мавжуд тасаввурлар тез алмашишидан манфаатдор бўлмайди. Шу сабабли олим меҳнати табиатнинг “Буюк китоби” саҳифаларида ўз изини қолдириш умиди билан боғлиқ бўлиб қолади. Физик, математик ва файласуф Филипп Франк олимларни ҳамма нарсани соддалаштиришда кўп айбашларини қайд этади. Бу тўғри: соддалаштиришсиз фан мавжуд бўлиши мумкин эмас. Олимнинг иши оддий таърифларни топишдан иборат. Олим бирон-бир оддий тушунчага таъриф берганидан сўнг, у мазкур таърифдан кузатилаётган фактларни чиқариши, сўнгра улар кузатиш билан амалда мувофиқ эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун бу оқибатларни текшириши лозимлигини таъкидлайди [Франк, Ф. 2007]. Физик ва файласуф Жеральд Холтон Альберт Эйнштейннинг олимни ҳаракатлантирувчи омиллар ҳақидаги фикрларига таяниб, олимнинг илмий масъулияти хусусида қуйидаги моделни таклиф қилади: “Олим, мутафаккир ёки ижодкор тажрибада юзага келган дунёнинг тартибсизлигидан яшириниш учун оламнинг соддалаштирилган аниқ қиёфасини яратади ва унга ўз эмоционал ҳаётининг оғирлик марказини жойлаштиради” [Холтон, Дж. 1992: с.127]. Олим тадқиқот объекти яхлит ва тўлақонли эканлигига ўзини ишонтириб, экспериментнинг қатъий белгиланган чегаралари узиб юборган объектнинг ўзаро алоқалари олинган натижаларга таъсир кўрсатмайдиган, иккинчи даражали деб баҳолайди. Олим турли хил объектларни идеаллаштиришга мажбур бўлади, акс ҳолда у эксперимент ўтказа олмайди, яъни табиат олдида ўзи таърифлаган айрим саволларни қўйиб, уларга ўзини қаноатлантирувчи жавоблар ололмайди.

Ахлоқий жиҳатлардан келиб чиқиб, олимнинг ижтимоий масъулияти янада ошиши натижасида амалий этиканинг бир тури бўлган биоэтикага эҳтиёж янада ошади. Биоэтика инсоннинг турли тириклик шакллари, ҳайвонларга муносабатини кўриб чиқувчи амалий этика нуқтаи назаридан инсон хулқ-атворининг ахлоқий жиҳатларига тааллуқли бўлган фалсафий тушунча бўлиб, инсоннинг ўзини қуршуган муҳит олдидаги масъулияти, хулқ-

атвори ва бошқа инсонга бўлган муносабатида намоён бўлади. Биоэтика – тиббиёт ва биологиянинг ривожланишига қараб юзага келадиган ахлоқий, ҳуқуқий ва ижтимоий муаммоларни ўрганадиган билим соҳаси десак хато бўлмайди. Бошқача айтганда, борлиққа ахлоқий муносабат мезонлари тўғрисидаги фан бўлиб, жамият манфаатларини илм-фан тажовуздан ҳимоя қилувчи институт. Биоэтиканинг асосий мақсади – инсонни унинг ҳаёти ва соғлиғига тиббиёт ва биологиянинг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш.

Биоэтиканинг вужудга келишининг асосий сабаблари қуйидагича:

- тиббиётга тижоратнинг кириб келишига қарши курашиш;
- беморларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва унга риоя этиш;
- тиббиёт ходимларининг манфаатларини таъминлаш;
- суғурта тиббиётини жорий этиш;

Биоэтиканинг асосий тамойилларида мутахассис мажбуриятлари эмас, балки бемор ҳуқуқларини таърифлашда ўз ифодасини топади. Булар:

- ахборот олиш ҳуқуқи. Бемор таваккал ҳақида ахборотга эга бўлиши керак;
- бемор ўз тақдири ҳақида қарор қабул қилиши керак;
- инсон кадр-қимматини ва беморнинг эркин танлаш ҳуқуқини эъзозлашга асосланган шахс эркинлиги;
- хабардорликка асосланган розилик;
- раҳмдиллик.

Биоэтика "инсониятнинг қийин вазиятлари" сифатида юзага келадиган ахлоқий дилеммаларни ҳал этишга қаратилган фан ҳисобланади. У тадқиқ ва таҳлил этадиган масала ва муаммолар инсон борлиғи моҳиятининг икки кутби - инсон ҳаёти ва ўлими оралиғида, замонавий тиббиёт таъсир доираси тобора кенгайиши оқибатида юзага келадиган муаммолар билан боғлиқ бўлиб, турли ва ҳилма-ҳил муаммоларни ўз олдига қўяди. [Умирзакова, Н.А. 2020: с.217].

Бугунги кунда биоэтика янги йўналиш сифатида бугунги кунда инсонга таҳдид солаётган қуйидаги хавф-хатарлар билан тўқнаш келмоқда:

- тоталитаризм ва зўравонликнинг янги шакллари бўлмиш одамлар устида тажриба ўтказиш ва инсон аъзоларини манипуляция қилиш;
- одамлар селекцияси;
- насл қолдириш табиий қобилятининг йўқолиши;
- оила инқироzi;
- тиббиётга тижоратнинг кириб келиши натижасида одамлар ўртасидаги муносабатларнинг беқарорлашиши.

Биоэтиканинг аксарият муаммолари олис тарихга бориб тақалади. Ўтган асрнинг сўнгги чорагида кузатилган биотиббиёт фанлари ва технологияларнинг жадал ривожланиши биоэтикада кўриб чиқиладиган муаммоларнинг бевосита манбаи ҳисобланади. Мазкур муаммолар жамиятда жиддий мунозара ва баҳсларга сабаб бўлмоқда. Уларни ҳал қилишда одамлар нафақат рационал далилларга, балки анана, қадрият ва ҳиссиётларга таянмоқда. Ҳозирги замон фанининг янгиликлари ва ютуқларига нисбатан ижтимоий таъсирчанликнинг ўсиши оламшумул ҳодиса хусусиятини касб этди. Фан-техника тараққиётининг салбий оқибатлари натижасида инсониятга нисбатан экспрементал тадқиқотларни тартибга солиш бўйича амалий вазифаларни кун тартибига қўймоқда. Илмий кашфиётларни ижтимоий эътироф этилиши олимларнинг ижтимоий масъулиятини янада кучайтирмоқда. Шу тариқа халқаро ҳарбий трибунал нацистлар Германиясида инсонда тиббий тажрибалар ўтказиш материаллари ва баённомалари асосида 1947 йилда қабул қилинган Нюрнберг кодекси [Нюрнберг] олимларнинг ижтимоий масъулияти муаммосини умумбашарий ижтимоий жиҳатдан муҳим бўлган биринчи ҳужжатни қабул қилди. Бу кодекс эзгуликни ёвузликдан ажратувчи маънавий-ахлоқий чегара ишончсиз эканлигини биринчи марта намоёниш этди. Ҳарбий асирлар устида шафқатсиз тажрибалар ўтказишда немис шифокорларига Гиппократ қасамёди монелик қилмади. Немис врачлари тажрибаларининг объекти (қурбонлари) бўлган шахслар билан ўтказилган тажрибада юқори баландликлар ва сийраклаштирилган ҳаво

организмга қандай таъсир кўрсатиши ўрганилди. Дахау концлагерида [Дахау. www.regnum.ru] махбус яхудийлар, поляклар ва русларда 12 км баландликка хос бўлган атмосфера шароитида кислород тақчиллиги инсон организмга қандай таъсир кўрсатиши синовдан ўтказилди. Тажриба ўтказилаётган одам одатда ярим соатга бормай жон берарди. Ушбу тажриба баённомасида одамнинг ўлишидан олдинги азоб-укубатлари босқичлари (спазматик конвульсиялар, талвасали нафас олиш, додлаш, чинқириш, қўл ва оёқни безгак тутиши, афтнинг бужмайиши, тилини тишлаши, гапиришдаги лаёқатсизлик) изчил ёритиб борилган. Немис учувчиларига ёрдам бериш мақсадида ўтказилган ушбу тажрибалар кейинчалик совуққа чидамлилиқни ўрганиш натижалари билан тўлдирилди. Унда ҳарбий асирлар ялонғоч ҳолатда 29 даражагача совуқда 9-14 соат мобайнида сақланиб, муздек сувга бир неча соатга ташлаб қўйилади. Трансплантация билан боғлиқ тажрибалар асосан Равенсбрюк концлагеридаги [Равенсбрюк. www.ru.qaz.wiki] махбусларда ўтказилиб, уларнинг биридан кўчириб ўтказиш учун курак суяги ажратиб олинган. Дахау концлагерида денгиз сувини ичиш учун фойдаланиш имкониятлари ўрганилган. Инсонларга бундай муносабатларни янада камайтириш мақсадида 1970-йилларга келиб ЮНЕСКО ҳаёт билан боғлиқ бўлган фанларда этика муаммоларини халқаро миқёсда муҳокамага қўйишни бошлади. ЮНЕСКО ташкилоти этика бўйича мутахассисларга олимлар, сиёсатчилар, судьялар, журналистлар ва фуқаролик жамияти куришни мақсад қилиб олган давлат хизматчиларининг мақсадларини ахлоқийлик жиҳатидан рационал асослаб, ўрганиб чиқишни топширди.

БМТ Бош Ассамблеясининг 1971 йил 10 ноябрдаги 3384-резолюцияси билан қабул қилинган “Фан-техника тараққиётидан инсон фаровонлиги ва тинчлик йўлида фойдаланиш тўғрисида”ги декларациянинг 7-бандида “Барча давлатлар ҳес бир инсон ирки, жинси, тили ёки диний эътиқодига кўра камситилмасдан, фан ва техника ютуқларидан фойдаланиш, инсоннинг ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини тўлиқ рўёбга чиқаришга имкон бериши учун барча чораларни кўришлари, жумладан, тегишли қонун ҳужжатларини қабул қилишлари лозим” [БМТ. www.un.org] лиги назарда тутилган. Бундан ташқари декларациянинг 8-бандига кўра, “Барча давлатлар фан-техника ютуқларидан инсон ҳуқуқлари, асосий эркинликлари ва кадр-қимматига зарар етказадиган тарзда фойдаланилишининг олдини олиш чораларини кўришлари шарт эканлиги” [БМТ. www.un.org] таъкидлаб қўйилди.

1993 йили ЮНЕСКОнинг биоэтика дастурига асос солинди. 2002 йилдан биоэтика ЮНЕСКО фаолиятининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланди. Дастурни амалга ошириш орқали эришилган муҳим натижа 1997 йили ЮНЕСКО Бош конференциясининг 29-сессиясида “Инсон гени ва ҳуқуқлари тўғрисида” [ЮНЕСКО. www.internet-law.ru] ги умумжаҳон жиклорациясининг қабул қилиниши бўлди. Шунингдек, 2005 йил 19 октябрда бўлиб ўтган ЮНЕСКО Бош конференциясининг 33-сессиясида қабул қилинган “Биоэтика ва инсон ҳуқуқлари тўғрисида” [ЮНЕСКО. www.lex.uz] ги умумжаҳон диклорацияси қабул қилинди. Ўз уставига мувофиқ БМТ биоэтика бўйича бир неча халқаро шартномаларни қабул қилди. Буларга:

- “Инсонларни клонларштириш ҳақидаги декларация” [БМТ. www.un.org] (БМТнинг 2005 йил 8 мартдаги 59/280 рақамли резолюцияси);
- “Махбуслар, ушлаб турилган шахсларни калтаклаш ва бошқа қўпол, ноинсоний, кадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазолардан ҳимоя қилишда соғлиқни сақлашнинг ролига тааллуқли тиббий этика тамойиллари тўғрисида” [БМТ. www.un.org] ги конвенция (БМТнинг 1982 йил 18 декабрдаги 37/194 рақамли резолюцияси);
- “Фан-техника тараққиётидан инсоният фаровонлиги ва тинчлик йўлида фойдаланиш тўғрисида” [БМТ. www.un.org] ги декларация (БМТнинг 1975 йил 10 ноябрдаги 3384 рақамли резолюцияси).

Шу нуқтаи назардан қараганда ижтимоий жиҳатдан биоэтиканинг роли янада ошаётганлигини гувоҳи бўлаяпмиз. Биоэтикага хос бўлган Нюрнберг кодексининг муҳим қоидаларидан бири инсоннинг ихтиёрий розилигисиз унда тажриба ўтказиш таъқиқланишидир. Бугунги кунга келиб ҳам Нюрнберг кодексининг амал қилаётганлигини ҳозирда бутун дунёни оёққа туришига сабабчи бўлаётган “COVID-19” номли коронавирус

пандемияси ва унга қарши вакцина синовининг ўтказилиши инсонлар орасида ўз ҳоҳишига кўра бўлаётганлигини кузатиш қийин эмас.

ХУЛОСА

Умуман олганда, фан этикасининг муҳим ижтимоий вазифаси фанни тадқиқ этувчи олимнинг ахлоқий қиёфасини тарбиялаш, унда инсон ва инсоният тақдири учун жавобгар эканлигини англатувчи масъулият туйғусини тарбиялашдан иборатдир. Олимнинг ижтимоий масъулияти ўз тадқиқотларининг инсоният тинчлигига, саломатлигига, атроф-муҳитнинг экологик мувозанатига қарши қаратмаслигидадир. Турли хил шахсий даромадлар пайида инсониятга қарши кимёвий ва биологик қуроолларни ишлаб чиқарувчи олимлар фаолиятини ҳеч қандай йўл билан оқлаб бўлмайди. Бундан шундай муҳим хулоса чиқаришимиз мумкинки, тиббиёт ривожланиб бораётган замонавий жамиятда биоэтиканинг вазифалари тобора долзарб ҳисобланади. Шундай вазиятга дуч келган инсоннинг борлиғи ҳаёт ва ўлим ўртасидаги чегара "хиралашган" бир пайтда, медиализация таъсири остида маълум бир шароитларда артефактга айланади. Бундай ҳолларда тиббиёт ходими ахлоқий танловга учрайди ва ўз навбатида зиддиятли масалани ҳал этиш учун зарурий равишда биоэтик маслаҳат ва таълимга эҳтиёж сезади. Замонавий тиббиёт ютуқларидан номақбул мақсадларда фойдаланишга бўлган барча уринишларга, бактериологик, кимёвий ва ядро қуроолларидан фойдаланишга тўсқинлик қиладиган биоэтика халқаро кўмиталарини ташкил этиш зарур деб биламиз.

Библиография

- АБУ АЛИ ИБН СИНА. Избранные философские произведения. – М.: «Наука». 1980. – С. 60.
- БЕРУНИЙ АБУ РАЙХОН. Танланган асарлар. Т.1. – Т.: Фан, 1968. – Б. 63.
- Дахау – азбука нацистского террора для «пользы и уважения».
<https://regnum.ru/news/polit/2394549.html>.
- Концентрационный лагерь Равенсбрюк.
https://ru.qaz.wiki/wiki/Ravensbr%C3%BCck_concentration_camp
- МУҲАММАД МУСО АЛ-ХОРАЗМИЙ. Танланган асарлар. – Т.: Фан, 1983, – Б.59.
- ROTTER, V.R. Bioethics: bridge to the future. — Englewood Cliffs, N.J. : Prentice Hall, 1971.
- ТУРАЕВ, Б.О. Фан этикаси. <http://www.bukhari.uz/?p=11373>
- ФЕЙЕРАБЕНД, П.К. Избранные произведения по методологии науки. – М., 1986. – С. 333.
- ФРАНК, Ф. Философия науки. Связь между наукой и философией. – М.: ЛКИ. 2007.
- ФРОЛОВ, И.Т., ЮДИН, Б.Г. Этика науки: Проблемы и дискуссии. М., 2009.
- ХОЛТОН, Дж. Что такое антинаука // Вопросы философии. 1992. №2. – С.127.
- Этика науки. Отв.ред. Игнатъев, В.Н. – М.: ИФРФН, 2007. 143 с.
- УМИРЗАКОВА, Н.А. Международная научно-практическая онлайн конференция «Medical humanities в подготовке будущих врачей как способ преодоления проблемы дегуманизации медицины XXI века», посвящённая 90-летию Самаркандского государственного медицинского института. Самарканд-2020. – С. 217.
- ҚАЮМОВ, А. Абу Райхон Беруний, Абу Али Ибн Сино. – Т.: 1987. – Б. 182.
<https://www.livelib.ru/author/27829/top-filipp-frank>
<http://www.psychopravo.ru/law/int/nyurnbergskij-kodeks.htm>
https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/science.shtml
<https://internet-law.ru/law/int/intorgofdoc/unesco/act29-unesco.pdf>
<https://www.lex.uz/ru/docs/1939115?twolang=true>
https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/decl_clon.shtml
https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/medical_ethics_principles.shtml
https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/science.shtml

Transliteration

- IBN SINA. Selected philosophical works. – M.; "Nauka". 1980. 60.p.
- BERUNIY ABU RAYKHON. Selected works.–T.: Fan, T.1. – T.; 1968. 63.p.
- Dachau is the alphabet of Nazi terror for "benefit and respect"
<https://regnum.ru/news/polit/2394549.html>.
- Ravensbrück concentration camp.
https://ru.qaz.wiki/wiki/Ravensbr%C3%BCck_concentration_camp
- MUKHAMMAD MUSA AL-KHOREZMI. Selected works.–T.: Fan, 1983, 59.p.
- POTTER, V.R. Bioethics: bridge to the future. — Englewood Cliffs, N.J. : Prentice Hall, 1971.
- TURAEV, B.O. Ethics of science.<http://www.bukhari.uz/?p=11373>
- FEYERABAND, P.K. Selected works on the methodology of science. – M., 1986. 333.p.
- FRANK, F. Philosophy of Science. The relationship between science and philosophy.
– M.: LKI. 2007. <https://www.livelib.ru/author/27829/top-filipp-frank>
- FROLOV, I.T., YUDIN, B.G. Ethics of science: Problems and discussions.M., 2009.
- HOLTON, J. What is antiscience // Problems of Philosophy. 1992. №2. p.127.
- ETHICS OF SCIENCE. Otv.red. IGNATEV, V.N. - M.: IFRFN, 2007. 143 p.
- UMIRZAKOVA, N.A. International scientific and practical online conference
"Medical humanities in the preparation of future doctors as a way to overcome the problem of dehumanization of medicine in the XXI century", dedicated to the 90th anniversary of the Samarkand State Medical Institute. Samarkand-2020. p. 217.
- KHAYUMOV, A. Abu Raykhon Beruniy&Abu Ali Ibn Sino. – T.; 1987. 182.p.
<http://www.psychopravo.ru/law/int/nyurnbergskij-kodeks.htm>
https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/science.shtml
<https://internet-law.ru/law/int/intorgofdoc/unesco/act29-unesco.pdf>
<https://www.lex.uz/ru/docs/1939115?twolang=true>
https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/decl_clon.shtml
https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/medical_ethics_principles.shtml
https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/science.shtml



Ҳаққулов Набижон Қаҳрамонович,
Самарқанд давлат чет тиллар
институти таянч докторанти.
(Ўзбекистон, Самарқанд)
E-mail: nabi-1983@inbox.uz

СИДДИҚИЙ-АЖЗИЙНИНГ ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИ

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9505-2020-SI-2-16>

АННОТАЦИЯ

Бугунги кунда ўтмиш тарихимизни янгича тафаккур билан оқилона ўрганиш, бой маданий меросимизни давр талаби руҳида одилона таҳлил қилиб, ижодий бойитган ҳолда келажак авлодларга етказиб бериш, ёшларимизни ана шу меросга ҳурмат ва эътибор руҳида тарбиялаб, уларда инсонпарварлик, ватанпарварлик ва миллий ғурур руҳида тарбиялаш долзарб муаммодир.

Мақолада маърифатпарвар-жадидчи Саидахмад Ҳасанхўжа ўғли Сиддиқий-Ажзийнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари, минтақада аҳолиси орасида дўстлик муҳитини мустаҳкамлаш, умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида бўлиш лозимлиги каби фикрлари таҳлил қилинган. Унинг тарихий-маърифий мероси, ҳикматлари ва доно фикрлари баркамол авлод тарбиясида намуна ва ибрат мактаби эканлиги баён қилинган.

Шунингдек, Ажзийнинг ижтимоий-фалсафий тафаккур меросининг замонавий цивилизация ривожига ўрни ва аҳамияти, мустақиллик тафаккурини шакллантириш, дунёга янгича ёндошув, теран ақл ва тафаккур кучи билан воқеа ва ҳодисаларни баҳолай оладиган, масъулият ҳиссини чуқур англаб, лоқайдлик ва бефарқликка қарши тура оладиган ёшлар тарбиясида муҳим омилларидан бири эканлигини асослашга ҳаракат қилинди.

Калит сўзлар: маърифатпарвар, жадидчилик ҳаракати, миллий уйғониш, дўстлик, миллатлараро тотувлик, ўзаро ҳамкорлик, таълим-тарбия, тарихий-маърифий мерос.

Ҳаққулов Набижон Қаҳрамонович
(Ўзбекистон, Самарқанд)

СОЦИАЛЬНО-ФИЛОСОФСКИЙ ВЗГЛЯД СИДДИКИЙ-АДЖИЙ

АННОТАЦИЯ

Сегодня важно по-новому изучать наше прошлое, справедливо анализировать наше богатое культурное наследие в духе времени, творчески передавать его будущим поколениям, воспитывать нашу молодежь в духе уважения и внимания к этому наследию, человечности, патриотизму и национальной гордости.

В статье анализируются социально-философские взгляды просветителя-джадида Сайдахмада Ҳасанходжа оглы Сиддики-Аджди, необходимость укрепления атмосферы

дружбы между народами региона, уважения общечеловеческих ценностей. Утверждается, что его историческое и просветительское наследие, мудрость и мудрые мысли являются образцом и образцовой школой в воспитании гармонично развитого поколения.

Роль и значение наследия Аджзи социально-философского мышления в развитии современной цивилизации, формировании независимого мышления, нового подхода к миру, способности оценивать события и события с глубоким интеллектом и мышлением, глубоким чувством ответственности, сопротивлением безразличию и безразличию пытался оправдать это.

Ключевые слова: просвещение, джадидское движение, национальное пробуждение, дружба, межнациональное согласие, взаимное сотрудничество, образование, историко-просветительское наследие.

Haqqulov Nabijon Qahramonovich
(Uzbekistan, Samarkand)

SOCIO-PHILOSOPHICAL VIEW SIDDIQI-AJZI

ANNOTATION

Today it is important to study our past in a new way, to fairly analyze our rich cultural heritage in the spirit of the times, to creatively pass it on to future generations, to educate our youth in the spirit of respect and attention to this heritage, humanity, patriotism and national pride.

The article analyzes the socio-philosophical views of the enlightener-Jadid Saydahmad Khasankhoja oğlu Siddiqi-Ajzi, the need to strengthen the atmosphere of friendship between the peoples of the region, respect for universal values. It is argued that his historical and educational heritage, wisdom and wise thoughts are a model and exemplary school in the upbringing of a harmoniously developed generation.

The role and significance of Ajzy's legacy of social and philosophical thinking in the development of modern civilization, the formation of independent thinking, a new approach to the world, the ability to evaluate events and events with deep intelligence and thinking, a deep sense of responsibility, resistance to indifference and indifference tried to justify this.

Key words: enlightenment, Jadid movement, national awakening, friendship, interethnic harmony, mutual cooperation, education, historical and educational heritage.

КИРИШ

Мустақиллик туфайли қўлга киритилган энг муҳим имкониятларимиздан бири-бу ўзликни англаш сари юз тутганимиздир. Бугунги кунда ўтмиш тарихимизни янгича тафаккур билан оқилонга ўрганиш, бой маданий меросимизни давр талаби руҳида одилонга таҳлил қилиб, ижодий бойитган ҳолда келажак авлодларга етказиб беришдир

Маълумки, мамлакатимиз ҳудудида яшаб ўтган мутафаккирларнинг илмий меросини чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш, ёш авлодни аждодларимизнинг эзгу анъаналари руҳида тарбиялаш бўйича ислохотлар изчил давом эттирилмоқда. Маънавий – маърифий соҳадаги ислохотлар самарасини ошириш зарурати бу йўналишдаги фаолиятни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришни талаб қилмоқда. “Биз аждодларимизнинг донишмандлик анъаналарига амал қилиб, уларнинг ғояларини англаган ҳолда, қатъий ислохотларни амалга оширмоқдамиз, мамлакатимизнинг янги қиёфасини шакллантириш йўлидан бормоқдамиз”[1. Мирзиёев Ш.М. 2017. Б.184].

Бу борада жадид мутафаккирларининг мамлакатимиз ва жаҳон миқёсида эътироф этилган Ватанга муҳаббат ва садоқат, бағрикенглик, оилани эъзозлаш ва мустақамлаш, маънавий огоҳлик, халқлар ўртасида дўстлик, миллатлараро тотувлик, ўзаро ҳамкорлик каби ижтимоий-фалсафий ғояларининг мазмунини тадқиқ этиш муҳим амалий аҳамият касб этади.

Ушбу мақола орқали самарқандлик маърифатпарвар-жадидчи Саидахмад Ҳасанхўжа ўғли Сиддикий-Ажзийнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари тадқиқи этилган.

МАТЕРИАЛЛАР ВА МЕТОДЛАР

Жадидчилик ҳаракатини кўзга кўринган вакилларида Саидахмад Ҳасанхўжа ўғли Сиддикий — Ажзий 1864 йилда Самарқанд вилоятининг Жомбой тумани Ҳалвойи қишлоғида хунарманд оиласида таваллуд топган. Дастлаб оиласида, кейинчалик Самарқанд ва Бухора мадрасаларидан бирида ўқишни ҳам давом эттиради. Аммо, тирикчилик шароитининг оғир бўлганлиги туфайли ўқишни ташлаган ва ота касби бўлган тўқимачилик билан шуғулланган эди. У киши ҳақида ўтган асрнинг 20-йиллар адабий танқидчилиги тарихида ўзига хос мавқега эга бўлган мунаққид Вадуд Маҳмуд қуйидагича ёзади: “Буюк бир истеъдодга эга бўлгонидан кўб санъатларнинг устосидир. Бошлаб Сиддикий яхши бир техникдир. Соат ва турли мошиналарни тузатмоқ ишига моҳирдир. Яхши тўқувчи за тикувчидир, кўб йиллар бу санъат ила яшагондир. Мусиқа билан ҳам анча шуғуллангандир. Ўз тилидан бошқа араб, форс, рус тилларини биладир. Форсча шеърлари форс адабиёти билан яхши таниш эканига шохиддир. Араб ва рус адабиётлари билан ҳам анча ошнодир. Сўнгги йилларгача Самарқанд газит ва журналларида босилгон шеър ва мақолалари кўбдир”. [2; Вадуд М. 2007. Б.35]

Бундан кўриниб турибдики, Ажзий ўз даврининг етук билимдон, 20 асрнинг забардаст ижодкорларидан бири бўлган.

Сиддикий-Ажзий Самарқанд яқинидаги Ҳалвойи қишлоғида 1903 йилда отасидан қолган боғни сотиб, пишиқ ғишдан Оврупо усулида махсус мактаб учун бино қурдирди. Бу жадид педагоглари томонидан очилган мактаб учун биринчи оврупоча бино эди. Ўша пайтда мактабнинг довуғи нафақат Ҳалвойи қишлоғига ёки Самарқанд вилоятига, балки бутун Туркистон ўлкасига ёйилган. Мактабни кўргани, ундан ўрнатилган узок-яқин жойлардан муаллимлар кела бошлаганлар. Мактабнинг ҳаммани ҳайратга солган яна бир хусусияти шунда эдики, синфда ўзбек, тожик болалари билан бирга рус болалари ҳам ўқиган. Рус тилини ўқитиш ҳам яхши йўлга қўйилган эди. Бу ҳақида жадидчилик ҳаракатининг етук тадқиқотчиси Б.Қосимов қуйидагиларни ёзади: “Туркистоннинг турли-туман жойларидан бу мактабни кўргани кела бошладилар. Ёруғ, баҳаво хона. Бўйра ўрнидаги парталар, дарсларнинг муайян тартиб-дастур билан олиб борилиш, умумий, миллий, жуғрофия, тарих, ҳисоб, хандаса, табиёт ўқитилиши, харита, курраи арз (глобус) каби кўргазмалар куроллардан кенг фойдаланиш кўпчиликини ҳайратга солди. Энг қизиғи, дарсларнинг асосий қисми рус тилини ўрганишга қаратилган, муллавакчалар орасида руслар ҳам бўлиб, ўзбеклар ва тожиклар билан ёнма-ён ўтириб таҳсил олишади”. [3; Қосимов Б. 1994. Б.51]

Маърифатпарвар олим кейинги бутун ҳаётини ана шу муқаддас ишга сарф этди. Ўзи очган мактабда табиий фанлар, араб ҳамда рус тилларидан сабоқ берди, дарсликлар тузди. Қуйида унинг “Мирёти ибрат” достонида келтирилган фикри гувоҳ беради;

Таҳсил ўла рус мактабинда,

Анвои фунун анинг тилинда.

Таълими зироат-у тижорат.

Билгунг ясамоқ одати олот,

Илми ҳама ихтире-ю ҳикмат,

Мошин ила ғирмофону соат.

Вопур, шинандафуру телефун,

Ҳам ҳикмоту тилгрофу болун.

Ҳар чокки, лисони чўх билурсен

Дунёда азизроқ ўлурсен,

Ким давлатининг лисонин билмаз

Таъсиф сўнгинда суд қилмаз. [4; Фаттаев М. 1986.Б.31]

Ажзий миллий уйғониш даврининг барча шоирлари сингари кенг оммани маърифатга бошлаш, ўз ҳақ-хуқуқларини англашга ўргатишни адабиётнинг бош мавзуи деб билди унга ўз ҳаётини бағишлади;

То ба кай гўш пунбаи ғафлат ниҳем сахт,

То чанд чашми ибрати худро кунем кўр.

Бошем то кадом дам аз маърифат берун

Гардем то кадомки, аз илм бе ҳузур.....

Нўшем токай оби жаҳолат зи баҳри шўр.
 Яъни:
 Қачонгача қулоқларимизга ўафлат пахтасини тикиб,
 Ибрат кўзларимизни кўр қилаверамиз!
 Маърифат нурларидан баҳра ололмай,
 Қачонгача илмдан хабарсиз қолаверамиз?!
 Шўр денгиздан токай жаҳолат сувини ичамиз?!

[5; Фаттаев М. 1986.Б.31]

Сиддикий-Ажзийнинг аҳолини маърифатли қилиш борасидаги ҳаракати, ўзбеклар ва тожиклар миллатига мансуб кишилар билан бир қаторда ўзга миллат вакиллариға нисбатан олиб борган бағрикенглик фаолияти ҳар доимо осонликча юз бермади. Кўплаб мутаассиблар томонидан бу фаолият таъқиб остиға олинди. Бунга 1914 йилда “Туркистон вилояти газети”да куйидаги маълумот чоп этилган: “Зянвар жумъа 1914 йил. Улуғбек мадрасаси ичидаги жомъеда 5-6 минг мусулмония ҳузурида муаззин тарафиндан жадидчиларни ва русча ўқитмокка тарғиб қиладургонларни кофирлиги ва ҳар ким боласини усули жадидға берса, ўзи кофир, хотини талоқ бўлишини форсий тил ила узун ва баланд бир нутқ ила халойиқға билдирубдир ва ҳам аларни кофир, ўрус ва ҳамда кофир ва ўрус билғувчи деб эълон қилибдур”. Гап асосан Ҳалвойидаги Сиддикий-Ажзий мактаби билан Ражабаминдаги Абдулқодир Шакурый мактаблари ҳақида гап кетган эди. [6; Қосимов Б. 1994. Б.53]

Сиддикий-Ажзийнинг айниқса, Самарқанд минтақасида кўп миллатли аҳоли орасида дўстлик муҳитини мустаҳкамлаш, умуминсоний кадриятларға хурмат руҳида бўлиш лозимлигини тарғиб қилади.

Шуни ҳам таъкидлашимиз жоизки, Сиддикий-Ажзийнинг жамиятда миллатлараро ҳамжиҳатлик ва бағрикенгликни таъминлашға қаратилган сайъ-ҳаракати изсиз кетган эмас. Ўз вақтида Туркистон жадидларининг ғоявий етакчиси Беҳбудий томонидан Ажзийға “Ойина” журнали орқали ўзини ҳимоя қилишға имконият беради.

Жумладан;

Аз ҳақиғўйи забон кашидан куфр аст,

То жон дорам, каломи Ҳақ меҳонам.

(Маъноси;

Ҳақиқатни сўзлаш куфр бўладиган бўлса,

Токи жоним бор экан, Аллоҳни каломини ўқийман.)

Ёки,

Ҳақ сўйлаян инсонлари такфир (кофир) эдажаклар,

Имонли мусумонларинга “шукр” Худоё. - каби чиқишлари билан ўзининг ҳаёт тажрибаси, билим ва тафаккури орқали мамлакат ва миллат олдидаги масъулиятини тўғри ҳис этган.

Сиддикий-Ажзийнинг замондоши, ўз даврининг кўзга кўринган танқидчиси Вадуд Маҳмуднинг таъбири билан айтганда, “Бизнинг Ажзий ҳам шу замирдандир. Унинг учун турк, форс, араб, ҳинд миллати йўқдир. Буларнинг мусулмон бўлгон қисми ҳаммаси бир миллатдир. Бу фикр мусулмонлар орасида асосан эскидир. Ислом дини ҳақиқатан шу қадар таъсир эткандирки, уруғ, насл эътибори ила келган айирмалардин айирмаси остида сўнуб, эътибордин тушгандир. Араб қонининг бошқа «ислом» миллатлари қониға кўб кўшилиши ҳам бунга кўб ёрдам қилғондир. Ҳозир ҳам халқдан «кимсан» деб сўралса, «мусулмон» деган жавоб олинади. Бир миллатнинг бу тарзи тараққийси Ажзийнинг ўз даврининг кишиси эканини кўрсатадир”[7; Вадуд М. 2007.Б.42].

Жадидларнинг буюк тарихий хизматлари шундан иборатки, улар етилиб қолган ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш принципларини эволюцион-ислохот йўли асосида ишлаб чиқдилар. Улар дунёқарашининг негизи инқилоб билан эмас, балки ислохот йўлидан бориб, илм-маърифатни, кенг кўламда юксалтириш орқали миллий тараққиётға эришишдан иборат эди.

Эътибор берган бўлсангиз, кишилар орасидаги мурасасизлик ҳозирги дунёнинг энг катта глобал муаммоларидан бирига айланди. Жамоавий, институционал ва ҳатто давлат нуқтаи назари даражасига кўтарилган мурасасизлик демократия тамойилларини кўпоради ҳамда инсоннинг шахсий ва жамоавий ҳуқуқлари бузилишига олиб боради [8; Тишков В.А. 1995. С.17].

Дарҳақиқат, дунёнинг кўпгина ҳудудларида авж олиб бораётган мурасасизлик салбий оқибатларга олиб келиши кундай равшандир.

Бу каби ҳолатларни олдиндан кўра билган ҳолда, Ажзий ҳам ўз халқининг ҳеч «иттиҳод, уюшмак, маслаҳатлашмак» деган маданият муассирларига яқинлашмаслиғидан зорланадир. Ҳақиқатанда шоирнинг фикри тўғри эмасми? Ҳар бир иш «қўл бирлиги, уюшмак, кенгаш» билан илгари босмайдирми? Ўз халқининг саодатини Ажзий ҳам «шуларда» кўради:

Гирифтори саводи хатту холи сафҳаи дардам,

Асири кулфату ранжу балоу доғи хирмонам.

Давойи захми носурам эмишдир суҳбати «ориф»,

Вале маҳдуми пайкони балойи «қавми нодонам», — байтлари биланда ўзининг дардини шарҳ этадир. Ўзининг «ориф, яъни маърифатли»лар суҳбатидан маҳрум эканини ва «нодон қавм»нинг бало ўқлариға «нишон» бўлғонини айтиб, яна ўзига ўзи таскин берадир:

«Рақиб»дан на жафо келса, собир ўл, Ажзий,

Ким ўлмади очи сув ичра беқарор садаф.

«Рақиб» ҳар қанча жафо қилса ҳам сан сабр қил, дейдир[9; Вадуд М. 2007.Б.38].

Шунингдек, Сиддикий-Ажзийга замондош бўлган шоир Турсункул (Раҳим Ҳошим)нинг «Маориф ва ўқутғучи» журналининг 1928-йил 3-сониди босилган «Сиддикий тўғрисида мулоҳазалар» мақоласида олим ҳақида фикр юрита туриб унга қуйидагича таъриф беради: «Сиддикий мафкура ва ўйлашда ўз чоғдош (муосир) ва маслакдошларидан юқори туради. Унинг ҳаёли кенг, дунёни кўриши атрофли, кўзининг уфқи вусъатлидур»[10;]

Таниқли мунаққид Вадуд Маҳмуднинг «Турк шоири Ажзий» номли мақоласида ўз замондоши Ажзий ҳақида “Ажзий Шарқ шеърий шаклига ўз ижтимоий- адабий қарашларини олиб кирганлигини, шу орқали миллатни илм-маърифатга, ўзлигини англашга, хуллас, маънавий юксалишга ундаган”[11; Вадуд М. 2007.Б.36], деган фикрлари диққатга сазовордир. Сиддикий-Ажзийнинг умумий бирликка эришиш, миллатни такомиллаштириш ва исломни ривожлантириш, ўқиш ва мактаб-маориф соҳасини ислоҳ қилиш, илм ва ҳунарни ўрганиш, иқтисодий ва маънавий аҳволни яхшилаш тўғрисидаги фикрлари Вадуд Маҳмуднинг эътиборини тортди ва бу фикрлар ўз даврида илғор фикрлашнинг намунаси, деб эътироф этилди.

Шуни ҳам эътироф этиш лозимки, Туркистондаги маърифатпарварликнинг ривожланишига Қрим, Татаристон, Озарбайжондан кириб келган илғор фалсафий ғоялар ижобий таъсир кўрсатди. Туркистонда бу илғор фалсафий ғояларни тарғиб қилиш зарурлигини англаб етган зиёлилар жадидлар эди. Уларнинг шу даврдаги маънавий жасоратларини “XX аср бошида, мустамлакачилик зулмига қарамай, халқимиз янги уфқларга – миллий уйғониш ва эркинлик сари интилиб яшаган бир даврда буюк аждодларимиз – жадидлар томонидан амалга оширилган бу улкан иш, бу ҳаракатни ўзига хос маънавий жасорат намунаси, деб аташ мумкин”[12; Каримов И.А. 2002.Б. 55]. Уларнинг фалсафий фикрича европача таълим йўлини эгаллаш орқали жаҳон маданиятига эришиш мумкин. Шу билан бирга, авлодлардан қолган бой маданий-маънавий фалсафий меросни ўзлаштириш ҳам юқоридагиларни қай даражада эгаллашга боғлиқдир. Чунки Шарқ маърифатпарварлигида умуминсоний қадриятлар мазмунини ўзлаштириш, ҳар қандай янгиликни тарихий мерос сифатида қабул қилиш ўзига хос хусусиятга эга. Ана шу асосда жадидчилик ҳаракатига мос тафаккур ҳам шакллана бошлади.

"XIX аср охири – XX аср бошларида кенг тарқалган маърифатчилик ҳаракати халқимиз тарихида миллий онгни ўстириш, уни ижтимоий тараққиётнинг юқори поғоналарига олиб чиқиш йўлида қилинган беминнат ва фидойиларча уринишлар эди. Бу ҳаракат тарихимизнинг энг ёрқин саҳифаларидан бири бўлди. У аёвсиз курашлар, муваффақият ва мағлубиятлар,

кувонч ва фожиалар билан тўла"[13; Бегматов А. 2002. Б.17] эди. Туркистондаги мураккаб тарихий вазият жадидчилик ҳаракатининг шаклланиши ва ривожланиши, фаолияти кўламига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди.

Дунёнинг чегараси бўлмагани сингари, инсон билими ва имкониятларига ҳам чегара қўйиб бўлмайди. Шундай экан, инсонни билиш унинг ҳар томонлама ривожланиши ва камол топиши учун маънавий омилларни англаш муҳимдир. Бундай омилларнинг юзага чиқиши дунёнинг фалсафий мушоҳада этилиши, тўпланган билимларнинг изчиллиги билан тақозо этилади. Амалий тадқиқотлар имкони чекланган вазиятда инсон ички ҳиссий қобилятининг назарий тафаккур учун қанчалик қувват манбаи бўла олишлигини инкор этиб бўлмайди. Илмий, техникавий имкониятлар мавжуд бўлмаган даврда замон чегарасидан неча-неча асрларга илгарилаб кетган буюк тафаккур соҳибларининг ижодий қобиляти исбот талаб қилмас ҳақиқатдир.

Дарҳақиқат, бой тарихий меросимиз буюк келажак учун бой имкониятлар манбаи ҳисобланади. Тарихимизга ҳаққоний баҳо бериб, Биринчи Президентимиз И. А. Каримов шундай ёзган: “Тарих миллатнинг ҳаққоний тарбиячисига айланиб бормоқда. Буюк аجدодларимизнинг ишлари ва жасоратлари тарихий хотирамизни жонлантириб, янги фуқаролик онгини шакллантирмоқда. Ахлоқий тарбия ва ибрат манбаига айланмоқда”.[14; Каримов И.А. 1997. Б.127.]

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Маърифатпарвар-жадид Сиддикий-Ажзийнинг халқлар орасида дўстлик муҳитини мустаҳкамлаш, диний бағрикенглик, умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида бўлиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги тўғрисидаги фикрлари мустақиллик йилларида рўёбга чиқмоқда.

Сиддикий Ажзийнинг «Миръоти ибрат» асарида баён қилинган ижтимоий-ахлоқий масалалардан ташқари, миллатнинг ўзлигини англашида ўтмиш маданий меросни, тарихий шахсларнинг жамият равнақидаги мавқеини ўрганиш ҳақидаги фикр-мулоҳазалари муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, шоир ушбу асарида Амир Темур, Мирзо Улуғбек каби йирик давлат арбоблари ва илм фидойилари номларини тилга олади, уларнинг давлатни бошқаришдаги фаолияти, илм-фан ва маданият тараққиётида тутган ўрни хусусида фикр юритади. Ажзий фикрларини кўпроқ тарихдан мисоллар келтириш орқали далиллашга ҳаракат қилади. Масалан, мамлакатдаги тўкин-сочинлик ва ободлик юксак даражадаги маданият шаклида намоён бўлишини Амир Темур шахси ва фаолияти ҳақида гап кетганда таърифлайди. Асарда тасвирланишича, Темур давлатининг пойтахти шу даражада обод ва фаровон бўлиши ҳамда унда турли халқ вакиллариининг иноқ яшаши юксак маърифат орқали амалга оширилган. Амир Темурнинг маърифат, маънавиятга катта аҳамият берганлиги, мадрасаларнинг ривожланишига ҳомийлик қилганлиги, соҳибқироннинг ўзи ҳам замонасининг кучли мударриси эканлигини қайд қилади [15; Амриддинова Д. 2017. Б.91-92].

Умуман, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий жиҳатдан халқнинг юксаклиги, қадриятларга амал қилиш, уларни асраш, шу билан бир қаторда замонавий тараққиёт йўлини тутиш орқали миллий шаъни сақлаб қолиш масаласи асарнинг асосий ғоясини ташкил этади.

Таниқли олима, тарих фанлари номзоди Нодира Мустафаеванинг таъбири билан айтганда маърифатпарвар жадидлар фаолиятида “ уларда аҳолининг ижтимоий-сиёсий савиясини ошириш, Туркистон иқтисоди ва маданиятини равнақ топтириш, касбий маҳорати юксак, билимли, ижтимоий фаол инсонларга катта эҳтиёж сезаётган ўлка учун миллий мутахассисларни тайёрлаш, бу эҳтиёжни замонавий маориф муассасалари орқали қондириш ёки уларни таълим олиш учун чет элга юбориш, ўқув муассасаларини тубдан ислоҳ қилиш, таълим соҳасида табиий фанлар чуқур ўргатилиши лозимлиги, миллат тарбиячилари - хотин-қизларни маърифатли қилиш, замонавий таълим ва тараққиётга эришиш учун кўплаб тилларни ўрганиш, маданий-маърифий тадбирларни кенгайтириш зарурияти бош мавзулар қилиб белгилаб олинган эди”.[16; Мустафаева Н. 2016. ББ. 165-166]

Шу ўринда таъкидлаш керакки, ёшларимизнинг маънавий – ахлоқий турмуш тарзининг камолот даражаси бевосита аجدодлар маданий меросини чуқур ўрганиш, фалсафий мушоҳада қилиш ва ундан ижодий фойдалана олиш қобиляти билан аниқланади. Ёш авлод тарбиясида

фалсафий тафаккур маданиятини юксалтириш билан бирга қуйидаги асосий мезонлар ва жараёнларни белгилаб олишимиз лозим;

- Ўтмиш маданий ривожимиз тарихини чуқур билиш ва бу ҳақда фалсафий мушоҳада юритиш зарур;
- Халқимизнинг маънавий бойлиги, буюк аллома мутафаккирларимизнинг фалсафий мероси мустақиллик дунёқарабини шакллантиришнинг муҳим омилдир;
- Миллий ғояни ёшлар онги ва қалбига сингдириш, ғоявий тарбияни амалга ошириш ва ғоявий эътиқодни шакллантиришда Марказий Осиё мутафаккирларининг фалсафий мероси таянч манба вазифасини ўтайди.

ХУЛОСА

Хулоса қилиш айтиш керакки, тарихий жараён ҳамиша кишилар онги ва тафаккурини, дунёқараши ва турмуш тарзини у ёки бу кўринишдаги ғоялар таъсирида маълум бир мақсад ва манфаатларга йўналтириш, пировардида эса ана шу ғояларни эътиқодга айлантириш тарзида кечади. Шундагина бу ғоя куч-қудратга эга бўлади ва ҳаёт синовларига бардош бериб, ҳар қандай тўсиқни енгиб ўтиши мумкин. Сўзсиз, бундай имконият ва куч-қудрат манбаи миллий ўзлгимизни англаш, миллий ғурур, ватанпарварлик ва инсонпарварлик туйғуси билан содир бўлаётган жараёнларга оқилона ва холисона баҳо беришдир.

Ана шундай имкониятларни инобатга олиб, халқ ишончи ва эътиқодини мустаҳкамлаш йўлида биз тараққиётимизнинг миллий уйғониш босқичи ҳисобланмиш – маърифатпарварлик-жадидчилик ҳаракатининг йирик намоёндаси бўлмиш - Сиддиқий-Ажзийнинг ижтимоий-фалсафий тафаккур меросининг замонавий цивилизация ривожига ўрни ва аҳамияти, мустақиллик тафаккурини шакллантириш, дунёга янгича ёндошув, теран ақл ва тафаккур кучи билан воқеа ва ҳодисаларни баҳолай оладиган, масъулият ҳиссини чуқур англаб, лоқайдлик ва бефарқликка қарши тура оладиган ёшлар тарбиясида муҳим омилларидан бири эканлигини асослашга ҳаракат қилинди.

Ушбу йўналишда олиб борилаётган тадқиқот ишларимиз самараси сифатида қуйидагиларга эришиш мумкин бўлади:

- минтақада XX аср бошиларида миллий уйғониш даврининг ижтимоий-иқтисодий, ғоявий, маънавий-ахлоқий заминлари тўғрисидаги илмий билимлар, хулосалар мустаҳкамланади;
- Сиддиқий-Ажзийнинг маърифатпарварлик, жадидчилик ҳаракатида тутган ўрни аниқланади;
- ҳозирги замон илм-фани, маданияти ривожига маърифатпарвар Сиддиқий-Ажзийнинг маърифий-жадидчилик фаолияти ва унинг ижтимоий-фалсафий меросини мавқеи ва ҳиссаси белгиланади;
- мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларда Сиддиқий-Ажзийнинг тарихий-маърифий меросини аҳамияти ўрганилади;
- маърифатпарвар Сиддиқий-Ажзийнинг тарихий-маърифий мероси, ҳикматлари ва доно фикрлари баркамол авлод тарбиясида намуна ва ибрат мактаби эканлиги билан белгиланади.

Зероки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасидаги қуйидаги фикрлари бу борадаги биз каби тадқиқотчи ва илмий изланувчиларга қаратилган ўзига хос чақириқдир: “Биз жадидчилик ҳаракати, маърифатпарвар боболаримиз меросини чуқур ўрганишимиз керак. Биз маънавий хазинани қанча кўп ўргансак, бугунги кунда ҳам бизни ташвишга солаётган жуда кўп саволларга жавоб топамиз. Бу бебаҳо бойликни қанча фаол тарғиб этсак, халқимиз, айниқса, ёшларимиз бугунги тинч ва эркин ҳаётининг қадрини англаб етади”.[17]

Библиография

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Бирлашган миллатлар ташкилоти Бош ассамблеясининг 72 – сессиясида сўзлаган нутқи. – Т.: Маънавият, 2017. – Б.184.
- ВАДУД МАҲМУД. Танланган асарлар (Нашрга тайёрловчи Баҳодир Каримов). –Т.: Маънавият, 2007. –Б. 35.
- ҚОСИМОВ Б. Маслакдошлар: Беҳбудий, Ажзий, Фитрат. –Т.: Шарқ, 1994. –Б.51.
- ФАТТОЕВ М. Атоқли педагогларимиз. – Т.: Ўқитувчи, 1988. Б.31.
- ФАТТОЕВ М. Атоқли педагогларимиз. – Т.: Ўқитувчи, 1988. Б.35.
- ҚОСИМОВ Б. Маслакдошлар: Беҳбудий, Ажзий, Фитрат. –Т.: Шарқ, 1994. –Б.53.
- ВАДУД МАҲМУД. Танланган асарлар (Нашрга тайёрловчи Баҳодир Каримов). –Т.: Маънавият, 2007. –Б.42.
- ТИШКОВ В.А. Толерантность и согласие. // Материалы международной конференции “Толерантность, взаимоотношения и согласие”. – Якутск. Июнь. 1995 г. — М., 1997, С.17.
- ВАДУД МАҲМУД. Танланган асарлар (Нашрга тайёрловчи Баҳодир Каримов). –Т.: Маънавият, 2007. –Б.38.
- ЖУМАЕВ Ж. Жадид мутафаккири Саидахмад Сиддикий – Ажзий фаолиятини ёритувчи манбалар. (Электрон манба). URL <https://www.azon.uz/content/views/jadid-mutafakkiri-saidahmad-siddiqiy-ajz> (мурожаат қилинган кун: 13.06.2019) .
- ВАДУД МАҲМУД. Турк шоири Ажзий. // Танланган асарлар(Нашрга тайёрловчи Баҳодир Каримов). – Т.: Маънавият, 2007. 36-бет.
- КАРИМОВ И.А. Миллий театримиз – ифтихоримиз // Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-т.-Т.: Ўзбекистон, 2002. Б.55.
- БЕГМАТОВ А. Маърифатчилик ва диний ақидапарастлик. //Журнал “Жамият ва бошқарув”, 2002 йил, №2-сон. Б.17.
- [KARIMOV I.A. O‘zbekiston XXI asr bo‘lag‘asida: xavfsizlikka tahdid, barqarorlik shartlari va taraqqiyot kafolatlari. –Т.: O‘zbekiston, 1997. – В. 127.
- АМРИДИНОВА Д.Т. Самарқанд жадидчиликлари мактаби. – Т.: Наврўз, 2017. Б.91-92.
- МУСТАФАЕВА Н. Жадид маърифатпарварлик ҳаракатининг ҳақиқий асослари. // “Жадид маърифатпарварларининг миллий таълим, матбуот, адабиёт ва санъатни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ва унинг Миллий гоя тарғиботидаги аҳамияти” мавзuidaги Республика илмий-амалий анжумани материаллари. 2016 йил 15 апрель. 165-166-бетлар.
- Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. (Электрон манба). URL <https://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyevning-oliy-25-01-2020> (мурожаат қилинган кун: 25.01.2020).
- Alikulov, X., Naqqulov, N. Q. (2020). Spiritual maturity and philosophical thinking dependence of development. ISJ Theoretical & Applied Science, 04 (84), 164-167. Soi: <http://s-o-i.org/1.1/TAS-04-84-28> Doi: <https://dx.doi.org/10.15863/TAS.2020.04.84.28>

Transliteration

- Speech by President of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev at the 72nd session of the United Nations General Assembly.- - Т.: Маънавият, 2017. Page.184.
- VADUD MAHMUD. Selected works (Prepared by Bahodir Karimov). –Т.: Маънавият, 2007. Page.35.)
- QOSIMOV B. Colleagues: Behbudi, Ajzi, Fitrat. –Т.: Шарқ, 1994. Page.51
- FATTOEV M. Our famous teachers. – Т.: Ўқитувчи, 1988. Page.31
- FATTOEV M. Our famous teachers. – Т.: Ўқитувчи, 1988. Page.35
- QOSIMOV B. Colleagues: Behbudi, Ajzi, Fitrat. –Т.: Шарқ, 1994. Page.53
- VADUD MAHMUD. Selected works (Prepared by Bahodir Karimov). –Т.: Маънавият, 2007. Page.42.

- TISHKOV V.A. Tolerance and consent. // Proceedings of the international conference "Tolerance, relationship and consent". - Yakutsk. June. 1995 - M., 1997, p. 17.
- VADUD MAHMUD. Selected works (Prepared by Bahodir Karimov). –T.: Маънавият, 2007. Page.38.)
- JUMAEV J. Sources covering the activities of the Jadid thinker Saidahmad Siddiqi-Ajzi. (Electronic source). URL <https://www.azon.uz/content/views/jadid-mutafakkiri-saidahmad-siddiqiy-ajz>. (Date of application: 13.06.2019)
- VADUD MAHMUD. Turkish poet Ajziy. // Selected works (Prepared by Bahodir Karimov). - T.: Manaviyat, 2007. p.36.
- KARIMOV I.A. Our national theater is our pride // We must fight for security and peace. 10-t.-T.: Uzbekistan, 2002. P.55.
- BEGMATOV A. Enlightenment and religious fanaticism. // Journal "Society and Management", 2002, issue №2. B.17.
- KARIMOV I.A. Uzbekistan on the threshold of the XXI century: threats to security, conditions of stability and guarantees of development. –T.: O'zbekiston, 1997. - P. 127.
- AMRIDINOVA D.T. Samarkand School of Jadidism. - T.: Navruz, 2017. P.91-92.
- MUSTAFAEVA N. The ideological foundations of the modern enlightenment movement. // Proceedings of the Republican scientific-practical conference "Contribution of modern enlighteners to the development of national education, press, literature and art and its role in the promotion of national ideology." April 15, 2016. Pages 165-166.
- President Shavkat Mirziyoyev's Address to the Oliy Majlis. (Electronic source). URL <https://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020> (Date of application:25.01.2020)
- Alikulov, X., Haqqulov, N. Q. (2020). Spiritual maturity and philosophical thinking dependence of development. ISJ Theoretical & Applied Science, 04 (84), 164-167. Soi: <http://s-o-i.org/1.1/TAS-04-84-28> Doi: <https://dx.doi.org/10.15863/TAS.2020.04.84.28>



Худайкулов Дилёр Исмаилович

Самарқанд давлат университети мустақил тадқиқотчиси
(Ўзбекистон, Самарқанд)

E-mail: dilyorxudaykulov@gmail.com

ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ МАКОНИДА ЁШЛАР МУТОЛАА МАДАНИЯТИНИНГ ҚАДРИЯТЛИ-МЕТОДОЛОГИК ЎЗГАРИШЛАРИ

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9505-2020-SI-2-17>

АННОТАЦИЯ

Мутолаа маданияти – психофизиологик, ақлий, интеллектуал, маънавий-рухий жараёнлар кесишган индивидуал ижодий жараёндир. Мутолаани инсон маънавиятини ажралмас ҳодиса сифатида ифодаловчи концепция энди бир вақтнинг ўзида матнни идрок этиш ҳодисаси ва жамиятнинг асосий саводхонлик характери сифатида ва инсон маънавиятининг бир шакли сифатида тавсифлаши керак. Ахборотлашган жамиятда виртуал муҳит кишининг экзистенциал борлиғига янги тушунчаларни олиб киради, маъно қабул қилиш қадриятларини ҳам “жойидан” силжитади. Жамиятда ижтимоий муносабатларда ўзгариш юз бериб, оммавийлик ва элитаризм табиати ҳам ўзгариб боради.

Мақолада бугунги кунда замонавий ахборот маконида ёшлар мутолаа маданиятининг қадриятли-методологик ўзгаришлари, мутолаа маданиятининг ҳолати, шунингдек ўқиш услублари ва технологияларини маданият нуқтаи-назарда таҳлил қила олиши, рақамли ахборот технологияларини ўзлаштириши билан боғлиқ масалалар тадқиқ қилинган. Шунингдек, замонавий инсон учун ўз-ўзини ривожлантириш учун ресурсларни излаши, уни ижодий салоҳиятини очиб бериш, глобал ахборот маконининг методологик хусусиятларини чуқур ўзлаштириш, тушунча ва жараёнларни таҳлил этиш асосида ёшлар мутолаа маданиятини даврга мос даражада шакллантириш масалаларига эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: Ахборот, ахборот маданияти, глобал ахборот макони, китобхонлик, мутолаа, саводхонлик, рақамли кутубхона, компьютер технологияси.

Худайкулов Дилёр Исмаилович
(Ўзбекистон, Самарқанд)

ЦЕННОСТНО-МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ИЗМЕНЕНИЯ КУЛЬТУРЫ ЧТЕНИЯ МОЛОДЕЖИ В СОВРЕМЕННОМ ИНФОРМАЦИОННОМ ПРОСТРАНСТВЕ

АННОТАЦИЯ

Культура чтения - это индивидуальный творческий процесс, в котором пересекаются психофизиологические, психические, интеллектуальные, духовно-духовные процессы. Концепция, которая выражает человеческую духовность как неотъемлемый феномен чтения, теперь должна описываться одновременно как феномен восприятия текста, как основной

характер грамотности общества и как форма человеческой духовности. В информированном обществе виртуальная среда вводит новые концепции в экзистенциальное существование человека, а также замещает ценности восприятия смысла. По мере того, как меняются социальные отношения в обществе, меняется и природа массы и элитарности.

В статье сегодня в современном информационном пространстве возникают вопросы, связанные с ценностно-методологическими изменениями в культуре чтения. В статье анализируются методы и технологии культуры чтения с внедрением цифровых информационных технологий.

Также рассматривается поиск ресурсов для саморазвития современного человека, раскрытие его творческого потенциала, углубленное изучение методологических особенностей глобального информационного пространства, формирование культуры чтения молодежи на должном уровне.

Ключевые слова: информация, информационная культура, глобальное информационное пространство, чтение, грамотность, электронная библиотека, компьютерные технологии.

Khudaykulov Dilyor Ismoilovich
(Uzbekistan, Samarkand)

VALUABLE AND METHODOLOGICAL CHANGES IN THE READING CULTURE OF YOUTH IN THE MODERN INFORMATION SPACE

RESUME

The culture of reading is an individual creative process in which psychophysiological, mental, intellectual, spiritual and spiritual processes intersect. The concept that expresses human spirituality as an integral phenomenon of reading must now be described simultaneously as a phenomenon of the perception of the text, as the basic character of society's literacy and as a form of human spirituality. In an informed society, the virtual environment introduces new concepts into the existential existence of a person, and also replaces the values of the perception of meaning. As social relations in society change, so does the nature of mass and elitism.

In the article today, in the modern information space, questions arise related to value-methodological changes in the culture of reading. The article analyzes the methods and technologies of reading culture with the introduction of digital information technologies. It also considers the search for resources for the self-development of a modern person, the disclosure of his creative potential, an in-depth study of the methodological features of the global information space, the formation of a culture of reading youth at the proper level.

Key words: information, information culture, global information space, reading, literacy, electronic library, computer technology.

КИРИШ

Замонавий ахборот маконида ўқиш мумкин бўлган манба, адабиётларни тўғри танлаш, мутолаа жараёнидан эстетик завқ олиш, хусусан, илмий ва барча бошқа турдаги ресурслар билан ишлаш маданияти, китобхонлик маданияти (библиографик)ни шакллантириш бир қатор мураккабликларга эга. Ҳозирги кунда ёшлар, хусусан, талабалар ахборот олиш манбаларидан ўзларини қизиқтирган маълумотларни қидириб топишлари, глобал ахборот оқими орасидан ўзларига керакли, муҳим бўлган ахборотларни ола билиши, келгусида ўз касбий малакасини оширишда ахборот-кутубхона муассасасиларидан фойдаланиш қobiliяти – ахборот олиш маданияти кўламини билдиради. Ахборот маданиятини ўзлаштирган ёшларга нисбатан айтиш мумкинки, улар китобхонлик маданиятини ҳам ўзлаштирганлар. Демак, замонавий ахборот маконида яшаётган ёшлар ахборот макони – ахборот маданияти – китобхонлик – мутолаа маданияти кетма-кетлигида ўз ҳаётларини ташкил этадилар.

МАТЕРИАЛЛАР ВА МЕТОДЛАР

Ҳозирги давр мутолаа маданиятининг ҳолати ёшлар интеллектуал бойлиги, шунингдек ўқиш услублари ва технологияларини маданият нуқтаи-назарда таҳлил қила олиши, рақамли ахборот технологияларини ўзлаштириши билан боғлиқ. Дарҳақиқат, мутолаа маданиятини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, буни тизимли ўрганиш, ахборот-ресурс муассасалари (кутубхоналар), марказлари, оила институти, узлуксиз таълим тизими, ОАВ, фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлигини зарур қилиб қўймоқда. Бу ягона ахборот маконини яратилганидан, уни ёшлар учун технологик онгни шакллантиришидан дарак беради. Ахборот макони нима?, у қандай афзалликларга эга?

Ахборот макони – бу ахборотни сақлаш, қайта ишлаш ва узатиш босқичлари ўз ичига олган глобал тизимдир. Жамиятнинг ягона ахборот макони тушунчаси муайян ҳудудда мавжуд бўлган ижтимоий муносабатларнинг ягона тизими билан аниқ боғлиқдир. Бу ягона иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, таълим ва бошқа маконаларни бирлаштирган бўлиши мумкин. Энг сўнгги техник ютуқларни алоқа тизимига киритиш, янги қўпайтириш ва ташиш воситаларини яратиш ахборот маконининг узлуксизлиги ва жойлашишини таъминламоқда.

Бугунги кунда инсоният учун янги жамиятни ривожлантирилиши концептуал ва амалий жиҳатдан глобал ахборот маконини шакллантиришга бўлган эҳтиёжни англатади. Ахборот макони, аслида, яратилган воқелик, яъни инсоният маданиятининг маҳсулидир. Бу моддий-маънавий (идеал, онг томонидан яратилган мавҳум) категориядир. Ахборот маконининг моддий-ташкилий асослари қуйидагилардан иборат: “ахборот ресурслари (маълумотлар базаси ва маълумотлар банки, барча турдаги архивлар, давлат ахборот ресурсларининг депозитар тизими, кутубхоналар, музейлар ва бошқалар), ахборот ва телекоммуникация инфратузилмаси; оммавий ахборот воситалари тизими, технологиялар, алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар; ахборот маҳсулотлари ва хизматлари; ахборот хавфсизлиги тизими. Буларнинг барчаси ахборот маконининг идеал таркибий қисмлари бўлиб, инсон онги томонидан яратилган маъноларнинг ҳаракатланиши ва ривожланишини таъминлаш учун ишлайди” [1; Нечипоренко В.П. 2001. С. 30-32].

Олимларнинг фикрига кўра, бутун инсоният тарихи давомида бир қанча ахборот инқилобини бошидан кечирган [2; Игнатъев. В.И. 2001. С.7]. Дастлабки биринчи ахборот инқилоби нутқнинг пайдо бўлиши эди. Нутқнинг мазмунли товушлари маълумот алмашиш воситаси сифатида жуда катта маданий бойликлар яратилишига олиб келди.

Иккинчи ахборот инқилоби рамзий белгилар – ёзма манба, ёзув ихтироси билан боғлиқдир. Ривожланишдаги бу туб бурилиш замонавий ахборот тизимида биринчи китоб босиш технологиялари (босма хона)нинг пайдо бўлишига олиб келди. Ахборот ўз лисоний ташувчисидан чиқиб, моддийлашди.

Учинчи ахборот инқилоби бу – компьютер инқилобидир. Бу инсон хотирасини анонимини яратиш, рақамли кодларни яратиш, турли форматдаги технологияларни юзага келтириши билан характерланади. Маълум маънода, бугунги кунда ақлнинг эволюцияси ўз ривожланишининг бир босқичини якунлади: яъни миянинг электрон импульслари ҳаракати натижасида пайдо бўлган фикр нутққа айланди, кейин қоғозга кўчиб тушди, ифодаланди ва электрон ҳолатига – сунъий ақл коди сифатида пайдо бўлди. Ахборотни сақлаш, қайта ишлаш бериш ва узатишнинг электрон усуллари биринчи бўлиб эгаллаган давлатлар эволюцион устунликка эга бўлдилар.

Айтиш мумкинки, бугунги кунда дунё тўртинчи ахборот инқилоби арафасида турибди. Яъни, ахборотни автоматлаштирилган қайта ишлашдан компьютер ваколотиға ўтиши ва яратилган метабазалар асосида кибер ҳужжатда тўғридан-тўғри билим алмашинуви, автоном ривожланиши мумкин бўлган сунъий интеллектнинг пайдо бўлишига замин яратмоқда.

Бугунги замонавий дунёда инсон маънавий борлиғидаги вазият шу билан тавсифланмоқдаки, инсон китоб мутолаа қилиш маданияти давридан мультимедиа маданияти даврига ўтиши билан тавсифланмоқда. Бу вазият замонавий инсон учун китоб ўқиш ёки мутолаанинг ўрни, унинг мақсади, йўналиши, шакллари, сифати ва миқдорий хусусиятлари тўғрисидаги назарий қарашларни қайта ишлаш, шакллантириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Ахборот асрида, электрон алоқа ва мультимедиа маданияти даврида янгича мутолаа маданиятини шакллантиришнинг долзарб ва узоқ муддатга мўлжалаган стратегиясини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Бугунги кунда электрон алоқанинг ўзига хос хусусияти бу – интернетдир. У шахс ва жамиятнинг алоқа эҳтиёжларини таъминлайдиган глобал алоқа компьютер тармоғи бўлиб, “ҳозирги пайтда глобал ахборот-коммуникация тармоғини инсон ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини аниқлаш учун унинг ташкилий, бошқарув, ахлоқий, ҳуқуқий ва психологик жиҳатларини фалсафий таҳлил қилиш, социологик ва маданий тушунишда янгича методолгияни талаб қилмоқда” [3; Железнякова С.И. 2017.С.232-240]. Умумий коммуникациянинг анъанавий ва замонавий каналларининг нисбати бўйича бир неча хил фикрлар мавжуд. Биринчи нуктаи назарга кўра, “мультимедиа муқаррар равишда архаик китоблар, журналлар, босма оммавий ахборот воситаларининг ўрнини босади. Чунки электрон ОАВлар кўпроқ соҳаларга чуқур кириш имкониятига эга бўлиб, ҳар қандай муҳитга кириб бориш учун деярли чексиз имкониятларга эга, у нисбатан замонавийроқ, ижтимоий мобиллиги қулай, кичик нарсаларни катта қилиб берадиган ва фойдаланиш учун қулайроқдир воситадир” [4; Железнякова С.И. <https://cyberleninka.ru>].

Иккинчи нуктаи назарга кўра, китоб ва босма маълумот манбалари одам томонидан маъноларни англаш психофизиологик имкониятларига кўпроқ мос келиши туфайли ўз ўрнини сақлаб қолиши керак. Китоб инсон маънавий борлиғида шу қадар чуқур илдиз отганки, у умуман замонавий цивилизацияда ҳам “китоб маданияти” деб ном билан қолиши муҳим аҳамиятга эга. Ахборотни қоғоз ташувчисини идрок этиш маданияти, китоблар тўпламида чуқур илдиз отган анъаналар, одатларнинг тарихий истиқболлари масаласи қизиқарли ва долзарбдир. Шу кунгача инсоният ўтмиши, тарих зарварақлари, маданият ва цивилизациялар ҳақидаги маълумотлар қоғоз орқали бизгача етиб келган. Китоб мутолааси инсонда ахлоқий ва эстетик тафаккурни шакллантирган, маънавий борлигини маънолар билан бойитган субстанционал элементи сифати доим долзарблигини сақлаб қолади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Асрлар давомида инсонларнинг маънавиятини бойитиш бадий адабиёт туфайли бўлиб келган. Бадий адабиёт санъатнинг бир тури сифатида инсоният социумининг атрибутидир. Айнан адабий манбаларда инсоният ҳаёти ва ҳулқ-атвори универсаллигини ривожлантириш бўйича улкан муаллифлик тажрибасини топиш мумкин. Бадий адабиётда панд-насихатни тажрибасини ўз ичига олган улкан дидактик манбалар, халқ педагогик тажрибаси яшириндир. Шахсий ва ижтимоий баҳолаш ва ўзини ўзи баҳолаш учун ахлоқий мезонларини айнан бадий адабиёт орқали англаб келинган.

Яна бир нуктаи-назарга кўра ҳар иккала қарашни мувозатини сақлаш керак. Яъни компромис нуктаи назаридан ҳар хил ижтимоий коммуникация турларининг (ёзма, оғзаки, қоғозли-ҳужжатли, электрон) маълум бир мувозанати аста-секин вужудга келади, чунки уларнинг ҳар бири ўзининг афзалликлари, макон ва замонда чекланганлик хусусиятга эга.

Агар биз глобал миқёсда жамиятдаги оммавий коммуникация жараёнларининг ҳозирги ривожланиш босқичининг хусусиятларини кўриб чиқсак, унда қуйдаги ҳулосаларга келиш мумкин: биринчидан, инсон ҳаётида босма китобнинг, умуман босма нашрнинг роли ўзгариб, уни қайта кўриб чиқишни кун тартибига қўймоқда. Замонавий инсон маънавиятида китоб ва босма нашрни идрок қилиш ва мультимедиа бир-бирини тўлдирувчи иккита тенденция сифатида қайд этилмоқда;

иккинчидан, анъанавий босма китоб, ёзма хабар ўз таъсир кўламига кўра мультимедиа ахбороти тезлигидан пастроқ, чунки иккинчиси нафақат таъсирчан, балки ҳиссий таъсир ўтказиш усуллари ҳам ўз ичига олади, матн аудиовизуал эффектлар билан тўлдирилади. Шу вазиятда бир қатор муаллифлар чексиз имкониятларга эга бўлиши мумкин;

учинчидан, замонавий технологиялар китоб мутолаасини электрон воситаларда иложи борида қулай қилиб ўзгартиришга имкон беради. Замонавий китоб ва кутубхонанинг янгича сифатлари – рақамли кутубхона, ихчамлик, фойдаланиш қулайлиги, китобга кириш тезлиги ва

микдорий чексизлик хусусиятларига эга. Бу бадий манбаларга ва умуман маълумотларга киришнинг янги шакллари тааллуқлидир;

тўртинчидан, ҳозиги пайтда мутолла маданиятининг мазмуни ҳақида гапирадиган бўлсак, унда аввало замонавий инсон учун ўз-ўзини ривожлантириш учун ресурсларни излаши, уни ижодий салоҳиятини очиб бериш жуда муҳимдир. Адабий манбаларни ўзлаштириш жараёнида инсон ижодкорлик ва ўзини ўзи яратиш, ёзилган ва ўқилган нарсаларни англаш жараёнида ўзини шахс сифатида эркин ҳис қилади;

бешинчидан, бадий адабиёт мутолласида китоб – ўқувчи – ижодкор шахс концепти шаклланади. Агар замонавий технологиялар орқали бадий матн мультимедиа билан ҳамоҳанг бўладиган бўлса, унда матнли медиа – виртуал идрок – мавҳум шахс концепти шаклланиши мумкин.

Анъанавий ҳаётдан фарқли равишда замонавий ҳаётни техногенлашиши аҳолига, хусусан, ёшларга оммавий ахборот воситалари, компьютер технологияси алоқаси орқали таъсир ўтказишнинг манипуляцион амалиётлари фаоллашмоқда. Бу жараён бугунги давр тадқиқотчиларининг китобхонлик, мутолаа маданиятини экзистенциал, персонологик масалаларини қайта кўриб чиқишига олиб келмоқда. Бундай шароитда мутолаани матн воситачилигидаги маънавий алоқа ва ижтимоий қадриятларни етказиш усули сифатида таҳлил қилиш муаммоси долзарблигича қолади.

XX асрнинг охирида визуал, ёзма ва компьютер маданиятлари ўзаро муносабатини таҳлил қилган файласуф У. Эко яқин келажакда жамиятнинг икки синфга бўлинишини башорат қилди: яъни “фақат визуал телекоммуникациядан фойдаланадиганлар ва тайёр тасвирларни қабул қиладиган кўпчилик ва уларни бошқарадиган публицистларлар (сарик матбуот – Х.Д.) ва компьютер элитаси” [5; Эко У. 2001. С. 277.] дир.

Глобал тармоқнинг ахборотни узатиши ва унда амалга ошириладиган ижтимоий алоқаларнинг турлари бўйича қарашларни қуйидагича белгилаш мумкин: 1) сув тубига тушиш: бу интернет фойдаланувчиларини сувга чуқур кўмилганлигини англатади ва у “виртуал оламга худди парда жойгалашиб олгандек бўлади;

2) кўп ўлчовлилик: бу интернет фойдаланувчисини бир вақтни ўзида кўп нуқтада жойлашишини билдиради ва компьютер томонидан икки ва уч ўлчовли хусусиятларга эга маконлар” [6; Ионин Л.Г. 2007.С.72.] яратилади;

3) мультисенсорли манбалар: бу бир вақтнинг ўзида кўплаб фойдаланувчилар сезги органлари (кўриш, эшитиш, ҳидлаш, тегиниш ва бошқалар – Х.Д.) орқали ўз эҳтиёжларини қондирдилар;

4) вақтни оқиши: фойдаланувчи ҳаракати ва атроф-муҳитнинг ўзгариши бир вақтда кечмайди. Реал дунёда вақтни ортга қайтариб бошқатдан бошлаш мумкин бўлмаганидек, виртуал оламда вақтни ортга қайтариш завқини ошириш имконияти пайдо бўлади;

5) адекватлилик: ривожланаётган виртуал муҳитда фойдаланувчи реал оламдаги инъикос этувчи белгиларнинг таъсирига мос келадиган тасвирларни идрок эта олади;

6) ўзаро таъсирлашиш: бунда фойдаланувчи ҳақиқатан ҳам реал оламдаги ўзгаришларни виртуал оламда бажаради ва объектларни ўзгартириш, жойидан силжитиш каби ишлар орқали амалга оширади;

7) ўтказувчанлик ҳисси: виртуал бўшлиқларда фойдаланувчи олдинга ва орқага қараб, ўнгга ва чапга қараб ҳаракат қилиши мумкин. Девор ва полдан бемалол ўтиши, узокдаги овозни тез илғаш каби фантастик тасаввурларни амалга оширади;

8) ҳақиқат даражасини таъсири: виртуал муҳитда фойдаланувчи ўз ҳақиқатини ҳис қилиши учун имкониятдан ташқари вазифалар тарзида дастурлаштирилган.

Шундай қилиб, мутолаа маданияти доираси янгиликлар, таркибий қисмидаги ўзгаришлар аҳолининг истеъмолчилик маданияти нуқтаи назаридан содир бўлмоқда. Булар мутолаа қилишнинг субъект – объект тизимидан, китоб – ўқувчи тизимидан онлайн, офлайн манбаларга қизиқиши ортиши, янгиликларни истеъмол қилишга истак-майлни кучайтириб юбормоқда. Мутолаа маданиятини ўрнига кўриб эшитиш медиа, МП3, МП4 форматидаги аудио, видеое маҳсулотларни интернет қидирув тизимларида мавжудлиги ўқувчининг китобга

бевосита фаоллигини сусайтириб, қисқача, тез маълумот истеъмолчисига айлантириб қўймоқда.

Юқорида тавсифланганидек, мутолаа маданиятининг ҳозирги ҳолати, саводхонлик, китоб маҳсулоти, мутолла қилиш методологиясида бўладиган жиддий ўзгариш файласуфлар, социологлар, маданиятшуносларнинг тадқиқотида бир қатор муаммолар туғдирмоқда. Инсониятнинг маданий ривожланиш истиқболларини англаш, маънавий-маданий тараққиёт мантиғи ушбу саволларнинг жавобига боғлиқдир.

Охирги йигирма йил ичида муаллифлик асарлари ва ўқувчини онгини тушунишда содир бўлаётган методологик ўзгаришларни таҳлилидан кўрииб турибдики, саводхонлик, китоб мутолаасини қамараб олган инсон маънавий борлиғида янги маданиятнинг пайдо бўлиши асар муаллифи ва ўқувчи онги бирлигида экзистенциал силжишни келтириб чиқарди. Ҳозирги пайтда саводхонлик давридан кейинги давр (постмодернизм даври) мутолаа маданияти олдинги методологиядан ўзига хос хусусиятлар билан фарқланади.

Биринчи муҳим фарқи бу муаллиф ўз асарида матнларини ёзадиган тилни яратишда, ушбу тилнинг грамматикасини яратишда, шунингдек ўқувчининг саводхонлик савиясини параметрларини аниқлашда ваколатларини йўқотиб бориши;

иккинчи муҳим фарқи бу полиморфик мультимедиа тармоғи ва тармоқдан ташқари гиперматнлар, шунингдек, уларнинг юксак савияли асар сифатида ўқийдиган фойдаланувчиларни шаклланиб бораётганлиги ва ўқувчи-фойдаланувчининг талаб ва таклифи доирасида мутолаа қилиш матнларини яратилиши;

учинчи муҳим фарқи хусусияти бу янги турдаги ўқувчининг туғилишидир. “Янги ўқувчи нафақат ўқиш ва уларни талқин қилиш учун текстларни танлаш, балки матнга нисбатан муаллиф-ўқувчи қарама-қаршилигини деконструкция қилиш функциясини бажаради. Матнларнинг қурилиши, уларни шарҳлаш, таҳрирлаш ва маъно бериш вазифасини мустақил ва ижодий равишда амалга оширади. Кўпинча, булар “виртуал ўқувчи” деб номланади” [7; Корнев С. <http://magazines.russ.ru>]. У гаджет экрандаги матнларни ёки экраннинг проекциясини гиперматнли маданий майдонини фаол аъзосидир.

Шундай қилиб, замонавий ахборот маконида ёшлар мутолаа маданиятининг кадриятли-методологик ўзгаришлари ўқувчини саводхонлигидан кейинги мутолаа қилиш маданиятини экзистенциал борлигини ташкил қилади, замонавий ахборот маконида ўқувчи гаджетлар томонидан тақдим этилган матнларни яратиш ёки мутолаа қилиши, виртуал оламда ишлаши ва идрок этишнинг техник ва технологик имкониятларини қайта кўриб чиқади.

Ҳозирги даврнинг ўзига хос хусусияти шуки, китоб дўкони ва глобал ахборот тармоғига китоб маълумотлари манбалари билан деярли бир хил талабга айланди. Социологлар олиб борган изланишларга кўра, босма даврий нашрларни истеъмол қилиш бир неча йил ичида сезиларли даражада камайди. 2014 йилда респондентларнинг 77 фоизи мунтазам равишда, 2017 йилда 55 фоизини даврий нашрларни ўқийди. 25 ёшдан 34 ёшгача бўлган деярли ҳар учинчи респондент онлайн контентга тўлиқ ўтишга тайёр. Бу айниқса, ёшлар аудиторияси ва мегаполис аҳолиси учун тўғри келади.

Турли социологик тадқиқотларда мутолаанинг узлуксизлиги, босма нашрлар, электрон маълумотлар, ахборотларга муносабатнинг мақсадига кўра кишиларни аҳолининг фаол мутолаа қилувчи қисмига киритиш йўналиши етакчилик қилиши ҳолатлари ҳам учрайди. Лекин “бу кўрсаткичлар ўзгарувчан хусусиятга эгадир. Мутолаанинг доимийлиги ва узлуксизлиги кишиларнинг бўш вақти ва касбий фаолиятига боғлиқ равишда ўзгариб туради. Шунинг учун ҳам мутолаа хоссаларига боғлиқ бўлган асосий фарқ қилувчи белгини аниқлаб олиш зарурдир” [8; Носиров Ў. 2018. Б 61].

Мутолаа жараёнини соддалаштириш тенденцияси, бир томондан, узоқ ва мураккаб матнларни рад этиш ва тингловчиларнинг маълум бир қисмининг қийин тарихий, фалсафий ва бадиий адабиётларга қизиқишини сақлаб қолиш ўртасида зиддият мавжуд. Оддий ўқувчининг комикслар ва детектив ҳикояларни истеъмолчиси сифатида стереотипик кўрилиши эмпирик синовларга мухтож. Шундай қилиб, ёш авлод мутолаа маданиятининг шаклланишида доимий ёрдамга мухтож бўлган умидли ва муҳим ўқувчилар тоифасига киради.

Бу жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил, 16 сентябрда қабул қилинган «Китоб маҳсулотларини нашр этириш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги Қарори ушбу соҳа тараққиётига кенг имкониятлар яратиш берган муҳим ҳужжатдир. “Ахборот оқими кучайиб бораётган, виртуал дунё турлитуман ахборотлар билан тўлиб тошган бугунги кунда барча фуқароларнинг, айниқса, ёшларнинг маънавий тафаккурини тарбиялаш, уларда мутолаа маданиятини, китобхонлик маданиятини шакллантириш, ушбу маданиятни доимий ва мунтазам кўникмага айлантириш ҳар қачонгидан кўра долзарб аҳамият касб этмоқда” [9; <https://president.uz/uz/lists/view/1029>].

ХУЛОСА

Ёшларни ҳозирги давр мезонидан келиб чиқиб саводхонлигини белгилаш ва манбаларини мутолаадан ташқаридан излаш маълум маънода ахлоқий ва эстетик иммунитетини сусайтиради. Бугунги кунда ёшларнинг саводхонлигини нафақат замонавий омилар, балки ўтмиш маънавиятини англатадиган меросларни билиш ва мутолаа қилиш, кадриятларга содиқлик белгилари ҳам асосий ўрин эгаллайди.

Юқорида таҳлил қилинган фикрлар асосидаги қуйидагича хулосала чиқариш мумкин:

биринчидан, мутолаа маданиятини шакллантиришда анъанавий ва замонавий китобхонлик тамойилларини, шакллари ва усулларини тўлиқ сақлаш, ахборотлашган даврнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда янги шакллар ва усулларни қўллаш билиш ва такомиллаштириб бориш мақсадга мувофиқ;

иккинчидан, замонавий компьютер-техник воситалардан тўлиқ фойдаланган ҳолда, глобал ахборот маконининг методологик хусусиятларини чуқур ўзлаштириш, тушунча ва жараёнларни таҳлил этиш асосида ёшлар мутолаа маданиятини даврга мос даражада шакллантириш зарур;

учинчидан, ахборот маконида электрон манбаларнинг кўпайиб боришини китоб ва мутолаага боғлиқ кадриятларни улоқтириб ташлаш эмас, балки кутубхона-ахборот ресурс маркази – ўқувчи – муаллиф тизимини йўлга қўйиш ва буни такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир;

тўртинчидан, ёшлар учун ахборот олиш маданияти ва мутолаа маданияти алоҳида алоҳида тушунчалар эмас, балки ахборот маконида бу иккиси қўшилиб «кутубхона-библиография саводхонлиги», «компьютер саводхонлиги», «саводхонликдан кейинги мутолаа» сингари мутолаа маданияти таркибига кирувчи тушунчалар билан замонавий методологик маконни яратиши керак;

бешинчидан, ёшлар мутолаа маданиятини биз классик маданият даражасида ривожлантира олмаслигимиз мумкин. Яъни ижтимоий-маданий коммуникатив тизим бўлган муаллиф – матн – ўқувчи кетма-кетлигида кадриятларни сақлаб қолишимиз эҳтимолдан холи эмас. Ушбу тизимнинг ҳар бир элементи мутолаа қилишга қаратилган бир қатор одатий, кундалик тадбирларни амалга ошириш мумкин. Шунга кўра, мутолаанинг янги тури - саводдан кейинги мутолаа нима эканлигини тушунишимизни тақозо қилади.

Яна бир исбот талаб қилмас ҳақиқат шуки, биз миллий юксалиш сари аниқ мақсад ва вазифаларни белгилаб олган эканмиз. “Буни учун, авваламбор, ташаббускор ислохотчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрларини тарбиялашимиз зарур. Нафақат ёшлар, балки бутун жамиятимиз аъзоларининг билими, савиясини ошириш учун аввало илм-маърифат, юксак маънавият керак[10; <https://uza.uz>]. Президентимиз 2020 йилни “Илм маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб номлашни таклиф қилар экан, бундан кўзланган мақсад “Мамлакатимизда илм-фанни янада раванқ топтириш, ёшларимизни чуқур билими, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш, рақабатбардош иқтисодиётни шакллантириш борасида бошлаган ишларимизни жадал давом этириш ва янги, замонавий босқичга кўтариш” [11; <https://uza.uz>] эканлигини таъкидлаб ўтганлар.

Библиография

- НЕЧИПОРЕНКО, В.П. Некоторые проблемы перехода к информационному обществу // Библиотечное Дело. – М.: 2001: Российские библиотеки в мировом информационном интеллектуальном пространстве. Ч. 1. – М.: 2001. С. 30-32.
- ИГНАТЬЕВ. В.И. Информационное общество как объект социологической теории // Социально гуманитарные исследования: сб. науч. тр. – Новосибирск, 2001. С.7;
- ЖЕЛЕЗНЯКОВА С.И. Противоречия процессов массовой коммуникации в современном обществе // Теории и проблемы политических исследований, 2017, т. 6, № 1А, С-232-240.
- ЖЕЛЕЗНЯКОВА С.И. Культура чтения в информационном обществе: смыслы, практики, противоречия.// <https://cyberleninka.ru/article/n/kultura-chteniya-v-informatsionnom-obschestve-smysly-praktiki-protivorechiya>.
- ЭКО У. От Интернета к Гутенбергу // Общество и книга: от Гутенберга до Интернета. – М.: 2001, с. 277.
- ИОНИН Л.Г. Социология в обществе знаний (от эпохи модерна к информационному обществу). – М.: 2007. С.72.
- КОРНЕВ С. «Сетевая литература» и завершение постмодерна // Новое литературное обозрение.//<http://magazines.russ.ru/nlo/1998/32/korn.html>.
- НОСИРОВ Ў. Ахборотлашган жамият шароитида мутлоа маданиятини шакллантириш зарурати.//ЎЗДСМИ хабарлари. 2018 йил. №3-сон. Б 61.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Китоб маҳсулотларини наشر этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутлоаси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида” ПҚ-3271-сон Қарори.// <https://president.uz/uz/lists/view/1029>.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаат-номаси. // <https://uza.uz/uz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаат-номаси. // <https://uza.uz/uz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>

Transliteration

- NECHIPORENKO, V.P. Some Problems of Transition to the Information Society // Library Science. – М.: 2001: Russian Libraries in the World Information Intellectual Space. Part 1. – М.: 2001. Page. 30-32.
- IGNATIEV. IN AND. Information Society as an Object of Sociological Theory // Social Humanitarian Research: Collection of articles. scientific. tr. - Novosibirsk, 2001. Page. 7.
- ZHELEZNYAKOVA S.I. Contradictions of the processes of mass communication in modern society // Theories and problems of political research, 2017, vol. 6, No. 1A, Page.232-240.
- ZHELEZNYAKOVA S.I. Reading culture in the information society: meanings, practices, contradictions.// <https://cyberleninka.ru/article/n/kultura-chteniya-v-informatsionnom-obschestve-smysly-praktiki-protivorechiya>.
- ECO U. From the Internet to Gutenberg // Society and the book: from Gutenberg to the Internet. - М.: 2001. Page. 277.
- IONIN L.G. Sociology in the knowledge society (from the modern era to the information society). - М.: 2007. Page.72.
- KORNEV S. "Network literature" and the completion of postmodernism // New literary review.// <http://magazines.russ.ru/nlo/1998/32/korn.html>.
- NOSIROV O. The need to form a culture of reading in an informed society.// UZDSMI news.2018. №3. Page.61.
- Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan No. PP-3271 "On a comprehensive program of measures for the development of the system of publishing and distribution of book

products, increasing and promoting the culture of reading and reading".//
<https://president.uz/uz/lists/view/1029>
President Shavkat Mirziyoyev's Address to the Oliy Majlis. (Electronic source).
<https://uza.uz/uz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyevning-oliy-25-01-2020>
President Shavkat Mirziyoyev's Address to the Oliy Majlis. (Electronic source).
<https://uza.uz/uz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyevning-oliy-25-01-2020>



Чўлиева Васи́ла Эркиновна

фалсафа фанлари бўйича

фалсафа доктори (PhD)

Навоий давлат педагогика институти

E-mail: vasila7646@mail.ru

БАХОВУДДИН ВАЛАД ВА ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙНИНГ ФАЛСАФИЙ-АНТРОПОЛОГИК ҚАРАШЛАРИДА ИНСОН МУАММОСИ



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9505-2020-SI-2-18>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада буюк мутасаввифлар Баховуддин Валад ва Жалолиддин Румийларнинг фалсафий-антропологик қарашлари хусусида сўз боради. Мутафаккирларнинг инсоншуносликка оид фалсафий қарашларида мукамал инсон тасвири бевосита илоҳиёт билан боғланганлиги борасида мисоллар келтирилган. Буюк мутасаввифлар Баховуддин Валад ва Жалолиддин Румийнинг фалсафий-ирфоний қарашлари, башариятни комилликка, етукликка даъват этувчи альтруистик ғоялари ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялашда, жамиятимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий соҳалардаги ислохотларнинг тадрижийлиги ва тараққиётини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Бу алломаларнинг илмий меросини, антропологик қарашларини фалсафий нуқтаи-назардан таҳлил қилиш орқали биз уларнинг инсоншуносликка оид ғоялари билан ҳам таниша бошлаймиз. Шунингдек, уларнинг фалсафий қарашларидаги инсон омили, инсон борлиғи, инсон моҳияти ва инсон камолоти каби масалалар қиёсий-аналогик таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: тасаввуф, диний идеосфеара, сўфийлик, антропология, қалб, ахлоқ, моддий олам, маънавий олам, антропология.

Чулиева Васи́ла Эркиновна-

(PhD) доцент кафедры Общественные науки

Навоийского государственного педагогического института

E-mail: vasila7646@mail.ru

ПРОБЛЕМА ЧЕЛОВЕКА В ФИЛОСОФСКО-АНТРОПОЛОГИЧЕСКИХ ВЗГЛЯДАХ БАХОВУДДИНА ВАЛАДА И ДЖАЛОЛИДДИНА РУМИ

АННОТАЦИЯ

В данной статье повествуется философско-антропологические взгляды великих учёных Баховуддина Валада и Джалолиддина Руми. В философских взглядах мыслителей на антропологию приведены примеры описания совершенного человека в непосредственной связи с теологией. Научно-философские взгляды великих учёных Баховуддина Валада и Джалолиддина Руми и альтруистические идеи, призывающие человечество к совершенству и

зрелости, имеют большое значение в воспитании подрастающего поколения, в обеспечении повышения и внедрения в сфере духовно-просветительских реформ в нашем обществе. Анализируя научное наследие этих мыслителей, их антропологические взгляды с философской точки зрения, мы начинаем знакомиться с их идеями в области антропологии. Также в их философских взглядах произведён сопоставительно-аналогический анализ таких вопросов, как человеческий фактор, человеческое существование, человеческая сущность и человеческое совершенство.

Ключевые слова: мистика, религиозная идеосфера, суфизм, антропология, душа, нравственность, материальный мир, нравственный мир, антропология.

Chuliyeva Vasila Erkinovna

Doctor of Philosophy (PhD)

Navoi State Pedagogical Institute

E-mail: vasila7646@mail.ru

THE PROBLEM OF PERSONALITY IN PHILOSOPHICAL AND ANTHROPOLOGICAL VIEWS OF BAHÁ AL-DÍN WALAD AND JALÁL AD-DÍN RUMÍ

ABSTRACT

The article deals with the philosophical and anthropological views of the great Sufis of their period Baha al-din Walad and Jalal ad-din Rumi where they present their own philosophical interpretations of the image of the perfect man which they associated with spiritual knowledge. The philosophical and spiritual views of the great Sufis Baha al-din Walad and Jalal ad-Din Rumi and the altruistic ideas that call humanity to perfection (insan al-kamil) and maturity, play a vital role in educating the young generation and ensuring the continuity and development of spiritual and educational reforms in our society. By analyzing the rich scientific heritage and anthropological views of these Islamic scholars from a philosophical point of view, we begin to get acquainted with their ideas on anthropology. Also the article presents the comparative-analogic analysis of the theologians' philosophical issues such as the human factor, human existence, human nature, and human perfection.

Keywords: mysticism, religious ideosphere, Sufism, anthropology, soul, morality, material world, spiritual world, anthropology.

Барчамизга маълумки, бугунги кунда мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида маънавий-маърифий соҳаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, буюк мутафаккирларимиз илмий меросини ўрганиш, тадқиқ этиш, маънавий меросимиз бўлмиш қадимий қўлёзмаларни асраш, таржима қилиш, халқимиз, айниқса, ёшларимиз орасида китоб ўқиш ва китобхонлик маданиятини шакллантириш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бундай жараёнлар эса фалсафа фани тизимида маънавий ва фалсафий дискурс методологиясининг шаклланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Жаҳон цивилизациясининг ҳар бир босқичида инсоннинг яралиши тарихи, инсон моҳияти ва инсон муаммоси масаласи долзарб ҳисобланган. Маънавий таҳдидлар, ахлоқий бузилишлар глобал миқёсда кучайиб бораётган таракқиётнинг бугунги босқичида ҳам инсонлар маънавий иммунитетини, ахлоқий сифатларини ривожлантиришга ва бунда Шарқ мутафаккирлари маънавий меросидан самарали фойдаланишга зарурат сезилмоқда. Чунки, Шарқ мутафаккирлари ижодида инсон маънавий-ахлоқий камолотига эришишнинг ҳар қандай ижтимоий макон ва замон учун универсал бўлган мезонлари мавжуд бўлиб, уларни бугунги кун нуқтаи назаридан таҳлил этиш ҳамда амалиётда фойдаланишни янги босқичга кўтариш инсоншунослик фани соҳасидаги муаммолар ечимида муҳим аҳамият касб этади.

Инсон моҳияти, инсоннинг яралиши, инсон муаммоси каби масалалар барча даврларда ҳаммани бирдек қизиқтириб келган мавзулардан ҳисобланади. Бу мавзу атрофидаги баҳс-мунозаралар, мифологик, диний ва фалсафий дунёқарашлар йиғиндисидан фан тарихида инсоншунослик соҳаси пайдо бўлди. Инсоншунослик тўғрисидаги муайян билимларнинг

пайдо бўлиши эса назарий билимларнинг шаклланиши билан боғлиқдир. XIX асрга келиб инсоншуносликнинг назарий йўналишга айланиши эса антропология ва психология каби фанларнинг ривожланишига ўз таъсирини ўтказди. Антик давр файласуфлари, Шарқ мутафаккирлари ва Европа файласуфларининг фалсафий қарашларида инсон омили, инсон борлиғи, инсон камолоти каби масалалар асосий ўринни эгаллади. Муаззам Шарқнинг буюк алломалари ҳисобланмиш Баҳовуддин Валад ва Мавлоно Жалолиддин Румийнинг фалсафий таълимотида ҳам Инсон муаммоси масаласи марказий ўринни эгаллайди. Бу мутафаккирлар ўзларининг инсоншуносликка оид фалсафий қарашларида мукаммал инсон тасвирини бевосита илоҳиёт билан боғлашган. Қуръони Каримнинг “Мўъминун” сурасида шундай дейилади: “...Биз инсонни (Одамни) лойнинг сарасидан яратдик. Сўнгра уни (Инсон наслини аввало) мустаҳкам қароргоҳ (бачадон)да маний қилдик. Сўнгра (бу) манийни лахта қон қилиб яратдик, бас, лахта қонни парча гўшт қилиб яратдик, бас, парча гўштни суяклар қилиб яратдик, (бу) суякларга гўшт қопладик, сўнгра (унга жон киргизиб, олдинги ҳолидан бутунлай) бошқача бир вужудни пайдо қилдик”[17.-12-14-оятлар.]. Жалолиддин Румий ушбу келтирилган оятга ўзининг “Мажолиси сабъа” асарида шундай румиёна шарҳ битган: “Одам болалари аввал нуфта, кейин лахта қон, сўнгра лаҳм парчаси ҳолига келди. Тангри Таоло раҳим малагини она раҳмига маъмур айлаб, унга сурат бер, дея амр этди. Ҳалиги малак Лавҳул маҳфуздан унга тайин қилинган шакл, суратни олиб, шунга кўра раҳимнинг ташқи тарафидан Ҳақ таоло буйруғига биноан шакл бера бошлади. Сурат солиб бўлгач, улуғ Аллоҳ: “Эй малак, энди боравер, бизнинг у билан яширин ишимиз бор”, дея буюрди. Шундан сўнг унга жон ато этди. Жон надир, уни ҳеч кимса билолмас. Кейин эса ризқи, саодатли ва ё бахтсиз бўлмоғига кўра қилинадиган амалларни ёз, деган буйруқ келди”[4.-Б.123.]. “Ичиндаги ичиндадир” асарида эса инсоннинг яралиши борасида Мавлоно шундай ёзади: “Улуғ Тангри Одамни тупроқ ва сувдан яратганида “Уни қирқ кунда тамомлади” (Ҳадис), унинг қолипни барпо қилди. Одам шу куйи ер юзида қирқ кун қолди. Лаънат бўлсин Иблисгаки, ерга тушди ва унинг қолипига кириб, томирида айланди, кузатди ва қон тўла томирни, ёғни, тўрт хилтини кўриб: “Оҳ, менинг Аршни пойида кўрганим ва пайдо бўлиши керак бўлган Иблисининг шу экани ғалати эмасми? Шояд бу бўлмаса! Иблис агар бор бўлса, мутлақо шудир”,-деди ва чиқиб кетди”[3.-Б.40.]. Румий ўзининг бу сатрлари орқали ислом дини таълимотидаги Инсон она қорнида ҳомила ҳолида эканлигидаёқ унинг тақдири азали, қисмати битилади деган қарашларга ишора қилган. Шу билан бирга, Инсоннинг феъл-атворида ҳайвонийликка хос иллатлар мавжудлигини ҳам таъкидлаб, Шарқ мифологик дунёқарашидаги Инсон ва Иблис ҳақидаги ривоятларни ҳам келтириб ўтган.

Жалолиддин Румий инсоннинг яралиши билан боғлиқ фалсафий ғояларини баён этаркан, аслида Инсон бир қатра харом сувнинг ҳосиласидир, шу сабабдан унинг феълида ҳайвонийлик хислатлари ҳам бўлиши табиийдир, дейди. Ислом мифологиясига кўра, инсон жавҳари тупроқдан олинган ва бу хусусида Мавлоно ўзининг “Маснавийи маънавий” асарида шундай ёзади:

Нисбати аслим шу тупроқ, оби гил,
Оби гилга берди Яздон жону дил.
Қайтамен тупроққа бир кун бегумон,
Сен-да тупроққа борурсан, эй фалон.
Жон чиқар бўлса, танинг тупроқ бўлур,
Тор қоронғу бир қабрга жойланур.[4.-Б.456]

Ўрта асрлар мусулмон оламининг буюк фақиҳи ва донишманди Баҳовуддин Валад ўзининг Инсон антропологияси ҳақидаги фикрларини баён этаркан, у инсон моҳиятини англашда иккита асосни уйғунлаштиради: булар-моддий ва маънавий асос. Алломанинг фикрича, инсон тийнати аслида ниҳоятда пок ва шаффофдир. У моддий дунёда яшар экан, аксарият ҳолларда ўзи билмаган ва истамаган тарзда моддийнинг қулига айланиб қолади, яъни ундаги шахвоний ҳамда нафсоний ҳирслар инсонни турли иллатлар қомига ташлайди. Натижада, унинг пок сийрати оламдаги ўткинчи орзу-ҳаваслар йўлида тобора хиралашиб бораверади. Унинг таъкидлашича, Яратгувчи Инсонни пок қилиб яратди ва албатта Инсон ҳам

унинг хузурига пок бўлиб қайтмоғи лозим. Фоний дунёнинг риёлари деб боқий дунёнинг жаннатидан бебаҳра қолмаслик лозим, дея таъкидлайди аллома. Баҳовуддин Валад ўзининг инсоншуносликка оид қарашларида инсон аввало ўзлигини, ўз моҳиятини, ўз яратилиш фитратини теран англамоғи лозимлигини уқтиради. Инсон ўз моҳиятини ва ўзлигини англамоқликни истаса, биринчи навбатда у нафс ҳамда хирс таъмасидан кечмоғи даркор. Комиллик ва етуклик даражасига интилган кишида эса ўз-ўзидан маънавий камолотга эришиш жараёни шакллана бошлайди, дейди аллома. Аллоҳни англаш ва севишнинг туб мазмун-моҳиятини моддий оламидан эмас, аксинча, маънавият оламидан излаши ҳамда шунга интилиши лозим деган ғояни улуғлайди.

Инсон оламдаги мавжуд бўлган жонзотдир. Лекин бошқа жиҳатдан ўзини англаши, ўзининг ҳаёти, борлиғи хусусида фикр юритиши, моддий ва маънавий қадриятлар ярата олиши каби қобилиятлари билан ажралиб туради. Кишининг ички дунёси, руҳияти бутун инсоният олами чегаралари учун кўзгу вазифасини ўтайди. Бу кўзгуда кўрган нарсаси инсон ҳистуйғуларининг, фикрларининг, ҳаракатларининг буюк дунёсида нималар содир бўлишини кузатиш ва англаш имконини беради. Жалолиддин Румий инсондаги моддий ва маънавий асосларни тадқиқ этиб, маънавий олам устунлигини кўрсатиб беради, одамни суратига (жасадига) эмас, маънавий қиёфасига (маъносига) эътибор қаратишни оқиллик белгиси деб билади [12.-Б.146]. Жалолиддин Румий ўзининг “Маснавийи маънавий” асарида борлиқдаги жамики ўзгаришлар, ривожланишлар ва зиддиятлар Инсонда мавжуддир, дея таъкидлайди. Бир ўринда эса инсон руҳи хусусиятларини ўрганишда Олам ва Одамни яратган Аллоҳ жавҳари, исмлари, қудрати ва моҳиятини тушуниш орқали амалга ошишига ишора қилади. Бу алломаларнинг фалсафий-антропологик таълимотларида инсонни камолотга, буюкликка етакловчи йўл маънавий оламдир дея таъкидланади.

Жалолиддин Румийнинг инсоншуносликка оид қарашларидаги қуйидаги фикр диққатга сазовордир. Тангри инсонни фаришталар олами гардидан, яъни тупроқдан яратган бўлиб, инсон ҳайвон ҳамда фаришта ўртасидаги махлуқдир. Шу сабаб инсон феъл-атворида ҳайвонийлик хусусиятлари бўлмиш жоҳиллик, ваҳшийлик, разолат каби характерлар билан бирга фариштага хос бўлган кўркамлиқ, илмлилик, тақводорлик, зуҳд каби ҳислатлар ҳам мавжуддир. Жаннат ва дўзах эса Тангрининг буюк масканларидир. Бу ҳолни эса Мавлоно фақат Яратганга аён бўлган илоҳий сир ҳамда донолик деб таърифлайди. Улар инсоннинг барча қилмишларини сарҳисоб қилади ва Яралувчи Яратгувчининг хузурига қайтганида, қилган амалларига кўра Тангрининг буюк масканларидан бири унга муяссар бўлади. Шарқ мифологиясига кўра, инсон сув, олов, ҳаво ва тупроқ ҳисобланмиш тўрт унсур бирикмасидан яратилган. Шу сабаб инсонга бу унсурларнинг ҳар биридан маълум бир фазилятлар ато этилган. Сувдан инсон қалбига софлик, кўркамлиқ, очиққўнгиллик каби характерлар берилган бўлса, оловдан жиззакилик, жаҳл ва кибрга берилиш каби ҳислатлар инъом этилган. Ҳаводан инсонга беқарорлик, иккиюзламачилик ҳислатлари берилган бўлса, тупроқдан эса камтарлик, қаноат, ҳокисорлик каби фазилятлар берилган. Жалолиддин Румий инсоннинг зуваласи шу тўрт унсур бирикувидан яралган ва инсондаги дағаллик ҳамда майинлик хусусиятлари шу унсурлардан ҳосил бўлгандир дейди. Румийнинг таъкидлашича, инсон руҳи латиф ва мулойим, жисми эса дағал ҳамда қаттиқдир. Мавлонога кўра, инсон характерида қанчалик жоҳиллик, ваҳшийлик, разолатга мойиллик ҳислатлари кўп бўлса, у ҳайвонсифатдир, инсон қанчалик ҳалим, илмли ва камтар бўлса, у малаксифатдир. Лекин бир инсон фақат ҳайвонсифат ёки малаксифат бўлолмайди. Чунки инсоннинг зоҳирий яратилиши сув ва тупроқ, ҳаво ва олов каби бир-бирига қарама-қарши унсурлар бирикувидан яратилган. Шу сабабдан бу фазилятлар унинг характерида бўлиши табиийдир. Бу хусусида Жалолиддин Румий ўзининг “Девони Кабир”даги ғазалларидан бирида шундай дейди:

На аз хокам, на аз бодам, на аз обам, на аз оташ,

На аз Аршам, на аз фаршам, на аз савнам, на аз конам.

Мазмуни:

На тупроқман, на елдурман, на сувданман, на оташман,

На Аршданман, на ерданман, на дунё-ю, на кониданман.

Баҳовуддин Валаднинг фикрига кўра, инсон аслида тана ва жоннинг яхлит бирлашувидан иборат бўлиб, уларни бир-биридан айро тасаввур этиб бўлмайди. Мутафаккирнинг таъкидлашича, тана ва жон оламдаги барча тирик жонзотларда мавжуд аслида, Инсон эса улардан ақлу-заковати, онги, шуури ва тафаккури орқали фарқланади ҳамда шу жиҳатлари билан устунлик қилиб, Оламнинг гултожи дея эътироф этилади. Инсонни ташқи тарафдан, яъни ботинан кўриш, у ҳақида хулоса чиқариши мумкин, аммо уни зоҳиран кўриш душвордир. Чунки инсоннинг қалби ўта нозик бўлиши билан бирга, ўта мураккаб ҳамдир. Унда ҳам инсоний, ҳам ҳайвоний фазилатлар мужассамлашган ва инсон характеридаги бу хусусиятлар унинг ён-атрофидагиларга ҳамда ташқи оламга бўлган муносабати таъсирида ўз аксини топади. Баҳовуддин Валаднинг қуйидаги фикрлари ниҳоятда диққатга сазовордир: “Инсон вужудида тўртта куш яшайди. Улар ҳар кеча ҳалок бўлиб, жисмлари бирлашади. Ҳар тонг қайтадан туғилиб, инсон танаси деб аталмиш қафасда яна бирлашади. Уларнинг бири ўрдак бўлиб, у сабрсиз ва очкўздир; иккинчиси хўроз - у тама ва вақт-бевақт кичкириши орқали мақсадига эришишга интилади; учинчиси товус - у виқор билан патларини ёйиб, солланиб, барчани ўзига қаратишга ҳаракат қилади; тўртинчиси қарға – у эса ўзининг бемаъни қағиллаши ва ёқимсиз овозини ҳаммага эшиттириб шовқин солишни истайди”[14.-стр.221-222]. Аллома бу ўринда инсонлар феъл-атворидаги салбий жиҳатларни мажозий образлар орқали очиб берган. Чунки, инсоннинг танаси ҳақиқатда қафасга ўхшайди ва унинг ботинида турли бир-бирига қарама-қарши бўлган ҳис-туйғулар мужассамлашган. Сабрсизлик орқали турли кўнгилсизликларга сабаб бўлиш, очкўзлик туфайли эса нафси амморанинг қулига айланиш, шунингдек, саломатлигига зиён етказиш зарарли одат эканлигини билган ҳолда, инсонлар бундай хатоликларга ҳаёти давомида кўп бора йўл қўйишади. Кимлардир ўз мақсади ва манфаати йўлида эса ўзгалар қалбига озор бериш, қилган яхшилигини миннат қилиш орқали атрофидаги кишиларнинг дилини вайрон қилишади. Яна шундай тоифа инсонлар борки, улар ўзларининг ташқи кўринишларига ҳаддан ортиқ бино қўйиши натижасида, атрофидаги кишиларда шахвоний хирсни қўзғатиб, зинога мойиллик уйғотади ва натижада, жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланмиш оилаларда турли парокандаликларга сабаб бўлишади. Охириги тоифадаги инсонлар эса бўлар-бўлмас гаплар, турли фитналар орқали ён-атрофдаги кишилар орасида низолар келиб чиқишига бевосита сабабчи бўлишади. Юқорида санаб ўтилган барча инсон характери билан боғлиқ омиллар Инсоннинг жавҳари, яъни қалб билан боғлиқ ҳолатлардир. Бу мутасаввифларнинг инсоншуносликка оид қарашларидаги яна бир муштараклик шундаки, дастлаб Баҳовуддин Валад инсон вужудини қафасга [18.-стр.221.] қиёслайди ва ундаги жон қушини паймонаси тўлгач, яна Яратгувчининг ҳузурига қайтади, дея таъкидлайди. Жалолиддин Румий ҳам ўзининг “Маснавий маънавий” асарининг 5-дафтарида инсон вужудини тор бир қафасга қиёслаб, шундай ёзади:

Тан – қафасдир, анда жон оворадир,

Қўл – қаноти боғли бир бечорадир [9.-Б.575.].

Демак, ҳар иккала алломанинг инсон моҳияти ҳақидаги антропологик қарашларида изчил мантикий боғлиқлик мавжуд ва бу Жалолиддин Румий ўз падари Баҳовуддин Валаднинг амалий ҳамда назарий ғоялари давомчиси ҳам ҳисобланади.

Тасаввуф таълимотида қалб гўзаллиги, кўнгил поклиги каби масалалар жуда улуғланади. Зеро, Мавлоно Румий таъкидлаганидек, бир кўнгил юзларча Каъбадан гўзалроқдир. Чунки, Каъба ҳазрати Иброҳимнинг биноси бўлса, кўнгил Аллоҳнинг назаргоҳидир. Жалолиддин Румийнинг Инсон ҳақидаги гносеологик қарашларида шундай ғоя илгари сурилади: Жоҳилнинг нотўғри йўлдан юриши сабаби шундаки, инсон ақли расо бўлса ҳам ўзининг нима учун яратилганини гоҳо унутиб, Ҳақиқатни қаердан бўлса ҳам излашга тайёр, аммо ўзидан эмас. На тиришқоқлик, на билимдонлик, на моддий истакларнинг ўлдирилиши инсонга фойда келтирмайди, агар у энг муҳимини назардан қочирса. Ҳақиқат тоғлар ортида ҳам эмас, денгизлар қаърида ҳам эмас ўзимиздадир, ҳатто, биз оддий ҳолда шубҳа ҳам қилмаймизки, ўзимиз қандай ноёб хазина эгасимиз [9.-стр.163.]. Румийнинг ўзи эътироф этганидек:

Нарса йўқким, олами асрор эрур,
 Ҳар не истарсен, ўзингда бор эрур.

Жалолиддин Румий ўзининг “Маснавийи маънавий” асарида борлиқдаги жамики ўзгаришлар, ривожланишлар ва зиддиятлар Инсонда мавжуддир, дея таъкидлайди. Бир ўринда эса инсон руҳи хусусиятларини ўрганишда Олам ва Одамни яратган Аллоҳ жавҳари, исмлари, қудрати ва моҳиятини тушуниш орқали амалга ошишига ишора қилади. Инсон – Худонинг ердаги халифаси, тасаввуфга кўра, инсон Ундан кўрқиб эмас, балки Уни севиб, борлигини Унга боғлаб яшамоғи лозим [1.-Б.83]. Бу хусусида туркиялик румийшунос олим Абулбоқи Гўлпинарли шундай ёзади: “Инсон Аллоҳ таолонинг ердаги халифаси бўлгани учун бутун мавжудот унинг амрига берилган. Бу мавқе инсонга бошқа мавжудотлар ичида устунлик бағишлади, уни янада шарафли қилди. Аллоҳнинг ер юзидаги халифаси ўлароқ, инсонга бутун мавжудотга нисбатан адолат ва марҳаматли бўлиш мажбурияти юкланган”[13.-Б.46.].

Жалолиддин Румийнинг фикрига кўра, иккита бир-бирига уйғун бўлган жисм бирлашса, бу бирлашувдан учинчи жисм ҳосил бўлади. Бунга мисол қилиб эса, у бир-бирига қарама-қарши бўлган жинс вакиллариининг бирлашуви ва бу бирликдан дунёга келадиган учинчи шахс – Инсон ҳақида сўз юритади ҳамда ўз фикрини инсон ботинан бир-бирига қарама-қарши бўлсада, зоҳиран бир-бирига уйғундир, дея изоҳлайди. Шу ҳолатга Мавлоно бир-бирига уйғун бўлган иккита тошнинг зарбасидан ҳосил бўладиган чўғни ҳам мисол қилиб келтиради. Унинг фикрича, инсон танаси табиатнинг амалдаги кучлари ёрдамида моддалар ва бирикмалар билан озиқланадиган, унинг пойдеворини мустаҳкамлайдиган нарсадир.

Баҳовуддин Валад ва Жалолиддин Румий ўзларининг инсон ҳақидаги антропологик қарашларини баён қилишда диний идеосфера тамойилларига таянганини ҳам кузатишимиз мумкин. Дастлаб, диний идеосфера ҳақида маълумот берадиган бўлсак, бу табиат, жамият, инсон борлигини, уларнинг ривож ва таназзулини, келгусидаги тақдирини Яратганнинг иродасига боғлаб тушунтирувчи ғоя ва мафкуралар тизимидан ташкил топган мўъжизакор ғоялар ҳамда мафкуралар дунёсидир[15.-Б.87.]. Мутафаккирларнинг инсон моҳияти ҳақидаги фикрларини таҳлил этиш натижасида унинг таълимотида диний идеосферага хос бўлган хусусиятлар орасида қуйидагиларни кўришимиз мумкин:

1) дунёда мавжуд бўлган барча жонли ва жонсиз нарсалар, Одамлар Яратганнинг иродаси туфайли пайдо бўлган ҳамда уларнинг тақдири олдиндан белгилаб қўйилган;

2) Яратган тирик жонзотлар ичида инсонга энг олий – ақлли мавжудот мақомини берган;

3) Яратганнинг олдида ҳамма инсонлар тенгдир.

Бу улар фалсафасидаги универсализм, яъни, умуминсоний ва умумжаҳоний қамровдир. Баҳовуддин Валад ҳам, Жалолиддин Румий ҳам айнан ваҳдат ул-вужуд таълимотига таяниб, жами инсонлар ирки, дини, мазҳаби, касбу кори, миллати, тилидаги фарқдан қатъий назар, Яратганнинг олдида бирдирлар, деган ғояни илгари суришади. Бу Қуръони Каримдаги Аллоҳнинг “Барчаси ўзимга қайтади”, деган сўзларидан келиб чиқади аслида [11.-Б.190.].

Тарихий жиҳатдан олиб қаралганда, сўфийлик фалсафаси Ислом дини билан боғлиқ таълимотдир. Бугунги кунда эса алоҳида мактаб ҳисобланади, замонавий ўқувчилар учун улар “маънавий майдон”ини кенгайтирувчи билимлар мажмуидир. Сўфийлик тарихи форс шеърляти билан уйғун ҳолда ўрганилади ҳамда асл моҳияти-Инсон ўзлигини англашдир. Бу борада инсон фақатгина муайян мақсад атрофида ўз-ўзини тафтиш этади. У ўзининг мутлақ борлигини тушуниш учун ўз “Мен”ини кашф қилишга интилади. Биз Баҳовуддин Валад ва унинг ўғли, издоши Жалолиддин Румийнинг фалсафий таълимотида сўфийлик экзотерикасининг олий нуқталарини кўп учратамиз. Уларнинг ҳар иккиси ҳам дунёвий неъмат ва нафс, эҳтирослар ҳамда ўзликдан кечиб инсон ўзида илоҳий “Мен”ини кашф этади, деган фикрни ўзларининг антропологик таълимотлари марказига қўйишган.

Моҳиятан олиб қаралганда, инсон иккита йўқлик орасидаги мавжудотдир, яъни, у йўқ эди-туғилди-йўқ бўлди. Моддий оламдаги барча яратилган нарсалар борлиқдан йўқликка қараб ҳаракатланади, фақат Яратгувчи мангудир. Яратгувчининг борлиги исботланмайди, унинг мавжудлиги фақат ички туйғу билан англанади. Юқорида таъкидланганидек, ҳар бир

яратилган, бошланган нарсанинг охири, ниҳояси бўлади, оламда чексиз нарсанинг ўзи йўқ. Чексизликни англаш учун чексиз умр, чексиз вақт, чексиз имкон керак. Аммо бу имконият ҳеч кимга берилмаган. Фалсафа фанининг вазифаси ҳам чеклилик ва чексизлик ўртасидаги боғлиқликни тадқиқ этишдан иборатдир.

Жалолиддин Румийнинг инсон моҳияти ва яралиши ҳақидаги фикрларига етакчилик қиладиган асосий ғоя шундай: “Борлиқ (вужуд) оғилидан жамоа оғилига, жонсиз борлиқлар оғилидан ўсимлик дунёсига, ундан ҳайвонликка, ҳайвонликдан инсонликка, инсонликдан малакликка ва шу сўнгсиз тарзда илгарилатади. У сенга буларни бир-биридан устун оғиллар борлигини қабул ва эътироф этмоғинг учун кўрсатгандир”[6.-Б.288.]. Румийнинг бу антропологик ғоясини олмон шарқшунос олимаси А.Шиммель шундай талқин этади: “Мен минерал сифатида ўлиб, ўсимликка айландим. Мен ўсимлик сифатида ўлиб, ҳайвонга айландим. Мен ҳайвон сифатида ўлиб, Инсонга айландим. Мен инсон сифатида ўлиб, Олий Тангри ва фаришталар ҳузурига йўл олдим”[16.-стр.288.]. Файласуф олим Н.Жўраев эса: “Бир қарашда жисмларнинг йўқ бўлиб кетмаслиги, фақат бир турдан иккинчи турга айланиши муқаррарлиги ҳақидаги табиат қонунига ўхшашроқ, аммо юксак маънавий ва руҳий заминга асосланган ғояларни баён этган Жалолиддин Румий “маъдан-ўсимлик-ҳайвон-инсон” формуласини илгари сурадики, бу ҳол доимий равишда айланиб турадиган улкан доира мақомини эгаллайди”[10.-Б.150], деб ёзади. Дарҳақиқат, Румий томонидан илгари сурилган заррадан ўсимликка, ўсимликдан ҳайвонга, ҳайвондан инсонга, инсондан малакка айланиш тизимида борлиқнинг асосидаги мутлақ руҳ ўз асосидан кечмаган ҳолда оддийликдан-мураккабликка қараб ҳаракатланишига ишора қилинган.

Маълумки, Баҳовуддин Валад ва Жалолиддин Румий яшаган XIII аср тарихда оғир ва залворли аср деб тан олинган. Чунки ўша даврда Хоразмшоҳлар давлатидаги парокандалик ва ички емирилишлар, мўғул босқинчиларининг шафқатсиз жанг-жадаллари ҳамда бунинг натижасида ижтимоий ҳаётда содир бўлган турли тартибсизликлар, ижтимоий тўнтарилишлар орқали амалга оширилган зулм, зўравонликлар - буларнинг барчаси ўша давр кишилари руҳиятига табиийки, салбий таъсир кўрсатади. Айнан шундай вазиятларда бу алломаи замонларнинг ваъзалари, сўфиёна руҳдаги ғазаллари ҳамда гуманистик ғоялари оддий халқ учун ҳаётга нисбатан ишонч, яшашга илинж вазифасини ўтади ва уларнинг шуҳрати кундан-кунга орта бошлади. Улар мана шундай даврда инсонларнинг ҳаётий позициясини аниқлашда умуминсониятнинг янги концепциясини моҳирона ишлаб чиқа олди ҳамда ривожлантирди. Баҳовуддин Валад ҳам, Жалолиддин Румий ҳам ўзларининг фалсафий-ирфоний қарашларида бутун инсониятнинг қувончу ташвишларига ўзини ҳамдард, елкадош ҳисоблашган. Улар ўзининг гуманистик ғоялари орқали бир инсоннинг бошқа инсон томонидан камситилиши, шафқатсизлик қилиши каби тубан хислатларини кескин қоралашади.

Румий инсон танасини кўзага, ақлини эса сувга қиёслаб, бу кўзанинг бешта тешиги бор-булар оғиз, икки кўз ва икки кулоқдир. Инсоннинг камолоти ҳам, инсоннинг фалокати ҳам шу бешта тешикка боғлиқ. Шунингдек, кўзани қандай сув билан тўлдириш имконини ҳам Тангри инсоннинг ўз хоҳишига ҳавола этган ва шунга қараб охирада унга ажр белгилайди, дейди. Мавлоно инсон моддий оламдаги барча нарсаларнинг нарҳини билади, олтину кумушнинг, ҳариру ипакнинг нарҳини билади, аммо энг кераклиси, ўз ҳаётини, саломатлигини, ўз қадр-қимматининг қийматини билмайди дейди ва шундай ёзади:

Ҳар матоҳ нарҳини илғайдир кўзинг,

Қийматингни билмасанг, нодон ўзинг [7.-Б.322.].

Жалолиддин Румий ўзининг “Ичиндаги ичиндадир” асарида инсон ҳақида сўз юритаркан, инсон Тангрининг устурлобидир, инсон вужуди кемасининг елкани иймондир ва яна инсонни кимлигини билмоқчи бўлсанг, у билан ҳамсухбат бўл, унинг сўзларидан қандай эканлигини билиб оласан, дея таъкидлайди. Инсон таънаси аъзолари билан ҳайвон танаси аъзолари ўртасида ўхшашликлар кўп учрайди. Инсон танасидаги ҳайвонниқига ўхшаш аъзолар унда шахват ва нафсни кўзғатса, айнан инсоннинг ўзига хос бўлган тана аъзолари эса унда билим ва ҳикмат эгаллашга рағбат пайдо қилиб, уни Ҳаққа яқинлаштиради, дейди. Шунингдек, инсон малаклар ва ҳайвонлар орасида аросатда қолган махлукдир. “Ичиндаги

ичиндадир” асарида шундай ёзади: “Инсоннинг уч ҳоли мавжуддир. Биринчиси: У Аллоҳнинг атрофида парвона бўлмайди. Хотин, эркак, бола-чақа, мол-дунёга ва тошу тупроқдан бўлган нарсаларга хизмат қилади, уларга талпинади. Иккинчиси: Инсонда билим ва маърифат ҳосил бўлади-да, Аллоҳдан бошқага сиғинмайди. Учинчиси: Инсон икки ҳолда яна-да илгарилайди ва сукут сақлайди. На Аллоҳ хизматини қилаётганини ва на қилмаётганини тасдиқлайди. У ҳар икки мартабанинг ҳам ташқарисига чиқадиган ҳисобланади. Ундан бу дунёда бирон сас эшитиш – имконсиз. Унинг учун Аллоҳ на ҳозирдир ва на ғойиб, балки буларнинг ҳар иккаласини ҳам Яратгандир”[8.-Б.219.]. Ушбу асар хотимасида эса Румий Аллоҳ олами, кўкни, ерни, қуёш ва ойни, яхшилик ва ёмонликни, Ўзини зикр этишларини, Ўзига бандалик [19.-Б.219] қилишларини кўзлаб Инсонни яратгандир, Ўзини доим ёд этиб туришлари учун эса азоб ва уқубатни унга бағишлагандир, дейилади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, буюк мутасаввифлар Баҳовуддин Валад ва Жалолиддин Румийнинг фалсафий-ирфоний қарашлари, башариятни комилликка, етукликка даъват этувчи альтруистик ғоялари ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялашда, жамиятимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий соҳалардаги ислохотларнинг тадрижийлиги ва тараққиётини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Бу алломаларнинг илмий меросини, антропологик қарашларини фалсафий нуқтаи-назардан таҳлил қилиш жараёнидан қуйидаги хулосалар келиб чиқади:

- инсон моҳияти, унинг камолоти ҳақидаги тушунчаларимизни теранлаштиради ва шу орқали ўқувчида инсон борлиги ҳамда руҳий маънавий олами ҳақида теранроқ мушоҳада юритишга замин ҳозирлайди;

- инсон умрининг мазмун-моҳияти ва яралиши, яшашидан асосий мақсад нима эканлигини англашга ёрдам беради;

- инсон гносеологияси-билиш, илм-маърифатли бўлишга даъват этувчи тушунчалар, ақл ва қалбнинг билиш жараёнидаги аҳамияти, қалб ойнасида инъикоснинг даража ва мақоми каби муҳим масалалар тўғрисидаги қарашлар вужудга келади;

- инсон онги ва қалбининг қай даражада юксаклиги аксиологик нуқтаи назардан ўрганилади.

Баҳовуддин Валад ва Жалолиддин Румийнинг бой илмий мероси фалсафа фанининг эпистемология, аксиология, фалсафий антропология, онтология, диалектика, гносеология ва инсоншуносликка оид қарашларимизни янада ривожлантиришга ёрдам берувчи муҳим манба ҳисобланади.

Библиография

-
- АБДУЛЛА ШЕР. (2010). Халқни англасанг - Ҳақни англайсан. - Тафаккур //
- ВАСЕЧКО В.Ю., ПУРГИН. (2017). Древняя и средневековая восточная философия.- Екатеринбург.
- ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ. (2018). Мажолиси сабъа. - Т.: Янги аср авлоди.
- ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ. (2013). Ичиндаги ичиндадир. - Т.: Янги аср авлоди.
- ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ. (2010). Маснавийи маънавий. - Т.: MERIYUS.
- ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ. (2013). Ичиндаги ичиндадир. – Т.: Янги аср авлоди.
- ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ. (2010). Маснавийи маънавий. - Т.: MERIYUS.
- ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ. (2013). Ичиндаги ичиндадир. - Т.: Янги аср авлоди,
- ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ. (2010). Маснавийи маънавий. - Т.: MERIYUS.
- ЖЎРАЕВ Н. (2008). Тарих фалсафасининг назарий асослари.- Т.:Маънавият.
- КОМИЛОВ Н. (2011).Тафаккур карвонлари. – Т.: Шарқ.
- ТЎРАЕВ Б. ва бошқ. (2017). Синергетика. - Т.: Шарқ.
- ТУПБОШ У.Н. (2010). Маснавий бағчасидан бир кўза сув. - М.:САД.
- Утопленная книга. (2009). Размышления Бахауддина, отца Руми, о небесном и земном.- М.:Эннеагон-Пресс.

- ЯХШИЛИКОВ Ж.,МУХАММАДИЕВ Н. (2017). Миллий ғоя-тараққиёт стратегияси.- Т.: Фан.
- ШИММЕЛЬ А. (2012). Мир исламского мистицизма. - М.: Садр.
- Қуръони Карим. Мўъминун сураси, 12-14-оятлар.

Transliteration

- ABDULLA SHER. (2010). Understanding people is getting knowledge of God.-Tafakkur // VASECHKO V.YU., PURGIN. (2017). Ancient and medieval oriental philosophy. – Yekaterinburg.
- JALOLIDDIN RUMI. (2018). Majāles-e Sab'a (Seven Sessions). – T.: Yangi asr avlodi.
- JALOLIDDIN RUMI. (2013). Fihi Ma Fihi (In It What's in It). – T.: Yangi asr avlodi.
- JALOLIDDIN RUMI. (2010). Maṭnawīye Ma'nawī (Spiritual Couplets). – T.: MERIYUS.
- JALOLIDDIN RUMI. (2013). Fihi Ma Fihi (In It What's in It). – T.: Yangi asr avlodi.
- JALOLIDDIN RUMI. (2010). Maṭnawīye Ma'nawī (Spiritual Couplets). – T.: MERIYUS.
- JALOLIDDIN RUMI. (2013). Fihi Ma Fihi (In It What's in It). – T.: Yangi asr avlodi.
- JALOLIDDIN RUMI. (2010). Maṭnawīye Ma'nawī (Spiritual Couplets). – T.: MERIYUS.
- JURAYEV N. (2008). Theoretical foundations of the philosophy of history. – T.: Ma'naviyat.
- KOMILOV N. (2011). Caravans of contemplation. – T.: Sharq.
- TURAYEV B. et.al. (2017). Sinergetics. – T.: Sharq.
- TUPBOSH U.N. (2010). A jug of water from Maṭnawīye garden. – V.: SAD.
- The sunken book. (2009). Reflections of Baha'uddin, Rumi's father, about heaven and earth. – M.: Enneagon-Press.
- YAKHSHILIKOV J., MUKHAMMADIEV N. (2017). National ideology is the strategy of development. – T.: Fan.
- SHIMMEL A. (2012). The world of Islamic mysticism. – M.: Sadra.
- Al-Quran Al-Kareem. Surah Al-Mu'minun. 12-14 verses.



УДК: 1:135(575.1)

Яздонов Улуғбек ТошмуротовичТошкент давлат аграр университети
Самарқанд филиали, Ижтимоий ва гуманитар
фанлар кафедраси мудири,
фалсафа фанлар доктори, доцент.**Таникулов Жанибек Аширкулович**Самарқанд давлат университети,
Миллий ғоя ва фалсафа кафедраси тадқиқотчиси
E-mail: yaz-81@mail.ru
(Ўзбекистон, Самарқанд)

ИЖТИМОЙ ОНГ ШАКЛЛАРИНИНГ ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ИНТЕГРАЦИОН ХУСУСИЯТИ

<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9505-2020-SI-2-19>

АННОТАЦИЯ

Мақолада жамият ва давлат бошқарувини янада такомиллаштириш жараёнида конструктив аҳамият касб этувчи жамоатчилик фикри ва ижтимоий онг шакллари ўртасидаги функционал интеграциялашув очиб берилган. Хусусан, кенг халқ оммаси қарашларини ўзида мужассам этган жамоатчилик фикри феномени имкониятлари, ўзгарувчанлик хусусиятлари, намоён бўлиш моҳиятига кўра локал, регионал ва глобал тарзда шаклланиш доираси, жамиятда рўй бераётган ўзгаришларни ўз мавжудлик қобиғида намоён этиш кўрсаткичлари қиёсий таҳлил этилган. Умуман олганда тадқиқотда давлат ва жамият манфаатларига қаратилган ҳар қандай ислохотни тўғри ва барқарор кечишини таъминлаш, аввало жамоатчилик фикрини ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат тизимини тўғри ўрнатиш билан бошланиши илмий назарий очиб берилган.

Калит сўзлар: жамоатчилик фикри, ижтимоий онг, эмоционал куч, жамоатчилик фикрини: ташкиллаштириш, бошқариш, назорат қилиш механизми, ижтимоий онг шакллари: фан, ахлоқ, санъат, дин омили, функционал-интеграциялашув омиллари, комплексли-системали ёндашув, объектив ва субъектив уйғунлик, диалектик характер, адаптацион потенциал, фалсафани алоҳидалик, умумийлик ва махсуслик тамойили.

Язданов Улуғбек Тошмуротович
Таникулов Жанибек Аширкулович
(Ўзбекистон, Самарқанд)

ИНТЕГРАЦИОННАЯ ОСОБЕННОСТЬ ФОРМ СОЦИАЛЬНОГО СОЗНАНИЯ В ОБЕСПЕЧЕНИИ УСТОЙЧИВОСТИ ОБЩЕСТВЕННОГО МНЕНИЯ

АННОТАЦИЯ

В статье раскрыта функциональная интеграция общественного мнения и форм общественного сознания, которые играют конструктивную роль в еще более дальнейшем совершенствовании общества и государственного управления. В частности, сравниваются возможности феномена общественного мнения, содержащего в себе взгляды широкой общественности, характеристики изменчивости, масштабы локального, регионального и глобального формирования, показатели изменений в обществе в сфере их существования. В общем исследование раскрывает точку зрения науки о том, что любая реформа, направленная на интересы государства и общества, начинается с обеспечения правильного и устойчивого курса, в первую очередь, с правильной организации общественного мнения, управления и контроля.

Ключевые слова: Общественное мнение, социальное сознание, эмоциональная сила, механизмы организации, управления общественного мнения, формы социального сознания: наука, поведение, искусство, фактор религии, факторы функциональной интеграции, комплексно-системный подход, объективная и субъективная гармония, диалектический характер, адаптационный потенциал, философская индивидуальность, принцип общности и конкретизации.

**Yazdanov Ulugbek Tashmurotovich
Tanikulov Janibek Ashirkulovich
(Uzbekistan, Samarqand)**

**INTEGRATION FEATURE OF THE FORMS OF SOCIAL CONSCIOUSNESS IN
PROVIDING THE STABILITY OF PUBLIC OPINION****ANNOTATION**

The article reveals the functional integration of public opinion and forms of public consciousness, which play a constructive role in the further improvement of society and state management. In particular, it compares the possibilities of the phenomenon of public opinion, which contains the views of the general public, characteristics of variability, the scale of local, regional and global formation, indicators of changes in society in the sphere of their existence. In general, the study reveals the point of view of science that any reform aimed at the interests of the state and society begins with ensuring the correct and sustainable course, first of all, with the correct organization of public opinion, management and control.

Key words: Public opinion, social consciousness, emotional strength, mechanisms of organization, management of public opinion, forms of social consciousness: science, behavior, art, the factor of religion, factors of functional integration, a complex-system approach, objective and subjective harmony, dialectical character, adaptive potential, philosophical individuality, the principle of generality and concretization.

КИРИШ

Жамоатчилик фикри ва ижтимоий онг шакллари ўртасидаги функционал интеграциялашув умумий тушунча бўлиб, бу ҳар бир жамиятнинг миллий менталитети, географик ҳудуди, ижтимоий қатлами, интеллектуал салоҳиятидан келиб чиқиб белгиланади. Аммо улар ўртасидаги умумийлик қонунияти борки, бу уларнинг маълум мақсад сари ҳаракатланишида интеграциялашувни юзага келтиради. Масалан, жамоатчилик фикрини шакллантиришда, унинг ички таъсирчанлик (эмоционал) хусусиятларини топиш муҳим аҳамият касб этиб, бу функцияни ижтимоий онг шакллари иштирокида амалга ошириш мумкин. Умуман ушбу мақолада ижтимоий онг шакллариининг жамоатчилик фикрида шаклланадиган қарашлар тизимига таъсирини очиқ бериш мақсад қилиб олинган.

МАҚОЛАНИ ЁРИТИШДА ҚЎЛЛАНИЛГАН МЕТОДЛАР

Мақола келтириб ўтилган маълумотлар тарихийлик, мантикийлик, таққослаш ва умумлаштириш методлари орқали ижтимоий-фалсафий таҳлил этилиб, тадқиқот жараёнида

олинган натижалар қиёсий типологик, факториал тадқиқ этилиш асносида муаммонинг моҳияти очиб берилган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ушбу тадқиқотда жамоатчилик фикри ва ижтимоий онг шакллари ўртасидаги функционал интеграциялашувни ёритишда фан, санъат ва дин омилига асосий урғу берилади. Масалан, фан – мураккаб ижтимоий тузилма бўлиб, жамоатчилик фикрини туркумлаштиришда, унинг эмоциясида кечаётган ҳиссиётларини (қарашларни) умумий мақсад йўлида ташкиллаштиришда муҳим воситачи предмет ҳисобланиб, жамоавий интеграциялашувни юзага келтиришда, яъни объектлар контекстида ёндашишда илмий билиш даражасининг конкретлашган ҳамда назарий-методологик жиҳатдан қатъий тизимлаштирилган категория ҳисобланади. Чунки, ҳар қандай ижтимоий жараёнларни ривожланишига таъсир этувчи фан, ўзининг онтологик асоси, гносеологик идроки билан жамоада кечаётган парадигмал хусусиятларини, улар ўртасидаги функционаллашувни келтириб чиқарувчи усул-воситаларни ишлаб чиқади. Жамоатчилик фикри феномени билан интеграцион уйғунлашувга киришишда ижтимоий онг шакли ҳисобланган санъатда ҳам кўплаб вариантлар бўлиб, бу унинг серкирралиги ва таъсир аудиторияси кенглигини кўрсатади. Яъни санъат – таркибий тузилишига кўра объектга шарт-шароити ва потенциал имкониятидан келиб чиққан ҳолда ёндашувни ёқловчи ижтимоий онг шакли бўлиб, у субъектини (жамоатчиликни) интеллектуал салоҳиятини, муаммога бўлган муносабатини инобатга олган ҳолда ўз қарашларини (ғояларини) сингдириб боради. Санъатнинг жозибадорлиги, турли шаклдан таъсир этиш имкониятига эга эканлиги шундаки, у жамоатчилик фикрига тўғридан-тўғри таъсир этиш йўлидан бормайди. Аксинча, психологик ёндашув усулларида кўпроқ фойдаланади. Чунки, психологик усул – инсон қизиқишлари ва эҳтиёжларини қондиришга қаратилган ҳаракатлар мажмуи бўлиб, инсонни бир бутун тарихий ва ижтимоий жараённинг субъекти (иштирокчиси, бажарувчиси) ҳамда объектив реалликни ўзгартирувчи ва билиш манбаи сифатида намоён бўлувчи фаолият тури ҳисобланади [Б.Алиев. 2006: 36 б].

Ижтимоий қарашлар тизимидан мустаҳкам ўрин олган дин ҳам жамоатчилик фикрини шакллантиришда муҳим ўрин тутиб, бир томондан институционал тизимнинг структуравий элементлар фаолиятини интеграциялаштирувчи омил бўлса, иккинчи томондан, жамоатчилик фикри шаклланивчи объектлар (оила, маҳалла, жамоат масканлари ва ҳок.) интеграциясида моддий ҳаёт ва маънавий олам бирлигига конструктив ғоя (фикр, тушунча, маслаҳат) берувчи феномен ҳисобланади. Чунки, корпоратив ёки индивидуал жамоатчилик фикридаги ўзаро консенсус, толерантлик интеграцияси, улар ўртасидаги интегратив жараёнларда намоён бўлиши оддий ҳақиқат.

Умуман олганда, ижтимоий онг шакллариининг жамоатчилик билан муносабатини мувофиқлаштиришда, функционал-интеграциялашувни юзага келтиришда қуйидаги омилларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир:

Биринчидан, тадқиқот объекти бўлган фан нафақат ижтимоий фикр балки жамиятдаги барча ўзгаришларнинг асоси ҳисобланади. Зеро, Шавкат Мирзиёев таъкидлаб ўтганидек, мамлакат ва жамиятнинг замон талаблари даражасида ривожланишини илм-фансиз тасаввур қилиш қийин [www.gazeta.uz]. Албатта фанга нисбатан антисциентизмча қарашлар ҳам мавжуд. Аммо фаннинг аҳамиятлилиги шундаки, у фундаментал тадқиқотларга таянган ҳолда ҳар бир йўналишда, жумладан жамият тараққиёти йўлида жамоатчилик фикрини шакллантириш борасида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ижтимоий организм ҳисобланган фан доирасида жамоатчилик ўртасидаги муносабатларнинг юзага келиши, уни ижтимоий-психологик таҳлил қилиш муаммоларини илгари суриши [И.Саифназаров. 2007: 26 б], бу аини ҳақиқат. Шу сабабли фандан жамоадаги жараёнларни, ҳодисаларни тавсифлаш, назарий тамойиллар асосида тушунтириш, амалиётга жорий этиш ва ижтимоий башорат қилишга йўналтирилган билимларни ишлаб чиқувчи ҳамда ривожлантирувчи манба сифатида фойдаланиш, реал ҳақиқатга тўлиқ мос келади. Чунки, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатнинг етакчи илм-фан намоёндалари билан учрашувида таъкидлаб

ўтганидек, жамият олдида турган долзарб масалаларни илм-фансиз ечиш жуда мушкул жараёндир[www.gazeta.uz].

Жамоатчилик фикри ва фан ўртасида фикр алмашиш, яъни бир-бирини тўлдирувчи қарашлар тизимини юзага келтириш, жараёни янги қиёфада (янги замон рухидан қувватлантириш) давом эттириш, ўзаро боғланган алоқаларни мустаҳкамлаш бугунги долзарб муаммолардан ҳисобланади. Шунингдек, фаннинг яна бир қатор йўналишлари ҳам борки, булар ўз мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб жамоатчилик фикрини шакллантириш ҳамда фан билан кенг қамровли интеграциялашувни юзага келтиришда муҳим ҳисобланади. Бундай фан тармоқларига фан фалсафасини, дин фалсафасини, маданият фалсафасини киритиб ўтиш алоҳида ўринлидир. Маълумки фан фалсафаси ўз тадқиқот доирасида фанларнинг фалсафий муаммоларини ички ва ташқи принципларга таянган ҳолда тадқиқ этиб, олинган натижаларини давр талабига (жамоатчилик манфаати ва эҳтиёжига) мослаштириш, фалсафий умумлаштириш, назарий ифодалаш орқали жамиятдаги нотекис ривожланишни барқарорлаштиришга хизмат қилади. Бу ўз ўзидан жамоатчилик фикри ва фан ўртасидаги функционал-интеграциялашувни келиб чиқишига замин яратади.

Дин фалсафасининг юзага келиши жамоатчилик қарашларида ахлоқий тамойилларни мустаҳкамланишига туртки бўлиб, инсонни табиатга, жамиятга бўлган муносабатини тубдан ўзгаришига, жамият ва унинг субъекти бўлган жамоатчилик фикри ўртасидаги уйғунлашувни юзага келишига воситачи предмет ҳисобланади. Хусусан, диний дунёқарашда дунёвий кучлар илоҳий шакл касб этиб, диний образлар ва қарашлар жамоани ўз орзулари, сезгилари, интилишлари йўлида бирлашишига, яъни интеграциялашувига олиб келди. Шунингдек, уларда соф инсонга хос хусусиятларни ва одамларнинг ижтимоий ҳаётига мос бўлган муносабатларни шаклланишига сабаб бўлди.

Маданият фалсафаси ижтимоий ҳаётнинг конкрет шакли, жамиятдаги турли соҳаларни ташкил этувчи, моддий-маънавий қадриятлар хусусида жамоатчилик онгида мерос тушунчасини шакллантирувчи фалсафий категория бўлиб, жамоадаги миллий ва умуминсоний туйғуларни қарор топишида муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, инсонлардаги турлича қарашлар, фикр ва ҳаёлларни бирлашувда хизмат қилувчи ноёб феномендир.

Умумлаштириб айтганда, маданият фалсафаси ижтимоий ҳодисаларнинг умумий йўналиши, динамикасини фалсафий идрок этишга қаратилган ижтимоий онг шакли бўлиб, фан шаклида илмни қарор топишига чорлайди, ахлоқий фазилатларни умуммиллий қадриятга айланишига туртки беради, динлар ўртасидаги мувофиқликни, ўзаро бир-бирини тўлдириб боришини ҳамда унга нисбатан кенг жамоатчилик фикрини шаклланишига замин яратади. Шунингдек, инсон маънавий дунёсини, ўзаро алоқадорлигини (функционал-интеграциялашувини) ўрганади.

Иккинчидан, жамиятнинг ривожланишини фан ва унинг маҳсули бўлган техника, технология тараққиётисиз тасаввур этиш қийин. Яъни ривожланиш босқичлари бевосита фан, илмий билим маҳсули бўлиб, уларсиз жамиятдаги тараққиёт имкониятлари очилмаган бўлар эди. Зеро, фан ва унинг моҳиятан мазмуни бўлган илмий билимларсиз келажакка йўл очиш мумкин эмас.

Фанда «илмий башорат» номли йўналиш ҳам бўлиб, у барча даврларда жамоатчилик фикрини ўзига жалб қилиб келган ва жамиятдаги муаммоларни ҳал қилишда кўмакчи сифатида ижтимоий онгга шаклланиб келмоқда. Башорат келажакни кўриш шакли сифатида ижтимоий фикрдан доим жой олиб келган. Дастлаб одамларнинг амалий фаолияти доирасида вужудга келган башорат, тадрижий ривожланиш босқичларини босиб ўтиб, ҳозирги илмий асосланган прогноз даражасигача етди. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, башорат билим шакли сифатида доим таҳлил предмети ва инсон амалий фаолиятининг ифодаси сифатида намоён бўлиб келмоқда. Айнан урф-одатлар, анъана ва қадриятлар шаклида инсониятнинг ўтмишдаги тажрибасига таянган ҳолда ўз такомиллашувини таъминламоқда.

Маълумот учун келтириб ўтиш лозимки, фанда «Башорат» ва «Илмий башорат» тушунчалари бўлиб, у кўплаб турларга бўлиниб кетган. Бизнинг тадқиқот мақсадимизда

илмий башоратнинг моҳияти ва жамоатчилик фикрини шакллантиришдаги аҳамияти кўриб чиқилади.

Илмий башорат фалсафий тадқиқотларнинг муҳим бўғини бўлиб, у диалектик муносабат шаклида яққол кўзга ташланади. Шунинг учун ҳам фалсафанинг бош мавзуси жамият ва табиат муаммоси бўлганидек, илмий башорат ҳам ўз фаолиятини табиатнинг ғайритабиий кучларидан, жамиятнинг ижтимоий муносабатлар тизимидан озуқа олган ҳолда олиб боради. Илмий башоратнинг асосий принциплари:

- ижтимоий ҳаётдаги ҳодисаларга ҳамда узоқ йиллик кузатишларга асосланиши ва уларнинг хулосалари, натижаларига таянишида кўринади;

- табиий ва ижтимоий ҳодисалар, жараёнлар ҳақида маълумот берувчи фан туркумларига (география, астрономия, социология, ижтимоий фалсафа, математика, геометрия ва ҳок.) мурожаат этган ҳолда ҳаракат қилади;

- бугунги кунда шаклланиб келаётган янги фан йўналишлари, илмий башорат (прогноз) шаклини жамият ҳаётида янада мустаҳкам ўрнашиб боришига замин яратмоқда. Чунки, жамият моҳиятан шундай «организмки», унга илмий-техника тараққиёти ҳар қанча ривожланмасин ўз таъсирини бирламчи (рационал) омил даражасида ўтказа олмайди. Бундай қарашни асословчи бир қатор фактлар мавжуд. Масалан, инсон ўз келажагини (тақдирини) ўзи ўзгартиришга гарчанд қодир бўлсада, аммо келажакни олдиндан башорат ёки илмий башорат қилувчи субъектив ҳаракатларга (индивидуал шахс, корпоратив уюшма, ихтисослашган институт ва ҳок) ишонади. Албатта К.Поппер келтириб ўтганидек, тарих бугун тугайди, у эртага қандай бўлиши ҳозир мавжуд одамларга боғлиқ жараёндир [К.Поппер. 2007: 89 б]. Аммо шуни унутмаслик керакки, позитив ёки негатив характерга эга бўлган жамоатчилик фикрини шакллантириш борасидаги йўналишларда илмий башорат ҳамиша ўз ўрнига эга бўлиб қолмоқда. Унинг ижтимоий аҳамиятини қуйидагиларда кўриш мумкин:

- жамоада интеграциялашув (ижтимоий манфаат, реал эҳтиёж, қатъий мақсадли ҳаракат) қачон юзага келади? Албатта жавоблар кўп. Аммо масаланинг аҳамиятлилиги шундаки, ҳеч бир куч жамоатчилик фикрини илмий башоратчилик тез шаклланишига ҳамда ўз ўзини ҳимоя қилиш мақсадида бирлаштиришдек имкониятга эга эмас. Хусусан, ОАВ томонидан 2000 йил ва 2012 йилларда ерда ҳаётнинг тугаши (охирзамон келиши) билан боғлиқ янгиликлар тарқатилди, жамоатчилик онгида кўрқув аломатларини шакллантириш асносида «тадбиркорлар» ўз сармояларини кенгайтиришга уриндилар. Яна бир мисол: 2019 йилда охирзамон бўлиши мумкинлиги ҳақида хабарлар 2002 йилда тарқалган эди. Илмий тадқиқотлар натижасида НАСА томонидан ердан унчалик ҳам олис бўлмаган жойда жуда катта ҳажмга эга бўлган астероид борлиги ҳамда унинг тахминий массаси бир неча минг тоннани ташкил қилиши, шунингдек, агар ушбу астероид билан ер тўқнашиб кетса, у ер юзидаги барча тирикликни йўқ қилиши айtilган эди!

Олимлар ном беришган 2002 НТ7 астероиди 2019 йил 1 февралда ер билан тўқнашиб кетиши айtilди, лекин қаердан бундай маълумот олинган, ким томонидан тарқатилган, маълумот ҳақиқийми, йўқми бу номаълум манбалигича қолди! Чунки, бу «башоратчилар» саъи ҳаракатининг маҳсули эди. Тўғри, НАСА ходимлари томонидан 2019-йилги охир замоннинг келиши ҳақидаги маълумотлар 2060-йилга қолдирилди [hordiq.uz]. Бу айни биз тадқиқ этаётган илмий башорат эди. Аммо анча кеч бўлганди, чунки, «башоратчилар» тарқатган маълумот аллақачон кенг жамоатчилик фикрини шаклланишига сабаб бўлган эди;

- шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, гоҳида «башоратчилар»нинг айрим қарашлари жамиятдаги ижтимоий муносабатлар тизимида нисбатан ҳақиқат шаклида қарор топиши ҳам мумкин. Масалан, Мишел Нострадамус 2019 йил бутун дунё бўйлаб урушлар бўлади ва бу инсониятнинг қирилиб кетишига олиб келади деган бўлса, Матрона Московская одамлар ёвузликдан чўчимайдиган, ёлғонсиз сўзломлайдиган давр келади, қуруқ ваъдалар, диёнатсизлик авж олади, меҳр-муҳаббат камайиб кетади ва шунчаки туйғусиз одамлар кўпаяди. Бунинг оқибатида икки олам бир-бири билан тўқнашади ва инсоният йўқликка маҳкум бўлади [hordiq.uz] деб, башорат қилган эди. Бу «башоратчилар»нинг қарашлари

мантиқан уйлаб қаралса, онг ва қалб билан таҳлил этилса қайсидир маънода ҳақиқат касб этмоқда.

– бизга маълумки, илмий башорат негизини изчил илмий назария ташкил этади. Ушбу назария билишнинг мантиқан боғланган, бир-бирини тақозо этувчи қонунлари занжиридан ташкил топган бўлиб, улардан муайян ходисаларнинг хоссалари, муносабатлари ва бошқа хусусиятлари ҳақидаги ахборотни ифодаловчи маълумотлар келиб чиқади [И.Саифназаров. 2007: 198 б]. Жумладан, Менделеевнинг кимёвий элементлар даврий системаси ана шундай илмий башоратга мисол бўлади. Яна бир мисол: юқори энергиялар физикасининг ривожланиши ҳақидаги илмий башорат, кейинчалик физик олимлар томонидан элементар зарралар кашф этилиши билан исботланди. Бундай илмий башоратлар жамиятдаги позитив ривожланишга ҳамда умуминсоний жамоатчилик фикрининг интеграциялашувига хизмат қилиб келмоқда.

Учинчидан, ижтимоий онгнинг нисбатан кенг тарқалган турларидан бири санъат – миллатлар ва инсонлар қалбида азалдан яшаб келаётган эзгулик ва нафосатга интилиш туйғусини, бугунги кунда халқлар ва цивилизациялар ўртасидаги ўзаро мулоқот ва ҳамкорликка бўлган эҳтиёжни қондириш борасида алоҳида аҳамиятга эга. Айниқса, халқлар ва маданиятлар тобора интеграциялашаётган ҳозирги глобаллашув даврида халқимиз, айниқса ёшларимиз ўзимизнинг газета-журналларимизни ўқимаса, ўз миллий адабиётимиз ва санъатимизни билмаса, улар қандай қилиб ватанпарвар бўлади? Уларнинг онгу тафаккури, дунёқараши нима ҳисобидан шаклланади? [Ш.М.Мирзиёев. 2017: 528 б].

Санъатнинг ҳар бир туридан жамоавий ҳамкорлик, ғоявий ҳамфикрлик, мафкуравий изчиллик намуналарини топиш мумкин. Маълумки мусиқа санъати – «маънавий баркамол инсонни шакллантиришда алоҳида аҳамият касб этиб, инсонда гўзаллик, улуғворлик, кўтаринкилик, тушқунлик, ғамгинлик, ҳазинлик, маъюслик сингари туйғуларни уйғотувчи хусусиятлари билан ажралиб туради» [uz.denemetr.com]. Мусиқа оҳанги орқали инсон маънавий таъсирланади ҳамда ҳаётга бўлган эстетик муносабатларида ўзгаришлар содир бўлади. Энг муҳими инсонни, айниқса, «ёшларнинг истеъдодини рўёбга чиқариш, ахлоқан покланиш, ҳаётга мослашиш» [uz.denemetr.com], бир сўз билан айтганда ижтимоий фаоллашишига ёрдам беради.

Мусиқанинг инсон ва жамият ҳаётида тутган ўрнини, унинг ижтимоий интеграциялашув жараёнларини шакллантирувчи маънавий омил эканлигини кўплаб алломаларнинг қарашларида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, Форобий ўзининг «Мусиқа ҳақида катта китоб» асарида мусиқани уч гуруҳга ажратиб, биринчисида, мусиқа инсонга ҳузур-ҳаловат бахш этиши келтириб ўтилади. Иккинчисида, инсонда эҳтиросларни кўзгаб, жўшқинлик кайфиятини ҳосил қилиши кўрсатилади. Учинчисида, мусиқа борки инсонни ўйга толдиради, фикрлашга, тафаккур қилишга мажбур этади» [Н.Алаутдинова. 2008: 6 б], деб кўрсатади. Мутафаккир томонидан илгари сурилган учинчи турга эътибор берсак, у бевосита мусиқани жамоавий бирлашувга (уюшқоқликка), ижтимоий бошқарувга (руҳий, маънавий жиҳатдан яқинлашувга) чорлаши кўрсатилган. Чунки, тарихан бизга маълумки оммавий чиқишларнинг (ҳарбий сафарбарлик, ҳозирги замонавий митинглар, давлатда олиб борилаётган ҳар турдаги байрамлар ва ҳок.) ҳар бири у ёки бу оҳангдаги мусиқа садолари остида олиб борилади. Бу жараён ўз ўзидан кўрсатадики, мусиқа – миллати, дини, тили, ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар жамоатчилик фикрини интеграциялаштирувчи, яъни бир мақсад сари бирлаштирувчи илоҳий (руҳий-эмоционал) куч бўлиб, инсонга ҳам жамоага ҳам руҳий қувват, маънавий озуқа ҳамда маданий завқ беради.

Абу Али Ибн Сино фикрича, «мусиқа ҳаётбахш, олижаноб ахлоқий хусусиятларни ривожлантиради, у инсонга хизмат қилади, унинг интеллектуал ва ахлоқий қиёфасини шакллантиради» [Н.Алаутдинова. 2008: 7 б]. Ибн Сино «Китоб аш-шифо» рисоласида таъкидлаб ўтишича, мусиқа инсон табиатини тубдан ўзгартириб, шахслараро ўзаро алоқа ва муносабатлар шаклини юзага келтиради ҳамда шахс ва жамият руҳини даволайди деб, мусиқий оҳангга катта эътибор беради.

Абдурахмон Жомийнинг «Рисолаи мусикий» асарида жамоатчилик фикри уюшқоклигида, жамиятдаги шахслараро муносабатларнинг қарор топишида, ижтимоий онг шакллариининг ҳар бири, хусусан мусикани инсон фаолиятида аҳамияти нечоғли муҳим эканлиги тўғрисида батафсил маълумотлар келтирилган. Хусусан, унинг фикрича мусиқа – инсоннинг табиий ва ижтимоий эҳтиёжлари маҳсули бўлиб, жамиятдаги онг ноёб туйғуларни ифодалаш асносида инсонга завқ ва шавқ беради ҳамда ўз ўзини ички эмоционаллашувига (ташқиллаштиришда) ёрдам бериб, хусусий ва умумий муаммоларини ечишда кўмакчи эканлигини таъкидлаб ўтади.

Жомий қарашларида мусиқа «ҳар давр ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-мафкуравий ҳаётининг муҳим ва таъсирчан воситаси бўлиб»[uz.denemetr.com], келганлиги илмий-бадий жанрда ёритилиб, у мусикани нафақат халқнинг маънавий эҳтиёжларини қондирувчи омил, «балки кишиларнинг мавжуд ижтимоий тузумга, жамиятга, ҳаётнинг салбий ҳодисаларига нисбатан бўлган қарашларини ҳам акс эттирувчи руҳий-маънавий куч деб билади»[uz.denemetr.com]. XX аср бошларида Туркистондаги мустамлакачиликка қарши миллий-озодлик кайфиятларини ифодаловчи «Минг лаънат», «Элликбоши», «Хон зулми», «Поездингни жилдирган...» мисралари билан бошланадиган кўшиқлар туркуми шулар жумласидандир. Аллома оммани (жамоатчилик фикрини) руҳлантириш, маънавий қувватлантириш, дилда тетиклик, танада жушқинлик иммунитетини оширишда мусикий оҳангдан кўра кучли таъсир воситаси йўқдир, дейди. Дарҳақиқат ўз даврининг буюк олими Гёте «мусиқа тинглаб роҳат қилганимдан сўнг, доимо иштиёқ билан ишга киришиб кетаман»[Н.Алаутдинова. 2008: 20 б] – деб, бежиз айтмаган эди.

Умуман олганда, санъатнинг ҳар бир турида жамоатчилик фикрини шаклланишига замин яратувчи ёки тўғридан-тўғри таъсир этиш, яъни инсон дунёқарабини ўзгартириш, ташқи оламга (жамиятга) бўлган муносабатини ташқиллаштириш, бошқариш ва назорат қилиш имконияти кенг бўлган элементлар мавжуд. Масалан, театр санъати инсонда объектив борлиққа бўлган муносабатни шакллантириб, жамият ҳаётида кечаётган воқеа-ҳодисаларни сўз, хатти-ҳаракат, мусикий соз ва куй оҳанги, рақс ижроси, понтомимо ва бошқа услубда ифодалайди. Театр санъатида жамоавий иштирок, яъни режиссёр, драматург, актёр ва рассомнинг ижодий изланишлари муҳим ҳисобланиб, у жамоа билан ишлай (фаолият) олиш кўникмасини шакллантиради, бу айниқса ёш авлод учун жуда зарур машғулоти тури ҳисобланади.

Театр санъатининг афзаллик жиҳатлари кўп. Театр нафақат шахс, балки жамоадаги ахлоқий-руҳий ҳолатни шакллантириш бўйича ҳам катта тажрибага эга. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоиз: ахлоқий-руҳий қувват бу – жамоатчилик фикрини ўрганиш, унда юксак ахлоқий-руҳий сифатларни қарор топтириш, вазиятни баҳолаш, психологик таъсирларга қарши туриш, машаққатларга бардош бериш каби хусусиятларни шакллантиришдан иборат бўлган комплексли мажмуадир. Шунинг учун ҳам «буюк маърифатпарвар Маҳмудхўжа Бехбудий «Театр – бу ибратхонадур», деб айтган»[И.А. Каримов. 2008: 144 б] эди.

Кенг жамоатчилик ўртасида оммалашган санъат турларидан яна бири кино санъати ҳисобланиб, у асар ёзувчиси, драматург, режиссёр, актёр, оператор, рассом, композитор каби ижодий гуруҳ ходимларидан иборат жамоа меҳнати натижасида юзага келувчи маҳсулотдир.

Кино санъатининг тўрт асосий шакли мавжуд бўлиб, буларга бадий фильм, илмий оммавий кино, ҳужжатли фильм ва мультипликацион киномни киритиш мумкин. Ҳар бир тур ўз жанридан келиб чиққан ҳолда жамоатчилик фикрига таъсир этиб, ўз воқеалари иштирокчисига айлантириш қобилиятига эгадир. Масалан, илмий оммабоп кино томошабинларни табиат, жамият, ижтимоий ҳаёт, илмий кашфиёт ва ихтиролар билан таништириш асносида, шахс дунёқарабини кенгайтиради ҳамда ички руҳий кечинмаларини бошқаришни (мослаштиришни) ўргатади.

Кинонинг ҳужжатли фильм турида – тарихий жараён, бўлиб ўтган воқеа ҳодисалар бадий жанрда тасвирланиб, кишида ўзликни англаш (агар кино миллий йўналишдаги воқеалар асосида ишланган бўлса), тарихий хотирани тиклаш, шахсий ғурур, жавобгарлик, яъни масъулият ҳиссини шакллантириб, инсонда ватанпарварлик туйғусини ривожлантиради.

Бу жараён жамоадаги қарашлар тизимида уйғунлаштирилса (яъни бундай жанрдаги кинолар ёши, жинси, миллати, этник бирлиги бир-бирига яқин бўлган аудитория кесимида намоёйиш этилса), жамоатчилик фикрида функционал-интеграциялашувни юзага келишига замин яратади.

